

37
07-13

АБДУЛАЗИЗ АБДУРАҲМОНОВ

ФАЛСАФА



«Фан»


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган Давлат Университети

АБДУЛАЗИЗ АБДУРАҲМОНОВ

ФАЛСАФА

(илмий, ўқув-услубий қўлланма)



Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
"Фан" нашриёти
2009

Ушбу монография мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги тараққиёти, ундаги ўзгаришлар ва янгиликларни ижодий-фалсафий таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда ёзилди.

Китоб олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Хайрулла Қосимов

Тақризчилар:

фалсафа фанлари доктори

А.Қодиров

фалсафа фанлари доктори, профессор

М.Исмоилов

ISBN 978-9943-09-806-0

© Ўзбекистон Республикаси ФА,
"Фан" нашриёти, 2009 йил.

*Қирқ йиллик садоқатли умр йўлдошим
Мавлудахоннинг ёрқин хотирасига
бағишлайман.*

Муаллиф.

МУҚАДДИМА

Ушбу китобда фалсафий муаммоларга марксча-ленинча бир томонлама ёндашишлардан воз кечилиб, Шарқ фалсафасига, буюк аждодларимизнинг тасаввуф фалсафаси бўйича яратган, Марказий Осиё учун хос бўлган уч тариқатдаги (Яссавия, Кубровия, Нақшбандия) қарашлари асосида ёндашилди.

Шунингдек, фалсафанинг асосий масаласи, инсон муаммоси эканлиги, Ўзбекистон мустақиллигининг назарий-фалсафий асослари, миллий истиқлол мафкурасини яратиш, борлиқ муаммоси, табиат фалсафаси жамият (ижтимоий борлиқ), инсоний муносабатлар, маънавий борлиқ, фалсафанинг методологик вазифалари, қадриятлар, фалсафанинг қонун ва категори-ялари каби мавзуларни янгича фикрлаш асосида ёритишга ҳаракат қилинди.

Яқин пайтларгача фалсафий дунёқараш синфийлик, парти-явийлик ва, энг аввало, унинг идеалистик ёки материалистик характериға қараб белгиланарди. Фалсафа тарихи эса идеа-лизм ва материализм ўртасидаги кураш тарихидан иборат деб, буларнинг бири иккинчисисиз бўлиши мумкин эмаслигини, улар ўртасидаги диалектик алоқадорликни, булар ягона дунё-қараш — фалсафий мушоҳаданинг мустақил соҳаси бўлиб, ҳар доим улардан бирини абсолютлаштириш ноўрин эканлиги таъ-кидланди.

Фалсафа сиёсатдан, синфийликдан бегона бўлмаганидек, ман-фаатсиз фалсафа, маълум мақсадға хизмат қилмайдиган, сиё-сатдан ажралган фалсафий дунёқараш ҳам бўлмайди. Аммо бу

манфаатни ҳар доим синфий кураш даражасига олиб чиқиш ҳам тўғри бўлмайди.

Маъруза матнларида фалсафа тараққиёт, зиддиятлар қарама-қаршиликлар бирлигисиз бўлмагани каби ижтимоий тузумга, сиёсий ташкилот, сиёсий норма, назария ва қараешларга файласуфларнинг муносабати сифатида вужудга келганлигига эътибор берилди.

Фалсафа фанида инсоният томонидан яратилган маънавий бойликлар, ҳикматлар хазинаси тўпланган бўлиб, унда атоқли файласуфларнинг маънавий мероси муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар бир даврнинг буюк донишмандлари ўз юрти ва халқининг тафаккури, руҳияти ҳамда орзу-интилишларини фалсафий таълимотларида ифода этганлар, жамият фаровонлиги ва миллий равнақи учун хизмат қиладиган юксак ғояларни ўртага ташлаганлар. Буюк мақсадлар ва ғояларни халқларнинг муайян давр мафкурасига айланишида фалсафий билимлар катта аҳамият касб этган.

Инсоният азал-азалдан олам ва одам нима, улар қандай пайдо бўлган, воқелик қандай қонуният асосида яшайди, ўзгаради ва тараққий этади, деган саволларга жавоб излаб келган. Ҳаётнинг мазмуни нимадан иборат, авлодлар ортидан авлодлар келиб-кетаверишида қандай маъно бор каби масалалар барчани ўйлантиради. Фалсафа ана шундай масалалар билан шуғулланади. У ниҳоятда қадимий фан. Олам ва одамлар ўртасидаги муносабатлар, инсон қадр ва умрининг мазмуни, дунёдаги ўзгаришлар, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик ҳамда тараққиётнинг умумий қонуниятлари фалсафанинг асосий мавзулари ҳисобланади.

XX асрнинг 90-йилларига келиб дунё миқёсида ва Ватанимиз тарихида оламшумул воқеалар юз берди. Икки қутбли: социализм ва капитализм ҳисобланган тизим ўрнига кўп қутбли дунё намоён бўлди; мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўзига хос тараққиёт йўлини танлади. Ривожланишнинг “ўзбек модели”ни амалга оширишга киришилди. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик жамият барпо этиши зарурати дунёқарашни тубдан ўзгартириш, эски ақидалардан тамоман воз кечиш, истиқлол мафкурасини шакллантириш, халқ маънавиятини юк-

салтиришни тақозо этмоқда. Бунда ижтимоий фанларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Президентимиз Ислоҳ Каримов тўғри таъкидлаганидек, “Бугун биз тарихий бир даврда-халқимиз ўз олдига эзгу ва улўғ мақсадлар қўйилиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз”. (И.Каримов. Юксак маънавият –енгилмас куч. Тошкент “Маънавият”-2008, 3-бет).

Фалсафа – барча фанлардан озиқланадиган умуминсоний ва универсал фан. Унинг ҳаётийлиги халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига қанчалик мос келиши, жамият манфаатлари ва эзгу интилишларининг қай даражада акс эттира олишига боғлиқ.

Шўролар даврида сўз ва виждон эркинлиги турли йўллар билан бўғиб келингани, бир ёқлама дунёқараш зўрлик билан сингдирилгани, қуруқ сафсатага, зерикарли ақидага айлантирилгани аччиқ ҳақиқатдир. Шу боис у ўз даври мафкураси билан бирга ўтмишга айланди. Бугунги кунда тушунарли тарзда ёзилган ва ёзилаётган қўлланмалар, халқчил китоблар, афсуски ҳозирча ҳали ҳам етарли деб бўлмайди.

Кўпинча фалсафадан мутахассис бўлмаганлар уни энг қийин ва мавҳум фан деб ҳисоблайдилар.

Бунинг сабаби шуки, фалсафа 70 йилдан кўпроқ йиллар мобайнида оддий ва равон тилда тушунтирилмади, аксинча, турли қонун ва қоидалар хилма-хил таълимот ва ғоялар мажмуидан иборат мураккаб фан сифатида талқин этилар эди. Фалсафа тарихий воқелик билан бирга боғлаб тушунтирилмасдан, фалсафий таълимот ўз асосчилари ҳаётининг узвий қисми экани ёддан чиқарилар эди. Оқибатда фалсафа мутахассиси бўлмаган талабаларнинг ниҳоятда оз қисмигина бу фаннинг асл моҳиятини тушуниб оларди, холос. Аксарият ёшлар эса фалсафа оламига кириб бора олмасдан, гўёки катта шаҳар бошланадиган жойда шаҳарга кира олмай қолиб кетарди.

Ундайлар наздида фалсафа тушунарсиз, мавҳум, ортиқча фан бўлиб, фақат баҳо олиш учун ёдланган қонун-қоидалар ҳисобланиб, тезда унутилар эди. Уларда фалсафа қонунларини

ҳаётга татбиқ этиб бўлмайдди, бу фойдасиз билим соҳаси, бинобарин уни ўрганишга сарфланган вақт бекорга ўтди, деган аламли қарашлар шаклланди. Аслида фалсафанинг асосий вазифаси — инсон онгида соғлом ақлга мос дунёқарашни шакллантиришдан иборат.

Бундай дунёқараш қуруқ ёд олдириш орқали эмас, балки ишонтириш, хилма-хил фикрлашларни ўртага ташлаш, муҳокама қилиш, зарур тушунча, тамойилларни аниқлаш жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Бу борада қуйидагиларга эътибор қаратмоқ зарур бўлади:

— фалсафа жаҳон маданияти ва цивилизациясининг муҳим таркибий қисми эканлиги;

— фалсафий ғоялар, муаммолар, оқим ва йўналишларни тавсифлашда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг уйғунлиги сифатида;

— хилма-хил фалсафий оқим, таълимот ва турли қарашлар бир бутун жараённинг ифодаси бўлган билимлар тизими сифатида ҳолис баён қилиш;

— мавзуларни аниқ шароит ва жараёнлар билан боғлаб тавсифлаш, уларни изоҳлашда умумбаشارий ва миллий миқёсда далил ва мисолларга таяниш;

— ҳар бир мавзунини Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар билан узвий боғлаб тушунтириш;

Бу жараёнда бирор-бир ғоя, оқим, йўналиш ёки фалсафий таълимотни мутлақлаштириш, бошқасининг аҳамиятини камситиши мумкин эмас, аксинча уларнинг барчасини ҳолис талқин этиш, фалсафа фанидаги хилма-хил оқимлар ва таълимотлар ҳақида тўғри ва ҳолисона тасаввурни шакллантириш талаб этилади.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг одамлар онгида мустабид тузумнинг сохта ғояларини, улар қолдирган асорат-зарни сиқиб чиқариш, мафкуравий бўшлиқни янги ғоялар билан тўлдириш, миллий истиқлол ғоясини кишилар қалбига сингдириш каби ғоялар билан фалсафани ривожлантириш имкониятлари яратилди.

Маърузалар матнида Респубика файласуфлари миллий жамияти томонидан 2000 йилда ишлаб чиқилган дастурга ижо-

дий ёндашилди ва ТошДУ профессори И.Раҳимовнинг 1995 йилда Тошкентда чоп этилган “Фалсафа” қисқача конспекти ҳамда 1999 йилда академик Э.Юсупов таҳрири остида Республика мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тавсия этилиб 2000 йилда Тошкентда чоп этилган “Фалсафа” маърузалар матни ҳамда Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти томонидан 2005 йилда чоп этилган “Фалсафа асослари” ўқув қўлланмаси, “Университет” нашриёти томонидан 2005 йил чоп этилган “Билиш фалсафаси” китоби, Низомий номидаги ТДПУ нашриёти томонидан 2007 йилда чоп этилган И.Каримов ва М.Рустамоваларнинг “Фалсафа фани тарихи ва назарияси” деб номланган (методик қўлланма) ва “Ақдетіуа” нашриёти томонидан 2005 йил чоп этилган “Миллий истиқлол ғояси” бакалавр босқичи учун дарслик каби китоблар асос қилиб олиниб, ижодий ёндошилди.

Монографияда фалсафанинг барча қирраларини ёритиш имконияти йўқлиги сабабли, китобхонга тушунарли бўлиши учун, дастлабки мавзуларга нисбатан батафсилроқ тўхталиб ўтилди.

I БЎЛИМ. ФАЛСАФА ТАРИХИ

1-мавзу: Фалсафа фани, унинг предмети ва жамиятдаги ўрни

Режа:

1. Фалсафа ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли эканлиги.
2. Фалсафа ва бошқа фанлар.
3. Дунёқараш ва унинг тарихий шакллари.
4. Фалсафанинг асосий соҳалари, вазифалари ва аҳамияти.

I. Мустақил Ўзбекистонда эскича яшаш тамойиллари асослари ўзгариши билан ҳаётни янгича фикрлаш асосида тушунтирадиган назарий билимларга эҳтиёж туғилади. Бу масалани ҳал қилишда донолик ҳақидаги билим ҳисобланган фалсафа асосий ўринни эгаллайди. Чунки жамият тараққиётининг турли босқичларида эскича яшаш асослари ўзгаргандан сўнг фалсафа энди қандай яшаш керак, инсонлар қайси йўлдан кетмоқда, уларнинг фаолияти нимага қаратилиши керак, одамларнинг яшаш мақсади, маъноси, тамойиллари нимадан иборат, инсон дунёни нима мақсадда ўрганади, инсон-дунё, инсон-жамият каби масалаларни қандай билади каби саволларга жавоб қидиради ҳамда шу асосда назарий фикрлар тизimini ишлаб чиқади.

Қадимги даврда фалсафа барча назарий фикрларни, маънавий ҳаётнинг ҳамма томонларини қамраб олувчи фикрлаш тизими сифатида пайдо бўлган.

Манбаларга кўра, Пифагор ўзини «файласуф» деб атаган биринчи шахс бўлган. Замонасининг золим ҳукмдори буюк донишманд Платонни ўзига маслаҳатчи қилиб олган. Кунлардан бир куни ҳукмдорнинг жаҳли чиқиб, уни бозорга олиб чиқиб, қул сифатида сотиб юборишни буюрган. Бозорда Пифагор шогирдларидан бири Платонни кўриб қолиб, уни сотиб олган ва озод қилган.

Фалсафанинг билимлар тизимидаги ўрни қандай? Бу саволга жавоб бериш учун маънавиятнинг турли соҳаларини кўриб чиқайлик.

Масалан: фан ҳақиқат, дин эътиқод, ҳуқуқ адолат, ахлоқ яхшилик, санъат гўзаллик, сиёсат давлат ва ҳуқуқ билан шуғулланса, фалсафа мураккаб муаммоларни ечиш билан шуғулланади.

Ҳақиқатга эришиш йўллари, ишонч ва эътиқод масалалари, адолат мезони, яхшилик тамойиллари, гўзаллик қоидалари, давлат тизими каби масалаларни донолик даражасида тадқиқ қилувчиларни файласуфлар деб атаб келганлар. Ҳозирги кунда ҳам ўз соҳасининг юксак билимдонларини файласуфлар деб аташнинг маъноси ҳам ана шунда.

Фалсафа донишмандлик ҳақидаги таълимот экан, у ҳолда донишмандликнинг ўзи нима? Қадимги юнон файласуфи Диоген (тахминан мил. авв. 400-325й) дан «Донишманд ким?», - деб сўрашганда, у: «Ҳақиқий донишманд худодир, биз донишмандликни севгувчилармиз», - деган. Демак, донишмандликни севгувчилар донолик тафаккури билан дунёни, ўзлигини билишга интилувчилардир. Сократ (мил.авв. 470-399й) ўзини-ўзи ерга уриш тубанлашиш, ўзлигини англаш, ўзлигини юқори тутиш эса донишмандликдир, деган эди.

Демак, инсонни тубанлик, разилликдан юксакликка, инсоний баркамолликка кўтарувчи барча хусусият донишмандликдир.

Донишмандлик ўзлигини, ўз моҳиятини билиш орқали дунёни инсон, инсоният, инсонийлик кўзгуси билан англаб етишдир.

2. Фалсафанинг энг асосий вазифаси кишилар онгида соғлом ақл тафаккурига мос дунёқарашни шакллантиришдир. Шундай экан, дунёқарашнинг ўзи нима? Дунёқараш дунё тўғрисидаги умумий ғоялар, қарашлар инсоннинг дунёда тутган ўрни, ҳаётий йўналиш, ишонч эътиқоди, идеали, билиш тамойиллари, ўзи ва бошқаларнинг ҳаётдаги ўрнини билиб олиш, инсон моҳиятини, ўзлигини англаши ҳақидаги қарашлар тизимидир. Дунёқараш билиш, қадрият, амалий фаолият ва уларнинг ўзаро бирлиги каби инсон фаолиятини қамраб

олади. Унинг ҳиссий, ақлий ва иродавий компонентлари бор. Дунёни билиш даражасига кўра, кундалик онг ва назарий онг даражалари бор.

Дунёқарашнинг асосий масаласи «инсон ва дунё», «мен ва мен эмас»дир. Дунёқараш ўзининг таркибига илмий, фалсафий, эстетик, ахлоқий, диний, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа қарашларни олади.

3. Фалсафий дунёқараш оламга, жамиятга, инсонга оид бўлган энг умумий ғоя ва қарашлар тизимидир. Фалсафа кишиларнинг ижтимоий-сиёсий, диний, илмий, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий йўл тутишнинг асосий тамойилларини донолик билан асослаб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Фалсафа тафаккур ривожининг буюк ютуғи ва инсоният маънавий юксалишининг муҳим омилдир. У кишиларнинг оламини билиши, жамиятнинг юксалиши, одамларнинг маҳоратини намоён қилиши, инсон қадриятларининг юксакликка кўтарилишига хизмат қилади.

4. Фалсафа борлиқни умумлаштириш, ижтимоий ва табиий билимларни синтезлаш, ҳақиқатга эришиш, инсон моҳияти, кадр-қиммати, унинг амалий фаолияти каби масалалар билан шуғулланар экан, унинг асосий соҳалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

I. ОНТОЛОГИЯ-(юннча *онтос*-моҳият, *логос*-таълимот) борлиқ, унинг моҳияти, шакллари, асосий тамойиллари ва энг умумий категориялари ҳақидаги таълимот.

II. ГНОСЕОЛОГИЯ-(*гносис*-билиш, *логос*-таълимот) билиш ҳақидаги таълимот. Билиш назарияси инсон тафаккури фаблияти қонунларини ўрганади. Фалсафий билиш моҳиятини, унинг бошқа назарий билишлардан фарқини, универсал тавсифини, билишнинг асосий босқичлари ва ҳақиқатга эришиш йўлларини кўрсатиб беради.

III. АКСИОЛОГИЯ-(*аксиос*-қадрият, *логос*-таълимот) қадриятлар инсон фаолияти, унинг йўналиши, умумий аҳамияти, уларнинг сабаблари, инсон моҳияти тўғрисидаги таълимотдир.

IV. ПРАКСИОЛОГИЯ (*праксис*-фаолият, *логос*-таълимот) инсон амалий фаолияти ҳақидаги таълимот. Инсоннинг маъ-

лум мақсадга қаратилган фаолиятининг йўналиши ва турларини, маҳсулдорлик томонга йўналтириш йўлларини ўрганадиган фалсафанинг соҳаси.

V. МЕТОДОЛОГИЯ-тафаккур усуллари ва методлари (услублари) ҳақидаги таълимот.

VI. ЛОГИКА – тафаккур шакллари (тушунча, ҳукм, ҳулоса) ва тафаккур воситаларини (таъриф, қоида, муҳокама, тафаккур қонуниятлари), уларнинг мазмунидан қатъи назар, ҳолис ўрганувчи таълимот.

VII. ЭТИКА – ахлоқ фалсафаси, инсонларнинг ахлоқий тамойиллари, талаб ва тартиб-қоидалар тўғрисидаги фан.

VIII. ЭСТЕТИКА – нафосат фалсафаси, жамият ва инсон ҳаётида гўзалликнинг ўрни, қонун-қоидалари тўғрисидаги қарашлар мажмуаси.

Фалсафа кишиларга олам тўғрисида яхлит тасаввур беради, бошқа фанлар эса, унинг айрим жиҳатларини ўрганеди. Рус мутафаккири А.И.Герцен таъкидлаганидек, “Фалсафа бир улкан дарахт бўлса, бошқа фанлар унинг шохларидир”.

“Фалсафа” атамаси қадимги юнон тилидаги “философия” (“филе”-севаман ва “софи”-донолик) луғавий маънода “до-нишмандликни севиш” деган мазмунни англатади.

Фалсафанинг асосий хусусияти шундан иборатки, бу фан вужудга келган вақтлардаёқ у бир қадар яхлит дунёқарашдан иборат эди, яъни дунё тўғрисида: табиат, жамият, инсон тўғрисидаги умуминсоний қарашлар тизимидан иборат эди.

Фалсафа дунё тўғрисидаги шунчаки қарашлар ва тасаввурлар мажмуасидан эмас, балки тизимидан иборатдир. У муайян нуқтаи назарни илмий – онгли равишда амалга оширишнинг натижаси, муайян принцип(тамойил)ларнинг йиғиндисидир.

Фалсафа ўз тараққиётининг турли босқичларида турли масалаларни ўрганиб келган.

Қадимда барча фанларни, улар қандай илмий масалалар билан шуғулланишларидан қатъи назар, философия деб атаганлар. У ҳам ижтимоий борлиқ, ҳам табиат тўғрисидаги илм ҳисобланар эди. Шу маънода, дастлабки фалсафа олам ва унда инсоннинг ўрни ҳақидаги қарашлар тизимидан иборат бўлиб, дунёни илмий билиш заруратидан келиб чиққан эди. Фалсафа

дастлаб ҳозир махсус фанларга ажралиб кетган кўпгина муаммоларни ўз ичига олган эди. Фалсафа баҳс этадиган мавзунини тушуниш ҳар қанча ўзгарган бўлсада, уни қизиқтирган масалалар ҳамиша дунёқарашнинг туб масалалари — бизни қуршаб турган дунё нима, бу дунё абадий мавжудми ёки бирон-бир йўл билан пайдо бўлганми, дунёда инсон қандай ўринни эгаллаб турибди, онгимиз нимадан иборат, бу онг дунёга қандай қарайди ва бошқа шу кабилар тўғрисидаги саволларга жавоб излайди.

2. Дунёқарашнинг асосий масаласи тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг табиатга муносабати, яъни олам ва одам масаласидир.

Озми-кўпми изчил бўлган дунёқараш албатта иккидан бирининг — материянинг ва руҳнинг ўзаро таъсирини эътироф этишга асосланади.

Фалсафа фанининг муаммолари, ўз хусусиятларига кўра, умумий ёки хусусий, азалий ёки ўткинчи бўлиши мумкин.

Олам ва одам муносабатлари дунёнинг мавжудлиги, ундаги ўзаро алоқадорлик ва тараққий этиши, инсоният ҳаётидаги адолат ва ҳақиқат, яхшилик ва ёмонлик, уруш ва тинчлик, умрнинг мазмуни, табиат ва жамият тараққиётининг асосий тамойилларига боғлиқ бўлган кўпдан-кўп масалалар фалсафа ва фалсафий билим соҳаларининг умумий ва азалий муаммолари қаторига киради.

Қадимги Юнонистон ва Римда оламнинг асосида нима ётади, унинг моҳияти нимадан иборат деган масалалар “Субстанция” тушунчаси ва унинг мазмунини қандай тушунишига қараб ўзига хос ифодаланган. Бу субстанцияни юнон файласуфи ва математиги Пифагор, ҳамма нарса сонлардан ташкил топган деган бўлса, Платон (Афлотун) борлиқ ғоялардан иборат, деган. Демокрит эса оламнинг асосида атомлар (атом тушунчаси ўша даврда бўлинмас заррача маъносида ишлатилган) ётади, деб тушунтирган.

Шу масаланинг ҳал қилинишига қараб монизм, дуализм плюрализм, материализм ва идеализм каби қатор фалсафий таълимотлар шаклланган.

Дунёни билиш мумкин деган файласуфларни — гностик-

лар, билиш мумкин эмас, билимларимиз тўғри ва аниқ ҳақиқат даражасига кўтарила олмайди деювчиларни эса - агностик (юнонча — *йўқ*, *билиш йўқ*, *билиб бўлмайди* деган маънони англатади) деб юритилади.

Ҳар бир кишининг дунёга нисбатан ўз қараши ўзига ва ўзгалар, ҳаёт ва олам тўғрисидаги тасаввурлари, хулосалари бўлади. Шу боис дунёқарашнинг индивидуал ва ижтимоий турлари мавжуд.

Тарихий тараққиёт турлари жиҳатидан дунёқарашнинг афсонавий (мифологик), диний, илмий-фалсафий, материалистик ва идеалистик шакллари бўлади.

Фалсафа фанининг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва аҳамияти — унинг дунёқарашни шакллантириш, услубий, гносеологик, эвристик, педагогик-дидактик, праксиологик вазифаларидан иборат.

Фалсафа фанининг услубий вазифасини изоҳлаш учун, аввало, услуб(методология) тушунчасини билиб олиш лозим. Ҳар бир фаннинг ўз тадқиқот методи ўша фаннинг ўзигагина ишласа, методология фалсафа фанининг тадқиқот объектини ўрганиш билан бирга бошқа фанлар, соҳалар учун ҳам энг умумий тамойиллар, йўл-йўриқлар, усул ва воситаларни кўрсатиб берувчи тизимдир. Методология сўзининг мантиқий мазмуни ҳам борлиқни билишнинг усул ва воситалари ҳақидаги таълимот, деган маънони англатади.

Шу маънода фалсафа бошқа фанлар учун методологиядир.

Фалсафанинг гносеологик вазифаси, унинг борлиқни билиш учун умумий методлар тизимини яратиш билан боғлиқ.

Фалсафанинг эвристик вазифаси (“эврика”-грекча- кашф этиш маъносини беради) гносеологик вазифа билан боғлиқ бўлиб, табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг умумий янги қонуниятларини кашф этишини, ўзини-ўзи англашни ва келажак истиқболларини кашф этиш билан белгиланади.

Фалсафа педагогик тарбия вазифасини ҳам бажарали. “Ахлоқ” фалсафаси кишида юксак ахлоқий меъёрлар — ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ғоявийлик, эътиқод ва масъулиятни тарбиялайди. “Ҳуқуқ фалсафаси” ҳуқуқий билим,

хуқуқий маданият, “Табиатшунослик фалсафаси” таълим-тарбия соҳасида ўзига хос аҳамиятга эга.

Фалсафанинг праксилогик вазифаси фалсафий ғоя ва назарияларнинг ижтимоий ҳаётга амалий татбиқ этилиши билан ифодаланади.

Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик хусусида гап кетганда таъкидлаш жоизки, дунёда ўз миллий фалсафа мактабини яратган халқлар кўп бўлган. Уларнинг ғоялари умуммиллий мулкка айланганлиги сабабли миллий фалсафа дейилади.

Ҳинд ва Хитой фалсафаси, немис, инглиз фалсафаси Шарқ ва Марказий Осиё халқлари фалсафаси шулар жумласидандир.

Албатта, фалсафа умуминсоний фан сифатида башариятга доир умумий муаммоларни қамраб олади.

Фалсафа тарихига назар солсак, айрим миллий фалсафаларнинг умуминсоний маънавият хазинасига ҳисса қўшганлигини кўрамиз. Масалан, Рим империяси таназзулга юз тутгандан сўнг ўз миллий давлатчилигига эга бўлган Европа мамлакатларида, ўрта асрга келиб, миллий фалсафа яратиш имкони туғилди.

Миллий фалсафа миллат менталитетини белгилайдиган омил эканлиги ҳисобга олинса, умумбашарий цивилизация узвий қўшилиш жараёнида миллий фалсафани яратиш орқали содир бўлади.

XVIII-XIX асрларда миллийлик ва жаҳон фалсафасининг тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатган ҳудуд Пруссия бўлди. Анча вақт Австрия-Венгрия империяси таркибида бўлган бу ўлка мустақилликка эришиб, миллий давлатчиликни тиклагандан кейин, миллий озодликнинг фалсафий ифодаси (инъикоси) сифатда И.Кант, Гегель, Фихте, Шеллинг, Фейербахлар томонидан асосланган немис фалсафаси шаклланди. Бу фалсафа мактабининг атоқли намояндаси янги замоннинг Арастуси ҳисобланган Гегель таълимоти эса ўз даврида Прусс монархияси давлат фалсафаси ва мафқураси мақомини олди.

Шунга ўхшаш вазифани ўз даврида улуг мутафаккир ва шоир Алишер Навоий ҳам бажарган. У озодликка эришган миллат фалсафасини адабиёт фалсафасига, мустақил давлат тилини

адабиёт тилига айлантира олган, ўз халқининг бу соҳадаги даҳоси буюк эканлигига нафақат замондошлари, балки келажак авлодларни ҳам ишонтира олган эди. Бугунги кунда Навоий ва унинг замониغا, ўша даврга хос ўзгаришларнинг бошида турган соҳибқирон Амир Темур фаолиятига қайта-қайта мурожаат этилишининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Ҳар бир фалсафий ғоя, мафкура, билимлар тизими асосан ўз даврининг хусусиятларини акс эттиради. Кишилик жамияти ҳеч қачон бир текис ва силлиқ ривожланмаган. Тараққиёт ортидан инқилоблар, ютуқлар кетидан мағлубиятлар, фаровонликлар изидан заволга юз тутишлар таъқиб этган. Ҳар сафар шундай тарихий бурилишлар даврида “Фалсафа нима ўзи”, “У кимга керак” деган масала долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг фалсафа фанми ёки фан эмасми, деб шубҳа билан қаровчилар нафақат бошқа касб мутахассисликлари, ҳатто, файласуф олимларимиз орасида ҳам бўлганлигига гувоҳмиз.

Метод — инсон амалий фаолиятида ишлатиладиган умумий усул ва қоидалардир. Бу қоидалар турлича бўлиши мумкин, жумладан, илмий билишнинг усуллари, фалсафий тафаккурнинг энг умумий методлари ва бошқалар. Улар борлиқнинг универсал мантиқий категория ва қонунларидан иборат. Ҳар бир мутахассис ўз ишининг икир-чикирларини олиши, уни осон ва қисқа вақт ичида ҳал қилишнинг турли йўллари топа билиши керак. Биз буни мутахассислик тафаккури ва унинг усуллари деймиз. Умуман, жамият учун, цивилизация учун тафаккурнинг умумий йўналиши, умумий услуби характерли бўлиб, мутахассислик тафаккурини халқ, миллат, қадрият, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтариш зарур. Бунинг учун тафаккурнинг умумфалсафий методларидан фойдаланилади.

Шу маънода фалсафа бошқа фанларнинг методологиясини, умумий мантиқини ташкил этади. Фалсафада метафизика, диалектика каби услублар борлигини биламиз. Ҳозирги даврда улардан ташқари тафаккур тараққиётини, умумий йўналишини кўрсатувчи гуманистик диалектика, синергетика, гер-

меневтика, структурализм, руҳий таҳлил каби янги фалсафий услублар пайдо бўлдики, улар фанда, ижтимоий ҳаётда борган сари кенг қўлланилмоқда.

Фалсафий тафаккур дунёни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, инсон ва унинг дунёга бўлган муносабатининг турлича шаклларини кўрсатиб беради. Бироқ у маънавий маданиятнинг бошқа шаклларига қараганда чуқурроқ бўлиб, улардан ўз қонун-категориялари билан, ақл кучининг салоҳияти билан, ўрганиш усули билан фарқ қилади. Фалсафий онг маънавиятнинг бошқа шакллари томонидан ўзлаштирилган дунёни қайтадан чуқурроқ, бир бутун ҳолда, инсоний муносабатлар нуқтаи назаридан тушунишга қаратилган.

Фалсафий тафаккур ўз тарихий тараққиёти давомида бир қанча босқичларни босиб ўтган.

Қадимги дунё мутафаккирлари табиат ҳодисаларининг келиб чиқиши, моҳиятини тушуниб олишга интилганлар. Натурфилософия фалсафий тафаккурнинг биринчи тарихий шакли бўлган. Бу даврда фалсафа барча билимларни ўз ичига олган.

Қадимги Юнонистон ва Римда бундан 2,5-3000 минг йиллар аввал фалсафа пайдо бўлган вақтлардан бошлаб “Фалсафа энди йўқ бўлди, уни ўрганишнинг ҳеч бир зарурати қолмади” қабилдаги гаплар кўп такрорланиб турган.

Кимдир бу дунёга унинг сир-асрорлари тўғрисида бош қотирмай келиб-кетади, умрини ейиш-ичиш, уй-рўзғор ташвишлари билан ўтказиши. Бошқаси савдо-сотиқ қилиш, бойлик кўпайтириш, нафс балосига берилиш оқибатида, мол-мулкка ружу қўяди. Учинчиси эса, ҳаётдан маънавий озиқ, завқ олиш, ҳақиқатни билиш ва аниқлашни мақсад қилиб, олам ҳикматларини ўрганади, умрини хайрли ва савоб ишларга сарфлайди, бошқалар учун ибрат бўларли ҳаёт кечиради. Ана шу учинчи гуруҳ кишилари Пифагор талқинига кўра файласуфлардир.

Қадимги Шарқ ва Юнонистонда ҳар томонлама чуқур билим ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кишиларни файласуфлар деб атаганлар. Фозил ва комил инсонларгина фалсафа билан шуғулланганлар.

Юнон файласуфи Гераклит (мил.авв. 520-460) шогирдларига мурожаат қилиб, “Дўстим, сен ҳали ёшсан, умрингни бекор ўтказмай десанг, фалсафани ўрган”, деганда айнан ана шу ҳақиқатни назарда тутган.

Қуйидаги ривоят жуда ибратлидир. Милоддан аввалги биринчи асрда яшаб ўтган буюк файласуф, шоир Лукреций Карнинг шогирдларидан бири унга қараб: “Устоз, фаннинг бошқа соҳаларига оид илмлар жуда кўпайиб кетди. Энди фалсафани ўрганишнинг ҳожати бормикан”, дебди. Шунда улуф файласуф: “Фалсафани Сукрот, Афлотун, Арасту каби буюк алломалар яратган. Лекин эндиликда инсониятнинг буюк мутафаккирлари яратган бу фанни ўрганмаслик ҳар қайси нондоннинг ҳам қўлидан келадиган иш бўлиб қолди”, деган экан.

Фалсафа кишиларга олам тўғрисида яхлит тасаввур беради, бошқа фанлар эса унинг айрим жиҳатларини ўрганади. Шунинг учун ҳам замонлар ўтиши билан одамзод барибир фалсафага эҳтиёж сезган ва у инсоннинг маънавий камолотида беқийс аҳамият касб этишига қайта-қайта ишонч ҳосил қилган.

XVII-XVIII асрларда махсус билимлар ва унинг усуллари вужудга келиши билан фалсафанинг шуғулланадиган доираси чегараланган бўлса-да, унинг асл масалалари (фалсафий масалалари) чуқурлашиб, бойиб борди. Фалсафанинг ўзига хос вазифаси аниқланди.

Юқорида айтилган соҳалар фалсафанинг шуғулланадиган томонидир. Фалсафада умумий назариялар, ғоялар билан бирга ҳар бир соҳанинг ўзига хос фалсафий муаммолари ҳам бор. Шунинг учун Аристотель умумий фалсафий назария билан бирга ҳар бир соҳанинг тегишли фалсафий муаммоси мавжудлигини кўрсатган эди.

Гегель ҳам фалсафа, адабиёт, тарих, ҳуқуқ, санъат, дин, ахлоқ фалсафасига бўлиниб, ҳар бир соҳанинг фалсафий муаммоси борлигини таъкидлаган эди.

Ҳозирги даврда билимлар тизимини турли соҳалари билан шуғулланувчи фалсафий йўналишлар мавжуд. Булар табиат фалсафаси, тарих фалсафаси, сиёсат фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси, дин фалсафаси, ахлоқ фалсафаси, фан, маданият, тил фалсафалари кабилардан иборат.

Демак, фалсафа тафаккурнинг умумий назариялари, умумий принциплари ҳақидаги таълимот бўлиши билан бирга, инсон маънавий ҳаётининг муҳим бир таркибий қисми, унинг юксак шакли, мазмуни сифатида ҳам намоён бўлади.

Фалсафанинг мазмуни ва фалсафий билиш чегараланмайди. Билишсиз файласуф бўлиш мумкин бўлмаса-да, бироқ унинг ўзи билан мақсадга эришиб бўлмайди, билишнинг амалий аҳамияти, қадрияти, инсон моҳиятини намоён қилиш, давр талабига ҳамоҳанг бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

«Донишмандлик билишгина эмас, у, даставвал, ҳаёт фаолияти тарзидан иборат. «Ҳақиқий файласуф амалий, ҳаётӣ, донишмандликнинг устозидир», — дейди Кант. Ҳақиқий файласуф бутун донишмандлик ҳақидаги таълимотга эга бўлиш билан бу билимларни инсонларга яхшилик қилишга қаратади. Ана шундагина ўзининг бу дунёда тутган ўрнини англаб олиши мумкин.

Фалсафанинг олий мақсади инсонпарварликдир. Шунинг учун инсон, инсоният, инсонийлик ҳозирги замон гуманистик фалсафасининг асосий масаласи бўлиб, инсон моҳияти, борлиги, билими, қадриятини таҳлил қилишдан иборат.

Фалсафанинг вазифаси ёш авлодда сиёсий, ҳуқуқӣ, динӣ, эстетик ахлоқӣ, табиӣ-илмӣ дунёқарашни, уларда табиатга, жамиятга, ўз ватанига, халқига, миллатига, унинг моддий-маънавий бойлигига янгича қарашлар тизимини шакллантиришдан иборат. Фалсафа ўз-ўзини англашга, миллатни, халқни, ўзлигини билишга, ҳар бир одамнинг дунёда тутган ўрнини белгилаб олишга кўмаклашади, уларга донолик асоида фикрлашни ўргатади.

Ҳозирги замон фалсафасида бошқа соҳаларга қараганда қадриятлар тўғрисидаги таълимот биринчи ва асосий ўринга чиқди. Бу соҳа умуминсоний қадриятлар билан миллий қадриятларнинг уйғунлигини кўрсатиш, уларнинг мазмунини тушунтириш вазифасини кўяди.

Маълумки, ҳар бир тарихий давр ўзига хос дунёқараш тизимини ва уни ҳимоя қилиш, такомиллаштириш, ривожлантиришнинг назарӣ асоси бўлган ғоялар тизимини — мафкурани тақозо қилади. Худди шу маънода ёшларни миллий

истиқлол руҳида тарбиялаш тараққиётимизнинг объектив за-
рурий эҳтиёждир. Бу улугвор вазифани бажаришда фалсафа-
нинг фанлар тизимидаги назарий-илмий ва тарбиявий аҳами-
яти ортиб бориши табиийдир. Демак, ёшларнинг табиат, жа-
мият фанларидаги янгиликлар донолик қонунлари асосида
таҳлил қилишга, янгича фикрлашга ўргатиш, уларни муста-
қиллик қадрига етадиган уни ҳимоя қиладиган ва мустақкам-
лаш учун курашадиган, замон билан ҳамнафас бўладиган шахс
қилиб тарбиялаш, келажаги буюк бўлган давлатимизнинг асо-
сий принциплари: демократик ҳуқуқий давлат, эркинлик,
озодлик, мустақиллик тушунчаларини ёшлар онгига сингди-
риш мустақиллик фалсафасининг асосий вазифасидир.

Таянч тушунчалар:

Фалсафа, инсон, дунё, табиат, жамият, донишмандлик,
онтология, аксиология, методология, гносеология.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Фалсафа вужудга келган даврдаги шароит.
2. Фалсафанинг бошқа фанлардан фарқи нимада?
3. Қандай дунёқараш турлари мавжуд?
4. Фалсафанинг асосий вазифаси нима?

Адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1998.
2. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Асарлар 5-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
4. Введение в философию. В двух частях. М.: Политиздат, 1989.
5. Мир философии. Том 1. М.: Политиздат, 1991.

6. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тарихидан. Т., 1995.

7. Основы философии / Под редакцией Ахмедовой М.А и Хан В.И. Т.: «Узбекистан», 1998.

8. Раҳимов И. Фалсафа (қисқача конспект). Т.: “Университет”, 1998.

9. Фалсафа (Акадамик Э.Юсупов таҳрири остида). Т.: «Шарқ», 1999.

10. Фалсафа асослари. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

11. Абдурахманов А. Диалектика преемственности в развитие культуры. Т.: “Фан”, 1990.

12. Низомитдин Шомий. «Зафарнома». Т., 1996.

13. Чориев А. Инсон фалсафаси. Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2007.

2-мавзу: Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафаси

Режа:

1. Қадимги Ҳиндистон ва Хитойдаги фалсафий қарашлар.

а) Қадимги Марказий Осиё халқларининг фалсафий қарашлари.

2. Қадимги Ғарб фалсафаси.

3. Софистик қарашлар.

Маълумки, яқин-яқингача диалектик материализм фалсафадаги энг тўғри таълимот, фалсафа тарихини таҳлил қилишда эса бош мезон деб келинган, шунинг натижаси ўлароқ фалсафанинг асосий масаласи материализм билан идеализм ўртасидаги курашдан, фалсафа тарихи эса материализм билан идеализм, диалектика билан метафизика ўртасидаги кураш тарихидан иборат, дея талқин қилинган. Мутафаккирларнинг қарашлари ҳам ана шу мезон билан баҳоланган. Уларнинг қарашларидаги илғор ва реакцион томонлар ҳам шулар билан ўлчанган. Ҳозирги кунда маънавиятимиз қайта кўриб чиқилмоқда, қайтадан тикланмоқда. Уларга қўйилган идеалистик, диний тамғалар олиб ташланди. Бугунги кунда фалсафа тарихини баён этар эканмиз, ҳар бир мутафаккирнинг фалсафий тафаккур тараққиётига қўшган ҳиссасини холисона нуқтаи назардан баҳолаш имкони туғилди.

Демак, фалсафа тарихи фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихидан иборат бўлиб, улар эволюцияси турли-туманлигига қарамай, босқичма-босқич кечган ҳар бир даврда эски фикрларнинг айрим томонлари рад этилибгина қолмасдан, балки ривожлантирилган ҳам. Ҳар бир халқ фалсафий фикр тараққиётига бетакрор ҳисса қўшганини ҳисобга олиш керак. Инсоният тарихида фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши ҳам, янги босқичга кўтарилиши ҳам тарихнинг бурилиш даври бўлган. Айрим даврлар эса бутун бир гуруҳ мутафаккирларнинг ашюдини яратган. Фалсафа тарихи донолик илмини ўзида мужассимлаштирган тафаккур тараққиёти тўғрисидаги зарҳал китоблар.

Буни тўғри ўқиб ўрганиб олиш бугунги кундаги жуда кўп фалсафий муаммоларни ҳал қилишнинг калитидир.

Қадимги давр фалсафаси тўғрисида фикр юритар эканмиз, унинг эрамиздан илгариги биринчи минг йилликда Қадимги Хитой, Ҳиндистон ва Маказий Осиёда вужудга келган цивилизация билан боғлиқ эканлигини айтиб ўтиш керак. Ҳиндистон ҳам Хитой ва Марказий Осиё билан бир қаторда қадимги цивилизациянинг маркази бўлган. Шунинг учун биринчи фалсафий қарашлар айнан шу мамлакатларда пайдо бўла бошлаган. Ҳинд фалсафий меросини ўрганган С.Радхакришнан ўзининг «Ҳинд фалсафаси» асарида Ҳиндистонда фалсафий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини 4 даврга ажратади.

1. Ведалар даври (мил. ав. 1500-йилдан 600-йилгача бўлган давр).

2. Эпик давр (мил. ав. 600-йилгача бўлган давр).

3. Сутр (Қадимги Ҳиндистондаги диний “муқаддас”, кейинчалик тиббий-хуқуқий китоб) даври (мил. ав. 200-йил).

4. Схоластика даври (мил. ав. 2-асрдан бошланади).

Ҳар бир даврда фалсафий фикрлар эволюцияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Биринчи даврида Ҳиндистонда Ведалар (Веда билим) яратилган. Улар ибодатхоналар, худо шарафига айтиладиган мадҳиялар тўпламидир. Шундай «Веда» лардан бири Ригведа бўлиб, ўнта китобга ажратилган 1028 мадҳия (қасида)дан иборат. Рита бутун оламга, одамлар орасига сингиб кетган қонун. Бу қонунга одамлар ҳам, худолар ҳам итоат этадилар. Қаерда бу қонун амал қилса, у ерда ҳеч қачон тартибсизлик ва адолатсизлик рўй бермайди. Ритада ахлоқ қоидалари ҳам баён қилинган, у ҳамма нарсанинг моҳиятидир. «Рита» тушунчаси «йўл», «воқиалар йўналиши» ёки «нарсаларнинг йўли» деган маънони англатади. У ой, қуёш ва юлдузларнинг ҳаракат йўлини ҳам кўрсатади. Рита-космик жараённинг тартиби, изчиллигини билдирувчи атамадир. Кейинчалик у инсонлар орасидаги муносабатлар негизида ҳам тарқала бошлаган ва ахлоқли ҳамда тартибли ҳаёт кечириш қоидаларини ҳам намоён этган. Демак, у моддий ва маънавий борлиқнинг йўлини ифодалайди.

Упанишадлар (ўқитувчининг оёғи остида ўтириш демак-дир) нинг фалсафий қарашлари алоҳида аҳамиятга эга. Бутун ведалар мадҳияси илоҳий башоратдан иборат деб қаралган. Олий табақа вакиллари — брахманлар бу донолик таълимотининг ҳақиқий билимдони ва таҳлил қилувчилари ҳисобланган.

Милоддан аввалги VI-V асрларда турли фалсафий оқимлар пайдо бўлиб, брахманларнинг қарашларини танқид қила бошлаган. Буларнинг асосийси натурфалсафага асос солган жайнизм оқими бўлса, иккинчиси буддизм таълимотидир. Будда таълимоти инсонлар ҳаётидаги яхшилик ва ёмонлик, роҳат ва азоб ҳақида, ҳаётнинг маъноси тўғрисида мушоҳада қилади. Инсондаги ёмонликни инсоннинг ўзидан, инсон ҳаётидан ахтариш керак, деган фикрни олға суради. Ҳинд подшосининг ўғли роҳат-фароғатда яшайди. Унинг учун ғам-ғусса бегона эди. У бир куни қаср дарвозаси олдида гадойни, тобут кўтариб кетаётган одамни, ҳассага таяниб кетаётган чўлоқ кишини ва таркидунё қилган дарвешни кўради ва унинг тинчлиги бузилади.

Дунёда азоб-уқубат ҳам борлигини тушуниб, саройни ташлаб узлатда яшайди. Будда динининг моҳиятини тушуниб етади, ҳаёт азоб-уқубатдан иборат эканлигини, у азобланиш эса ўз сабабига эгалигини ва ундан қутулиш йўллари борлигини фаҳмлаб етади. Будда таълимоти ва упанишадлар дунёни янгича изоҳлайди ва «Дунё нега шундай? Нега йўқликдан борлиқ пайдо бўлди?» деган саволларга жавоб қидиради.

«Веда» ва упанишаддаги мифологик қарашлар эпик поэма «Маҳобхорат»да ўз ривожини топган. Унда Кришнанинг диний-фалсафий қарашлари ифодаланган. Кришна Вишна (худо)нинг ердаги комиллик рамзидир.

Кришна Арина билан мулоқот пайтида инсон маънавий камолоти ҳақида фикр юритиб, унинг қаноатли бўлиши кераклигини айтади. «Ундай одам диёнатли, пок бўлади, табиат билан инсон уйғунлигини таъминлайди», - дейди. У ҳақиқий борлиқ билан ердаги ҳаёт ҳақида фикр юритар экан, ҳақиқий борлиқ олий брахман — абадий борлиқ, ердаги борлиқ ўткинчи борлиқ, деб ўқтиради.

Қадимги ҳинд фалсафасида чорвоқлар ва лоқаятларнинг фалсафий қарашлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Улар дунёнинг абадий чексизлиги, бу дунёдан бошқа дунё йўқлиги тўғрисидаги ғояларни илгари сурадilar. Улар дунёнинг асосида тўрт унсур – сув, олов, ҳаво, тупроқ ётади, бутун борлиқ шуларнинг қўшиливидан ташкил топади, ҳатто маънавият ҳам шулар комбинациясидан иборат, дейдилар. Би-лиш назариясида ҳиссиётни асосий ўринга қўйишади.

Қадимги хитой фалсафаси ҳам ҳинд фалсафаси каби пайдо бўлди, ривожланди. Уларнинг бир-бирига ўхшаш томонлари кўп. Бу ерда ҳам фалсафа эски бошланғич жамоа ҳўжалигининг емирилиши, янги муносабатларнинг вужудга келиши, пул-товар муносабатларининг пайдо бўлиши, давлатчиликнинг шаклланиши, билимларнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Қадимги Хитойда астрономия, математика ва медицина каби билимлар пайдо бўлиши маънавиятнинг тубдан ўсишига, ўзгаришга олиб келди. Хитойда дастлабки фалсафий қарашга таркидунё қилган сайёҳ-донишмандлар асос солганлар. Фалсафий мактаблар эса Хитойда милoddан аввалги VI асрларда шакллана бошлаган. Бироқ буларнинг кўплари ўз муаллифларини яширган ҳолда пайдо бўлади. Қадимги мифологияга кўра, дунё даставвал тартибсиз бўлган, улар икки бир-бирига зид асосдан (Осмон-янь, Ер-инь) космос кучи билан тартибга келтирилган. Зулматдан ёруғликка ўтиш асосида хаос – (тартибсизлик) тартибга тушган. Қадимги Хитойдаги қарашлар: ин-зин – ўзгаришлар китобида, ши-цзин – қўшиқлар китобида, ли-цзи – урф-одатлар китобида, шу-цзин – тарих китобида акс этган.

Инсоннинг осмонга (тян) боғлиқлиги ёмонликнинг сабаби, унинг манбаи ҳам осмон эканлиги ҳақида фикрлар пайдо бўлади. Дунё сув, ҳаво, олов, ер, ёғочдан пайдо бўлганлиги борлиқнинг асоси ҳам шулар эканлиги ҳақида таълимот яратилди. Табиат бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга узлуксиз ўтиб туради, янь ва инь (осмон ва ер) бир-бирига қарама-қарши, бир-бирига ўтиб туради, деб таълим беради.

Қадимги Хитойда конфуцийлик фалсафий оқими алоҳида аҳамиятга эга. Бу йўналишнинг энг йирик асосчиси Кон-

фу-цэн (русча Конфуций) мил.ав. 551-479 йилларда яшаган. У 50 ёшдан ўз мактабини ташкил қилган. Унинг ўқувчилари ва шогирдлари жуда кўп бўлган. Ўзининг «Сухбат ва фикр баёни» китобида замонасининг ахлоқ қоидаларини, ота-онага, давлатга, катталарга бўлган муносабатларни батафсил баён этган.

Конфуций жамият тўғрисидаги таълимотида асосий эътиборни одамлар ўртасидаги муносабатни яхшилашга, тарбияга қаратади. Жамиятни социал ислоҳ қилишни майдонга ташлайди. У ўзининг ахлоқий қаршида ҳамма нарса меъёрида бўлиши кераклигини таъкидлайди. Жамият Осмон қонуни билан яшаши керак, чунки осмон ўз табиати билан яхшиликдир, у ҳамма вақт яхшиликка интилади, деб кўрсатади.

Хитойдаги фалсафий мактаблардан яна бири — моизм. Унинг асосчиси Мо-цзи (мил.ав. 479-400 й) ва унинг издошларидир. Бу таълимот Хитойда икки асрдан кўпроқ яшаган. Бу таълимотга кўра, Осмон ҳамма учун намуна, у ҳаммани баб-баробар бир хилда кўради. Шунинг учун катта кичикни, кучли кучсизни, бой камбағални, амалдор фуқарони эзмаслиги керак. Бу осмон қонунига зид деб кўрсатади.

Давлатни адолатли, ростгўй, ҳалол одамлар бошқариши кераклигини айтади, тинчлик ва осойишталикни тарғиб қилиб, урушларга вайронагарчиликларга қарши чиқади. Конфуцийдан фарқли ўлароқ жамиятни анъаналар асосида эмас, балки янгича қарашлар асосида ёшлар идора қилсин, улар қарилардан ўргансин, дейди. Билим олиш ҳамма учун бир хил бўлиши кераклигини, у тажрибалар асосида мустаҳкамланиб бориши лозимлигини таъкидлайди. Ҳақиқат воқеалик билан аниқланиб, фикрлар нарсалар билан тасдиқланган тақдирдагина билим мустаҳкамланади, деган ғояни илгари суради.

Қадимги Хитой фалсафасини ифода этувчи манбалардан бири — дао ва дэ тўғрисидаги китобдир. Унда ахлоқий-сиёсий қарашлар, шунингдек, жамият тузилиши тўғрисидаги фикрлар баён қилинган. Бу китобда кишилик жамияти ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақида асосли фикрлар айтилган. Дао бир бутун дунёқараш, тушунча сифатида қаралади. У ҳамма нарсанинг асоси, борлиғи, унинг қонунияти, ҳамма нарса

нинг «онаси» (субстанцияси) сифатида қаралиб, инсоннинг асоси ҳам даодир, борлиқ номга эга эмас (моддий эмас, бўшлиқдир), одамларни ўқитишнинг, маърифат ва тарбиянинг асоси ҳам дао, деб кўрсатилади китобда.

Ер осмонга нисбатан иккиламчи, одам ерга нисбатан иккиламчи, одам ер қонуни билан, ер осмон қонуни билан, осмон эса дао қонуни билан иш қилади. Дао ўз-ўзини ўз қонунияти асосида бошқаради. Унинг қонуни яхшилик, гўзаллик, яратувчилик қонунидир.

Қадимги Марказий Осиё халқларининг фалсафий қарашлари. Қадимги Марказий Осиё худудида ҳам фалсафий қарашларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёни мифологик ва диний қарашлар асосида борганлигини кўраимиз. Бу худуддаги фалсафий қарашлар ерлик халқларнинг қадимги афсоналарида баён этилган. Уларнинг қадимги маданияти тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланган Ҳадгорликлардан бири «Авесто» китоби бўлиб, у юзлаб йиллар давомида яратилган. Уни мазмунига кўра, зардуштийлик динининг муқаддас китоблари тўплами, дейиш мумкин. Бироқ унда табиат, олам, жамият, инсон, унинг ахлоқи, ҳуқуқи, қадриятлари каби масалалар юзасидан ҳам дастлабки фалсафий фикрлар учрайди. Зардуштийлик таълимотига кўра, ижобий куч — нур ва салбий куч — зулмат ўртасидаги кураш бутун борлиқнинг асоси бўлиб, ҳамма ерда мавжуд. Бу жараён табиатда ёруғлик ва қоронғулик ўртасидаги, жамиятда адолатсизлик ва унга қарши адолатли курашда, ахлоқда яхшилик билан ёмонлик (яхшилик худоси Ахурамазда ва ёмонлик худоси Анхрамайн (Ахроман) ўртасидаги курашда ва яхшиликнинг енгиб чиқишида намоён бўлади.

“Авестонинг асосчиси Зардушт (зарадуштра) тахминан миллоддан олдинги” 570 йилда туғилган деган фикрлар бор. Зардушт таълимоти тўғрилиқ ва адолатли яшаш каби ахлоқ мезонларига асосланади. Бу “Авесто”даги барча қоидаларда таъкидланган. Унинг таълимотича, «эзгу фитрат» (фикр), «эзгу калом» (сўз), «эзгу амал» ва «ҳақиқат» олий шарофатдир. Булар зардуштийлик таълимотининг асосий тушунчалари — категорияларидир. Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал зардуштий-

ликнинг инсон бутун умри давомида амал қилиши лозим бўлган ички ва ташқи омиллардир.

Мана шу уч хислатга эга бўлган инсон олий ҳақиқатга мушарраф бўлади.* Бунга етишишнинг воситаси меҳнатдир. Инсон фаолиятда бўлар экан, ноз-неъмат яратар экан, ҳамма вақт эзгу ниятда, яъни қалбида доим эзгу ният, тилида ҳам, дилида ҳам яхшилик бўлиши керак. Бу ниятлар, фикр ва иборалар унинг фаолиятида ҳам акс этиши керак. Бу уч нарсанинг яхлитлиги инсонда мужассамлашгандагина, инсон ҳақиқий зардуштий бўла олади, ҳақиқий баркамол инсон саналади. Инсон эзгу ниятларга, эзгу амалга эга бўлиши билан бирга ёвузликка, яъни ёвуз фикр, ёвуз амалга қарши курашиши керак, ана шундагина Ахурамазда (худо)нинг олқишига сазовар бўлади, деб таълим беради зардуштийлик.

Зардушт таълимоти Оврўпо фалсафасининг шаклланишига жуда катта таъсир кўрсатган. XX аср Оврўпо фалсафасининг назарий асосчиси Фридрих Ницше ўзининг қарашларини яратишда Зардушт таълимотидан атрофлича фойдаланган. Улуғ файласуф болалик чоғида Зардуштни тушида кўрган. У буюк шахсларни, улуғ одамларни вояга етказиш ғоясини яратишда, албатта, Зардушт таълимотидан таъсирланган, уни фикрига жо этган. Ницше «Зардушт-бутун борлиқнинг энг олий суратда намоён бўлиши», дейди. (Қаранг: Тафаккур. 1995 йил, 1-сон. 90-бет).

Ницше ўзининг «Зардушт таваллоси» асарида одам ҳақида фикр юритар экан, шарқ одамининг, бизнинг диёримизда яратилган ҳақиқий шарқ одамининг руҳиятини Оврўпо одамига сингдиради, инсон ҳаёти, борлиги, қадрияти ҳақида фикр юритади.

Бизнинг ҳудудимизда бундан бир ярим минг йил илгари буддачилик, монийлик, маздакчилик каби фалсафий таълимотлар ҳам мавжуд бўлган.

а) Ўрта Осиёда буддавийлик ҳам ўз ўрнига эга. Диний-фалсафий таълимот сифатида буддавийлик таълимотига миллодгача VI аср охири-V аср бошларида Ҳиндистонда Садхарити уруғидан келиб чиққан Гаутама асос солган. Ўша даврда тарқалган динлар орасида бу дин кучли мавқега эга бўлган. Бу

таълимот Ўрта Осиёга милоддан аввалги II-I асрларда кириб келган. Тарихий манбаларга кўра уни Тоҳаристонда балхлик савдогарлар олиб келганлар. “Халқчил” бўлганлиги учун унинг тарафдорлари кўп бўлган.

Унинг тарқалишида тўрт босқич мавжуд.

Биринчи босқич Кушонлардан олдинги давр — бу милоддан олдинги I асрга тўғри келади.

Иккинчи босқич Кушонлар даври (эрамизнинг II-IV асрлари).

Учинчи босқичда Ўрта Осиёда буддавийлик таълимотининг манбалари тарқалган давр.

Тўртинчи босқич (IX-XIV асрлар) исломни Ўрта Осиёда ҳукмрон динга айланиши билан буддавийликни сиқиб чиқарилиши даври.

Милоднинг II-III асрларда шаклланган Шарқ жамияти аста-секин емирила бориб феодал муносабатлар ривожланди. Бу ўша даврдаги фалсафий қарашларда яъни, Зардуштийликдан янги оқим — монийчилик келиб чиқишида ўз аксини топди.

Моний (216-217 йилларда) Ботлда туғилиб, 276 йилда Жундишопур шаҳрида қатл этилган. У яхши маълумотга эга бўлиб, форс, оромий, араб тилларида бир неча рисоалар ёзган. “Монийлик ёзуви” деган алифбони ҳам яратган.

Моний таълимотича, оламда нур дунёси — яхшилик ва зулмат дунёси — ёвузлик мавжуд. Улар ўртасидаги абадий курашнинг пировардида ёвузлик устидан яхшиликни ғалаба қилади.

б) Монийлик халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи таълимот бўлганлиги учун ҳукмрон мафкура қаршиликка дуч келди.

V аср охири ва VI асрнинг бошларида Ўрта Осиё ва Эронда кучайиб бораётган зулмга қарши Маздак бошчилигида халқ кўзғолони бўлиб, бу ҳаракат аёвсиз бостирилди. Унинг ўзи эса даҳрийликда айбланди.

Маздакчилар мафкураси жамоа ерларини босиб олинишига, деҳқонларни қарам ҳолатда ушлаб турилишига қарши қаратилган эди.

Маздак (470-529 йилларда яшаган) халқ оmmasига таяниб озодлик, эркинлик, ҳурлик йўлидаги ҳаракатларга раҳнамо-

лик қилгани учун, унинг тарафдорлари кўп бўлган. Унинг ижтимоий тенгсизликни қораловчи мафкурасида бойликка ҳирс қўйиш, ёвузлик танқид қилинади.

Ижтимоий зулмга қарши тенглик маздакчиликнинг асосий ғояси эди. Хусусий мулкчиликка эгалик қилишда ҳамма тенг бўлсин, дунёнинг барча бойликлари одамларга бир хил, баробар тақсимлансин деган ғоя асосий ғоя бўлган.

Маздакчилик Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ижтимоий-фалсафий фикрларнинг тараққиётига маълум даражада таъсир этди. Бу ҳаракатдан чўчиган шоҳ Маздакни турли ҳийлалар билан ўлимга маҳкум этди.

Маздакийлар ҳаракати, эрамининг VI асрларида бостирилишига қарамай, турли мамлакатларда муайян даражада давом этди. Ўрта Осиёда Муқанна, Озарбайжонда Бобак бошчилигида деҳқонлар ва шаҳар камбағалларининг зулмга қарши кураши бунга мисолдир. Монийчилик ва маздакчилик зардуштийликнинг турли мазҳаблари сифатида Марказий Осиё халқлари онгида маълум дунёқараш ҳисобланган.

Жаҳон фалсафий фикрининг пайдо бўлиши ва ривожланишида Қадимги Юнон ва Қадимги Рим фалсафаси алоҳида аҳамиятга эга. Дунё фалсафаси эскича яшаш мумкин бўлмай қолган, мифологик қарашлар ва кишиларнинг маънавий ҳаётида бухронлар пайдо бўла бошлаган, эски қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотиб, янги қадриятлар шаклланган бир даврда маънавийнинг юксак шакли, дунёқарашнинг ақлий (рационал) босқичи сифатида пайдо бўлди.

Милоддан аввалги VII-VI асрларга келиб инсонлар ўрта-сида мураккаб муносабатларнинг пайдо бўлиши шахснинг ўз янги ҳаётини йўналишини аниқлашини тақозо этди. Фалсафа бу масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Қадимги Юнонистонда математика, астрономия, механика медицина каби фанларнинг пайдо бўлиши билан бир вақтда фалсафа ҳам вужудга кела бошлади. Мана шу даврда инсон ўз ҳаётини йўналишини белгилашни фалсафа анъаналари орқали эмас, балки ўзининг ақлий фаолияти билан амалга оширди.

Қадимги юнон фалсафасининг ўзига хос томони шунлики, у дастлабки даврдан бошлаб табиатнинг, борлиқнинг

моҳиятини тушунишга ҳаракат қилди. Масалан, милоддан аввалги VI асрларда Милет мактабининг вакиллари Фалес, Анаксимандр, Анаксимен, кейинчалик Пифагор мактабининг вакиллари, шунингдек, Гераклит, Эмпедокл каби «физиклар» (физис-табиат демакдир) табиатни ўргандилар. Дунёнинг асосини қидирдилар, табиат моҳиятини турлича изоҳладилар. Фалес дунёнинг асоси — сув деса, Анаксимен — ҳаво, Анаксимандр — апейрон, Гераклит — олов деб қаради. Улар сув, ҳаво, оловни физик модда сифатида эмас, ҳамма нарса-нинг моҳияти, асоси, жонли мавжудодларнинг ҳам ҳаётий асоси деб тушундилар. Демак, улар рамзий аҳамият касб этар эди. Ўша даврдаги биринчи «физиклар» фалсафага ҳамма борлиқнинг моҳиятини, сабабини очиб берувчи фан сифатида қараганлар.

Фалсафадаги онтология — борлиқ ҳақидаги таълимот ҳам ўша даврдан бошланган. Борлиқнинг мифологик асосини эмас, балки мантиқий ақлий (рационал) асосини қидирдилар. Уларнинг моҳияти ҳақида фикр юритдилар. Бу давр фалсафаси натурфилософия (табиат фалсафаси) деб юритилди. Натурфилософия табиат моҳиятини тушуниш билангина эмас, унинг ривожланиши тўғрисидаги масала билан ҳам шуғулланади. Улар космосни ривожланиб турувчи бир бутунликдан иборат, деб тушунганлар, унга бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб турадиган, масалан, эскидан янгига, салбийдан ижобийга, ис-сикдан совуққа ўзаро ўтиб турадиган жараён деб қарадилар. Бундай қарашни диалектик қараш деб атадилар. Унинг энг асосий вакили юнон диалектикасининг отаси Гераклит эди.

Қадимги юнон файласуфи, математиги Зенон (мил. авв. 336-262) бир қатор «Дихитомия» (иккига бўлиш)ни майдонга ташлайди. У турли парадоксларни ишлаб чиқади («Ахиллес ва тошбақа», «Камон ўқи» каби). Бу парадоксларда Зенон дунёни чексиз бунёд этилишдан иборат деб тушунтирди. Бундай парадоксларни кундалик онг даражасида ҳал қилиш мумкин эмаслигини кўрсатди.

Зеноннинг парадокслари қадимги юнон фалсафасида диалектиканинг шаклланишига, айниқса, унинг математика, мантиқ сифатида ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Шундай қилиб, борлиқ масаласида юнон файласуфлари унинг уч томони тўғрисида фикр юритдилар: 1. Борлиқ – мавжуд, йўқлик – мавжуд эмас; 2. Борлиқ бир бутун, бўлинмасдир; 3. Борлиқни билиб бўлади, йўқликни билиб бўлмайди: у мавжуд эмас; ақл учун у йўқ, демак у яшамайди.

Бир бутунлик, борлиқ тушунчасини ишлаб чиқиш Пифагор мактаби вакилларига ҳам тегишли. Бутун борлиқ моҳиятини улар сонлар ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қилдилар.

Сонлар, уларнинг фикрича, бир бутунлик бўлиб, борлиқнинг асосини («Монада» сини) ташкил этади. («Монадос» юнонча «асос, бир» демакдир). Бутун борлиқнинг асоси бирлик бўлиб, кўпликдан устун туради, унга материал беради. Қаерда бирлик (яккалик) бор экан, шу ерда билиш имконияти мавжуд, деб кўрсатадилар.

Қадимги юнон файласуфи Демокрит (тахмин мил. авв. 470 йилда туғилган) борлиқ тўғрисида янги тезисини майдонга ташлайди. Борлиқ, унингча, чексиз, бўлинмас атомдан иборат. Дунё атом ва бўшлиқдан иборат, атом борлиқ, бўшлиқ эса йўқликдир. Демокрит «Атом борлиқ экан, уни билиш мумкин. Атом ҳақиқатдир, уни ақл билангина билиш мумкин, сезгилар эса қоронғи билим беради, чунки у нарсаларнинг ташқи томони ҳақида билим беради, холос», деб айтади. Атомлар, Демокрит таълимотига кўра, шакли ва ҳажмига кўра фарқланади ҳамда бўшлиқда ҳаракат қилиб, бир-бирлари билан қўшилади. Улар турлича бўлиб, баъзилари юмалоқ, баъзилари учбурчак, баъзилари қалин ва ҳоказо; улар ҳатто танамиз, баъзилари эса идрокимизни ташкил этади.

Демокрит дунёнинг сабабий боғланиши ҳақида ҳам фикр юритади. Дунё қонуний зарурият асосида ривожланади, деб кўрсатади. Тасодифга эътиборсизлик билан қарайди.

Борлиқ тўғрисида ўз қарашларини изчиллик билан баён этган яна бир юнон файласуфи Платондир (мил. авв. 427-347 й.). Тафаккур диалектикасини ривожлантиришда унинг хизматлари катта бўлди. Платон фикрича, борлиқ абадий, ўзгармас, бўлинмасдир. Уни ақл билан билиш мумкин, ҳиссий, идрок орқали уни билиб бўлмайди, чунки борлиқни билишга

уларнинг кучи етмайди, улар орқали унинг ҳодисасини билиш мумкин, холос, моҳияти эса ақл орқали билиб борилади, деб кўрсатади. Агар Демокрит борлиқни моддий деб тушунган бўлса, Платон борлиқни ғоявий деб тушунади. Ғояни ҳамма нарсанинг асоси, бошланғичи, моҳияти деб билади. У ғайри ҳиссий, абадий характерга эга. Куёш ҳамма нарсага нур таратгани сингари умумий ғоя бутун борлиқнинг асоси бўлиб, бошқа нарсаларни ривожлантиради, деб таълим беради. Платон ғоялар дунёси ривожланиш, абадий, доимий яшовчилик (ўлмаслик), ақл билан билиш, ўз-ўзига айнанлик, бўлинмаслик каби хусусиятларга, ҳодисалар дунёси эса ташкил топиш, вақтинчалик, ривожланиш, йўқ бўлиш-ўлиш, ҳиссиёт билан билиш, ҳамма вақт бошқа бўлиб туриш, бўлинувчанлик каби хусусиятларга эга, деб айтади.

Борлиқ ҳақида таълимотни ривожлантирган буюк файласуфлардан яна бири Аристотель (мил. авв.384-322 й). У Платон академиясида 20 йил таълим олган. Александр Македонскийга таълим берган бу аллома устозининг ғоялар дунёси тўғрисидаги фикрини танқид қилади. Аристотель (Арасту) ғоялар дунёсининг абадийлиги, унинг ҳодисалар дунёсидан ажратилганлиги ҳақидаги Платон таълимотини бошқача қараб чиқади. Унингча, ғоявий борлиқ ҳодисалар борлиғи билан боғлиқ ҳолда мавжуд. Бироқ борлиқнинг доимий турғун эканлиги тўғрисидаги Платон фикрига қўшилади. Борлиқ, Аристотель фикрича, жинс ва тур шаклида мавжуд бўлади.

Аристотель фикрича, ҳар қандай сўз тушунчани ифодалайди, тушунча эса борлиқни ифодалайди. У борлиқни акс эттирадиган энг умумий тушунчалар, категориялар ҳақида таълимот яратади. Категория бу моҳиятнинг энг биринчи ва олий муносабатидир. Моҳият предметларнинг асосий бошланғичидир.

Аристотель борлиқ тўрт элемент: сув, ҳаво, ер, оловдан ташкил топади, дейди. Аристотель билиш назариясида ҳиссий билишни асос қилиб олади. Унинг мазмун ва шакл ҳақидаги таълимоти алоҳида аҳамиятга эга. Унингча, шакл яратувчи, ташкил қилувчи борлиқнинг асосидир. Нарсалар шаклга киргандагина мавжуд бўладилар, шаклларнинг шакли худо-

дир, дейди у. Унингча, материя ҳамма ҳодисаларнинг асосидир. Уни билиш эҳтиёжи йўқ. Чунки ҳодисалар кўзга ташланиб туради. Улар пайдо бўлади, ривожланади, ўлади. Шунинг учун у нарса ва ҳодисаларни ташувчиси вояга етказувчидир. Платон материя воқелик эмас, балки имкониятдир, дейди. Уни геометрик фигура сифатида фазо билан айлантиришда кўради. Аристотель ҳам материяга имконият сифатида қарайди. Бироқ имконият воқеликка айланиши учун шаклга кириши керак. Унингча, лой, қум ҳали гишт эмас, уни гишт қилиш учун маълум қолип асосида шаклга кириши керак. Демак, шакл яратувчи фаол (актив) нарса, дейди. Материя моддий нарса бўлса, жон унинг шаклидир. Шакл яратувчи экан, шаклларнинг шакли худодир, деган хулосага келади. Аристотель физикасида (табиат ҳақидаги таълимотида) космосни жуда кенглиги ва катталиги ҳақида гапириб, унга чекланган, охириги жисм сифатида қарайди, Платон, Аристотель ва унинг издошлари, шунингдек, юнон математиклари потенциал чексизликни эътироф этишса-да, актуал чексизликни тан олмадилар.

Уларнинг ҳаммаси учун умумийлик шундаки, улар идеалист ёки материалист бўлишидан қатъи назар, космосни ўргандилар. Улар космос, табиатнинг яширин сирларини топишга ҳаракат қилдилар. Космосни жонли мавжудотнинг, инсонларнинг ажралмас қисми деб қарадилар. Космизм инсон билан табиат ўртасидаги алоқадорлик, инсон масаласини ҳал қилишда фалсафада асосий йўналиш бўлиб келади. Секин-аста инсон ҳақида, унинг космосда, дунёда тутган ўрни ҳақида янги фикрлар пайдо бўла бошлади. Шундай қилиб, бир қатор файласуфлар инсон муаммоси билан шуғуллана бошлайдилар. Бунинг натижаси ўлароқ, инсон ва унинг онги масаласи билан шуғулланувчи алоҳида донолар мактаби пайдо бўлди. Уларнинг дастлабки асосчилари софистлар эди. Софистлар донолик ўқитувчилари сифатида фаолият кўрсатишли (София — донолик демакдир). Протагор (мил.авв. 490-420 й) ва Георгий (мил. ав. 480-380 й) уларнинг вакиллари ҳисобланадилар.

Софистлар инсон ҳаёти, фикри, билими, бу билимчир

нинг ишончли бўлиш қоидалари ҳақида фикр юритдилар. Улар инсонлар ўртасида ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий муносабатларнинг шаклланиши ҳақида таълимот берадилар. Одамлар бир-бирига муносабатда тўғри сўзлаш, тўғри фикрлаш қоидаларини татбиқ эта билиши кераклиги ҳақида ёшларга тарбия бердилар. Софистлар риторика (сўз санъати), грамматика, стилистикадан дарс бердилар. Ёшларни бошқалар билан мулоқотда, суд ишларида, сиёсатда қандай муомалада бўлишда, ўз фикрини аниқ, тўғри, ишонарли қилиб ифодалашга ўргатдилар. Мактабларда ёшларга таълим ва тарбия беришар экан, ишонтириш санъати, фикрлаш усуллари, билим механизми билан шуғулланишни биринчи ўринга қўйдилар. Билиш назариясида инсон ҳис-туйғуларининг роли, уларнинг билимлари, ҳақиқат нисбий эканлигини батафсил таҳлил қилдилар.

Билишнинг соҳиби (субъекти) инсон эканлиги, инсон билимларининг роли, бунда инсон ақли ва иродасининг аҳамияти ҳақидаги ғояни майдонга ташладилар. Протагор бутун борлиқ, бутун нарсалар инсон кўзгусидан ўтиши кераклиги ҳақида гапирди. У инсон ҳамма нарсанинг меъёри дейди, инсон ва унинг онгини улуғлайди. Ҳар қандай нарса инсонни қониқтирсагина яхшилик, эзгуликдир. Инсонни қониқтирмаса, унинг азобланишига олиб келса, бу ёмонликдир, деб кўрсатади. Софистлар яхши, ёмон, фойдали ёки фойдасиз тушунчаларнинг мезони алоҳида шахси ва унинг ҳиссий мойиллигидадир, деб тушунтирадилар. Билиш назариясида нисбийлик (релятивизм)ни олға сурдилар. Ҳуқуқ меъёрлари, давлат сиёсати, адолат ёки адолатсизлик масалаларига ҳам нисбийлик нуқтаи назардан қарадилар. Инсон ҳамма нарсанинг меъёри экан, давлат масалалари ҳам инсонга бўлган адолатлилик ёки адолатсизлик меъёри билан белгиланиши зарурлигини айтдилар.

Софистлар мактабида ўқиган, кейинчалик уларни кескин танқид қилган Сократ (тах. мил. авв. 470-399 й) фалсафада инсон муаммосига катта эътибор берди. Сократ фалсафасининг асосий мазмуни инсон, унинг онги масалаларига қаратилган. У инсон қадр-қиммати, маънавияти, ахлоқи, гўзал-

лигини таҳлил қилар экан, шахснинг онги, унинг билиши масаласига алоҳида эътибор беради. Сократ (Сукрот ҳаким) инсоннинг ўзини, ўзлигини билиши фалсафада муҳим бўлиб, фалсафанинг ўрганиш объектини ташкил этади, деб таъкидлайди.

Унинг «ўз-ўзингни бил» («познай самого себя») деган машхур ҳикматли ибораси фалсафий тафаккур тараққиётида жуда катта аҳамиятга эга. Чунки ўзлигини ерга уриш, тубанлашиш нодонликдан бошқа нарса эмас, ўзлигини билиш, ўзини юқори тутиш донишмандликдир.

Сократ онгнинг субъектив томонинигина эмас, балки унинг объектив мазмунини ҳам кўрсатиб берди. Инсон ўз онгининг мазмунини, моҳиятини, ўзлигини билиш асосида бошқаларни, дунёнинг моҳиятини, яшашнинг маъносини билиб боради, дейди. Сократ ўз фикрий салоҳияти билан ҳақиқат, адолат ҳақидаги эски қарашларни янгича таҳлил қилди. Унингча адолат давлат тизими томонидан олиб бориладиган яхшиликдир. Сократ яхшилик, адолат каби тушунчаларнинг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилди. Мутафаккир фалсафасининг асосида инсон, унинг ҳаёти, мақсади, адолатли жамият ётади. У яхшилик ва ёмонликни одамлар билан мулоқот орқали, суҳбатлашиш орқали аниқлаш мумкин, дейди. Унинг фикрича, фалсафа билимларни севиш ҳақидаги таълимот экан, ана шу билимлар инсон ахлоқий фаолиятини яхшиликка қаратиш асосида намоён бўлади. Сократ фалсафасида ахлоқий рационализм асосий ўринни эгаллайди. Инсон ҳақиқатни қанча чуқурроқ билса, у ёмонликка қўл урмайди. Ёмонлик ҳақиқатни билмаслик натижасида пайдо бўлади, деб кўрсатади. Демак, ахлоқий камолотнинг манбаи ҳам билим, ҳақиқатни билишдир. Яхши давлат арбоби, адолатпарвар ҳукмдор ҳам билимдон, донишманд бўлиши кераклигини айтади. Билим ва шу асосдаги яхшилик инсонни бахтли қилади, дейди донишманд. Мана шу руҳда бутун шогирдларига таълим ва тарбия беради. Уларни янгича фикрлашга, яхшилик қилишга, бахтли бўлиш учун курашишга ундайди.

Бироқ унинг ҳаёти фожиали тугади. Афина давлати суди

уни ёшларни янгича фикрлашга, эски анъаналарни бузишга, ўтмиш худоларига итоат этмай, янги худоларга ишонишга чақиришда айблаб, ўлим жазосига ҳукм қилади. У Афинадан чиқиб кетиб, ўлим жазосидан қутулиш имкониятига эга бўлса-да, ўз диёрини, дўстларини ташлаб кетмасдан ўлимни мардона кутиб олди. Ўлими олдидан ҳам ўзининг бахтиёр эканлигини бир неча бор таъкидлади.

Таянч тушунчалар:

Материя, идея, ведалар, Даосизм, Заратуштра, Дихитомия, борлиқ, мавжудлик, атом, ғоялар дунёси, Аристотелнинг категориялар тўғрисидаги фикри, мазмун, шакл, риторик, антик.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Қадимги Ҳиндистон фалсафаси.
2. Қадимги Хитой фалсафаси.
3. Қадимги Марказий Осиё халқлари фалсафаси.
4. Қадимги Греция ва Римдаги фалсафий фикр.
5. Софистика.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1998.
2. Раҳимов И. Фалсафа (қисқача конспект). Т., 1996 й.
3. Фалсафа. (академик Э.Юсупов таҳрири остида). Т., «Шарқ», 1999.
4. Фалсафа (Маърузалар матни). Т., 2000.
5. Фалсафа асослари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005.
6. Абдураҳмонов А. Мустақиллик дунёқарашини // НамДУ илмий ахбороти. Наманган, 2005. 1-сон.

3-мавзу: Ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб фалсафаси

Режа:

1. Ислом шароитида сиёсий-маданий ва фалсафий қадриятлар.

2. Ўрта асрларда Шарқ ва Туркистон (Марказий Осиё) фалсафаси.

3. Ўрта асрлар Ғарб фалсафаси.

I. VII-XII асрларда араб мусулмон сиёсий-маданий давлатчилиқ анъаналари ҳам дунёвий илмларни ривожлантиришга, адолат ва инсонпарварликни қарор топтиришга, маърифатпарварлик, демократик бошқарув усуллари рўёбга чиқаришга йўналганлиги билан араб мусулмон маданияти, цивилизациясининг таркибий қисми ва муҳим ютуқларидан бири бўлди.

VIII асрларда исломда турли мазҳаблар пайдо бўла бошлади. Мутакаллимлар (ислом диний схоластик фалсафаси калом тарафдорлари бўлиб, ислом диний-ақидавий таълимоти англашга уринадилар), мутазалийлар ва сўфийлар шулар жумласидандир. Мутакаллимлар таълимотига кўра, дунё Худо томонидан яратилган майда заррачалар-атомлардан иборат, «Атом Худо иродаси билан ҳаракат қилади. Дунёда худо иродаси ҳукмрон, у истаган вақтда хоҳлаган кароматини амалга ошира олади». Уларнинг 12 та қоида-тезислари бор бўлиб, ўша тезислар орқали ўзларининг таълимоти асослайдилар. Макон ва замоннинг чексизлигини инкор этадилар. Сезгиларга ишонмаслик эҳтимоли қоидаларига амал қиладилар. Унга кўра, у ёки бу нарса, воқеликка мос келиш-келмаслигидан қатъи назар, мавжуд бўлади. Билимларнинг воқеликка мос келиши ҳам илоҳий хоҳишдир. Улар ўзлари учун номақбул бўлган ҳамма нарсани инкор этадилар. Ниманики тасдиқлаш лозим бўлса, ҳаммасига йўл қўйиш мумкин, ҳамма нарса илоҳий қудрат билан бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Шу вақтда кенг тарқалган оқимлардан бири мутазалийликдир (ажралиб чиққан деган маънони билдиради). Улар араб халифалигида соф фалсафий фикрлар

нинг ташаббускорлари бўлиб танилдилар. Мутазалийлар ҳиссий тажриба, анъанавий билимлар билан бир қаторда ақлий билиш ғоясини олға сурдилар. Улар фалсафий масалаларни ўрганишга, уларни ақл кўзи билан билишга катта эътибор берадилар. Улар таълимотидаги яна муҳим бир нарса инсон иродасининг эркинлиги тўғрисидаги масаладир. Инсон ўз хатти-ҳаракати билан эркиндир, деб таъкидлайдилар.

2. Ўрта асрда бир гуруҳ файласуфлар фаолият кўрсатишди. Шулардан бири ўз даврининг қомусий алломаларидан ҳисобланган Ал-Киндийдир (801-866 й). У ўрта аср араб фалсафасининг асосчиларидан биридир. Ал-Киндий биринчи бўлиб фалсафанинг арабча атамаларини ишлаб чиқди. Бу билан араб фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшди. «Нарсаларнинг белгилари ва изоҳлари тўғрисида» номли асари араб тилида фалсафий луғат вазифасини бажарган.

Ал-Киндий фалсафани Аристотель сингари назарий ва амалий билимларга бўлади. Назарий фанларга математика, табиий фанлар ва геологияни, амалий фанларга эса этика, уй ҳўжалиги, фуқаролик сиёсатини киритади.

3. Араб фалсафасининг яна бир вакили Ар-Розийдир (865-925 й). Эронлик мутафаккир Ар-Розий барча фанлар билан шуғулланган. У материянинг абадийлиги, ҳаракат материянинг ажралмас хоссаси эканлиги, тана ва руҳнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги ғоялар билан чиқади. У билиш тўғрисида фикр юритар экан “инсон қобилияти барча нарсаларни билишга қодир”, - дейди. Дунёни ақл-заковат орқали билиш масаласини майдонга ташлайди. Инсонни яратувчига ўхшатади. Бироқ билишда сезги аъзоларининг аҳамиятини ақлдан устун қўяди. Ал-Розий ҳаётининг бир қисмини Марказий Осиёда ўтказиб, мутафаккирлар билан ҳамкорликда бўлган.

Мутакаллимийлик оқимининг вакили, араб фалсафасининг яна бир йирик намояндаси Ал-Ғаззолийдир (1058-1111 й). Ғаззолий 53 йиллик қисқа умри давомида 100 та асар ёзиб қодирган. Бу асарлар ислом фанининг турли тармоқларига тааллуқли бўлиб, далиллар қамрови жиҳатидан катта миқёсга эга. Тафсир, ҳадис, тарих, фалсафа, фикҳ, тасаввуф борасида шуҳрат қозонади. Агар жамиятда, -деб ёзади Ғаззо-

лий-шафқатсизлик ўрнини марҳамат, кибру ҳаво ўрнини одоб-тавозе, риё ўрнини ихлос, ҳақсизлик ўрнини адолат эгалласа, бундай жамиятда бахт-саодат қарор топади. У ўзининг асарларида калом фалсафасини ривожлантирган. Такаббурлик, шуҳратпарастлик билмасликдан, билимсизликдан келиб чиқади. Қайси бир жамиятда ёмон феълли одамлар кўп бўлса, ўша жамият таназзулга маҳкум — дея таъкидлайди Ғаззолий.

4. Ўрта асрларда араб фалсафасини юксак чўққига кўтарган, мутафаккир Ибн Рушддир (1126-1198 й). Ибн Рушд бутун юнон фалсафасининг билимдони бўлиши билан бирга Шарқ фалсафасини ҳам кунт билан ўрганган. У Шарқнинг йирик мутафаккирлари: Форобий, Ибн Синолар асарларини чуқур билган қомусий алломадир. У Аристотель сиймосида табиат ақлий ривожланишининг юксак чўққисига кўтарилганлигини айтади. У Аристотель ғояларига инсоният донолигининг ҳақиқий намунаси, деб баҳо беради. У диндорларни кескин танқид қилади, айниқса калом таълимоти тарафдорларидан мутакаллимийлик оқимининг вакили Ал-Ғаззолий қарашларини эътироф этса-да, баъзи таълимотларида мантиқий ечим чекланганлигини холисона кўрсатиб ўтади.

Диалектиканинг давлат бошқаруви, ҳуқуқ ва ахлоққа ҳам татбиқ этиш кераклигини кўрсатади. Ибн Рушд борлиқни худо яратганини тан олиш билан бирга табиатнинг абадийлигини, ўз-ўзидан ривожланишини, ёзади. У Аристотельнинг “худо биринчи туртки” деган қарашини эътироф этиб, борлиқ ҳамма нарсанинг яратилиши имконияти эканлигини кўрсатади.

II. Ўрта асрларда Шарқ ва Туркистон (Марказий Осиё) фалсафаси. Маълумки, тасаввуф ва тасаввуф фалсафаси Мо-вароуннаҳр, Хуросон ва Эрон, умуман, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари араб-мусулмон диний-фалсафий тафаккурининг энг муҳим ва ўзига хос қисмини ташкил қилади.

Буюк тасаввуфчилар Иброҳим ибн Адҳам, Абу Йазид Бистомий, Мансур ал-Халлож, Абу Бақр ибн Муса ал-Фарғоний, Бобо Кухий, ас-Сулабий, Абу Саид ибн Абу-л-Хайр ал-Махоний, Бобо Тоҳир, ал-Кушайрий, Ассорий, Юсуф Ҳамдоний,

Аҳмад Ясавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Жалололиддин Румий ўрта асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда етишиб чиққанлар. Бундан ташқари бу даврда араблардан етишиб чиққан Зуннун Мисрий, Ҳасан ал-Басрий, Тустарий, Маккий, Жунайд, Мухосибий, Сари Сакатий, Ҳарроз, Кассоб, Ибн ал-Фарид, Ибн ал-Арабий ва бошқа мутафаккирлар, унинг мажозий фалсафаси, бадиият, дарвеълик амалиёти анъаналарини, қадриятларини шакллантирган.

Тасаввуф фалсафасининг ўзига хослиги ундаги Худо тўғрисидаги ваҳдат ул-вужуд, ваҳдат ул-мавжуд, ваҳдат ул-худуд, яъни ваҳдатнинг (худонинг) ўзида, дунёда ва шахсда намоён бўлиши тўғрисидаги орифий пантеистик, таълимот, худога етишиш (васл), унинг маърифатига эришишнинг алоҳида жазави (экстатик-арабча-шатҳ) “ўзидан кетиш” йўли (шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат) амалиёти билан белгиланади. Чунки тасаввуф, ўзидаги ана шу гоё тамойилларига кўра араб, мусулмон фалсафасининг ҳукмрон ва белгилловчи йўналтирувчи расмий ислом ақидавий таълимоти ва маросим талаблари, шариат кўрсатмаларидан анча-мунча четлашадиган юксак орифий ва айни пайтда ҳурфикрли тафаккурни вужудга келтирган эди. Ана шунинг учун ҳам тасаввуф ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида кўпгина илғор таълимотларни, шу жумладан, пантеизм, деизм шаклларида ифодаланган содда дунёвий, умумбашарий қадриятларни, инсонпарварлик, юксак руҳийлик, табиат ва инсонни севиш майлларини ифодалаш учун қулай восита бўлиб хизмат қилган.

Бошқа томондан эса, тасаввуф орифлик, зоҳидлик ва дарвешлик, гўшанишинлик, риндлик ҳаракатлари сифатида аввал бошданоқ бойишга интилиш, адолатсизлик, зўравонлик каби қатор ижтимоий маразларни қораловчи инсонларнинг худо олдидаги тенглиги, камбағал, фақир-бечораларга инсоний муносабатда бўлиш кераклиги тўғрисидаги инсонпарвар хусусиятларга эга эдики, бу тасаввуф ва у билан боғлиқ маданиятга яққол ифодаланган умуминсоний ва эркин фикрлик йўналишини берар эди. Шунинг учун ҳам тасаввуф кенг халқ оммаси орасида, айниқса қуйи табақалар орасида кенг ва чуқур ижтимоий заминга эга эди.

Тасаввуфдаги муқаррар халқпарвар талаблар катта ер эгаларига, руҳонийларга танқидий кўз билан қараб, уни маънавий ҳаёт ва маданиятнинг энг кенг ва оммавий оқимиغا, ўша давр учун энг яшовчан таълимотга айлантирди.

Тасаввуф Марказий Осиёнинг ўзида Туркистон халқини ташкил этувчи ўзбек ва тожик миллатларининг сақланишида, уларнинг анъанавий миллий қиёфаси, руҳияти, тафаккури, онги, қадриятлари, турмуш тарзи, маросим ва маракаларининг вужудга келиши, сақланишига таъсир ўтказиш билан чекланмай, халқимизнинг ҳозирги бухрондан чиқиб кетишида, ўз-ўзини англашида, ҳаётий турмуш тарзида, маънавиятини изга солиш ва тартибга келтиришда кўмаклашувчи ўта замонавий ижобий аҳамият касб этмоқда ва бундан кейин ҳам унинг таъсири орғиб боради. Чунки Баҳовуддин Нақшбанд дунёқараши тариқатининг асосий ғояси дин ва умуминсоний қадриятларни устувор деб билиш, уларга риоя қилиш ер юзида инсоннинг мўъжаз, аммо, тўлақонли бахт-саодатини, яъни ҳақиқий инсонпарварликни қарор топтиришдир.

Ўрта ва Яқин Шарқда VIII-XIII асрларда ҳаётбахш ҳурфикрли, араб мусулмон маданиятининг ғоявий-назарий асосини, табиий-илмий заминини табиатшунослик фанлари, техника тараққиёти соҳасидаги оламшумул ютуқ, кашфиётлар ташкил этади. Улар табиатшунослар Жобир ибн Ҳайён, Эроншаҳрий, Розий, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Жавҳарий, Амаюрий ат-Туркий, ал-Фарғоний, Абу Комил, Абу-л-Вафо Бузжоний, Марвазий, Абу-л-Маъшар ва бошқалар томонидан ривожлантирилди.

Муҳаммад Хоразмий алгебра фанининг асосчисидир. У фан тарихида биринчи бўлиб квадрат тенгламаларнинг типларини ва ҳар бир типни ечиш методларини таснифи (классификацияси)ни берди. “Алгебра” сўзининг ўзи унинг томонидан кашф этилган мазкур тенгламаларни ечиш методи “алжабр” билан боғлиқдир. Математик Винер асос солган кибернетиканинг назарий ва мантиқий асосини Хоразмийнинг алгоритмлари, назарияси ташкил этади: “алгоритм” сўзининг ўзи лотинчада-”ал-Хоразмий” демакдир.

Оврўпада XVI асргача Аҳмад Фарғонийнинг “Илми ну-

жум асослари” асари фалакиёт илми бўйича асосий дарслик бўлиб хизмат қилган. Бу асар муаллифини эса Алфрагунус деб билишган.

Мантиқ тараққиётида риёзатнинг фалсафий масалаларини, мушиқа илмининг математик назариясини ишлаб чиқишда Абу Наср Форобийнинг хизматлари катта. Ҳамид Хўжандий кейинчалик “Фермнинг улуғ назарияси “деб ном олган назарияга муҳим ҳисса қўшган. Аллома Абу Ҳасан Мансур куб тенгламаларни ечиш методларини ишлаб чиққан.

Тарих, риёзиёт, фалакиёт, илми хиёл, (механика), тиббиёт, маданиятшунослик, геодезия, сайдана, (фармокогнозия), фан тарихи, Шарқнинг энциклопедик ақл эгаси бўлмиш Абу Райҳон Беруний ўз ҳиссасини қўшган фан соҳасининг тўла бўлмаган рўйхати ана шулардан иборат.

Умуман олганда, диёримиз мутафаккирлари табиатшунослик, аниқ фанлар соҳаларидаги ютуқларга, техника ва амалиёт, моддий ишлаб чиқариш соҳаларидаги кашфиётларга жаҳон маданияти, цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшиш билан бирга фан, фалсафа тарихига методологик баҳо берганлар.

Илмий тадқиқотларнинг тажрибага асосланган бўлиши кераклиги тўғрисидаги гоани Жобир ибн Ҳайён ўзининг “Етмиш китоб”, “Заҳарлар ҳақида китоб”, “Концентрациялар ҳақида китоб”, “Солиштирмалар ҳақида кичик китоб” асарларида илгари сурган. Жобир Розий ва Ибн Сино билан биргаликда алхимикларнинг элекси́р тўғрисидаги тасаввурлари бартараф этилишини бошлаб берган эди.

Ўрта аср фалакиёт илмининг асосий тадқиқот, тажриба қуроли устурлоб Иброҳим ал-Фазарий томонидан юлдузлар, коинотдаги жимсларнинг жойлашиши, улар ораларидаги масофаларни ўлчаш учун ишланган (IX аср). Секстант, яъни ҳаракатланувчи квадрант эса Мусо ибн Шокир ўғиллари томонидан ясалган ва улар 882 йилда Боғдоднинг жуғрофий кенглиги 10 (градус), эклиптиканинг эгриланиши 20,33,52 эканлигини аниқлаб берганлар. Улар баъзи содда механизмларни, автоматик қурилмаларни (юк кўтариш ва тушириш, каналлар, тўғонлар, шлюзларда сувни кўтариш ва тушириш), ден-

гиз сатҳи суви кутарилишини ўлчайдиган, бошқариб туралиган қурилмалар қурганлар. Андалусиялик Ибн Фирнас эса (IX аср) шиша фабрикасини қурган, метроном ихтиро қилган ва учиш аппарати (асбоби)ни яшашга уринган. Қанотга ўхшаш асбоблар ёрдамида қисқа масофага учиб, ерга қўнишга муваффақ бўлган. 1010 йилда Жавҳарий ҳам учишга уринган.

XI-XII асрларда эса Арасту механикага танқидий ёндошиб табиатшунослик ва фалсафага “Майллар” тушунчасини киритган. Ибн Сино қарашларини ривожлантирган Абу-л-Баракат ал-Боғдодий механик ва ўзаро таъсирнинг асосий “инерция” тушунчасига ва бутун олам механикасини яратишга деярли яқин келиб қолган эди. Абу-л-Баракат механикаси кейинчалик Оврўпо «Импетус» назарияси ва механикасининг вужудга келишида муайян даражада рол ўйнади (Ш.Пинес, М.М.Рожанская).

Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида фалакиёт илмининг ютуқлари билан қўшилиб, жўғрофия, механика, денгизчилик илмлари ривожига сифатли сакрашларга, оламшумул илмий-жўғрофий ва астрономик кашфиётлар қилинишига олиб келди.

Агар X асрда Ибн Руста “ер шар шаклида, у ўз ўқи атрофида айланади” деган қарашларни илгари сурган бўлса, Эратосфендан сўнг “араб мусулмон олим”и халифа Маъмун буйруғи билан ал-Хоразмий бошчилигида Санжар тоғлар воҳасида ер меридианининг эгилиш бурчагини аниқлаб, ер шарининг катталигини (айланасининг узунлигини) илмий ўлчаш, ҳисоблашга эришдилар. Тиббиётда турли жарроҳлик асбоблари нозик кесувчи наштарлар (скальпел), жарроҳликдан сўнг яра, ичак ва териларни тикиш иплари (аз-Заҳравий) уларнинг газак олмаслиги учун қайта ишлашда керакдорилар жуда хилма-хил қилиб тайёрланар эди. Масалан, Абу-Бакр ар-Розий биринчи бўлиб вабони эмлашга, жуда яхши эшилган қўй ичаги билан жароҳатларни тикиш ва битириб юборишга эришган эди (У.И.Каримов). Ўша даврлардаёқ инсон тарихи (анатомияси) ўликни ёриб ўрганиш орқали тасаввур қилинган, тирик мавжудотларда бир бутун қон айланиши мажмуи борлиги маълум бўлган.

Шарқий Туркистонда милоднинг III асрдан бошлаб кен

логографик ва ҳаракатланувчи ёғочга ўйилган шрифт (набор) усулларида китоб босиш йўлга қўйилган (ҳарф териш асбоблари) станоклар ва шрифтлар етиб келган бўлиб, Шарқий Туркистонда XII-XIV асрларгача китоб босиш ишлари гуллаб-яшнаган. Бундан ташқари порохдан турли мақсадларда фойдаланилган, компас эса денгизда ва қуруқликдаги саёҳатларда қўлланила бошланган. Ана шуларни назарда тутиб инсон ақли, иродаси, қудрати, улар ортида табиат кучларининг қудратини назарда тутиб, Абу Машъар Машаллоҳ “Табиат ҳамма нарсадан қудратлидир”, деган хулосага келган эди.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Туркистон, умуман бутун ўрта аср Ўрта ва Яқин Шарқ араб мусулмон маданияти, табиатшунослигининг коинот, табиат ва инсон тўғрисидаги илғор табиий-илмий ва фалсафий қарашлари илм-фан ва ижтимоий тараққиётни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб юборди. Шарқ мутафаккирлари “юнон риёзиёти, фалакиёти ва тиббиётининг тор асосларини кўрдилар”, -деб ёзган эди Ж.Бернал.

Табиий-илмий тасаввурларнинг тобора чуқурлашиб бориши оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигини пайқаш, аниқ фанлар соҳасида олиб борилган фундаментал тадқиқотларда (Жобир-кимёда, Розий-кимёда ва тиббиётда, Хоразмий, Фарғоний математика ва астрономияда, Беруний фалакиёт, геодезия, маъданшунослиқда, Ибн Сино тиббиётда, манзил, шаҳар сиёсатида) мазкур алоқадорликнинг қонуний ва бузилмас эканлигининг тасдиқлана бориши олам, табиат ва инсоннинг келиб чиқиши тўғрисидаги ўрта аср хуруфотларига зид илмий қарашлар эволюцион дунёқараш(пантеистик ва деистик қарашлар)нинг шаклланишига олиб келди.

Бу эволюцион назария биринчи бўлиб Форобий томонидан илгари сурилади ва табиий илмий таълимот сифатида асослаб берилади. “Минераллар, – деб ёзган эди Форобий,-дасглабки унсурларга энг яқин ва энг оддий аралашмалардан вужудга келадилар, уларнинг унсурлардан ажралиши ҳали унча катта эмас. Ўсимликлар мураккаброқ ва унсурлардан ажралган аралашмалардан келиб чиқади ва улар муайян даражада кўп сонлидир. Ақлсиз ҳайвонлар эса ўсимликлардан

ҳам мураккаброқ аралашмадан келиб чиқади ва фақат инсонгина олдинги аралашмадан, яъни ҳайвонот олаmidан келиб чиқади. Бу эволюцион назария Ибн Сино, Абул-Баракот, Қазвинийларнинг (унинг “Ажойиб-ул-махлуқот” асари бизгача етиб келган) ўсимликлар, ҳайвонот олами фаунасига бағишланган фундаментал асарларида эмпирик табиатшунослик ва фалсафий нуқтаи назардан далилланади ва янада ривожлантирилади.

Эволюцион дунёқарашнинг муҳим томони шунда эдики, унда инсоннинг барча руҳий, ақлий ва маънавий хусусиятлари инсон танасининг табиий-физиологик ҳолати, имконияти билан белгиланади. Шунини таъкидлаб ўтиш муҳимки, ўша давр маданияти, фани, фалсафаси ва ижтимоий тараққиёти учун инқилобий аҳамиятга молик бўлган мазкур назарий хулосалар оддий эмпирик тадқиқотлар натижалари кузатишдан далил (факт)лар бўлиб қолмасдан, фалсафий жиҳатдан талқин этилган, изоҳланган ва ўз даврининг илмий дунёқарашини сифатида кўр-кўрона эътиқодга, хурофотларга қарши йўналтирилган эди.

VIII-XIII асрларда Ўрта ва Яқин Шарқ араб мусулмонлари фалсафанинг гуллаб-яшнаган даврини бошидан кечирди. Унда қадарийлар, муръжийлар, мутазил ва каломдан иборат рационалистик ва инсонпарварлик йўналишидаги диний-фалсафий оқимлар, тасаввуфнинг орифлик таълимоти тарафдорлари – “соф араб-мусулмон” фалсафаси машшоиййунлар (Киндий, Форобий, Яхъё ибн Ади, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Насриддин Тусий, Ибн Бажжа, Ибн Туфайл, Ибн Рушд), Демокритнинг эмпирик табиатшунослик фалсафаси йўналишидаги табииййунлар (Жобир, Эроншаҳрий, Розий, Беруний, Абу-л-Баракот), амалиёт, давлат ва ахлоқ фалсафаси (Абу Ханифа, Абу Юсуф ал-Хирожий, Мавардий, Форобий, Ибн Мискавайк, Ибн Сино, Кайковус, Низом-ул-Мулк, Насриддин Тусий, Саъдий, Ҳофиз), мантиқшунослик ва ҳозирги семантик мантиқ фалсафаси йўналишидаги фалсафа (Матта Ибн Юнус, Юханна ибн Хайлон, Форобий, Абу Сулаймон Мантиқий ас-Сижжистоний, Ибн Сино, Насриддин Тусий), хуруфийлар, Мир Саид Шариф

Журжоний), фанни фалсафий ва диний таълимотларни қиёсий ўрганувчилар (ибн ан-Надим, Абу Абдуллоҳ Котиб Хоразмий, Абдулкарим аш-Шаҳристоний, Байҳақий, Ибн Халилиқон, ибн Усайбиъа, ал-Форисий ал-Фаҳрий) каби оқимлар мавжуд бўлган.

Даврнинг ўта қизғин, суронлилигига қарамай, араб Му-сулмон файласуфлари илм-фан, фалсафанинг энг фунда-ментал категориялари: борлиқ, субстанция, материя ва унинг атрибутлари, ҳаракат қонуниятлари ва физикавий механизм, жон, руҳ, онг, тафаккур, фозил жамият, комил инсонни шакллантириш каби абадий ва доимий долзарб муаммолари мавзуси остида ишлаганлар ва жуда муҳим ил-мий-фалсафий ютуқларга эришганлар.

Деистик ва пантеистик дунёқарашга асосланган Розий, Форобий, Беруний ва Ибн Сино каби мутафаккирлар ди-ний ақидапарастликка соғлом УЙҒОНИШ ДАВРИ ФАЛСА-ФАСИ: ақл, илм-фан, мантиқий нуқтаи назаридан туриб танқидий ёндошар эдилар.

Диний ақидапарастликни илм фан, фалсафани тарғиб қилишга мажбур қилишнинг ўзи бўлмас эди, албатта. Бу-нинг учун диний-ақидавий мафқуранинг ўзини ақлий ва ма-жозий талқин қилиш, уларни ақл, илм-фан, фалсафа да-лиллари билан тўқнашмайдиган ҳолга келтириш, уларни тараққиётга хавф солмайдиган қилиб талқин этиш, яъни расмий ҳукмрон диний ақидалардан четга чиқувчи илғор ғоялар ва қарашларга эга бўлган бир бутун дунёвий фалсафа маданиятини вужудга келтиришни талаб қилар эди.

Умуман Жобир, Эроншаҳрий, Розий, Беруний ёки Абу-л-Баракот каби мутафаккирлар худонинг иродаси ва яратув-чилик фаолиятини оқилона мақсад, адолат ва эзгуликни амалга оширувчи йўналишда талқин этганлар. Форобий, Ибн Маскавайх, Ибн Сино каби мутафаккирлар худо, олам ва инсоннинг ўзаро муносабатларини Арасту фалсафасининг сабаб-оқибат принциплари, неоплатонизмнинг эминация (судур, файзи илоҳий) назарияси асосида тушунтириб, худо ва олам, табиат ва инсонлар ўзаро қарама-қарши, мутлақо бегона борлиқ эмас, балки бир вужудият (борлиқ)нинг бир-

бирига боғлиқ, ўзаро бир-бирини тақозо қилувчи икки томонидир, худо вожиб-ул-вужуд-борлиқнинг сабаби, моҳияти, олам инсон эса мумкин-ул-вужуд, яъни оқибат, бўлиши эҳтимол бўлган борлиқдир деб тушунтирганлар.

Форобий, Ибн Сино каби мутафаккирларнинг фикрича, илоҳий моҳиятга эга бўлган инсон яшайдиган шу дунёгина реалдир. Шунинг учун инсон шу дунёда ақл талабларига риоя қилган ҳолда яшаши, ҳақиқий моддий ва маънавий бахт-саодатга эришиши керак. Ана шунда ундан келажак авлодларга яхши хотира, маънавий мулк қолади ва у келгуси авлодлар хотирасида яхши одам, фозил-етук киши, комил инсон сифатида абадий яшайди. Агарда киши ўзининг жисмини ва маънавий қобилиятларини, табиатини меҳнат, таълим-тарбия, касб-ҳунар, санъатларини эгаллаш орқали такомиллаштирмаса, ундан келгуси авлодларга ёмон, жоҳил киши деган хотира қолади ва у кишилар хотирасидан ўчиб, йўқ бўлиб кетади, бу жуда катта бахтсизликдир.

Розий, Форобий, Беруний ва Ибн Сино ўз ижодларида илоҳий илҳом нури ёрдамида ғойибни билишни, сохта авлиёлик ва мўъжизакорликларни ўз даври учун илмий асосда шубҳа остига ола билганлар.

Бироқ, диний мутаассибчилик у вақтда кучли бўлганлиги учун улар “ҳақиқатнинг икки ёқламалиги” тўғрисидаги таълимотни илгари сурганлар.

Уларнинг фикрича, ҳақиқат, гарчи битта бўлса-да, унга эришиш йўли икки томонламадир. Бири илмий билиш, ақл ва мантиқ далиллари йўли бўлиб, у таълим ва таҳсил олган, ақлли, илмли кишилар учун; иккинчиси эса мажозий ифодалар, ривоят, ҳикоя ва масаллар йўли. Кейинги йўл диний китобларда баён этилган, кўр-кўрона эътиқодга ўргатилганлар йўли, илмий ҳақиқатларнинг тўғридан-тўғри қабул қила олмайдиганлар мажозий қабул қила оладиган, тасаввур қила оладиганлар йўлидир. Бу икки ҳақиқат назарияси диний ва дунёвий билимларни илм-фан, фалсафа билан илоҳиёт чегараларини ажратиб беришда, уларнинг ўзаро тўқнашмасдан мустақил ривожланишларини таъминлашда, фан ва фалсафанинг аҳамиятини кўтаришда жуда муҳим ўрин тутади.

Агар қадимги фалсафа кулчилик даврида пайдо бўлган бўлса, ўрта аср фалсафаси Фарбда феодализм даврида вужудга келди (V-XV асрлар).

Христиан таълимотига кўра, ҳамма нарсанинг яратувчиси худо ва ҳамма нарса унинг хоҳиши билан амалга ошади. Маълумки, қадимги фалсафа борлиқ, материя (пассив), шакл, (актив) бирлигидан бошланса, христиан фалсафасида ҳар қандай нарса фақат битта ягона худо томонидан бошланади, яратилади. Нарсаларнинг ҳаммаси яратганнинг меваси деб кўрсатилади. Худо мустақил ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган моҳиятдир. Бутун моҳиятнинг манбаи ҳам худо. Христиан фалсафасининг вакилларида бири Августин Блаженныйдир (354-430), у худонинг олий борлиқ субстанция (моҳият) олий номоддий шакл, олий эзгуликдир деб тавсифлайди. Худо олий борлиқ экан, у ҳамма вақт эзгулик яратар экан, ёмонлик борлиқ эмас, ижобий реаллик эмас, балки салбий реаллик, борлиқнинг акси, унинг бузувчисидир. Демак, шайтоннинг гапига кириб гумон қилиш, ёмонлик қилиш ҳақиқий борлиққа қарши бўлиб, уни бузишга олиб келади. Ёмонлик худонинг моҳиятидан келиб чиқмайди, деб ўргатади христиан фалсафаси.

III. Ўрта аср Фарб фалсафаси ўзига икки манбани назарий асос қилиб олди. Биринчиси, Христиан динидаги башоратлар унинг таълимоти бўлса, иккинчиси қадимги юнон фалсафаси, айниқса ундаги ғоявий борлиқ тўғрисидаги идеалистик қарашлар эди. Мана шу икки анъанавий қарашларни синтезлаш асосида ўрта аср Фарб фалсафаси вужудга келди ва шаклланди.

Ўрта аср Фарб фалсафасида борлиқ ёки мавжудлик билан моҳият тушунчалари ўртасидаги фарқ масаласи кўриб чиқилади. Бу фалсафа дунёни билиш учун қуйидаги саволларни майдонга ташлади: 1. Нарсалар борми? 2. У нима ўзи? 3. У қандай? 4. У нима учун мавжуд? Бу саволларнинг биринчиси борлиқ, мавжудликни аниқлашни талаб қилади.

Ўрта аср фалсафасидаги яна бир ўзига хос томон — бу реализм билан номинализм ўртасидаги баҳс-мунозарадир. Бу тортишув қадимги давр фалсафасида ҳам, ўрта аср Шарқ

фалсафасида ҳам мавжуд бўлган. «Реализм» тушунчаси ҳозирги даврда ишлатиладиган маънодан бутунлай бошқа маънони билдиради. У лотин тилида (реалис) мавжудлик, борлик деган маънони англатади.

Ўрта аср реализм таълимоти қадимги юнон файласуфи Платоннинг моҳият тўғрисидаги қарашлари билан ҳамоҳангдир. Чунки у реал борлик ўзгармас, абадий мустақил ғоялардан иборат, алоҳида нарсалар ўткинчи, ўзгарувчан деб айтган эди. Ўрта асрдаги реализм таълимотига кўра, умумий тушунчалар нарсалардан олдин илоҳий фикр сифатида мавжуд бўлади. Шунинг учун бу оқимнинг йирик намояндаси Ансельм Кентерберийский (1033-1109) инсон билиши фақат ақл ёрдамида амалга ошади, чунки фақат ақлгина умумий фаҳмлаш қобилиятига эга, деган эди. Бундай таълимотга қарши номинализм оқими ақлдан кўра иродани устун қўяди. Номинализм термини лотин тилида (“nomen”) ном, исм деган маънони англатади. Номинализм таълимотига кўра умумий тушунча фақат номни билдиради. У мустақил мавжуд бўлиш аҳамиятига эга эмас.

Умумий тушунчалар якка нарсалар ва ҳодисаларсиз мустақил аҳамиятга эга эмас. Шундай қилиб, номинализм таълимотига кўра, умумий тушунчалар нарсалардан олдин эмас, балки нарсалар ундан олдин пайдо бўлади. Номинализм вакилларида Росцеллин (XI-XII), У Оккам (1285-1340), И.Бурдин (XIII аср охири – XIV аср боши), отрекурлик Николай (XIV) ва бошқалар. Реализм таълимотининг йирик вакили, христиан фалсафасининг асосчиси Фома Авинскийдир (1225(26)-1274).

Номинализм таълимотини ривожлантиришда Марказий Осиё мутафаккирларидан Ибн Сино, Форобийларнинг хизмати катта. Улар ҳам Шарқда мавжуд бўлган “реализм” – калом фалсафасининг қарашлари билан доим баҳслашиб келганлар.

Ўрта аср номинализи Фр.Бекон, Дж.Локк, Д.Юмнинг эмпирик фалсафаси пайдо бўлишида ҳам асос бўлди шунинг табиий фанлар ривожиди муҳим роль ўйнади.

Ўрта аср Фарб фалсафасидаги реализм схоластик фалсафага асос солди. Ўрта аср Фарб фалсафасида Шарқ фалса-

фасидан фарқли ўлароқ диққат-эътибор табиатни эмас, балки худони ва инсон руҳиятини ўрганишга қаратилди. Табиатни ўрганганда ҳам турли символик рамзий маънода ўрганилди. Дунё инсон учун эзгулик бўлибгина қолмай, тарбия ўқитувчи ҳамдир. Фарбий Европада уйғониш даври, кўпчилик олимларнинг эътироф этишича, ўрта асрнинг сўнги юз йиллигидан янги давргача бўлган оралиқни, хусусан, XIV-XVI асрларни ўз ичига олади.

XIV аср охири – XV аср бошларида Фарбий Европа мамлакатларида янги давр бошланаётганидан дарак берувчи бир қатор ижтимоий, иқтисодий, маънавий ўзгаришлар бўлди. Жумладан, Италияда янги тузумнинг биринчи белгиси – мануфактуралар вужудга кела бошлади. Шаҳар, шаҳар маданияти, савдо ривожланди, ишлаб чиқариш суръати жадаллашди, техникада кашфиётлар бўлди, ишлаб чиқаришга техника воситалари кириб кела бошлади. Европада (Шарқдан кейин) компас яратилди ва янги денгиз йўллари очила бошлади. Магеланнинг дунё бўйлаб сафари, Америка ва Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилиши шулар жумласидандир.

Европа мамлакатларидаги бундай ўзгаришлар натижасида нафақат иқтисод ва сиёсат, шу билан бирга фан ва маданият, шунингдек фалсафа ўрта асрда ҳукмрон ғоя бўлган дин таъсиридан қутула борди ва дастлабки буржуа маданияти шакллана бошлади.

Машҳур сиёсатчи Николло Макиавелли (1469-1527 й)ни уйғониш даврининг биринчи социологи дейиш мумкин. У эгоизм, моддий манфаатдорлик инсон фаолиятининг асосидир, деган ғояни илгари суради. “Одамлар,-деб ёзади у, ота-онасининг ўлимини йўқотган мол-мулкига нисбатан тезроқ унутадилар”.

Макиавелли давлат мавжудлигини дин (черков)га боғлаб тушунтирган ўрта аср фалсафий фикридан фарқли ўлароқ, давлат ҳуқуқ-тартибот органлари орқали, қонунлар асосида бошқарилиши кераклигини айтади.

Макиавелли “Подшоҳ” деб номланган асарида давлатнинг куч-қудратини қонун ташкил этиши лозимлигини, бунга эришиш учун турли йўллардан фойдаланиш мумкинлигини баён

қилади. “Қудратли давлат тузмоқчи бўлган ҳукмдор бир қанча, жумладан, шер ва тулки хусусиятларига эга бўлиши керак”, — деб ёзади у.

Халқ манфаатларини ифодалайдиган давлат қандай бўлиши керак? Инглиз гуманисти ва давлат арбоби Томас Мор (1478-1535) ўзининг “Утопия” асарида бу саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. У халқнинг азоб-уқубатда яшаётганлигини чуқур қайғу билан ёзар экан, бунинг асосий сабабини хусусий мулкдан қидиради. Хусусий мулкни кишилик жамиятининг асоси, деб билган Макиавеллидан фарқли ўлароқ Т.Мор уни ижтимоий зулмнинг бош сабаби, деб кўрсатади. “Утопия”да тасвирланган жамиятнинг характерли белгиси — унда хусусий мулк йўқ, қўл кучига асосланган оддий жисмоний меҳнат мавжуд.

Польшалик олим Николай Коперник (1473-1543 й) яратган гелиоцентризм назарияси табиатшунослик ривожидан янги босқични бошлаб берди. У ўзининг “Османий жисмларнинг айланиши тўғрисида” номли асарида Аристотель ва Птоломейларнинг геоцентрик таълимоти (Ер — коинот Маркази) нотўғри эканлигини исбот қилди. Ер ўз ўқи ва қуёш атрофида айланади, деган ғоя билан фан оламида инқилоб қилди. Диндорлар Коперникнинг бу кашфиётига икки хил ёндашдилар:

1) Календарнинг ўзгаришидан (1582 й) манфаатдор бўлганлар унга яхши муносабат билдирдилар;

2) Бу кашфиёт олам тўғрисидаги диний қарашларга зид деб билганлар унга салбий муносабат билдирдилар;

Уйғониш даври фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган етакчи олимлардан яна бири Жордано Бруно (1548-1600 й) бўлиб, у Коперникнинг камчиликларини тузатди ва гелиоцентрик таълимотни ривожлантирди. У оламнинг чексизлигини далиллар асосида аниқ ва равшан исботлаб берди. Унинг дунёқараши, шаклига кўра, пантеистик йўналишда (худо ва табиатни айнанлаштириш) бўлса-да, мазмуни воқеаликни реал акс эттиришга қаратилган эди.

Уйғониш давридаги бу табиатшунос олимларнинг олам тўғрисидаги ғоялари ўша даврдаги ҳукмрон диний қарашларга зид бўлгани учун инквизиция уларнинг асарларини

Ўқишни таъқиқлади. Ўзларини суд қилиб, бирини (Н.Коперникни) осишга, бирини (Ж.Брунони) ўтда ёндиришга ҳукм қилди. Г.Галилей эса гўё адашганини тан олиб, ўз фикридан қайтган бўлди. Бироқ уларнинг гоёлари фан оламига кириб борган эди, энди уни ҳеч қандай куч, шу жумладан, инквизиция ҳам тўхтатиб қола олмади.

Таянч тушунчалар:

Мутакаллим, Ваҳдат ул-вужуд, орифлик, зоҳидлик, пантеизм, деизм, илми нуҷум, алжабр, реализм, номинализм, эмпирик, геоцентриқ, гелиоцентриқ.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ислом мафқураси ва ислом фалсафаси.
2. Ал-Киндий, Ал-Розий, Ал-Ғаззолий, Ибн Рушд фалсафаси. Шарқ уйғониш даври.
3. Туркистондаги тасаввуфий қарашлар.
4. Ғарб уйғониш даври фалсафаси.
5. Номинализм ва реалазм.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-том. Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. Мир Философии. Том I. М., 1991.
3. Основы философии / Под Редакцией Ахмедовой М.А. и Хан В.И. Т.: “Узбекистан”, 1998.
4. Ўрта Осиёда педагогик фикрлар тараққиётидан лавҳалар. Т., 1996.
5. Туленов Ж., Ғофуров З. Фалсафа. Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
6. XVII-XX аср Ғарб фалсафаси. Т.: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, 2000.
7. Раҳимов И. Фалсафа. (қисқа конспект). Т., 1998.
8. Фалсафа / Акад.Э.Юсупов таҳрири остида. Т.: 1999.
9. Фалсафа (Маъруза матнлари) Т., 2000.
10. Фалсафа асослари. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

4-мавзу: Янги давр Европа фалсафаси

Режа:

1. XVII-XVIII асрларда Европадаги шарт-шароитлар.
2. Ф.Бекон ва Р.Декартнинг фалсафий қарашлари.
3. Немис классик фалсафаси.

XVII-XVIII асрлар тарих солномасига “Янги давр” номи билан кирди. Бу давр ўзига хос хусусиятларга эга.

1. Бу даврдаги буржуа инқилоблари ва халқ ҳаракатлари натижасида бир қатор Европа мамлакатларида жуда катта ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар юз берди. Бунинг қонуний якуни ўлароқ, Англия, Голландия ва Франция каби давлатларда XVI-XVII асрларда феодал муносабатлар бағрида шакллана бошлаган капиталистик ишлаб чиқариш қарор топди.

2. Географик ва илмий кашфиётлар туфайли ахборот кўлами жуда кенгайди. Бу даврдаги ахборотлар ўз миқдорига кўра XX асрдагига тенг келса келгану, ундан кам бўлмаган.

3. Булар (капитализм тараққиёти ва ахборотнинг кучайиши) ўз навбатида фан ривожини тақозо этди. “Фан фан учун” шиори “фан инсон хизмати учун” шиори билан алмашди. Табиатшуносликда янгидан-янги ютуқлар қўлга киритилди (Ньютон, Лейбниц, Торичелли ва бошқалар).

4. Бу даврда адабиёт, санъат ва маданиятда ҳам тенги йўқ асарлар яратилди (Шекспир, Леонардо да Винчи, Микеланжелла, Рафаэл, Рембрант ва бошқалар). Уларда инсон муаммоси, унинг қудрати ва гўзаллиги каби масалалар акс эттирилган.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бўлган бу бурилишлар табиийки, янги даврда фалсафий фикрга ҳам таъсир этди.

Англиялик Ф.Бекон ва франциялик Р.Декарт янги даврнинг биринчи мутафаккирлари бўлдилар. Френсис Бэкон (1561-1626 й) файласуф олимдан кўра кўпроқ давлат арбоби сифатида фаолият кўрсатган. Кўпчилик тадқиқотчилар уни сиёсатчи сифатида тан олишади. Зотан, у ёшлигидан сиёсатга қизиққан. 19 ёшидаёқ Бэкон ўзини сиёсат майдониди

кўрсатган. Кейинчалик у элчи, судья, вазир, лорд-канцлер лавозимларида ишлаган. У фармонлар, қарорлар, сиёсий ишларни ёзиш билан овора бўлиб, фан ва фалсафа билан чуқур шуғуллана олмаган.

Маълумотларга кўра, у порахўрликда айбланади. Бироқ унинг порахўрлигини исботловчи далиллар йўқлиги сабабли озод қилинади ва ишдан четлаштирилади. У қолган умрини илм-фанга бағишлаб, иккита йирик фалсафий асар ёзади. Биринчи китоби “Янги Органон” (“Билишнинг янги қуроли”)да (1620) Бэкон ўзининг фан ва унинг усуллари тўғрисидаги қарашларини баён қилган. Иккинчи китоби “Янги Атлантида” (1623) асарида унинг жамият ҳақидаги фикрлари акс эттирилган.

Бэкон фикрича, билишнинг асосий вазифаси табиатдан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш, яъни унинг устидан ҳукмронлик қилиш, шунингдек, инсон ҳаётини такомиллаштириш бўлиши керак. Билишда у тажрибага катта эътибор беради.

Бэкон билишда метод аҳамиятига ҳам тўхталади. “Ҳозиргача — таъкидлайди олим — кашфиётлар тасодифан бўлган. Тадқиқотчилар тўғри метод билан қуролланганларида эди, кашфиётлар ҳозиргидан анча кўп бўлган бўлур эди”. У догматик ва эмпирик методларни таҳлил қилади ва улардаги бир ёқламаликни кўрсатади. Ҳақиқий метод, унинг фикрича, тажриба орқали олинган материалларни мияда қайта ишлаш усулидир. Бунда у индуктив методни назарда тутади.

Рене Декарт (1596-1650) бирор бир олий ўқув юртида ўқимаган, олимлар даврасида бўлмаган, ўзи ўқиб, ўзи ўрганган. У 1621 йилгача ҳарбий хизматда бўлган. Ҳарбий хизмат Декартни фан билан шуғулланиши учун маълум даражада шароит яратган. Ҳарбий юришлар асосан март-апрел ойларида бўлган, қолган вақтда китоб ўқиш олимлар билан суҳбатлашишга имкон бўлган.

Декарт фалсафий термин билан айтганда, дуалист. Унинг фикрича, икки нарса — номоддий ва моддий субстанция бирламчи асос сифатида мавжуд. Ҳар иккисини олий субстанция-худо бошқаради.

Билиш масаласида Декарт қуйидагича фикрлайди: билиш шубҳадан бошланиши керак, чунки шубҳа данакни қум тупроқдан тозалайди. Ҳамма нарсага шубҳа билан қараш фалсафий фикрнинг асоси бўлиши керак.

Декарт билишда сезги билан бир қаторда инсон ақлига юқори баҳо беради, натижада рационализмни ривожлантиради. У Бэконга қарама-қарши ўлароқ дедуктив метод тарафдори.

Томас Гоббс (1588-1679) фалсафа тарихида ўзига хос ўрин тутади. У илғор ғоялари учун Англияда таъқиб қилинади ва у ердан кетишга мажбур бўлади. Италиядан кейин бир муддат Францияда яшайди ва кейин Бэконга котиблик қилади. Т.Гоббс Бэкон ғояларини чуқур ўрганади ва тартибга келтиради.

Гоббс фикрича, дунё жисмлар йиғиндисидан иборат, жисмсиз бирор бир нарса мавжуд бўлмайди. Жисмсиз бирор бир субстанция бамисоли жисмсиз жисмдир. Тафаккурни материядан ажратиш мумкин эмас. Билишда у Декарт рационализмига қарама-қарши ўлароқ сезгилар аҳамиятига ортиқча баҳо беради, яъни ташқи оламни ҳиссий қабул қилиш (сезги) — билиш манбаи. Сезги ёрдамида ҳосил қилинган “ғоя” (нарса) ақл орқали қайта “ишлов”дан ўтади. Гоббснинг “Левиафан” асарида давлат тўғрисидаги қарашлар баён қилинган. Унинг фикрича, кишилик жамиятининг икки хил ҳолати мавжуд: табиий ва фуқаролик.

Бэкон ишларини изчиллик билан давом эттирган мутафаккирлардан яна бири Джон Локк (1632-1704) бўлган. Гоббс юқорида айтилганидек, Бэкон қарашларини тартибга келтириш билан чегараланган бўлса, Локк унинг билим ҳиссиёт дунёси билан чамбарчас боғлиқлиги тўғрисидаги ғояларини асослаб берди.

Англияда Локк сиёсатчи сифатида машҳур, чунки у ўз асарларида 1688 йилги буржуа революциясининг икки ҳукмрон синф буржуазия ва янги дворянларнинг келишиши (муроиси) билан яқунланганлиги қонуний жараён эканлигини исботлашга ҳаракат қилган. Ҳақиқатдан ҳам Локк буржуа демократиясининг назарийчиси сифатида бир қатор ғоялар

ни илгари сурган. Жумладан, ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлишни биринчи бор Локк ўртага ташлаган. Бу ғоя кейинчалик француз маърифатпарвари Ж.Ж.Руссо томонидан ривожлантирилган. Мустақил Ўзбекистонда демократик тамойилларга асосланган ҳуқуқий давлат қуриш жараёни бораётган бугунги шароитда бу таълимот янада аҳамиятлидир.

Локк билиш масаласи устида ҳам атрофлича фикр юритган. “Инсон ақли тўғрисида тажриба” (1690) номли асариди у “туғма ғоя”лар ҳақидаги қарашларни танқид қилади, ҳар қандай ғоянинг асоси тажрибадир, деган фикрни айтади ва уни исботлашга ҳаракат қилади. Тажриба унингча икки хил: ички ва ташқи бўлади. Ҳар иккиси ўз манбаига эга. Ички тажрибанинг манбаи рефлексия бўлиб, у фикрлаш, ҳис-ҳаяжон, эҳтирос билан боғлиқ. Ташқи тажрибанинг манбаи сезги бўлиб, у инсондан ташқаридаги нарса-ҳодисаларнинг сезги аъзоларига таъсири натижасида вужудга келади.

Бу давр фалсафаси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган яна бир вакил недерландиялик Бенедикт Спиноза (1632-1677) дир. У ўзига тўқ диндор яҳудий оиласида туғилган ва улар муҳитида ўсган. Ота-онаси уни ҳам диндор қилиб тарбияламоқчи бўлишади, бироқ бунга эриша олишмайди.

У бўш вақтларида фан ва фалсафа билан шуғулланади, бир қатор фалсафий асарлар ёзишни ният қилади, аммо касаллик туфайли фақат иккита китоби – “Илоҳий-сиёсий трактат” (1670 й) ва “Этика”(1675 й)ни тугаллашга улгуради. Бироқ, бу китоблар Спиноза ҳаётлигида нашр этилмайди. 100 йилдан кейингина буюк файласуф Гегель уларни қайта тиклайди. Шундан кейингина Спиноза файласуф сифатида эътироф этилади.

Жан-Жак Руссо (1712-1778 й) фақат Франциянинг эмас, балки, бутун Европа маърифатчилигининг буюк намояндаси бўлган. Руссо жамиятшунос (социолог), сиёсатчи, ахлоқшунос, руҳшунос (психолог) ва педагог сифатида маърифатчилик тарихида чуқур из қолдирган. У ўз қарашларида шахс ва инсоннинг ўз табиатидан бегоналашуви муаммоларини кўтариб чиқади. Унинг фикрича, инсон табиатдан узоқлашмаслиги

Керак. Шунинг учун у кишиларни қишлоқда яшашга чақиради. **У** қишлоқ турмуш тарзини шаҳар турмуш тарзидан афзал кўради. **Мутафаккирнинг** жамият, хусусий мулк ва давлат тўғрисидаги қарашлари ҳам қимматлидир.

Ж.Ж.Руссо ўзининг “Ижтимоий шартнома” асарида эркинлик ва юридик ҳуқуқлар тенглиги, давлат ва халқ ўз вазифалари ва бурчларини кўрсатган ҳолдагина битим тузиши зарурлиги тўғрисида фикр юритади. Шунини таъкидлаш керакки, мутафаккирнинг ўзи Франциядаги буржуа революцияси муқаррарлигини тўла англаб етмаган бўлса-да, унинг ғоялари мазкур революцияни тайёрлашда муҳим ўрин тутди.

Ўша давргача бўлган фалсафий қарашлардан жиддий фарқ қилган, ўзигача бўлган фалсафий ғояларни ривожлантирибгина қолмай, балки моҳиятига кўра, улардан анча илгарилаб кетган француз фалсафаси ана шу француз маърифатчилиги бағрида ва айни вақтда унинг таркибий бир қисми сифатида шаклланди ва тараққий этди. Бу давр Гелваций (1715-1771 й), Гольбах (1722-1789й), Дидро (1713-1784 й), Ламетрий каби бир қатор мутафаккирларни фалсафий фикр майдонига олиб чиқди.

XVIII аср француз файласуфларининг тарихий хизматларини куйидагича хулосалаш мумкин:

1. Табиатни ўрганишга системали ёндошганлар ва материяни таърифлашга урунганлар.

2. Билишда ақлий ва ҳиссий томонлар бирлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурганлар.

3. Табиат тўғрисидаги ўз қарашларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилганлар.

4. Феодализм асосларини танқид қилиб, ҳуқуқий давлат (қонунларга риоя қиладиган) ўрнатиш зарурлигини кўрсатганлар.

5. Дин илм-маърифат, ижтимоий тараққиёт тўсиғи эканлигини исботламоқчи бўлганлар (Дж.Беркли, Д.Юм).

И.Кант (1724-1804 й) немис классик фалсафасининг асосчиси бўлиб, фалсафий фикр тараққиётини янги босқичга кўтарган мутафаккирдир. Кант немис халқи ва немис фалсафаси тарихидагина эмас, балки инсоният ва жаҳон маданияти тарихида ҳам буюк сиймо ҳисобланади.

Кант биринчи бўлиб билиш назариясини изчил ва чуқур

фикрлаш асосида ўрганди. Билиш назариясини онтологик (борлиқ сифатида) жиҳатидан асослаб берди. Кантнинг фикрича, назарий фалсафанинг предмети нарсаларни ўрганиш эмас (табиат, жамият эмас). Балки инсоннинг билиш фаолиятини илмий текширишдан, инсон ақлий фаолиятини аниқлашдан иборат. Шундай қилиб, Кант онтология ўрнига гносологияни қўйиб, метафизик субстанция (борлиқ моҳияти)дан субъектни таҳлил қилишга, инсонни билиш фаолиятини текширишга ўтади (Кантнинг бошқа фикрлари билиш назарияси, маънавий борлиқ мавзуларида берилган).

Немис классик фалсафасининг йирик намояндаларидан Гегель (1770-1831й) бу масалани охирига етказди. Агар Кант ҳақиқий билим билан мифологияни, санъатдаги билишларни қарама-қарши қўйган бўлса, Гегель улар ўртасидаги фарқни мутлақлаштиришга қарши чиқди. Гегель соф тушунчанинг мавжуд бўлишини унинг субъектив мавжудликдан фарқлайди, унинг нарсалар билан мослиги ҳақида гапиради. Демак, тушунча бошидан қарама-қаршилиқларга айланганлиги ва фарқи асосида ўз-ўзидан ривожланар экан, у диалектика асосида боради. Бу ривожланиш асосида қарама-қаршилиқларнинг бирлиги ва кураши ётади. Тафаккурнинг бу қонунни тараққиётнинг барча соҳаларига: табиатга ҳам, жамиятга ҳам тегишлидир. Тараққиёт Гегель фикрича, маълум схема асосида боради: тезис (даъво), антитезис (инкор), синтез (инкорни инкор). Ҳар бир инкор ўзидан илгариги ижобий томонларни синтезлаштиради. Масалан, буғдой экилса, ўсиб чиққан поя уни инкор этади, янги бошоқ пояни инкор этади. Натижада юқоридаги учлик амалга ошади. Гегель диалектиканинг қонун ва категорияларини ишлаб чиқди.

Гегель ўзининг системасини “Рух феноменологияси” (1806) асарида беради. Унда индивидуал онг муаммоси тўғрисида фикр юритар экан, объект билан субъектнинг қарама-қаршилигини енгил асосидаги тараққиёт онг тараққиётидан иборат эканлигини ёзади.

Гегель ўзининг “Логика”сида тушунчанинг ўз-ўзича ривожланишини кўрсатиб беради. Тушунчанинг ўз-ўзича ривожланиши “мутлоқ ғоя”га интилиб ривожланар экан, де-

мак унинг ҳар бир босқичи нисбий ҳақиқат сифатида намоён бўлади. Мутлоқ ғоя ўз ниҳоясига яқинлашади. Гегель буни тарихнинг юксак чўққиси деб қарайди. Бу унинг чекланганлиги эди.

3. Немис классик фалсафасининг яна бир буюк вакили Людвиг Фейербах (1804-1872) бўлиб, у таниқли адлия ходими оиласида туғилган. Фейербах илк фалсафий асарларидаёқ Гегель таълимотига шубҳа билан қарайди ва аста-секин ундан узоқлаша боради. Фейербах XIX асрнинг 30-йиллари охирида ёзган “Гегель фалсафасининг танқидига доир” асарида табиатни, материяни ғоявийлик асосида ётувчи реаллик сифатида талқин қилади.

Фейербах 40-йилларда нашр этилган китобларида (“Христианликнинг моҳияти” 1841 й., “Фалсафани изоҳ қилиш бўйича дастлабки тезислар” 1842 й., “Келажак фалсафасининг асосий қоидалари” 1843 й) идеалистик ва диний қарашларни қаттиқ танқид қилади.

Фейербах фикрича, тафаккурнинг борлиққа муносабати фалсафанинг бош масаласи экан, демак, фалсафа, инсон моҳияти тўғрисидаги таълимот бўлиши керак. Чунки инсондан бошқа бирорта фикрловчи жонзот йўқ. Тафаккурнинг борлиққа муносабати масаласи эса фақат инсон фаолияти жараёнида ҳал қилинади. Фейербах фалсафаси инсонга қаратилган, шу боис у антропологик фалсафа дейилади. “Инсон борлиқ ва тафаккур бирлигининг субъекти, асоси қилиб олингандагина, у бирликни ҳақиқий дейиш мумкин”, — деб ёзади Фейербах.

Шуни қайд қилиш этиш жоизки, Фейербах динни танқид қилиш билан бир қаторда янги дин яратиш ғоясини илгари суради. Динни танқид қилганда аллома бутун ўн саккиз минг олам ижодкори — инсондан ташқаридаги худони назарда тутати. Янги дин тўғрисида гапирганда эса, инсонга боғлиқ бўлган, демак, инсон яратган динни назарда тутати. Бошқача қилиб айтганда дин яратувчи эмас, яратилувчи ғоядир.

Таянч тушунчалар:

Янги давр, Бэкон, Локк, Гоббс, Ж.Беркли, Д.Юм, Б.Спиноза, Р.Декарт, Ж.Ж.Руссо, Немис классик философияси намояндалари, Кант, Гегель, Феербах, Абсолют идея, нарса ўзида, тезис, антитезис, синтез, христианликнинг моҳияти.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Европада янги давр ва унинг фалсафаси.
2. Ф.Беконинг фалсафий қарашлари.
3. Гоббс, Локк, Р.Декартларнинг фалсафий қарашлари.
4. Немис классик фалсафасининг намояндалари.
5. Кант фалсафаси.
6. Гегель триадаси. Метод билан система ўртасидаги зиддият.
7. Фейербахнинг антропологик фалсафаси.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: 1998.
3. Введение в философии. М., 1990.
4. Туленов Ж., Гофуров З. Фалсафа. Т., 1997.
5. Каримов И. Фалсафадан ваъз матнлари. Т., 1995.
6. Фалсафа / Акад. Э.Юсупов таҳрири остида. Т., 1999.
7. Фалсафа (Маъруза матнлари) Т., 2000.
8. Гуломов Э., Қобулжонова Т., Эрназаров Т., Маврулов А. Маданиятшунослик. (Маърузалар матни). Т., 2000.
9. Гуннар Скирбекк. Фалсафа тарихи. Т., 2002.
10. Фарб фалсафаси. Т.: Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти нашриёти. 2004.
11. Фалсафа асослари. “Ўзбекистон”. Тошкент, 2005.
12. Чориев А. Инсон фалсафаси. (Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти). Т., 2007.

5-мавзу: XVI асрдан XX аср бошларигача Туркистонда ижтимоий фалсафий тафаккур

Режа:

1. Темурийлар давлатидан кейинги ижтимоий жараёнлар.
2. Амирлик ва хонликлар даври фалсафаси
3. Жадидчилик миллий ғоялар учун кураш фалсафаси.

XVI асрдан бошлаб Мованауннаҳрда ўзаро урушлар, низолар авжига чиқди. Темурийлар давлати инқирозга юз тугиб, майда давлатларга бўлиниб кетди. Натижада Шайбонийлар давлати тузилди. 1510 йилда Шайбонийхон Исмоил Сафавий лашкарлари томонидан ўлдирилганидан сўнг, марказлашган давлат инқирозга юз тутди.

XVI-XVII асрларда фалсафий ва ахлоқий фикр соҳасида Пошшоҳўжа, Мирзажон Аш-Шерозий ал-Боғавий, Ибн Муҳаммаджон Юсуф, Юсуф ал-Қорабоғий, Муҳаммад ал-Шариф Бухорий ва бошқаларнинг асарларини кўрсатиш мумкин.

Пошшоҳўжа (1480-1547) Нисло шаҳрида туғилиб, Бухорода вафот этган. У “Мифтоҳ ул-адл (“Адолат калити”) ва “Гулзор” ҳикоялар тўпламини яратган бўлиб, уларда инсоф, адолат, диёнат, саховат, донолик ва ақл-заковат, ростгўйлик, руҳий комиллик, ҳалоллик, меҳр-оқибат, камтарлик ва бошқа маънавий-ахлоқий фазилатларни таҳлил қилади, салбий иллатлар, инсонийликка зид хатти-ҳаракатларни қоралайди.

XVII асрнинг машҳур мутафаккири, файласуфи Юсуф ал-Қорабоғий (1563-1647) асли Озарбайжондан бўлиб, кейинчалик Бухорога келади. У ёшлигидан фикҳ, фалсафа, тасаввуф билан шуғулланади. Унинг муҳим рисолалари “Рисолаи ботинийа”, “Рисолаи хилватийа”, “Фи таърифи илм” ва бошқалардир. Булардан ташқари у Давоний, Тафтозоний, Шаҳобиддин Сухравардийларнинг китобларига шарҳлар битган. Қорабоғий ўз салафлари сингари дунёни, бутун оламни бир оғир билан чамбарчас боғлиқ бўлган ягона жисм деб билади.

Бобораҳим Машраб (1640-1711) Наманганда таваллуд топади. У Мулла Бозор Охунддан диний-тасаввуфий таълим олган.

сирларини ўрганadi. Кейинчалик эса қошғарлик Офоқ Хўжага муридлик қилади. 1675 йилда Наманганга қайтади. Машраб ўзининг кейинги ҳаётида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг кўп жойларида, хусусан, Тошкент, Туркистон, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Хўжанд, Бадахшон ва бошқа ерларда бўлади. У умрининг охирида Балхда бўлиб, Қундузда Маҳмуд Қатағон томонидан қатл қилинади (1711 й.).

Машраб ғазалларида илоҳий севги, яъни Оллоҳга муҳаббатни тасвирлайди. Машраб тасаввуфнинг қаландарлик тариқатини танлайди, халқни эзгуликка, инсоф, диёнат ва тўғриликка чақиради. Унинг ижодини кенг ўрганиш, бугунги ижтимоий, маънавий ва тасаввуф арконлари нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш дастлабки даҳриёна қарашлардаги “кашфиёт”ларни бутунлай инкор қилади.

У Иброҳим Лдхам, Мансури Халлож, Насимийларнинг фалсафий аҳкомларини, орифлик мартабасини улуғлаган ҳолда ваҳдати вуҷуд таълимотини илгари суради. Инсон Муллақ илоҳ ҳақиқатига интилиши лозимлигини таъкидлаб, ўткинчи дунёдан воз кечини ва алданмасликни баён қилади, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларида ҳукмдорларни инсофга, халққа ёрдам беришга даъват этиш ётади.

Машраб мураккаб қарама-қаршиликлар даврида яшади. Бу ҳол унинг дунёқараши аке этган ўгли, исёнкор ғазалларида ҳам билиниб туради. У бир тарафдан, адолатли жамият, инсоннинг гўзал фазилатлари ҳақида фикр юритса, иккинчи томондан, яхши жамиятга эришиб бўлмаслиги ҳақида гапириб, умидсизликка, таркидунёчиликка берилади.

Ўзининг ижтимоий-фалсафий фикрлари билан Марказий Осиё маданиятига катта таъсир кўрсатган шоир ва файласуф Мирза Абдулқодир Бедилдир (1644-1721). Мирза Бедил илмининг кўп соҳалари, хусусан, фалсафа, адабиёт, санъатшунослик бўйича ижод қилди. У ҳинд, араб, эрон, кўплаб Осиё халқларининг илмий меросини чуқур ўзлаштирган етук олимдир. Бундан ташқари Мирзо Бедил Саъдий, Агтор, Жомий, Ҳофиз, Навоийларнинг шеърияти, дунёқарашларини пухта билган.

Унинг муҳим асарлари “Чор унсур”, “Ирфон”, “Рубои-

ёт”, “Ғазалиёт” ва бошқалардир. Ваҳдати-мавжуд оқими тарафдорлари табиатнинг абадийлигини материя ва руҳнинг бирлигини тан олиб, худони оламнинг ўзида деб биладилар. Мирза Бедил ана шу таълимот тарафдори эди. Бедил ўзининг “Чор унсур”, “Ирфон” асарларида ҳамма нарсаларнинг асосида ҳаво ётади, деб ҳисоблади.

Унингча ҳаво абадий, мутлақ, ҳаракатчан, ўзгарувчан, рангсиз ва енгилдир. У юқори ва қуйи томон ҳаракат қилади. У руҳлар тўғрисида сўз юритиб, нозик буг бухори латиф ҳаводан келиб чиқиб, табиий руҳ, наботот руҳи, инсон руҳи, ҳайвоний руҳни пайдо қилади дейди. Хуллас, у табиатни руҳлантиради, руҳлар моддий дунёдан ташқарида эмаслигини алоҳида таъкидлайди.

Мирза Бедил ижтимоий-сиёсий қарашларида жамият, инсон, давлат ва унинг келиб чиқиши, унинг бошқариш йўллари, деҳқончилик ва унинг фойдаси ҳақида фикр юритади.

Хуллас, Мирза Бедилнинг инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ижтимоий ва фалсафий ғоялари ўша даврда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Олим ўзининг фалсафий қарашлари билан Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий-илмий ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида Марказий Осиёда уч давлат Кўқон ва Хива хонлиги ҳамда Бухоро амирликлари пайдо бўлди. Улар даврида илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантирган мутафаккирлар етишиб чиқди. Кўқон хонлиги ҳудудида яшаб ижод қилган шоиралардан Нодира (1792-1843), Увайсий (1789-1850), Дилшод Барно (1800-1906) ва бошқалар ижтимоий фалсафий фикр ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Булар орасида Нодира (Моҳларойим) алоҳида ўрин эгаллайди. Шоира ўн минг мисрадан ортиқ ғазалларнинг муаллифи бўлиб, уларда замонасининг муҳим муаммоларини кўтариб чиқади. Нодира мамлакатни бошқаришда фаоллик кўрсатади, давлатни тadbир ва адолат асосида бошқаришга интилади. Бу борада ўз ўғлига кўмакдош бўлади, унга ҳомийлик қилади.

Оғаҳий-Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли 1809 йилда Қиёт қишлоғида туғилиб, 1874 йилда вафот этган.

Шоирнинг муҳим асарлари “Жомеъ ул-воқеоти Султони”, “Зубдат-ул таворих”, “Гулшани давлат”, “Риёз уд-давла”, “Шоҳиди иқбол”, “Баёзи мутафаррикаи форсий”, “Фирдавс ул иқбол” ва бошқалардир. Булардан ташқари, Оғаҳий Саъдий, Шерозий, Низомий, Кайковус, Жомий ва Кошифийнинг бадиий, тарихий, фалсафий, ахлоқий, дидактик асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Оғаҳий ўзининг “Қасидаи насиҳат” номли асари ва бошқаларда давлатни бошқариш йўллари кўрсатади ва Хива хони Ферузга мамлакатни одилона бошқариш йўл-йўриқларини айтади. Оғаҳий ўзининг ижтимоий қарашларида инсонпарварлик ғояларини илгари суради, одамларни яхшилик ва эзгуликка, хайрли ишлар билан шуғулланишга, маърифатпарварликка даъват этади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ижод этган Қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Бердақ (1827-1900) “Омонгелди”, “Халқ учун”, “Аҳмоқ подшо”, “Яхшироқ”, “Бўлган эмас”, “Эрназарбий” каби асарларнинг муаллифидир. Ушбу асарларда мутафаккир халқнинг турмуш тарзини, шу замондаги ҳаётини моҳирона тасвирлайди.

Маърифатпарварлик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири Фурқатдир (1859-1909). Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат Қўқонда дунёга келади. У “Илм хосияти”, “Гимназия хусусида”, “Тошкент шаҳрида бўлган нағма базми хусусида”, “Виставка хусусида”, “Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида” ва бошқа кўплаб асарларида маърифатпарварлик ғояларини илгари суради.

Фурқат ўта мураккаб даврнинг зиддиятли томонларини, мамлакат қолоқлигининг туб сабабларини ҳаққоний идрок қилади. Бу қолоқликнинг асл сабабларини жаҳолатда, уруш-жанжалларда деб билади. Хон ва бекларнинг ўзаро низолари, уларнинг саводсизлиги ва жоҳиллиги, очкўз ва таъмагирлиги, текинхўрлиги мамлакат ва халққа офат-кулфат келтираётганини кўра билди.

Фурқат жамиятдаги салбий иллатлар ва адолатсизликларни бартараф этишда, илм-фан, таълим-тарбия, муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқур тушуниб етди.

Ўша давр маърифатпарварлик ҳаракатининг йирик намояндалари Муқимий (1850-1908), Завқий (1853-1921), Анбар Отин (1870-1914), Ҳамза (1889-1929) ижтимоий зиддиятлар кучайган даврда яшадилар. Улар жамиятдаги иллатларни танқид қилиш билан ажралиб турадилар.

Муқимий ўз қарашида эркин жамият, инсоф ва адолат, инсонийлик, иймон-эътиқод, эрк, баркамол инсон ҳақида фикр юритди, адолатсизлик, зўравонликка асосланган жамиятни қоралади. У “Вексель”, “Уруғ”, “Асрокул”, “Додхоҳим”, “Тўй”, “Танобчилар”, “Московчи бой” ва бошқа ҳажвий асарларида ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик ва зўравонлик, оғир солиқларни ҳаққоний равишда тасвирлайди.

Ўзбек адабиёти ва маданиятининг йирик вакили Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий дунёқарашининг шаклланишида Фузулий, Навоий, Ҳофиз, Фурқат ва Муқимийларнинг адабий мероси муҳим роль ўйнади. Ҳамза ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарига янги руҳ очиб кирган маърифатпарвар ижодкордир. Миллат тақдири ҳақида қайғурар экан, маърифат, билим эгаллаш, бахтли ва фаровон ҳаётга интилиш ғояларини илгари суради. Ҳамза жаҳолат, билимсизлик, фирибгарликни қоралади, амалдорларнинг ярамас хатти-ҳаракатларини фош этди.

Туркистонда маърифатчилик ҳаракатининг авж олиши жадидчилик ғояларининг вужудга келишида муҳим ўрин эгаллади. Лекин шўролар даврида жадидчилик кўпинча бир томонлама талқин қилинди, унинг ғоя ва мақсадларини сохталаштириш ва ҳатто уни миллатчилик ҳаракати деб баҳолаш ҳоллари ҳам бўлди. Мустақилликка эришилгандан сўнг бу ҳаракатни холисона ва илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш имконияти туғилди. Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари Туркистонда мустақил миллий тараққиёт учун, халқнинг манфаатлари учун кураш олиб бордилар. Жадидчилик ҳаракатининг муҳим хусусияти уни миллий озодлик ҳаракати ва Туркистонда миллий буржуазияни вужудга келиши билан чамбарчас боғлиқлиги эди.

Ўша даврда жадидчилик ҳаракатининг қатор вакиллари етишиб чикди. Булар Мунаввар Қори, Авлоний, Бехбудий, А.Қолирий, Фитрат, Чўлпон, Ибрат, Сўфизода ва бошқалардир.

Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919) жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири бўлиб, янги мактаблар қуриш, ёш авлодни мустақиллик руҳида тарбиядан, уларни илмли қилиш, маърифат ва тараққиёт учун қуришга катта ҳисса қўшган мутафаккирдир.

Беҳбудий янги мактаблар учун “Рисолаи асбоби савод”, “Рисолаи жуғрофияи умроний”, “Китобат ул анфол”, “Амалиёти ислом”, “Рисолаи жуғрофияи руси” ва бошқа дарсликларни ёзади. Унинг асосий асари “Надиркуш” драмасидир. Булардан ташқари, Беҳбудий кўплаб публицистик мақолалар ёзди, матбуотда хизмат қилди, нашр ишлари билан манғул бўлди. Унинг мақолаларида миллат ва Ватан тақдирини, мустақиллик гоёсини, ахлоқ, таълим-тарбия ва бошқа масалалар ўрин олган.

Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояналаридан бири Абдулла Авлонийдир (1878-1934 й). У педагогик фаолият ва бадиий ижодни қўшиб олиб борди. Авлоний очган мактабларда дунёвий фанларни болаларга ўқитиш йўлига қўйилди. Мутафаккир “Иккинчи муаллим”, “Биринчи муаллим”, “Алифбедан сўнгги ўқув китоби” каби дарсликларни яратди.

Айниқса, олимнинг “Туркий Гулистон сўҳд ахлоқ” дарслиги болалар дунёқарашини, миллий оғини ва мафкурасининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Авлоний “Адвокатлик осонми”, “Биз ва сиз”, “Португалия инқилоби”, “Икки севги” ва бошқа драматик асарлар ёзиб, ўзбек театри ва драматургияси ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Жадидчилик ҳаракатининг яна бир ёрқин вакили Абдурауф Фитрат (1884-1939) бўлиб, илмнинг кўн соҳаларида ижод қилган мутафаккирдир. Олим “Сайҳа”, (“Бонг”), “Ҳинд сайёҳининг қиссаси”, “Ўзбек тили грамматикаси”, “Чигатой адабиёти” ва бошқа кўплаб асарлар ёзди. Фитратнинг асарларида халқнинг жаҳолат ва нодонликлари қутқазини, илм-маърифатга чорлаш, миллий мустақилликка эришини, халқнинг ўзлигини таниши, онгининг ўсини, қучли ва ривожланган давлат тузиш, халқнинг билимдон бўлиб, тижорат ва тadbиркорлик билан шугулланиши, Европанин фан ва техника ютуқларини ўрганиш каби гоёлар илтари сурилади.

Мунаввар қори, Авлонийлар сафида халқ истиқболини, маданиятини, дунёқарашини шакллантиришда Ибрат ва Сўфизодаларнинг ҳам илмий-маърифий хизматлари каттадир.

Исҳоқхон тўра Ибрат (1862-1937 й) шоир, тарихчи, тилшунос, исломшунос, таржимон, публицист ва матбаачи эди. Умри давомида Шарқ мамлакатлари ва Европанинг бир қанча марказий шаҳарларида бўлган бу аллома бир неча тиллар ва ёзувларни билган. Чунончи, унинг “Лугати ситтати ал-сина” номли асари олти тилдаги лугат бўлиб, арабча, форсча, ҳиндча, туркча, ўзбекча ва русча сўзлардан иборат бўлган. Ваҳоланки, чор ҳукумати ўлка халқларининг маданий-сиёсий ривожланишидан, миллий уйғонишдан қаттиқ ташвишланиб, жиддий қаршиликлар кўрсатиб келган.

Жамият ривожига ёзув-алифбонинг беқиёс ўрнини кўрсатиб, пиктографик ёзувлардан кейин вужудга келган қадимий финикия, яҳудий, сурия, араб, юнон, форс, славян, санскрит, ҳинд, лотин, арман, грузин, уйғур ва бошқа қирқдан ортиқ ёзувлар тарихини акс эттирувчи “Жомеъ ул-хутут” (“Ёзувлар мажмуаси”) китобини яратган. Унинг “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезон уз-замон” асарлари Ўрта Осиё маданият, фалсафа, маориф тарихини ўрганишда қимматли манбалардир.

У Фарғона водийсида илк дарға (1908 й) —матбаачиликка асос солган. Наманганда литография — босмахона очган.

Миллатни юксак тараққиёт даражасига кўтаришда маърифат тарғиботига катта аҳамият беради. Айни вақтда, мактаб ва мадрасаларда таълим-тарбия мазмунини тубдан ўзгартириш ва ислоҳ қилиш ташаббуси билан чиқди. У жадидлик ҳаракатининг барча газета, журнал (“Таржимон”, “Ойна”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”)ларида миллат тақдирига тегишли долзарб масалаларни кўтарди.

Муҳаммад Шариф Сўфизода (1869-1937 й) ўзбек демократик адабиётининг йирик вакили, маърифатпарвар санъаткордир. Жаҳолат жамиятни хурофот ва бидъатда тутиб турувчи иллат эканлигини фош этувчи кескин ҳажвий асарлари мавжуд. Барча Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини гоҳ саёҳатчи, гоҳо қувғинди сифатида кезиб чиқади. Барча халқ-

ларда ҳам меҳнаткаш авомнинг тақдирини оғир ёқалигини кўради. Унинг туб сабабларини очиштирилади. Унинг қарашларида инсон ўз ҳақ-ҳуқуқларини аниқламоқ учун саводхонликка интилиши шарт, деган гоя елади.

1926 йил 27 февралда Ўзбекистон ҳукуматининг қарори эълон қилинади. Қарорнинг биринчи бандида “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” ва “Ўзбекистон халқ шоири” унвонларини таъсис этиш, иккинчи бандида эса Ҳамаюла халқ ёзувчиси, Сўфизодага халқ шоири унвонини беринч акс эттирилган.

Хуллас, Ўзбекистон ҳудудидаги темурийлардан кейинги ижтимоий-фалсафий фикр тарихини қисқача ёритиш шундан далолат берадики, у бизнинг давримизга ақал узлуксиз равишда маданият, инсон тафаккури ва ақл заковатнинг юксалишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Лекин мустабид тузум даврида ижтимоий фалсафий фикр тарихига бир томонлама, синфий нуқтаи назардан ёндашилди, фақат коммунистик партия мафқураси талабларига тўғри келган гоя ва фикрларга эътибор берилди.

Лекин юқоридан бўлган тазйиқларга қарамай, маданий-маънавий, ижтимоий-фалсафий меросимизни ўрганиш, тадқиқ қилиш тамоман тўхтаб қолмади. 60-80 йилларда И.М. Мўминов, М.М.Хайруллаев, В.Зоҳидовларининг ижтимоий-фалсафий фикр тарихи бўйича тадқиқотлари юксак аҳамиятга эга бўлди. Улар Форобий, Беруний, Нои Сино, Амир Темур, Навоий, Али Қушчи, Мирза Бедил ва бошқаларнинг давлат тизими асослари ва фалсафий дунёқарашларини тадқиқ қилдилар.

Таянч тушунчалар:

Маърифатпарварлик, Темурийлар давлатининг инқирози, Шайбонийлар давлати, хонлик ва амириликлар даври фалсафаси, жадидчилик, жадидлар фалсафаси.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Пошшоҳўжа ижтимоий қарашларининг хусусиятлари нимада?
2. Юсуф Қорабогийнинг илмга қўшган ҳиссасини сўзлаб беринг.
3. Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асари тўғрисида нималар биласиз?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., 1992.
4. Мўминов И.М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан. Т.: “Фан”, 1994.
5. Ўрта Осиёда педагогик фикрлар тараққиётидан лавҳалар. Т., 1996.
6. Жумабаев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т.: “Ўқитувчи”, 1997.
7. Мустақиллик (изоҳли илмий-оммабоп лугат). Т., 1998.
8. Жаҳидчилик: янгилашиш, ислоҳот, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т., 1999.
9. Маънавият юлдузлари. Т., 1999.
10. Ибрат. Тарихи Фарғона. “Мерос” туркуми. Т.: “Камалак”, 1991.
11. Абдуллаев И. (Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ). Марказий Осиёда Ислом маданияти. Т.: “Шарқ”, 2005.

6-Мавзу: Ҳозирги замон фалсафаси ва унинг асосий оқимлари

Режа:

1. Ҳозирги замон фалсафаси.
2. XX аср фалсафасининг асосий оқим ва йўналишлари.
3. XX аср фалсафасида инсон ва жамият муаммолари.

Маълумки, ҳамма замонларда ҳам фалсафа ўз даврининг долзарб муаммоларини ҳал этиш йўлларини топишга ҳаракат қилган. XX асрга келиб инсоният фан ва техника тараққиёти соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритди. Лекин шу билан бирга, айнан ушбу аср ижтимоий силсилалар, иккита жаҳон уруши, экологик инқироз, оғир йўқотишлар даври ҳам бўлди. Бу эса фалсафий фикрнинг тараққиётида ўз аксини топди, унинг турли йўналиш ва оқимлари шугулланган муаммоларнинг салмоғи, мақсад-муддаосини аниқ белгилади.

Ҳозирги замон фалсафасининг энг асосий тамойиллари умуминсонийликнинг устуворлиги, унинг миллийлик билан уйғунлиги, демократик эркинликлар, инсон қадр, бирор таълимотни мутлоқлаштирмасликдир. Баррикенлик ва толерантлик ҳозирги фалсафий таълимотлар ранг-баранглигини таъминлайди.

ЎАнъанавий фалсафада турли ғоявий тизимларга бўлинишига қарамай, муҳим муаммоларни ҳал этишда маълум бир умумийлик мавжуд эди. Ҳозирги замон фалсафасида, аксинча, фалсафий муаммоларнинг кўп хиллиги ва ўзинга хослиги турлитуманлиги, улар асосида фалсафий оқимларнинг мустақил йўналиш сифатида шаклланганлиги яққол кўна таъналади.

ЎАнъанавий фалсафада ақл инсон моҳиятининг белгилловчиси, деб талқин этилган бўлса, энди рационализмга қарши инсоннинг мавжудлиги муаммолари ҳамда унинг норационал моҳияти илгари сурила бошлади. Яъни илгари маърифатпарварлик ғояси устувор бўлса, эндиликда кўпроқ инсон ҳуқуқларига эътибор кучайиб кетди. Фалсафа гўёки мавҳумликдан аниқлик томон борди, умумий эмас, аниқ-равшан масалаларни ҳал қилиш бошланди.

Анъанавий фалсафада ҳодисалар механика қонунлари асосида тушунтиришга ҳаракат қилинган бўлса, энди бундай таҳлил доирасидан четда қолган муаммолар ўрганила бошланди. Бугунги кунга келиб кўпгина фалсафий оқимлар ўзларининг анъанавий фалсафага алоқадор эканликларини ҳамда улардан фарқ қилишларини таъкидлаш мақсадида номларига “нео”, яъни янги замонавийлашган деган маънони англатувчи қўшимчани қўшганлар. Масалан, неоповитийаизм, неотомозм ва бошқалар шулар жумласига киради. Янги фалсафий тафаккурга асос солган олимлар орасида кўпчилик немис олими Артур Шопенгауэр (1788-1860) қарашларини тилга олади. Шопенгауэр оламдаги барча мавжуд нарсаларни иродани намоён бўлиши дейди, иродани эса онгсиз кўркўрона интилиш тарзида тушунади. Махлуқотларнинг инстинктлари хатти-ҳаракатлари ироданинг намоён бўлишидир. Инсон фаолияти ҳам ақлдан бегона бўлган ироданинг намоён бўлишидир. Шунинг учун инсон моҳияти иррационал асосга эга, ақл эса тасодифийдир, дейди.

Шопенгауэр таълимотини давом эттирган немис файласуфи Фридрих Ницше (1844-1900) фикрича, «борлиқнинг энг чуқур моҳияти ҳоқимиятга эришиш учун бўлган иродадир». Ницше инсон борлиғида махлуқлик ва ҳолиқлик бирлашиб кетганини асослаб беришга ҳаракат қилди. Унинг диёримизда бундан икки ярим минг йил муқаддам шаклланган зардуштийлик таълимотини ўрганиб яратган. «Зардушт таваллоси» асарида кучли шахсларни тарбиялаш гоёси илгари сурилган. У ўз ортидан иродасиз кишилар оммасини етаклашга қодир бўлган, иродаси кучли шахсларни тарбиялаш тарафдори бўлган. Ницшенинг цивилизация ва маданиятнинг сўниши ва барҳам топиши тўғрисидаги гоёсига асосланиб, 1918 йилда Шпенглер «Европанинг сўниши» деган асарини ёзди. Шу зайлда «Орқага-Кантга» шиори остида неокантчилик, «Орқага-Ҳегелга» шиори остида эса неоҳегелчилик пайдо бўлди. Шу билан бирга, фалсафанинг классик илдизларини сақлаб қолишни диний оқим неотомизм ҳам ёқлаб чиқди.

Неотомизм-XX асрдаги энг йирик диний-фалсафий оқим бўлиб, у ўрта асрлардаги (XIII аср) Фома Аквинскийнинг

таълимотини қайтадан тиклади. У (нео-янги, томизм-«фома», транскрипцияда «тома» бўлиб ўзгарган) Фома Аквинский-нинг янги, замонавий таълимоти демакдир. Бу таълимотга кўра илм ва эътиқод ўртасида тўла, мувофиқлик, уйғунлик бор. Улар бир-бирини тўлдириб турали, ҳар иккиси шам худо томонидан берилган ҳақиқат.

Неотомизм вакиллари фикрича, илм етмаган жойда эътиқод қўлланиши керак. Лекин бу эътиқод кўр кўрона, шунчаки ишонч бўлмай, балки мантиқан теран аниқланган эътиқод бўлиши керак. Худонинг мавжудлигини фалсафа турли мантикий усуллар орқали исбот қилиши лозим. Шундай қилиб, фалсафанинг вазифаси динга хизмат қилишдан иборатдир.

Неотизм ҳозирги цивилизацияланган дунёда цивилизациялашган таълимот сифатида майдонга чиқмоқда. Ўз навбатида, бу демократия устувор бўлган ҳаёт тарзига муайян даражада мос келади.

Неокантчилик XIX аср ўргаларида шаклланиган ва XX аср бошларида ривожланган эди. Унинг вакиллари И. Кант ўз даврида қўйган илмий билишнинг умумийлиги ва зарурияти шақидаги ҳамда тажрибавий ақл ҳақидаги муаммоларни таҳлил этадилар. Бу таълимотга кўра, инсон дунёга бир марта келади, шунинг учун шар бир инсоннинг ҳаёти ўзи учун олий мақсаддир. Шундай экан, инсон ҳаётидан кимдир ўз мақсадларини амалга ошириш учун восита сифатида фойдаланиши мумкин эмас. Эркин мавжудот деганда, Кант издошлари ўзи хоҳлаган ишларни қилувчи кишини эмас, балки жамоатчилик манфаатига қарши юрмайлиган унга зид иш қилмайдиган, аммо ўз ҳақ-хуқуқларини яхши билладиган инсонни назарда тутадилар.

Неопозитивизм оқимининг йирик намояндалари Карнап, Айер, Рассел, Витгенштейн ва бошқалардир. Нео-янги; позитив-ижобий деган маънони англатади. Неопозитивизм Гарбда XIX асрнинг 20-йилларида пайдо бўлган, асосчиси XIX асрда яшаган Огюст Контдир. Унинг фикрича, фалсафа аниқ фанлар тараққиётисиз мавжуд бўла олмайди. Фалсафа-объектив реалликни эмас, балки аниқ фанлар қилаётган илмий, яъни ижобий (позитив) хулосаларни ўрганиб, таҳлил

қилиб, уларни мантиқан бир тартибга, ситемага солиши керак.

Неопозитивистлар верификация принципини илгари сурадилар (лот-ҳақиқат) уларнинг фикрича, фақат тажрибада ўз тасдиғини топган билимгина ҳақиқийдир.

Шундан сўнг постпозитивизм (яъни кейинги позитивизм) вакили К.Поппер фальсификациялаш методини илгари сурди. Бунга кўра, инсон баъзи назарий билимларнинг ҳақиқатлигини эмас, хато эканлигини исботлаши керак. Охир-оқибатда неопозитивизм вакиллари фалсафа билимларнинг ҳақиқийлигини мантиқий-лингвистик усул орқали исботлаш ва системалаштириши керак, деган хулосага келадилар.

Структурализм (асосий вакиллари Леви-Стросс ва Фуко) билишда структуравий усулнинг аҳамиятини мутлақлаштиради. Бу оқим тарафдорлари нарса ва ҳодисанинг структурасини билиш унинг объектив моҳиятини билиш демакдир, деб ҳисоблайдилар. Масалан, Леви-Стросс мифологик тафаккурни таҳлил этиб, турли жойларда яшаган қадимги қабилалар ва халқлар яратган афсоналарнинг умумий структурага эга эканлигини исбот қилди. Унинг фикрича, бу афсоналарнинг асосий мазмуни бир-бирига тўла мувофиқ келади. Инсониятнинг илмий тафаккури ҳам бу таълимотга кўра шундай принципга, умумий мантиққа эга.

Герменевтика — қадимги юнон афсоналаридаги худоларнинг хоҳиш ва иродасини инсониятга тушунтириб бериш учун ерга юборилган элчиси-Гермес номи билан аталади. Демак, герменевтика-тушуниш, тушунтириш, таҳлил этиш гоёларига ўзининг асосий диққатини қаратади.

Жамият, бу таълимотга кўра, кишилар ўргасидаги мулоқотга асосланади. Мулоқот жараёнида маданий, тарихий ва илмий қадриятлар яратилади. Шунинг учун фалсафанинг асосий вазифаси ҳаётнинг маъносини, моҳиятини кишилар ўргасидаги мулоқотдан қидиришдан иборат.

XX асрнинг 30-йилларига келиб «экзистенциал фалсафа» ривожланди. Экзистенция-том маънода мавжуд бўлмоқ демакдир. Экзистенциализм ниҳоятда хилма-хил йўналишдаги таълимотларни инсоннинг маънавий дунёси, инсон тақди-

ри, эркинлиги ғоялари асосида умумлаштириди. Бу муаммоларнинг талқини, айниқса, ижодкор интеллилар ўртасида оммавий тус олди. Шунинг учун экзистенциал фалсафа бу даврда энг кенг тарқалган оқим бўлиб қолди.

Экзистенциализм вакиллари, асосан, икки йўналишга бўлинадилар. Бири — дунёвий (Хайдегер, Сартр, Камю) ва иккинчиси — диний (Ясперс, Марсель) бўлиб, бундай бўлиниш нисбийдир.

Хайдегер, Сартр, Камюларнинг таълимотига кўра, инсон ўзининг яратиш жараёнини ўзи эркин амалга оширади.

Диний экзистенциализм вакиллари Ясперс ва Марсель фикрича, инсон ўз эркин фаолияти давомида худога қараб, унга етишиш учун, камолот томон ҳаракат қилади. Ҳақиқий эркинлик инсонга таҳликали онларда, ташвишда, ёлғизликда намоён бўлади. Таҳлика, масъулият соф эркинликнинг ўзида фақат шундай шароитда инсон ўзини тўлалигича англайди.

Янги замон фалсафасининг яна бир оқими прагматизм АҚШда кенг тарқалган. Умуман олганда, «прагматизм» фойдали фаолиятга ундовчи, фойдага қандай қилиб эришиш йўллари ва усуллари ҳақида мулоҳаза юритувчи таълимотдир. Бунда фойда тушунчаси тажриба, ҳақиқат тушунчалари билан айнанлаштирилади.

Прагматизм таълимотининг йирик намояндалари Ч.Пирс, У.Джемс, Ж.Дьюи ва бошқалардир. Уларнинг таълимотида оламнинг ўзгарувчанлиги ўз ифодасини топган. Улар тажрибани турли тасодиф ва қутилмаган вазиятларни ўзида мужассамлаштирган, онгимиздан тезкор қарорларни қабул қилишни талаб этувчи ҳодисалар мажмуи сифатида таърифлайдилар.

Прагматизм АҚШ ижтимоий-маданий ҳаётининг қадриятларини ифода этиб, у ердаги ишбилармонлар, менеджерлар, сиёсатчилар ва давлат арбоблари ўртасида кенг тарқалган. Америкаликлар бу таълимотнинг назарийгчиларини халқнинг дунёқараши ўзгаришида, шозирги америкача шаёт тамойилларини кенг оммага сингдиришида катта хизмат қилган файласуфлар сифатида қадрлайдилар. Масалан, Ж.Дьюини «Американинг Арастуси» деб шурмат билан тилга оладилар.

Жамият тараққиётига оид ғоялар ташлили фалсафада антик даврлардан Суқрот ва Афлотун замонларидан бошлаб шакллана бошлаган. Бу ғояларнинг ривожида XVII-XVIII асрларда яшаган италиялик файласуф Дж.Вико, XVIII асрда яшаган И.Г.Гердер ва, айниқса немис фалсафасининг йирик намояндаси Ҳегель катта шисса қўшганлар.

Афсуски, бошқача қарайдиган таълимотлар ҳам бор. Янги давр фалсафасида тарқалган ана шундай оқимлардан бири марксизм бўлиб, унинг асосчиси немис иқтисодчиси ва файласуфи К.Марксдир (1818-1883). Унинг ижтимоий фалсафаси капитализмда синфий курашнинг мутлақ антогонизм даражасига кўтарилиши, охир-оқибат пролитариат диктатурасининг ўрнатилиши ва шу йўл билан синфсиз жамиятга ўтишни тарғиб қиладиган ва реал ҳаётни акс эттирмайдиган назариядир.

Кейинчалик собиқ иттифоқда ҳукмрон мафкурага айланган бу таълимот дастлаб К.Маркс ва Ф.Энгелс ёзган «Коммунистик партия манифести»да баён қилинган. Унинг назарий асослари К.Маркснинг «Капитал», Ф.Энгельснинг «Анти-Дюринг» ва «Табиат диалектикаси» асарларида таърифлаб берилган бўлиб, ижтимоий ҳаётда салбий оқибатларга олиб келди. У борлиқ тушунчасини материя билан айнанлаштирган, руҳни бутунлай инкор қилган, материализм ва атеизмни мутлақлаштирган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, яқингача собиқ иттифоқ ва унинг иттифоқчилари худудида мутлақ ҳукмрон бўлган мафкурани ўрганиш, унинг тарихидан ҳолисона хулоса чиқариш, бу таълимотнинг қандай аянчли натижаларга олиб келганлигини билиб қўйиш ҳам фойдадан холи эмас. Бу борада лом-лим демаслик фойда бермайди. Зеро, таълимотлар тарихи-инсонлар, уларнинг тақдири, юксалиши ёки таназзул тарихидир.

XX асрга келиб жамият тарихий тараққиётига оид таълимотларни умумлаштириш натижасида ижтимоий тараққиётнинг плюралистик модели, «локал маданиятлар» ҳамда «цивилизацияларнинг хилма-хиллиги» концепциялари шаклланди. Уларга кўра, жамият тарихи-ўзига хос маданиятларнинг

бирлиги эмас, хилма-хиллигидан иборат. Шу маънода у органик табиатдаги ҳаёт шаклларининг ранг-баранглигига қиёсланади. Демак, табиат қандай хилма-хилликнинг бирлиги бўлса, жамият ҳам ана шундай ранг-барангликнинг уйғунлигидир. Жамиятда ҳам ҳамма ва ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор.

Бу ғоялар немис файласуфи ва социологи Г.Шпенглер (1880-1936) ва инглиз тарихчиси А.Тойнби (1889-1975) таълимотларида шар томонлама асослаб беришга ҳаракат қилинди. Г.Шпенглер ўзининг «Европа куёшининг сўниши» номи асарида тарихни бир-бирдан мустасно бўлган маданиятлар мажмуидан иборат, деб ҳисоблайди ҳамда мукамал ривожланган 8 хил маданиятни кўрсатади. Булар: араб, ҳинд, вавилон, хитой, юнон, рим, византия-араб маданиятлари, майя ва русс-сибир маданиятларидир. Маданиятлар ўзига хос диний асосга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири қатъий биологик маромга (ритмга) бўйсунди ва қўйдаги асосий даврларни босиб ўтади: туғилиш ва болалик, ёшлик ва камолот, қарилик ва сўниш. Бунинг асосида маданиятлар ривожининг икки босқичи мавжуд деб кўрсатилади. Биринчи босқич маданият равнақи (соф маданият) ва иккинчиси-унинг таназзули (цивилизация) А.Тойнби эса ўзининг 12 жилдлик «Тарихни ўрганиш» асарида маданиятларнинг локал ривожланиш ғоясини давом эттирди. Бироқ унинг таълимоти Шпенглер концепциясидан ўзининг икки жиҳати билан фарқланади. Биринчидан, инсонда ўз ҳаётини эркин белгилаш имконияти мавжудлигини тарихий тараққиёт зарурият ва эркинликнинг ўзаро бирлигидан иборат эканлигини назарда тутса, иккинчидан, тарихий тараққиётнинг даврий модели дунёвий динлар (буддизм, христианлик, ислом)нинг барча халқларни яқинлаштирувчи ва жипслаштирувчи бош омил ғояси билан бойитилган.

Тойнби Фарб христиан цивилизациясининг таназзулига қараб бораётганлигини кўрсатиб, унинг олдини олиш йўлини маънавий бирликда, жаҳон халқларининг ягона динни қабул қилишларида, деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, XX асрга келиб ранг-баранг фалсафий

таълимотлар шаклланди. Уларнинг барчасини мазкур мавзуда кўриб чиқиш имконияти бўлмаса-да, юқорида баён этилган маълумотлардан фалсафий плюрализм ҳақида, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканлиги тўғрисида муайян хулосага келиш мумкин. Бу соҳадаги bilimларимиз, ўз навбатида бизнинг миллий ғоя ва мафкурамизни шакллантиришга, маънавиятимизнинг бойиб, мустақамланиб боришига, интеллектуал камолатимизга хизмат қилади.

Таянч тушунчалар:

Сциентизм, антисциентизм, неотизм, неопозитивизм, прагматизм, герменевтика, структурализм, экзистенциализм.

Такрорлаш учун саволлар:

XX аср фалсафасининг характерли хусусиятлари нима-ларда кўринади?

1. Экзистенциал фалсафанинг моҳияти нимадан иборат?
2. Неопозитивизмнинг асосий хусусиятлари нимада?
3. Структурализмнинг моҳияти нима?
4. Герменевтика нима?
5. Сциентизм ва антисциентизм нима?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.

2. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустақам иродасига ишонаман.//“Фидокор”. 2000 йил 8-сон.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 352-бет.

4. XVII-XX аср Ғарб фалсафаси. Т.: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, 2000. 14-41-бетлар

5. Основы философии. Т.: “Узбекистан”, 1998, С. 190-202

6. Канке В.А. Философия. М. «Лотос», 1999. С. 112-137.

7. Философский энциклопедический словарь. М., 1999

II БЎЛИМ. ТАБИАТ ФАЛСАФАСИ

7-мавзу: Фалсафада метод муаммоси

Режа:

1. Метод ҳақида тушунча.
2. Диалектика ва метафизка.
3. Синергетика, руҳий таҳлил методлари.

Методология (*метод*-юнонча йўл, усул, *логос*-таълимот) метод тўғрисидаги таълимотдир. Методология назарий билимлар ва амалий фаолият тамойилларини, усулларини ўргатади. У маълум тизим тўғрисидаги таълимотдир.

Фалсафий метод энг универсал метод бўлиб, инсоннинг ўзига ва дунёга бўлган муносабатини билдиради. Билишнинг умумий мантигини кўрсатади. Мана шундай методни ишлаб чиқишда қадимги юнон файласуфлари Сократ, Платон, Аристотелларнинг хизматлари катта.

Сократ турли мунозара, муҳокамада ҳақиқатга эришишнинг диалектик усулини майдонга ташлади. Ўзаро мулоқотда, мунозарада янги фикр ҳосил қилиш усулига, ҳақиқатни топиш усулига эътибор берди.

Платон тафаккур тараққиёти усулига-диалектикага эътибор берди. Фикрлаш тараққиёти объектив мантиқ асосида ривожланади, билиш тушунча моҳиятини билишдан иборат дейди.

Аристотель муҳокама қоидалари, тафаккур шакл ва қонунларини, индукция ва дедукциянинг ҳақиқатни очишдаги ўрнини кўрсатиб берди. У билишни ташкил этувчи диалектик тафаккур шакли категорияларини ишлаб чиқди. Тафаккур қонун ва шакллари тўғрисидаги асосида ҳақиқий билишнинг универсал методини ишлаб чиқди. Ўрта аср Шарқ файласуфлари (Форобий, Ибн Сино, Беруний) Аристотель ишларини фанга татбиқ этдилар ва уни ривожлантирдилар. Янги замонда Бекон индуктив, эмпирик методни, Галилей ва Декартлар

эса фандаги механик методни ишлаб чиқдилар. Декарт дедуктив методнинг аҳамиятига катта эътибор берди.

2. Диалектик методни ишлаб чиқишда Кант ва Гегелнинг хизмати катта. Кант билиш назарияси диалектик асосдаги жараён эканлигини кўрсатиб берди. Гегель диалектик методни универсал фалсафий метод сифатида ривожлантирди, унинг категория ва қонунларини ишлаб чиқди. Ҳар бир методнинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари бор.

Догматик, метафизик тафаккур методининг вужудга келишида Аристотелнинг формал логикаси катта аҳамиятга эга бўлди. У фикрни аниқ, позид, изчил, исбот қилиш каби метод орқали тафаккурнинг муайян қонунларини яратди.

Диалектика борлиқ, билиш ва ривожланишнинг умумий қонунлари, асосий методи ҳақидаги таълимотдир. Диалектика танқидий-рефлексив (ўз тараққиётига танқидий муносабатда бўлиш) ва мантиқий меъёрий методни синтезлаш асосида фикрлашни ижодий ривожлантириш методидир. Диалектика борлиқни шунчаки тушунтириб қолмай, балки унинг шаклланиши жараёнини ҳам кўрсатиб беради. Борлиқнинг шаклланиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ҳамма нарса ривожланади. У турли-туман шаклда намоён бўлади (ўзгарувчанлик ҳолати).

2. Ҳамма нарсада сокинлик бор.

3. Ҳамма нарса ўзи-ўзига тенг ва ўзи-ўзидан фарқ қилади (ўзгарувчанлик билан барқарорлик бирлиги).

Ҳар қандай нарса пайдо бўлади, ривожланади ва ўз умрини тугатиб, иккинчи сифатга ўтади. Бироқ, маълум давргача ўз барқарорлигини сақлаб туради.

Ана шундай барқарор томон маълум қонунларда ўз ифодасини топади. Диалектика қонунлари ҳам ана шу шаклда вужудга қелади. У борлиқнинг умумий мантигини кўрсатгани учун энг умумий тавсифга эга бўлган қонунлардандир. Бу қонунлар қуйидагилардан иборат: қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни ва инкорни инкор қонуни.

Энг қадимги ва кенг тарқалган методлардан бири диалектика бўлса, иккинчиси метафизикадир.

Билиш жараёни ва амалий фаолиятда одамлар ўз олдиларига маълум мақсадларни қўядилар, у ёки бу вазифаларни илгари сурадилар. Бунда мақсадга эришишнинг тўғри йўлини, масалани ечишнинг самарали усуллари топиш жуда муҳимдир.

Маълум услубни қўлланмасдан ҳеч қандай илмий ва амалий вазифаларни бажариш мумкин эмас. Масалан, биз бирон-бир модданинг ҳамма таркибини аниқламоқчи бўлсак, аввало кимёвий анализ методини, яъни ўша модданинг зарур кимёвий реактив билан таъсир этиб, таркибий қисмларга бўлиб, унинг кимёвий хусусиятларини аниқлашимиз керак. Агар бизга металл қуйиш зарур бўлса, қуйиш технологияси билан, яъни одамлар металл ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил қилинган, одамларнинг амалий воситалари билан куролланган бўлишимиз керак.

Метод у ёки бу тадқиқотни кенг ўрганаётган ҳодисага боғлиқ бўлмаган, ўз хоҳишлари билан танлаб олган механик йиғиндиси эмас.

Фаннинг ёки тажрибанинг ҳар бири соҳаси ўзининг алоҳида методини ишлаб чиқади. Физиканинг методи, масалан кимёниқидан, униси биологияниқидан фарқ қилади.

Илмий фалсафа, турли фанларни ва инсоният тажрибаси ютуқларини ривожантириб, ўзининг диалектик методини ишлаб чиққан. Бу метод конкрет фанларнинг методидан фарқ қилиб, воқеликни у ёки бу соҳасининг айрим томонини эмас, балки табиат, жамият ва тафаккурнинг сўзсиз ҳамма томонини, дунёни тўлалигича тушунишни беради.

Бугунги кунда софистика, эклектика, аналитик (ҳозирги аналитик фалсафаси), индуктив, феноменологик, синергетик, германевтик(тушуниш) ва бошқа метод турлари ҳам мавжуд. Эндиликда турли методларни бирлаштириш жараёни ҳам рўй бермоқда (Масалан, Г.Гадамер герменевтикани рационал диалектика билан бирлаштиришга ҳаракат қилади).

Диалектика юнон. *Dialgomein*-баҳс, суҳбат маъноларини билдириб, антик дунё (қадимги греклар) уни ҳақиқатга эришиш йўли ва усули сифатида талқин этганлар. XVIII асрдан бошлаб диалектика оламдаги нарса ҳодисаларни, доимо ўзга-

ришда ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликда, тараққиётда, ҳаракатда ва ривожланишда деб тушунишдир.

Абадий ва азалий узлуксизлик, доимий алоқадорлик “вақтнинг орқага қайтмаслиги ва воқеаларнинг кетма-кетлиги тарзидаги боғланишлар, ривожланиш, ҳаракат ва тараққиёт, оламнинг ранг-баранглиги” диалектиканинг асосий тамойил(принцип)ларини ташкил этади.

Бу принциплар ва асосланган тафаккурни фалсафада — диалектик тафаккур, ана шундай дунёқарашни — диалектик дунёқараш, ёндошувни диалектик ёндошув, методни — диалектик метод деб аталади. У ёки бу олимнинг ушбу тамойилларга асосланган дунёқарашини, масалан, Демокрит ва Гераклит диалектикаси, Кант ёки Гегелнинг идеалистик диалектикаси дейилганда ўша тамойиллар кўзда тутилади.

Фалсафа тарихида диалектика тўғрисида хилма-хил қарашлар бўлган. Антик давр диалектикаси содда ва стихияли бўлиб, асосан ҳаётий тажрибага асосланган. Ўша даврда “Диалектика” сўзини биринчи бўлиб Сукрот (мил. авв. 470-399) қўллаган.

Ўтмиш муғофаккирлар коинотни ўзгарувчан ва барқарорликнинг зиддияти сифатида тасаввур қилганлар. Борлиқнинг умумий ўзгарувчанлиги бир нарсани иккинчи нарсага-ернинг сувга, сувнинг ҳавога, ҳавонинг оловга, оловнинг эфирга айланиши ва қайта такрорланиши билан ҳаракатланади деб ҳисоблаганлар.

Масалан, Гераклит (э.авв. 520-460) умумий ўзгарувчанликнинг универсаллигини шундай изоҳлайди: “Айни бир дарёга икки марта тушиш мумкин эмас, чунки янги ва янги сувлар оқиб келаверади. Ўзгарувчанликнинг манбаи курашдир”, оламда турғунлик йўқдир. Ҳаракат бутун табиатга, барча жисм ва ҳодисаларга хосдир. Абадий ҳаракат-абадий ўзгаришдир. Ҳаракат қарама-қаршилик асосида содир бўлади. “Кураш ҳамма нарсанинг отаси, ҳамма нарсанинг подшосидир” деган экан, бунда Гераклит кишилар ўртасида урушларни тарғиб қилган эканда деб хулоса чиқариш нотўғри. Катта миқдорда юнон фалсафасининг отаси Гераклитнинг фикрича, доимий ўзгариш, ҳаракат ва ўзаро қарама-қаршилик тамойиллари

ўтиш-жисмлар сифатининг нисбийлиги билан боғлиқ. Масалан, денгиз суви истеъмол учун яроқсиз бўлса, балиқлар учун айна муддаодир. Ўзгарувчанлик Гераклит назариясида янгини яратмасдан бир-бирини такрорловчи жараён сифатида мавҳум тушунилган. Шунга кўра, Гераклит зиддиятларнинг анъанавийлиги яхшилик ва ёмонликнинг бир хил эканлигини таъкидлайди. Гераклит зиддиятлар ҳақида гапирмайди. Бу тушунча фанга Аристотель томонидан киритилган.

Аристотель (Арасту мил.авв. 384-322) Афлотуннинг шоғирди, аммо у Афлотун таълимотини танқидий ўрганиб, ўзгарувчанлик муаммосини тараққиёт омили сифатида таҳлил қилади. Унинг диалектикасига хос хусусият, аввало, тараққиётни моддийлик, ҳаракатда, формал ва сабабий боғланишдалигини тан олишда, янги босқични бошқалари билан боғлиқ бўлган муаммолар доирасини яратди. Зиддиятларнинг мутлақо мос келишини инкор қилар экан, мутлақо мос келмаслигини ҳам инкор қилади, бироқ уларнинг қандай ҳолатда мавжудлигини тан олади. Сўнгра, у формал мантикқа асос солар экан, унинг онтологияда намоён бўлиши ва у эса, ўз навбатида, мазмунан прогрессив, шаклан мукамал фалсафий методни яратиш зарурлигига олиб келади, деб ҳисоблайди.

Диалектик метод янги даврда, хусусан, немис фалсафасида, айниқса, Кант, Фихте, Шеллинг ва Гегель томонидан чуқурроқ ўрганилди.

Кант диалектикаси планетар системасининг туманликдан пайдо бўлганлиги ҳақидаги гипотезани яратиш билан боғлиқ. Билиш назариясида Кант икки мулоҳазанинг зиддиятлиги антиномиясини очиб ташлар экан, бунда ҳар иккаласини етарли асосга эга, деб ҳисоблайди. Масалан, 1. Дунё вақтда бошланғич нуқтага эга ва замонда чексиздир. 2. Дунё вақтда бошланғич нуқтага эга эмас ва замонда чексиздир.

Гегель фалсафа ўз хусусиятларини асословчи методга эга бўлмас экан, фан бўла олмайди, деб ҳисоблайди. Гегель диалектикасини тушуниш учун даставвал Гегель диалектикасининг резонанс, салбий, позитив диалектика каби шакллари таҳлил қилиш лозим.

Резонанс(субъектив) диалектика — субъектив тафаккур бўлиб, у предметдаги зиддиятларни ифодалайди, бироқ мавжуд зиддиятлардан илгарилаб кетади. Субъект фақат буни ифодалаш билан чекланади, холос.

Салбий (объектив) диалектика резонанс диалектикадан баъзи устунликка эга, чунки у бошланмасидан анча илгарироқ ҳаракат қилади. “У томон”, “бу томон” каби изоҳлашлар мутлақ бутунликни инкор қилади. Салбий диалектика мустаҳкам нарсаларни бузишга интилади. Унинг кучи айнан шундадир.

Диалектиканинг резонанс (субъектив) ва салбий (объектив) шаклидан фарқ қилувчи юқори ички шакли (имманент) диалектикадир. Бу диалектика нуқтаи назарида ҳеч бир нарса мутлақ эмас, у ҳамма нарса бузилишини, ўзгаришини, эскисини йўқ бўлиб янгини пайдо бўлишини ва бу ҳодиса доим такрорлана беришини кўради.

Шунга кўра, фан предметни имманент ўрганади, Гегель фикрича, диалектик зиддиятлар—руҳнинг зиддияти. Пировардида мазкур зиддиятлар реал борлиқдаги зиддиятларни акс эттирувчи субъект тафаккуридаги зиддиятлар бўлиб, Гегель уни ғоянинг ўз-ўзини намоён қилишидаги сифатида акс эттиради. Гегель фикрича, унинг идеалистик диалектикаси мутлақликдан бошланади ва у билан тугайди. Бу диалектика нуқтаи назаридан фақат мутлақлик реал бўлиши мумкин. Идеалистик диалектика бўлгани каби материалистик диалектика ҳам бўлиб, у моддийликнинг (нарсалар диалектикаси) яшаш тамойиллари, категориялар ва қоидалар ягона бир тизимининг ифодасидир.

Диалектик методга қарама-қарши метод метафизикадир.

“Метафизика” (юнонча-физикадан сўнг) диалектика каби универсал методдир. Бу сўзни мил. ав. I асрда Аристотелнинг шогирди, унинг шеърларини шарҳловчиси Родосский (Родос оролидан) томонидан киритилган.

Метафизик метод табиатшуносликда, нарса ва ҳодисаларга қарашда фалсафада XVII-XVIII асрларда тарқалди. Ушбу замондаги метафизика тараққиётни бир томонлама тасвирлаб, янгининг пайдо бўлишини инкор қилар, ҳаракатнинг ва

нарсаларни маконда оддий ўрин алмашиши, ўзгармай бир зайлда тураверадиган ҳолат деб тушунтирар эди.

Эндиликда метафизика буюк ижтимоий қайта қуришлар, улкан илмий-техник революциялар боис тараққиётни тўғридан-тўғри инкор қилиш мумкин бўлмай қолган пайтда бошқачароқ йўлдан боришга интилади. У тараққиётни фақат миқдорий жиҳатдан кўпайиш ва камайиш, янгининг пайдо бўлмаслиги, олдингини оддийгина такрорланиши деб, тараққиётдаги ички зиддиятни инкор этади.

Воқеа, ҳодиса ва жараёнларни доимий ўзгариш ҳолатида ўрганиш ниҳоятда қийин бўлганлигидан, нафақат файласуфлар, балки барча фан мутахассислари унинг нисбатан тинч ва ўзгармай турган ҳолатини ўрганадилар, тадқиқ этадилар.

Аслини олганда, олам гарчанд диалектик ўзгариш ва ҳаракатда бўлсада, бу жараён доимо ҳам содир бўлавермайди. Биз эса дунёдаги нарса, ҳодиса ва одамларга шунчалик метафизик тарзда ўрганиб қолганмизки, гўё кечадан бугунни фарқи йўқдек, кеча кўрган кишига бугун дуч келганимизда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмагандай туюлади. Шу маънода, ҳаётда кўп ҳолларда метафизик усулда фикр юритамиз. Аслида эса улар ҳам азалий ўзгаришлар жараёнига тушган нарса ва кишилар эканлигини жуда камдан-кам ҳолларда ўйлаб кўрамиз. Худди шундай бизнинг умримиз ҳам кечадан бугунга, бугундан эртага қараб оқиб турадиган диалектик жараёндир. Биз ҳам ана шундай ўзгариб борамиз, аммо кўп ҳолларда бунга унчалик кўп эътибор беравермаймиз. Шу тариқа мактабни тугатиб қўйганимизни, улғайганимизни, болаликни, ёшликни ортда қолганини гўёки билмай қоламиз.

Таъкидлаш жоизки, метафизик усулнинг ҳаётда, илмий изланишлар ва фалсафий тадқиқотларда ҳам ўз ўрни бор. Бизда ҳалигача метафизиканинг тушунчалари, категориялари, тамойиллари ва моҳияти изоҳланган ёхуд тадқиқ қилинган асарлар, тадқиқотлар йўқ. Қолаверса, уни диалектика билан бутунлай қарама-қарши қилиб қўйиш ва бу фарқни мутлақ зиддият даражасига кўтариш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Айнан шундай ёндошув собиқ Иттифоқда диалектика-

ни мутлақлаштиришга, метафизикани эса қуруқ ва ўлик таълимот сифатида қарашга, унинг имкониятларидан фойдаланмасликка сабаб бўлди.

Ҳозирги замон фанида метафизика уч асосий маънога эга:

1. Метафизика Аристотелнинг “Физика” асаридан сўнг деган маънода бўлиб, у “нарсанинг биринчи тури” ҳақидаги таълимотдир. Бу маънода “метафизика” тушунчасини XX асрнинг йирик файласуфи М.Хайдеггер ҳам ўрганган.

2. Махсус фалсафий фан онтология, умуман, борлик ҳақидаги таълимот бўлиб, назария, билиш мантиғи ва унинг хусусий кўринишларидан мустаснодир. Шу маънода, бу тушунча Ғарб фалсафасида ўтмишда ҳам (Декарт, Лейбниц, Спиноза ва ҳ.к тааллуқли) ҳозирда ҳам ўрганилади.

3. У билиш (тафаккур) ва ҳаракатни фалсафий тушуниш маъносида диалектикага қарама-қарши қўйилади. Бунда шу маънодаги тушунча, яъни антидиалектика ҳақида сўз боради.

Фалсафа тарихида метафизика (диалектика каби) ҳеч қачон ўзгармасдан қолмаган. У турли тарихий шаклларда намён бўлган.

Янги метафизика эски метафизикадан фарқ қилиб, нарсаларнинг умумий алоқадорлигини ва улар тараққиётини инкор қилмайди. Бу жамиятдаги буюк кашфиётлар даврида абсурд (ғализлик) бўлар эди.

Антидиалектика янги шаклининг асосий хусусияти — тараққиётни изоҳлашнинг турли вариантлари ва йўллари излашдан иборат.

Софистика фалсафий методлар жумласидан бўлиб, қадимги Юнонистонда мил.ав. IV асрнинг биринчи ярмида ижтимоий-сиёсий ҳаётда хусусий бир йўналиш сифатида пайдо бўлган.

Софистиканинг намояндалари Пратагор, Георгий, Гипсий, Антифонт ва бошқалардир.

Софистика Юнонистондаги иқтисодий эҳтиёж оила, урун аъналаридан турғунликни тугатиш, ижтимоий—сиёсий ўзгаришларга зарурат туфайли пайдо бўлди.

Софистика мавжуд назария ва маълумотларни сақлашнинг интилади. У янги фикр эски фикрнинг бир қисми эклигини

ни асослашга ёки мантиқ қонунини тузиб, мавжуд билимлар тизимини барча зиддиятлардан тозалашга ҳаракат қилади. Кўпгина дарслик ва қўлланмаларда Юнон (Sopism) сўзи асосида, яъни атайлаб хилма-хал маънога эга бўлган тушунчаларни ишлатиш орқали керакли, аммо ҳақиқатларга тўғри келмайдиган, кўчма мазмунга эришиш усули, деб таъкидланади.

Бу усул қўлланилганда фикрнинг мазмуни кўчма маънода баён қилинади, яъни “Кўшнинг кўр бўлса кўзингни қис”, “Қизим сенга айтаман келиним сен эшит” деганга ўхшаш ҳолат назарда тутилади. Агар бу усул ёлғон хулосаларга олиб келса, нега ўз даврининг кўпгина доно кишилари ундан фойдаланганлар, деган савол туғилади. Маълумки, инсоният тарихида ҳурфикрлилик ва ижтимоий сиёсийлик жараёнларига муносабатини тўғри ифодалашнинг иложи қолмаган замонлар кўп бўлган. Бундай ҳолни инквизация ҳукмрон бўлган ўрта аср Европасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Уша даврда ҳам кўпгина зиёлиларнинг ана шу усулга суянмасликларини иложи йўқ эди. Шундай ҳолларда ҳинд файласуфи Бейдабо(мил. IV аср.)нинг “Калила ва Димна”, Гулханийнинг “Зарбулмасал”, Европада Сервантеснинг “Дон Кихот” асарлари нима сабабдан мажозий усулда ёзилганлиги, унинг бош қаҳрамони эса нима учун шамол тегирмонига қарши жанг қилганлиги замирида қандай ботиний (яширин) мазмун борлиги аниқ бўлади.

Софизм – қарама-қарши фикрлар асосида ихтиёрий танланган фойдали мулоҳаза бўлиб, унинг ёрдами билан ҳар қандай нарса ёки фикрни исботлай олиши мумкин. Масалан, Аристотелнинг ёзишича, бир афиналик аёл ўғлига “жамоа ишларига аралашма, чунки агар тўғри гапирсанг сени одамлар, ёлғон сўзласанг – худо ёмон кўради”,- деган экан.

Софистика мавжуд билимлар тизимидан зиддиятларни сиқиб чиқаради, бу билан эски ва янги билимларни мурасага келтиради. Софистика инсон билими доирасида чексиз релятивизм(нисбийлик)ни улуғлайди. Қандай мақсад кўзланмасин предмет ҳақида сўзлар ифодасида ҳеч қандай чегара йўқ (масалан, асал-ширин; асал-аччиқ; кўрғон-айланасимон,

қўрғон-тўртбурчак ва ҳ.к.) шунга кўра софист — моҳир уста сўзамол, донишманд маъноларини билдиради.

Софистикани танқид қилиш орқали антик давр фалсафаси дунёнинг янги концепциясига фикр ва борлиқни айниқлигига эришди. Шу маънода, софистика инсоният тафаккурининг умумий тараққиётида ўз ўрнига эга.

Эклетика ҳеч қандай билим фаолияти билан боғланмаган, бир-бирига зид далилларга асосланади ва оламни бузиб, ёлғон акс эттиради. Бу усулнинг бемаънилигини Сукрот ва Аристотелдан бошлаб, ҳозирги давр мутафаккирларигача танқид қилди.

Ҳар бир қонун турлича категорияларда ифодаланади. Лекин эндиликда физика, математика, кимё, биология каби асосий (фундаментал) фанларда гоёт буюк кашфиётлар юз бермоқдаки, уларни теран таҳлил қилиш ва идрок этиш учун биргина диалектиканинг қонун ва қоидалари кифоя қилмай қолди. Албатта, бу борада ҳам турли фикрлар мавжуд. Аксарият, четэл файласуфлари диалектикани мутлақ рад этмаган ҳолда синергетикани (синергетика деган тушунча фанга асримизнинг XX асрнинг 70-йилларида кириб келди) ҳам қўлламоқдалар. У даставвал физикавий, ижтимоий жараёнлардаги ўз-ўзини ташкил қилиш, ўз-ўзини бошқариш, хаос (тартибсизлик) каби ҳолатларнинг йўналишини, қонуниятларини билишга қаратилган. Бу таълимотни илк бор бельгиялик физик Илья Пригожин, сўнгра олмон физиги Хенрих Хакин ва бошқа олимлар асослаганлар, у мустақил тафаккур услуби сифатида қаралмоқда. Бу йўналишни энди ўргана бошлаган ўзбекистонлик файласуфлар эса уни диалектиканинг давоми деб шарҳламоқдалар. Бизнингча, синергетика — XX асрдаги фан ва ижтимоий тараққиёт омухталиги ўлароқ юзага келган янги тафаккур услубидир.

Хўш, синергетиканинг ўзига хос жиҳати нимада? Сир эмас, XX асрда табиий ва ижтимоий фанлардаги кашфиётлар натижаси ўлароқ, объект билан субъект, моддиниш билан маънавийлик, тадқиқотчи билан унинг таълиқ объектлари, табиат билан жамият, турли табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга янгича ёндашув бошланди. Унинг хос

ҳияти шундан иборатки, фан ва фалсафанинг ўзаро фарқи энди улар орасидаги зиддият, қарама-қаршилик ҳамда антагонизм тўғрисида эмас, балки уларнинг ҳамкорлиги, бирлиги ҳақида фикр юритишни тақозо қилмоқда. Демак, синергетика инсон ҳаётида, фан тараққиётида илгари учрамаган янги муносабатларни фалсафий таҳлил қилувчи йўналиш сифатида пайдо бўлди.

Агар диалектика тараққиётни қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш, инкорни инкор қонунлари орқали изоҳласа, синергетика уларни тараққиётнинг ягона доимий (универсал) қонунлари деб билмайди. Бундан ташқари, синергетика бугунги тамаддун (цивилизация) ривожига хос бош тамойил — узлуксизлик (эволюция), босқичма-босқич ривожланиш (коэволюция), мувозанатсизлик, беқарорликнинг беқарор сифат касб этиши каби қонуниятларни шарҳлаб бердики, улар фан, ижтимоий ҳаёт ривожига борган сари ўз исботини топмоқда.

Синергетика кашф этаётган тараққиётнинг эволюцион тамойилини таҳлиллдан ўтказиб кўрайлик. Бугунги кунда диалектика таъкидлаган, яъни эволюциясиз инқилоб, инқилобсиз узлуксиз ривожланиш юз бермайди, деган гап эскириб қолди. Чунки эволюция борлиқнинг умумий қонуни сифатида нафақат инсонлар билан инсонлар ўртасида, балки инсон билан табиат ўртасидаги бирлик ва муштараклик, ҳамкорликни ҳам ифодалайди. У жамият ҳаётида макон ва замонга боғлиқ геополитик ўзига хосликни ҳисобга олишни талаб қилади. Жамиятда инқилобий ҳодиса йўқ демоқчи эмасмиз. Тарихда кўплаб инқилобий тўнғаришлар бўлган. Улар тўғрисида кўплаб асарлар ҳам ёзилган. Бироқ XX аср фани инқилоб тараққиётда ягона йўл эмаслигини кўрсатиш билан бирга, у энг хатарли йўл эканини исботлаб берди. Бинобарин, у эски тизимни тажовузкорлик ва зўравонлик билан ағдариб ташлашни, бузушу ўлдиришни, йўқ қилишни назарий жиҳатдан оқлайди. Маълумки, марксча таълимотда ҳам «зўрлик — янги жамиятнинг дояси» деб қаралади. Умуман, инқилобий назарияда зўрлик эътироф қилинади ва унга даъват этилади.

Узлуксиз, тадрижий таълимотда эса тараққиёт эскини бузмасдан, уруш-ўлдиришларсиз амалга ошиши мумкин бўлган жараён эканлигига асосланади. Бу назария ҳозирги замон табиий фанларининг пойдор қонунларига асосланган.

Биз синергетикани жамиятимизнинг бугунги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига татбиқ этар эканмиз, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Қатта сакрашлар тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки бир босқичдан иккинчи босқичга кетма-кет ўтиш, яъни эволюцион тарзда илгарилаб боришни ўзимиз учун қатъиян танлаб олдик», деган фикрдан назарий асос сифатида фойдаланишимиз керак. Чунки бу гап бугунги замон универсал қонунларига мувофиқ келади. У методологик аҳамиятга эга бўлган фикрdir.

Синергетика тараққиёт жараёнида беқарор ҳолат билан барқарор ҳолат, мувозанатсизлик билан мувозанат ўртасидаги қонуниятга таянади. Кейинги вақтларда фалсафага оид илмий ишларда беқарорлик ва барқарорлик тушунчалари бот-бот тилга олинмоқда, бу тушунчалар ҳам Илья Пригожининг «Беқарорлик фалсафаси» асарида синергетиканинг муҳим тамойили сифатида янгича, анъанавий бўлмаган асосда таҳлил этилган. Олимнинг фикрича, шу вақтга қадар беқарорлик тушунчаси салбий маънода ишлатилиб келинган ва унинг асл моҳиятига етарлича эътибор берилмаган. Бугунги замон фани беқарорликни борлиқнинг муҳим бир жиҳати деб ҳисоблайди. Масалан, тебрангич (маятник) ҳаракати эътибор берайлик. У бир меъёردа тебранади, агар тўхтатсак, дастлабки барқарор ҳолатига қайтади, агар уни тўнтариб қўйсак-чи? У ҳолда тебрангич ё ўнг томонга, ё чап томонга оғиб туради. Бу ҳолат беқарорликdir.

Шу вақтга қадар беқарорлик ҳолати олимлар назаридан четда бўлиб келди. Маълумки, барқарорлик қонуният ва сабабият натижасидир. Уни олдиндан билиш, бошқариш мумкин.

Шу чоққа қадар табиатшуносликда кўпроқ детерминизмга — нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишига аҳамият бериб келинди. Табиат ва жамиятнинг бошқариш ва ўрганишида ҳам детерминизм тамойилига асосланилди. Эндиликда шунсон табиат ва жамиятнинг тўлиқ билиши ва бошқарилиши мумкинми?—деган муаммо қайтадан кўтарилмоқда. Ушундан

этиш учун фан ва фалсафа дунёнинг инсон бошқариши қийин бўлган соҳаси беқарорликни ўрганишга киришди. Беқарорлик детерминизм ҳодисаларнинг сабабий боғланишини билишнинг янги имкониятигина эмас, балки илмий жараённинг инсонийлашишидан ҳам далолатдир. Унинг моҳияти шундан иборатки, илмий билиш жараёнига инсон фаолияти қўшилгани боис у инсонийлашган жараёндир.

Беқарорлик ва барқарорлик ҳақида гап кетар экан, инсон ва табиат муносабатида қандай ўзгариш юз бераётгани хусусида тўхталиш лозим.

Беқарорлик детерминлашган дунёни тўлиқ назорат этиш ва бошқаришга имкон беради.

Агар дунё беқарорлигини, уни олдиндан билиш мумкин эмаслигини англасак, унга эҳтиёткорлик билан, авайлаб муносабатда бўлишга мажбур бўламиз, дейди Пригожин.

Беқарорлик ҳодисасини ўрганиш инсоннинг шу даврга қадар билмаган кўп нарсани тушунишга, жумладан, фандаги чекланганликни англашига имкон яратади. Чунки шу вақтгача фан кўпроқ барқарорлик ҳодисасига эътибор бериб келган ва табиатдаги ҳодисалар моҳиятига бир томонлама ёндашган. Бироқ бундан табиат ва жамиятда фақат беқарорлик мавжуд экан, деган хулоса келиб чиқмайди. «Гап шундаки, барқарорлик ва беқарорлик айтиб берилган пайтда бўлади ва яшайди», дея таъкидлайди Аристотель.

Синергетика беқарорлик тушунчаси ва хаос (тартибсизлик) категориясини фалсафий таҳлил этади. Билмоқ керакки, бу тушунчалар фақат салбий маънода ишлатилмайди. Ҳар қандай эски тузилма янги тузилмага ўтар экан, даставвал беқарорлик, хаос юз беради, танглик авж нуқтасига етади. Бу нуқтадаги ҳолатни ўзгартишда оддий тасодиф ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Синергетика тараққиётидаги микро ва макро жараёнларнинг ўзаро муносабатини ифода этади.

Синергетика янги дунёқараш сифатида, «чизиқсиз» тафаккур тарзидир. «Чизиқсиз» ва «чизиқли» каби тушунчалар асли математика фанига хосдир. Синергетика уларни универсал қонуларнинг намоён бўлиши тарзида ишлатади.

Диалектика универсал қонун ва боғланишлар тўғрисидаги таълимот сифатида вужудга келган бўлса-да, асос таълими бори билан бир чизиқли тафаккурга асослангандир. Биз ривожланишни пастдан юқорига, оддийдан мураккабга қараб боради, деб ўргатган диалектика таълимотини жамият тараққиётига татбиқ этиб, уни бир йўналишда, яъни ибтидоий тузумдан қулдорликка, қулдорликдан феодализмга, ундан капитализмга, кейин эса социализмга борадиган зарурий қонуният деб тушундик. Тўғри, бу таълимот ҳам қуруқ гап бўлмай, жамиятнинг бир йўналишини ҳисобга олган тафаккур тарзидир. Демак, у жамият чизиқли (бир чизиқ бўйлаб) ривожланади, деган гапдан иборат эди.

Синергетика янги фалсафий тафаккур усули сифатида бир чизиқлилиқ билан бирга чизиқсизлик тамойилини ҳам ёқлайди. Бу тамойил тараққиёт олдиндан белгилаб қўйилган муқаррар бир йўлдан кетмай, ҳар бир нарсанинг ички бир хусусияти ва ташқи алоқадорлиги негизида ҳар сафар янги ва бетакрор йўлдан боришини кўрсатади.

Таянч иборалар:

Метод, диалектика, детафизика, руҳий таҳлил, синергетика, методология, Хенрих Хакин, Илья Пригожин, барқарорлик, беқарорлик, догматизм.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Метод нима? Методология нима?
2. Диалектика ва метафизика методларини бир-бирига зидлиги.
3. Фалсафий методологиянинг асосий шакллари.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин//«Тафаккур». 2-сон. 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: «Ўзбекистон», 2000.
4. Введение в философия. Часть I. М., 1990.
5. Мир философия. I. М., 1991.
6. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т., 1992.
7. Фалсафа (маъруза матнлари). Т., 2000.
8. Раҳимов И. Фалсафа (қискача конспект). Т., 1998.
9. Раҳимов И. Мурса фалсафаси//«Тафаккур». 2-сон. 1996.
10. Фалсафа асослари. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
11. Чориев Л. Инсон фалсафаси. Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2007.

8-мавзу: Олам ва одам. Фалсафий талқин

Режа

1. Олам ва одам: фалсафий талқин.
2. Борлиқ фалсафаси. Борлиқнинг асосий шакллари.
3. Ҳаракат. Фазо ва вақт (Макон ва замон)

Биз яшаётган дунё ўзининг барча мураккаблиги, жозибадорлиги ва бутун гўзаллиги билан ягона оламни ташкил этади. Олам тушунчаси энг аввало, олам ва унинг фаолияти содир бўладиган маконни акс эттиради.

Агар одам бўлмаганида эди, бу олам ҳақидаги тасаввурлар ҳам бўлмас эди. Демак, олам одам билангина мазмундордир.

Қадимги даврлардан бошлаб одам ўзини англагач, оламнинг таркибий қисми эканлигини тушуна бошлади.

Шу туфайли олам асосида ётувчи тўрт унсур: ҳаво, сув, тупроқ ва оловни муқаддаслаштириш сингари гоёлар вужудга келди ва олам тўғрисидаги содда космологик қарашлар пайдо бўлган.

Олам, энг аввало, тор маънода одам яшайдиган жой. Аслида одамзод ва ҳайвонот олами, ўсимлик ва ҳашоротлар дунёси, жисмоний, руҳий, маънавий олам ва шу сингари бошқа кўплаб тушунчалар бор. Улар дунёда мавжуд бўлган нарса ва ҳодисалар номи билан аталади.

Оламни англаш тўғрисида турлича, ҳатто бир-бирига қарама-қарши қарашлар мавжуд. Шундай қарашлар одамларнинг оламга ўз ўлчовлари, қарашлари оқибатида пайдо бўлади, биров учун олам яхши ва ёмон, оппоқ ва қоп-қора ранглардан ташкил топган, бошқа рангларнинг бўлишини у ўз тасаввурига сигдира олмаслиги ҳам мумкин.

Олам тушунчаси кенг қамровли ва кенг йўналишли тушунча бўлиб, маълум маънода системали ёндошишни талаб қилади.

Масалан, элементар заррачалар олами тушунчаси одамга маълум бўлган ва бўлмаган барча элементар заррачалардан иборат дейиш мумкин.

Ўсимликлар олами тушунчасига фақат ўсимликларнинг кириб ҳайвонлар ва одамлар бу оламдан четда қолиши. Шу

нуқтаи назардан олам нисбий моҳиятга эга, баъзилар олам деганда уни барча нарсаларни қамраб олувчи космогоника коинот тушунчасига мос келади деб қарайдилар. Айримлар уни чексиз ва чегарасиз деб, бир системада чексиз бўлган объект бошқа системаларга чекли нисбий моҳиятга эгаллигини тан оладилар.

Ҳозирги замон космологиясида оламнинг пайдо бўлишидан олдинги ҳолати “ҳеч нима” ва “йўқ”лик тушунчалари билан ифодаланади.

Англиялик олим Стивин Лок “Олам вужудга келмасдан илгари нима бўлган” деган саволнинг маъниқисизлигини, вақтнинг келажакка олиб борувчи йўналишигина мавжуд бўлган ҳолати оламнинг бошланишидир, дея изоҳлайди.

Фан олами тўғрисидаги мураккаб масалаларни илмий тажрибалардан келиб чиқиб маъниқ доирасидан четдаги деб ҳисоблаган ҳодисаларни фан изоҳламайди. Айрим фаройиб ҳодисаларни фаннинг тадқиқот объектига киритилмаганлигининг сабаби шундир.

Фалсафада оламни изоҳлаш тўғрисидаги тушунчалар диннинг, санъат ва адабиёт, хуллас, фан билан биргаликда бошқа хилма-хил билимларга таяниб космологиядаги, диндаги ва бошқа билим соҳаларидаги олам тушунчаларига нисбатан бойроқ, сермазмунроқ ва кенгроқдир.

Оламнинг намоён бўлиш шакллари хилма-хилдир.

Моддий жисмларнигина ўзига қамраб олган оламни моддий, яъни физик олам деб аташади. Одамнинг маънавий-руҳий дунёсини маънавий, айнан биз билан биргаликдаги оламни актуал, келажакда мавжуд бўлиши имконияти бор бўлган олам потенциал олам дейилади.

Одамнинг кундалик ҳаётидаги ҳамма маълум бўлган тан олинган ҳаёти реал оламга мансуб бўлса, унинг ҳаёлий режалари вертуал оламга, келажакка йўналган орзу-умидлари абстракт оламга мансубдир.

Одамларнинг бошқалар билан биргаликдаги ижтимоий фаолияти, уларнинг ҳар бир турига хос бўлган тақрорланмас индивидуал оламларига боғлиқдир. Индивидуал олам, айни пайтда, ташқи оламни ҳам, ижтимоий оламни ҳам акс эггиреди.

Хулоса қилиб айтганда олам ҳақидаги хилма-хил тасав-
вурлар мавжудликнинг энг умумий фалсафий тушунчаси
бўлган борлиқ ва унинг шакллари тушунчаси билан ифода-
ланади.

2. Борлиқ фалсафий фикрланнинг муҳим категорияси-
дир. Бу фикр доирасида файласуфлар доимо мунозара олиб
борганлар. Баҳс ҳозир ҳам давом этмоқда. Натижада борлиқ
тўғрисида бир бутун таълимот (онтология) вужудга келди.

Нима учун файласуфлар бугунгача борлиқ масаласини
муҳокама қиладилар? Чунки ҳаёт мавжудлигининг асосини
даставвал инсон, инсоният мавжудлигининг асосини эса
борлиқ ташкил этади.

Инсоннинг энг универсал ҳодисалар тўғрисидаги оддий
ишончи «дунё», «бор», «у шу ерда», «ҳозир мавжуддир» шак-
лида намоён бўлади. Дунё ўзгарувчан, такомилланиувчи жа-
раён бўлишига қарамай, унда нисбий турғунлик сақланиб
қолади.

Борлиқ масаласи универсал моҳият сифатида ҳаёт тўғри-
сидаги қараш, тафаккур предметига айланган даврдан бош-
ланган. Ҳаётнинг мураккаблиги, ундаги табиий ва ижтимо-
ий ҳодисаларнинг ўзгариши анъанавий фикрлаш тарзини
ўзгартиришни талаб қилади. «Инсон, ҳаёт, ўлим нима?»,
«Борлиқ нима?», «Йўқлик нима?» деган саволлар қайта-қайта
такрорланаверади. Планетамиз бўйича инсоннинг яшаши
хавф остида қолган ҳозирги кунда «инсоният сақланиб қола-
дими?» деган савол майдонга ташланади. Шунинг учун одам-
ларнинг фикрлаши «шу ердаги» оламгагина эмас, балки биз-
ни ўраб олган, ақлимиз орқали идрок этиладиган бу дунё-
дан бошқа дунёга ҳам қаратилган. Натижада «Бизни ўраб тур-
ган дунёдан бошқа дунё ҳам борми?» деган савол туғилади.

Бу муаммони қадимги дунё файласуфлари ҳам майдонга
ташлаганлар. «Дунё ҳозир мавжуд экан, унинг ўтмиши,
бўлганми ёки бўлмаганми, келажаги ҳам борми?» деган са-
вол уларни қизиқтирган. Чексизлик борлиқнинг макон ва
замонда чексизлигини кўрсатади. Агар биз алоҳида шахснинг
ҳаётини олиб кўрсак, у вақтда (замонда) ва маконда чек-
ланган. Бироқ ундан илгариги ва келажакдаги одамлар тўғри-

сида, бутун борлиқ тўғрисида, ўйинсак, макон ва замоннинг, ундаги борлиқнинг чексизлигини тасаввур қиламиз.

Демак, бутун борлиқ чексиз, у макон ва замонда абадийдир. Бундан борлиқнинг биринчи ва асосий томони келиб чиқади. Дунё мавжудми, мавжуд бўлса, қаерда мавжуд? Шу ерда, ҳамма ерда мавжуд. У алоҳида нарсаларда қандай юз беради? Ўткинчи сифатида унинг асосий моҳияти нимада? Ундаги доимийлик ва ўткинчиликни инсон борлиғи орқали таҳлил қилишда, унинг моҳиятини инсон моҳияти орқали ўрганишдадир.

Бундан эса фалсафада ҳамма нарсанинг умумийлиги тўғрисидаги масала келиб чиқади. Бу масалани ҳал қилиш учун фалсафа табиат, жамият, маънавият, алоҳида одамлар мавжуддир деган хулосага келади. Улар бир бутунликни ташкил этади. Демак, борлиқнинг иккинчи бир муҳим томони (аспекти) қуйидагича: табиат, инсон, жамият, фикр, ғоялар мавжуддир, фарқи уларнинг турли шаклларда бўлишидадир. Улар (ўзларининг) мавжудлиги билан чексиз, доимий (ўткинчи эмас) бир бутун дунёни ташкил этади.

Демак, инсон ўз фаолиятида реал ҳаёт мантиғи билан ҳисоблашиши керак бўлади. Умумий хулоса шундан иборатки, борлиқнинг яна бир томони конкрет одам ёки маълум бир авлод томонидан яратилган бир бутун реалликнинг ички мантиғида намоён бўлади.

Биз борлиқни бир бутунлик сифатида қуйидаги асосий шаклларга бўлиб ўрганамиз:

1. Нарсалар борлиғи (нарсалар, жараёнлар), табиат борлиғи, инсонлар томонидан яратилган нарсалар, буюмлар.

2. Инсон борлиғи (дунёда инсоннинг борлиғи ва унинг ўзига хос томони).

3. Маънавий борлиқ (ғоявий борлиқ). У ўз навбатида индивидуал ва ижтимоий (объективлашган) маънавиятга бўлинади.

4. Социал(ижтимоий) борлиқ. Бу ўз навбатида алоҳида одамлар борлиғига бўлинади.

Биз буларни алоҳида- алоҳида кўриб чиқамиз.

Табиат борлиғи

Табиатни фалсафий таҳлил қилиш қадимдан бошлаб ҳозиргача файласуфларни қизиқтириб келган. Қадимги юнон фалсафасида ҳам, ўрта аср Шарқ фалсафасида ҳам, янги давр Ғарб фалсафасида ҳам табиатни фалсафий таҳлил қилиш муҳим бир аҳамият касб этган. Фалсафанинг бу соҳаси табиат фалсафаси ёки натурфилософия деб аталган.

Табиат тушунчаси жуда кенг кўламда ишлатилади. Табиат ўз ичига табиатда мавжуд нарсаларни, юлдузлар, галактика ва метagalactica системалари, макон ва замондаги энг кичик заррачалардан тортиб ўсимликлар, инсонлар олами — ҳаммасини ўз ичига олади. Табиат тушунчаси бутун борлиқнинг ҳаммасини қамраб олади. Бироқ табиат тушунчасининг торроқ маъноси ҳам бор. Бу инсон ва инсоният яшашининг табиий шароитлари мажмуидир. Бу табиий муҳит ёки географик муҳит деб ҳам юритилади.

Табиатни фалсафий тушуниш у объектив борлиқ сифатида бўлган, бор, бўлади, деб қарашдир. У инсондан илгари ҳам бўлган, инсон билан ҳам, ундан кейин ҳам мавжуддир. Бироқ инсонгина унинг борлигини билишга қодир унга таъсир этади, ўрганadi, уни англайди. Табиат абадий мавжуд, бор. Бироқ табиатдаги алоҳида нарсалар, ҳодисалар, жараёнларнинг борлиғи ўткинчидир. У вақтда чекланган, маконда ўлчовлидир. Масалан, ҳар бир шахс туғилади, улғаяди қарийди ва ўз умрини тугатади. У борлиқдан йўқликка ўтади. Бироқ бир бутун борлиқ сифатида йўқ бўлиб кетгани йўқ, бир моддий ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтди, холос.

Бирламчи табиат абадий, яъни бўлмаган, бор, бўлади. У инсон ва инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлишини ҳозирги замон фани ва фалсафаси борган сари исботлаб бормоқда. Шунинг учун табиат реаллик сифатида объективдир.

Демак, бизни ўраб турган нарсаларнинг кўпчилиги инсон томонидан яратилган буюмлардир. Булар, яъни инсон томонидан бунёд этилган нарсалар иккиламчи табиатни (ўсимликлар, ҳайвонлар олами, жонсиз буюмлар тизими) ташкил этади.

Бирламчи табиат иккиламчи табиатдан нима билан фарқ қилади? Бирламчи табиат инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, ўз-ўзича, табиий қонушлар асосида ривожланади. Иккиламчи табиат инсон томонидан яратилади, инсон билан табиат ўртасидаги муносабат асосида вужудга келади ва инсон фаолиятининг буюмлашган шакли сифатида намоён бўлади. Демак, унга инсон моҳияти сипдирилади, жамиятлашади. Бунда моддийлик билан маънавийлик муҳасамлашади.

Бирламчи ва иккиламчи табиат борлиқ сифатида бир бутунликни ташкил этади. Бироқ улар турли-туман кўринишларга эга. Иккиламчи табиат тури энг оддий меҳнат куроларидан тортиб то машина, транспорт ва алоқа воситаларигача бўлган барча буюмларни ўз ичига олади. Бу радиостанция, телевидение марказлари, космодромлар, космик кемалар, мактаб, олий ўқув юрглари, кийим-кечак, уй-жой, анжомлар, турли буюмлар ва бошқалардан иборат.

Бирламчи ва иккиламчи табиат тўғрисида фикр юритганда, улар ўртасидаги фарқлар, қарама-қаршиликлардан кўра уларнинг уйғунлиги мутаносиблиги ҳақида гапириш керак. Чунки табиатга моддий манба сифатида эмас, балки маънавий манба сифатида, инсонийлик нуқтаи назаридан қараш керак.

Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни қайта кўриб чиқиш керак. Кейинги ўн йилликларда бўлган илмий-техника инқилоби инсоният учун жуда аҳамиятли бўлди. Жамиятнинг ривожлантирди, техника равнақи вужудга келди. Меҳнат унумдорлиги юқори даражага кўтарилди. Шунинг билан бирга қатор экологик муаммоларни вужудга келтирди. Бу масалага чуқурроқ ёндашилмаса, табиат инсон яшаши учун яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Агар ҳозирги замон олимлари, сиёсатдонлари, оммавий ахборот ходимлари, дунёдаги барча давлатлар биргаликда ягона экологик концепция яратишмаса, уни қутқариб бўлмайди, демоқдалар.

Демак, табиатга бўлган дунёқарашни ўзгартириш керак бўлади. Инсоннинг табиатга илмий, маданий қарашларини ўзгартириш орқали унга қадриятлар сифатида ёндашиш лозимлигини ўргатиш керак.

Табиат билим, бойлик манбаи бўлиши билан бирга инсон қадр-қимматини намоён ҳам қилади. Инсон табиатдаги юксак онгли мавжудод экан, у космосга, табиатга ўзининг табиий уйига ваҳшийларча муносабатда бўлмай, пинҳоний муносабатда бўлиши керак.

Инсон борлиғи (Жамият. Ижтимоий борлиқ)

1. Инсон ва инсоният борлиғи ўзига хос бетакрордир. Бироқ бу борлиқнинг ҳамма одамларга хос томонлари ҳам бор. Инсон борлиқ сифатида табиат билан узвий боғлиқ. Чунки инсон табиат эволюцияси натижасида вужудга келган ва у билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Инсон танаси табиат жисмидир. Шунинг учун инсон танаси бир бутун табиатдаги жисмларнинг бир бўлагидир. Инсон танаси унинг борлиғи фоний, чекланган, ўткинчи эканлигини кўрсатади. Инсон борлиғи борлиқ билан йўқлик ўртасидаги ўзаро бирликда яшайди. Шунинг учун унинг борлиғига табиатдаги борлиқ хусусиятларининг ҳаммаси тегишли. Инсон танаси борлиқдан йўқликка айланади. Шунинг билан бирга бутунлай йўқ бўлмайди, бошқа ҳолатга ўтади. Табиатнинг абадият оламига кўшилади.

Инсон борлигининг табиий-ижтимоий томонларини ҳисобга олиш керак. Чунки инсон борлиғи даставвал ижтимоий борлиқдир. Инсонларнинг ўзаро муносабатлари, моддий ишлаб чиқариш жараёни ва ундаги муносабатлар жамиятнинг моддий борлигини, ижтимоий борлигини, ижтимоий борлиқни ташкил этади.

Демак, инсоннинг табиий борлиғи билан ижтимоий борлиғи биргаликда инсон борлигининг асосини ташкил этади.

Инсон борлигининг ўзига хос томони нимада? Инсон табиат қонунларига амал қилиш билан бир қаторда жамият қонунларига ҳам амал қилади. Бироқ инсоннинг қонунларга амал қилиши унинг иродаси ақл-идрокига боғлиқ. Шунга кўра, инсон фаолиятида эркинлик мавжуд. У заруриятни танлаб олиш имкониятига эга. Инсон ижтимоий муносабатлар-

ни ўз онги, иродаси билан англаб етади. У ўз борлигини билиш, тушуниш, ўз фаолиятини маънавий ахлоқий, социал сабабларга кўра бошқариб туриш хусусиятига эга.

Инсон пайдо бўлганидан бошлаб ўзининг асосий белгиси: «табиати», ижтимоий-тарихий моҳияти асосида ривожланиб келмоқда. Инсон моддий неъматлар ишлаб чиқариб, тарихий тараққиёт жараёнида ўзининг маънавий қобилиятини намоён қилади. Меҳнат фаолияти жараёнида унинг инсоний хислатлари шаклланиб, такомиллашиб боради. Инсон ўз эҳтиёжини қондириш учун моддий неъматлар ишлаб чиқарар экан, унинг эҳтиёжи ҳам тарихий жараённинг маҳсули сифатида шаклланиб боради.

Инсон табиатдан ажралиши ва ижтимоийлашиши учун ҳаёт кечириш фаолиятини вужудга келтиради. Меҳнат биргаликдаги ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятга айланади. Одам фақат жамиятдагина ўзини табиатнинг асос кучларидан ҳимоя қилинган деб ҳис қилади. Шахс жамиятдан жой олар экан, ўзининг ижтимоий меҳнати билан турли-туман мураккаб муносабатларни амалга оширади. Одамлар бир-бирларидан қанчалик фарқ қилмасинлар, уларнинг барчасининг моҳияти ижтимоий муносабатлар билан характерланади. Чунки инсон бошқа одамлар билан муносабатлардагина ўзининг қобилияти, талантини намоён қилади, ривожлантиради.

Инсонлар турли туман халқлар, миллат ва элатларни ташкил этишлари ва қуруқликнинг турли жойларда яшашларига қарамай, уларнинг умумий томонлари мавжуд.

1. Инсонлар меҳнат қиладилар, меҳнат қуроллари орқали моддий неъматлар ишлаб чиқарадилар.

2. Ҳаммалари нима яхшию нима ёмонлигини, улар ўртасидаги зиддиятни ҳам биладилар.

3. Тарихнинг ривожланиши билан уларнинг ҳиссиёти, идроки ва ақлий қобилиятлари ҳам ривожланади.

4. Жамиятсиз яшай олмайдилар, шакланмайдилар.

5. Одамлардаги шахсий сифатлар ижтимоий муносабатлар билан белгиланади, улар у ёки бу турдаги маълум объектив, ижтимоий муносабатларга тааллуқли бўлади.

Инсонларнинг ҳаётий фаолиятлари олдиндан белгиланмаган, дастурлаштирилмаган, балки онгли иродавий характерга эга. Натижада инсон ўз ақли, иродаси орқали эркин ҳаракат қилади, ўзини ўзи тийиб, виждон «суди» олдида жавоб беради, масъулиятни ҳис қилади.

Инсон борлигининг ижтимоий вазифалари ана шулардан иборат.

Маънавий борлиқ

Маънавият масаласи ҳамма вақт файласуфларни қизиқтириб келган. Чунки инсоннинг табиат борлигидан фарқи унинг маънавий борлигидадир.

Инсоннинг маънавий ҳаёти жуда мураккаб бўлиб, турли масалаларни ўз ичига олади. Мана шунинг учун бу соҳа турли фанларнинг ўрганиш объектидир. Жумладан, социология, психология, тилшунослик, педагогика, физиология, антропология, кибернетика, информатика ва бошқа фанлар ҳам онг муаммоси билан шуғулланади.

Инсоннинг маънавий борлиги ташқи олам билан сабабий боғланган бўлса-да, ўзининг ички-қонунияти ва тузулишига эга.

Фрейд инсон фаолиятида уч босқични ажратади: 1. Онг (мен) 2. Онгсизлик (у), 3. Мендан ташқари (ижтимоий онг), у бу «учлик» асосида онгсизлик ётади, деган ғояни илгари суради. Унинг издошларидан Фромм эса онгни белгиловчи асос деб тушунади. Чунки инсон даставвал онгли мавжудот, фақат онггина инсон маънавиятининг асосини ташкил этади, дейди у. Инсон маънавий борлиги руҳий таҳлил фалсафасида икки асосий шаклда намоён бўлади: 1) конкрет инсондан ажралмаган индивидуал руҳият; 2) индивиддан ташқарида (Фрейдча, онгдан юқори) объектив мавжуд бўлган маънавият, бу ижтимоий онг шаклларида намоён бўлади. Онг бир бутун аспект сифатида инсоннинг ўй ва хоҳишлари, тамойил ва мезонлари, турли қарашлари йиғиндисини ўз ичига олади.

Маънавий борлиқ макон ва замонда ўзига хос шаклда

мавжуд бўлади. У физик макон ва замондан фарқ қилади, чунки фикр маълум бир лаҳзада ўтмишга ҳам, келажакка ҳам сакраб ўтиши мумкин. У, ўзининг ички қонуниятига кўра, «вақтинчалик» хусусиятига эга бўлиб, онгнинг ривожланиш (динамикаси)ни ташкил этади. Мана шундай қилиб, астрономик, биологик, тарихий хусусиятга эга бўлган вақтни онг ўз қонуниятига мослаштиради, мавҳумлаштиради, синтезлаштиради, тафаккур орқали таҳлил қилади.

Фалсафий нуқтаи назардан онгнинг тузулишини аниқлашда, фикрлаш материалларини тарғибга солишда интеллектуал фаолият ва янги ғояларни яратиш каби босқичлар алоҳида аҳамият касб этади.

Онгсизлик (ноонглик) инсон борлигини билишда алоҳида аҳамиятга эга. Руҳий таҳлил фалсафасида онгсизлик (у) инсон табиатини билишнинг асосий омили сифатида талқин қилинади. Онгсизлик кенг маънода шахснинг онгдан ташқаридаги барча руҳий жараён, усул ва ҳолатни ўз ичига олади.

XVIII аср немис файласуфи Лейбниц онгсизликни руҳ пасти қатламининг шакли онгнинг ноаниқ қоронғи томони деб ҳисоблаган. Кант эса онгсизликни ҳиссий билиш билан алоқадор бўлган интуиция муаммосига боғлаб изоҳлаган.

Романтик фалсафанинг вакиллари (Э.Гортман, Шопенгауэр) онгсизликни ижоднинг манбаи сифатида универсал тамойил даражасига кўтарганлар.

Онгсизлик масаласига айниқса руҳий таҳлил асосчиси Фрейд алоҳида аҳамият берган. Фрейд онгсизликни физиологик таҳлил қилишдан воз кечди. Онгсизлик ўзининг ички қонуниятига руҳий иррационал кучга эга эканлигини айтади. Онгсизликни онг орқали бошқариш мумкин, бироқ бунинг учун инсоннинг руҳий борлигини таҳлил қилиш керак, дейди.

Руҳий таҳлил фалсафасининг яна бир вакили Юнг индивидуал онгсизликдан ташқари коллектив онгсизлик ҳам мавжуд, деган фикр билдирди. Бу маълум бир гуруҳ, миллат, халқ ва бутун инсониятга тегишлидир. У баъзи халқларнинг ёвуз, урушқоқ, ғалаёнчи бўлишини ҳозирги даврдаги эколо-

гик ва ядровий ҳалокатни коллектив онгсизлик билан изоҳлайди. Бу таълимот XX аср фалсафасига ўз таъсирини ўтказди. Ҳозирги замон фалсафасида руҳий таҳлил фалсафасининг таъсири жуда катта. Индивидуал онгсизликка қуйидагилар киради: инсоннинг ўз танаси, руҳияти ва ҳолатини билмаслиги, кўр-кўрона бировлар фикрига эргашиш, туш кўриши, интуиция ва бошқалар. Инсон маънавий борлиги руҳий таҳлил фалсафасида икки асосий шаклда намоён бўлади: 1) конкрет инсондан ажралган индивидуал руҳият. 2) индивиддан ташқарида (Фрейдча онгдан юқори) объектив мавжуд бўлган маънавият, бу ижтимоий онг шаклларида намоён бўлади.

Фрейд онглилик турли символлар, белгилар орқали намоён бўлганидек, онгсизлик ҳам турли символлар орқали ифодаланишини исботлади. Онгсизлик, руҳий ҳолат сифатида туш кўришида, кишиларнинг уйқусирани (алахсираш)да, турли маъносиз фикрларда намоён бўлади. «Буни билиш» керак, шундагина инсонда яшириниб ётган руҳий ярани аниқлаш мумкин бўлади», дейди Фрейд.

Инсон ўз фикрини эркин, ихтиёрий баён этишни маънавий эркинликнинг, шахс такомиллашувининг, инсон борлигининг ўзига хос шарти эканлигини руҳшунос олимлар бир неча бор таъкидлаганлар. Эркин (ўзбошимчалик) билан, ҳатто асоссиз равишда ўз фикрини баён этиш ижод учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини немис ёзувчиси Д.Берне 1823 йилда ёзган «Уч кун ичида» қандай қилиб ўзига хос ёзувчи бўлиш мумкин?» номли асарига баён қилган. Муаллиф эндигина ижодини бошлаган ёш ёзувчига 3 кун ичида миясига келган ҳар қандай фикрни қоғозга туширишни маслаҳат беради. Натижада ёзувчи бошқаларда учрамаган, бетакрор фикрларни баён этган. Фрейд бу асарни ўқиб чиққач, асар унинг таҳлилига жуда мос келганини таъкидлайди. Фрейд онгсизликдаги руҳий энергия жинсий майллик асосида пайдо бўлишини, унинг фаоллигини олға қараб такомиллашиб борадиган руҳий жараён, эканлигини кўрсади. У ҳам онг сингари фаёл ва такомиллашиб туради, дейди.

Демак, онгининг фаоллиги тўғрисида гапирганда, онгсизликнинг фаоллигини ҳам назарда тутиш керак. Фрейд инсоннинг онгсиз фаолияти хилма-хил руҳий ҳолатлар ва жараёнлардан (уйқу, туш, турли автоматик бажариладиган ҳодисалар, интуиция, кўр-кўрона биров фикрига аралashiш ва бошқалар) иборат бўлиб, уларнинг барчаси ҳам инсон фаолиятида бир хилда ўрин тутмаслигини, баъзилари фаол, бошқалари суст иштирок этишини ёзади. Олим, айниқса, ижод ва интуициянинг ўта фаоллигини таъкидлайди. Демак, ҳар қандай ижоднинг асосида онгсизлик ётади. Ҳозирги замонда Фрейд таълимоти асосида кўплаб санъат асарлари яратилмоқда.

Ўз-ўзини англаш шахс онгининг эгаси сифатида унинг дунёга бўлган муносабатини маълум даражада фаоллаштиради. Ўз-ўзини англаш инсоннинг ўзига бўлган муносабатни кўрсатади. Бунда ҳар бир шахс ўз имкониятларини ўзи баҳолайди. Бироқ ўз-ўзини англаш даражаси, структураси турлича бўлиб, ривожланиб турувчи руҳий борлиқдир. Унинг дастлабки шакли ўз ҳолатини, аҳволини билишдир. Бунда инсон ўз соғлигини, организмдаги аҳволини ҳис қилади.

Ўз-ўзини англаш билишнинг босқичигина бўлиб қолмай, балки ўз-ўзини текшириш, жиловлаб туриш, баҳо бериш, эркин фаолиятни ҳам ўз ичига олади.

Ўз-ўзини англаш ҳар бир инсондаги онгининг ажралмас қисмидир. Ҳар бир инсон ўзининг яшанини англамасдан мавжуд бўлмайди. Инсон ўз-ўзини англаш жараёнида ўзининг ҳамма сезги аъзоларини тўла кўриш, ҳис қилиш, билиш имкониятига эга эмас. Масалан, инсон ўз-ўзини кўра олмайди. Бунинг учун у ойнага қараш, унда ўзини кўриши ва ойнадаги акс худди ўзи эканлигини англаб етиши керак (ҳайвонлар ойнада ўз аксини англайди). Демак, инсон ўз аксини тушуниши (кўриши) учун маълум онгга эга бўлади ва англаш хусусияти билан ҳайвондан фарқ қилади. Инсон даставвал ўзининг одам эканлигини англаб етиши керак. Бу эса бошқа одамлар билан бўлган муносабатида, таълим-тарбияда ва ижтимоий муҳитда шаклланиб боради.

Истиқлол ва маънавий камолот. Ўзбекистон келажаги буюк

давлат экан, бу буюклик ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан камолотга эришишни тақозо этади.

Шунинг учун мамлакатимиз йўқотилган маънавиятимизни тиклаш, маънавий инқирозни тўхтатиш, покланиш ва маънавий камолга эришиш йўлидан бормоқда.

Республикамиз Президенти И.Каримов одамлар, айниқса, раҳбарлар халққа ҳалол хизмат қилиши, маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиши, халқ ишончини қозониши кераклигини бир неча бор уқтириб ўтди.

Инсон маънавий баркамол бўлиши учун дунёни тушуниши, унинг қонуниятларини ўрганиши, ўзини шу дунёнинг бир қисми эканлигини ва унда тутган ўрнини англаб етиши керак.

Олимларнинг таҳлилига кўра, инсоният шундай чегарага етиб келдики, маънавий покланиш қилмай илож йўқ ёки маънавият тикланади ёки ҳалокат юз беради. Учинчи йўл йўқ. Бундан қутулиш учун ҳар бир одам инсоният ва яшаб турган дунё тўғрисида, унинг тақдири ҳақида юксак масъулият ҳис қилиши, келажак учун изланиши курашиши керак. Бу инсон моддий фаровонлик учун курашиши баробарида маънавий камолот сари интилиши, ўз билимларини бойитиб, маънавият сирларини чуқурроқ билиши керак деганидир.

Бироқ ҳозирги кунда инсон руҳий дунёсини, мутлоқ ва алоҳида руҳни ўрганиш жуда паст даражада. «Дунёвий руҳ», «дунёвий маънавият», «Олий ҳақиқат», «Инсон ва Оллоҳ бирлиги», «Коинотнинг узвийлиги» каби масалалар фан тизимидан чиқариб юборилган, фалсафа ва санъат даражасидагина таҳлил қилинган эди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб олимлар юқоридаги масалаларни илмий онг даражасига кўтаришга киришдилар. Улар инсон руҳиятини таҳлил қилдилар, биоэнергетика назариясини, космос билан инсон ўртасидаги муносабатни текшира бошладилар. Ҳозирги даврдаги ўта муҳим ўзгаришлар инсон руҳияти билан боғлиқ эканини, инсоният олдидagi ядровий ҳалокат, экологик муаммолар ҳам инсон маънавиятининг бузилиши оқибати, унинг зоҳирий томони эканлигини айтмоқдалар. Фожиянинг асосий сабаби инсоннинг ўзида экан, чунки дунёни

ўзгартириш керак бўлади. Бу эса анча мушкул масала. Негаки, инсонни ўзгартириш ҳам ички, ҳам ташқи омилларга боғлиқ.

Юқорида айтганлардан инсон ўзини яхши билмаганлиги, маънавиятнинг моддийликдан орқада қолганлиги, ҳиссиёт билан ақл, онглилик билан онгсизлик (онг ости, англаб етмаган) ўртасидаги муносабатлар ногўфри талқин қилинганлиги сабабли бу фожиалар келиб чиққан, деган хулосага келиш мумкин.

Ҳозирги замон руҳшунос олимлари инсондаги касаллик сабаблари руҳият билан боғлиқлигини аллақачон исботлаганлар, инсон жисмонан соғлом бўлиши учун уни даставвал руҳий, ақлий ва ахлоқий соғломлаштириш кераклигини таъкидлаганлар. Доктор С.Н.Лазеревнинг тажрибаси ҳар қандай жисмоний касалликнинг руҳий сабаби борлигини кўрсатди. Бунда инсон руҳиятида бузилиш рўй беради. Бу инсондаги информацион-биоэнергитек муносабатларнинг бузилиши натижасидир. Бу бузилиш инсон маънавиятининг захарланиши, инқирозга кетиш билан боғлиқ. Инсоннинг маънавий тубанланиши, унинг нопоклиги, ёлғончилиги, бировга қасд қилиш, хуллас, бошқаларга ёмонлик қилишдан бошланади.

Ҳозирги замон фани шуни исботлаётганики, агар одам ўта худбин бўлса, ўз манфатидан бошқа нарсани кўра билмаса, маълум давргача мувозанат сақланиб қолса-да, бари-бир хужайраларда бузилиш бошланади. Чунки худбин одам ҳамма нарсага эга бўлишни истайди, ўзидан бошқани ўйламайди. Бу хужайраларга ўта катта юк беради, организмни ишдан чиқаради. Оқибатда унинг руҳиятида шунчалик қашшоқлик бошланадики, у ўз манфаати йўлида худони ҳам эсдан чиқаради. Бу маънавий тубанликдир. Ахир иймонли одам бошқаларни ҳам, ўзидан ташқаридаги мавжудотларни ҳам унутмайди, инсофли, диёнатли бўлади. Бошқаларни эсдан чиқарган одам руҳиятида биоэнергетик ҳолат бузилади.

Моддий олам асосини билишга интилиш материя ҳақидаги тасаввурларни ривожланишига сабабчи бўлди. Материя борлиқнинг объектив реаллик шаклини ифодаловчи энг умумий тушунчадир.

Ҳақиқатан ҳам умуман материя абстракт фикрнинг маҳсули бўлиб, реал оламда «умуман материя» йўқ, учрамайди. Унинг уч муҳим жиҳати бўлиб, биринчидан, материя фалсафий категория, иккинчидан, объектив реалликни моддий воқеаликни ифодаланиши, учунчидан материяни билиш мумкинлигидир.

Материя атрибутлари ичида унинг асосий яшаш усули мавжудлик шакли икки хил бўлиб, бири ҳаракат, иккинчиси фазо ва вақт (ёки макон ва замон)дир. Ҳаракатнинг 5 та асосий шакли 1) механик ҳаракат (жисмларни фазода силжиши, ўрин алмашиши); 2) физик ҳаракат (иссиқлик, ёруғлик, электр, магнитизм); 3) кимёвий ҳаракат (кимёвий бирикиш ва парчаланиш, агрегат ҳолатларининг бир-бирига ўтиши); 4) биологик ҳаракат (органик ҳаёт); 5) ижтимоий ҳаракат бўлиб бу барча ҳаракат турлари ичида энг мураккаб бўлиб, уни прибор (асбоб-ускуна) билан кўриш, ўлчаш мумкин бўлмаган шаклидир.

Борлиқнинг атрибутлари ичида асосий мавжудлик усулини ифода этувчи хусусияти ҳаракат ҳисобланади. Чунки ҳаракатсиз борлиқ ўзининг структуравий яхлитлигини сақлай олмайди. Фараз қилайлик рўпарамизда бирор жисм турибди. Агар ҳаракат бўмаганида эди, биз уни кўрмаган бўлар эдик. Шунингдек, бу жисмнинг яхлитлигини сақлаб турган молекуляр, атомлар, элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳам бўлмасди.

Теварак атрофимиздаги предметлар ва ҳодисалар ҳаракат туфайли ўзининг муайян тартибини ва бирлигини сақлаб туради, шу боис ўсиш, улғайиш, равнақ топиш, ривожланиш мавжуддир.

Ҳаракат бир томондан моддий жисмлар ўртасидаги алоқадорлик, иккинчи томондан эса улардаги ўзгаришлар сифатида содир бўлади. Ҳаракатнинг манбаи шу ўзгаришлар асосидаги ўзаро ички таъсирдандир. Шу маънода умуман ҳар қандай ўзгариш ҳаракатдир. Ҳаракатнинг турлари ҳақидаги мулоҳаза, асосан, ўзгаришларнинг хусусиятларига асосланган. Ўзгаришлар оддий фазовий силжишдан тортиб, мураккаб ижтимоий ўзгаришларга такомиллашиб борган. Шу ту-

файли ҳаракатларга фақатгина фазовий силжиш деб қарамаслик керак.

Механик, химиявий, биологик, физик ҳаракат(ўзгариш)лар билан ижтимоий ҳаракат(ўзгариш)ларни таққослаб бўлмайди. Ривожланиш ҳаракатдир, аммо у ўзгаришларнинг шундай бир шаклидирки, уни фалсафада ривожланиш деб айтилади. Ривожланиш муайян системасининг муайян вақти ва фазодаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайдиган илгариланма йўналишга эга бўлган миқдорий ва сифатий ўзгаришдир.

Ҳаракатни икки хил тури бир-биридан фарқ қилади, биринчи тури жисмда уни сифати турғунлигини сақлаган ҳолда ички ўзгаришни ташқи сифатига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Ҳаракатни иккинчи турида жисм сифат жиҳатдан тубдан ўзгаради. Демак, ривожланиш фақат олға борадиган ҳаракатдир.

Ҳаракатнинг табиий-илмий концепциясига кўра: 1.Механик ҳаракат маконда оддий ўрин алмашиши. 2.Физик ҳаракат (элементар заррачалар, майда атомларнинг ҳаракатлари). 3.Химиявий ҳаракат атомлар ва молекулалар реакциясидаги ҳаракат; бунда ҳаракатнинг ривожланиши икки йўналишга ажралади: а) Ҳаракат ривожланиши юқори йўналишида биологик ҳаракат шаклланади. б) Ҳаракат ривожланишининг қуйи йўналишида эса геологик ҳаракат шаклланади. 4.Биологик ҳаракатнинг тараққиёти ижтимоий ҳаракага олиб ўтади. 5.Ижтимоий ҳаракат-ҳаракат шакллари ичидаги энг мураккаби бўлиб, унда инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гуруҳларининг фаолияти, ўзаро муносабатлари, жамият миқёсидаги ижтимоий фикр биргаликда ҳаракатга келади. Бу ҳаракатни чизиқли, бетартиб ҳаракатлар билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Унинг келажагини олдиндан башорат қилиш ҳам ўта мураккабдир.

Фазо ва вақт

Дунёда ҳаракат қилувчи борлиқдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Борлиқ эса маконда мавжуд ва замон бўйлаб ҳаракат қилади. Бизни қуршаб олган атрофимиздаги нарсаларни диққат билан кузатганимизда улар нафақат ҳаракатда эканлигини, балки шу билан бирга маълум масофага жойни, маконни эгаллашига гувоҳ бўламиз. Шу боис борлиқнинг мавжудлик шаклларига фазо ва вақт ҳам киради. Фазо нарсаларнинг кўламини, ҳажмини, ўзаро жойлашиш шартини узлукли ёки узлуксизлигини ифодаласа, вақт ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди. Фазо-вақтнинг муайян лаҳзасида оламни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартибини акс эттирса, вақт эса фазонинг муайян нуқтасида рўй берувчи ҳодисалар кетма-кетлиги тартибини ифодалайди. Фазо нарсалар жойлашадиган жой маъносида, вақт эса ҳодисалар бўлиб ўтадиган муддат маъносида ишлатилади.

Субстанция(моҳият) реляцион концепция тарафдорлари нарсалар жойлашадиган идиш, бўшлиқ, ҳамма нарса фазо ичига жойлаштирилади, ҳеч нарсаси йўқ, яъни нарсалар солинмаган фазо ҳам бўлиши мумкин, нарсалар фазовий ўлчамга эга дейдилар.

Ҳеч нарсасиз фазонинг бўлиши мумкин эмас, бу фарқни релятивистик физика асосчиси Альберт Эйнштейн шундай тушунтирган. Масалан: Бир казармадаги солдатларни кўз олдимизга келтирайлик. Ньютон физикасига кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма бўш қолади, ана шу субстанциал концепциядаги фазодир. Янги физикага кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма ҳам йўқолади. Бу реляцион концепциядир.

Фазо ва вақт борлиқнинг миқдорий ва сифатий жиҳатларини ифодалашига қараб, методик ва топологик хусусиятларга эга. Фазо ва вақтнинг методик хусусиятлари борлиқнинг миқдорий муносабатларини акс эттириб, ўлчанадиган, кўзга ташланадиган ва нисбий табиатли хусусиятларидир.

Фазо ва вақтнинг топологик хусусиятлари эса борлиқнинг

туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Буларга узлуксизлик, боғланганлик, ўлчамлилик, компактлик, тартибланганлик каби хусусиятлар киради.

Вақтнинг топологик хусусиятлари орқага қайтмаслик, бир ўлчамлилик каби хусусиятлардир.

Фазо материянинг тузилиш таркиби, кўламини, оламдаги нарсаларнинг ўзаро жойлашини вазиятини ифодаласа, вақт — жараёнларнинг давомийлигини, ҳодисаларнинг кетма-кетлиги тартибини ифодалайди. Фазо вақтнинг турли ҳисоб системаларида турлича намоён бўладиган, миқдорий катталиклар билан, яъни ўлчаш мумкин бўлган, ташқи алоқадорликларда кўзга ташланадиган ўзгарувчан ва нисбий характердаги хусусиятлари борки, уларни миқдорий ёки метрик хусусиятлар дейилади. Фазонинг гомогенлик (бир жинслилик), изотропик (бир хиллик) ва анизотропик бир хил эмас, тенг эмаслик) хусусиятлари бор.

Вақтнинг материя хусусиятлари: давомийлик, бир жинслилик, анизатропикликдир. Материя хусусиятларининг ўзгариши материя сифатларини ўзгаришига жиддий таъсир қилмайди.

Топологик хусусиятларининг ўзгариши билан моддий объектларни тузилишида туб сифатий ўзгаришлар содир бўлади. Фазонинг уч ўлчамлилигидаги келиб чиққан ҳолда узлуксиз ва узлуклилик, ўлчамлилик ва боғланганлик, компактлик, тартибланганлик, чегарасизлик, фазонинг топологик хусусиятлари ҳисобланади.

Вақтнинг топологик хусусиятларига эса узлуксизлик, орқага қайтмаслик, бир ўлчовлик, чизиқли тартибланганлик ва боғланганлик киради.

Материяга ҳаёт бахш этувчи атрибут ҳаракат бўлса, фазо ва вақт унга шакл бахш этади, уни шакллантиради, ривожлантиради, равнақ топтиради.

Таянч иборалар:

Борлиқ, табиат, экология, ижтимоий борлиқ, онг, онг-сизлик, ўз-ўзини англаш, истиқлол ва маънавий камолот, Фрейд, руҳий таҳлил фалсафаси.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Борлиқ фалсафий категория сифатида.
2. Борлиқнинг асосий шакллари.
3. Бирламчи ва иккиламчи табиат.
4. Инсон борлиғи.
5. Маънавий борлиқ.
6. Ҳаракат. Фазо ва вақт

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., 1999.
2. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман//«Фидокор». 2000 йил 8 июнь.
3. Введение в философии. Часть 2. М., 1990.
4. Имом Исмоил Бухорий. “Ҳадис”. 4 жилдлик. Қомуслар бош таҳририяти. Т., 1992.
5. Мир философии. Часть 1. М. 1999.
6. Раҳимов И. Фалсафа (Қисқача конспект). Т., 1998.
7. Фалсафа Акад. Э.Юсупов таҳрири остида. Т., 1999.
8. Фалсафа. (Маъруза матнлари) Т., 2000.
9. Фалсафа асослари. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
10. Чориев А. Инсон фалсафаси. Т., Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти нашриёти. 2007.

9-Мавзу: Ривожланиш ва ўзаро алоқадорликнинг умумий қонуниятлари. Фалсафий қонунлар

Режа:

1. Ўзгариш ва тараққиёт жараёнида такрорланиш таъмоили. Қонун тушунчаси, унинг моҳияти ва фалсафий талқини.

2. Воқелик ва ўзгариш жараёнида айният ва зиддият диалектикаси. Унинг табиат ва жамиятдаги хусусиятлари.

3. Оламнинг мавжудлиги — миқдор ва сифат воқелиги тарзида. Тараққиётда тадрижийлик таъмоили.

4. Зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар тараққиёт манбаи эканлиги.

5. Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида ўз-ўзини инкор этиш таъмоили. Ворислик ва янгиланиш.

Оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, ўзгариши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туриши, ривожланиши, улар ўртасидаги алоқадорлик ва ўзаро таъсир каби масалалар қадимдан мутафаккирлар, олимлар, файласуфлар ўртасида турли баҳс, мунозара, тортишувга сабаб бўлган. Чунки улар тўғрисидаги аниқ билимга эга бўлмасдан туриб, олам ва унинг тараққиёти, ривожланиш манбаи, ҳаракатлантурувчи кучлари тўғрисида ҳамда, энг асосийси, келажак ҳақида илмий тасаввурга эга бўлиш қийин.

Атрофимиздаги жамики нарса-ҳодисалар, яъни энг майда заррачалардан тортиб то Ер, Кўшн, Коинотгача барчаси, шу жумладан, кишилиқ жамияти ҳам, доимо ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишдадир. Улар ўртасида абадий ўзаро боғлиқлик, ўзаро таъсир ва алоқадорлик мавжуд. Оламда ўз-ўзидан, тасодифий равишда ҳеч қандай ҳаракат ҳам, ўзгариш ҳам юз бермайди.

Боғланишларнинг турлари. Биз нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, ўзгариши ва ривожланишига улар ўртасидаги боғланиш ва алоқадорлик, таъсир ва акс таъсир асос бўлади, деймиз. Албатта, оламдаги ҳар қандай боғланиш ҳам ривожланишга сабаб бўлавермайди. Чунки бу боғланишларнинг

қўлами, моҳияти, таъсир кучи ва доираси турлича. Уларни ана шу хусусиятларига қараб, зарурий ва тасодифий, ички ва ташқи, бевосита ва билвосита, муҳим ва муҳим бўлмаган ва ҳоказо боғланишларга ажратиш мумкин.

Шунингдек, оламда бошқа воқеа ёки ҳодисалардан алоҳида, улар билан боғлиқ, ўзаро алоқадорликда ва таъсирда бўлмаган бирорта ҳам воқеа ёки ҳодиса мавжуд эмас. Демак, ўзаро боғланиш ва таъсир натижасида нарса-ҳодисаларда ўзгариш содир бўлади.

Лекин барча ўзгаришни ҳар доим ҳам бирданига, яққол сезиш мумкин эмас. Чунки оламнинг намоён бўлиши турли даражада бўлганлиги сабабли, ўзгаришлар ҳам турличадир.

Масалан, янги туғилган чақалоқнинг бир ҳафта, бир ой, ярим йил мобайнидаги ўзгаришини, яъни улғайишини ёки бўлмаса, табиатдаги қиш фаслидан баҳор фаслига ўтишдаги ўзгаришларни оддий кўз билан яққол сезиш мумкин. Лекин бирон жонсиз предмет, масалан, Ер қаъридаги ички жараёнларни маълум даврдан кейин сезиш мумкин. Ана шу сабабдан ҳам одамлар зиязилалар, вулқонлар отилиши каби офатлар қаршисида лол, гоҳида эса гафлатда қолиб келмоқдалар. Яъни ташқи факторлар (инсон фаолияти, ёруғлик, иссиқлик, намлик, атмосфера босими) натижасида рўй берган ўзгаришларни кўз кўради, кулоқ эшитади. Хуллас, улар осон англаб олинади, очиқ-ойдин намоён бўлади. Улардаги ўзаро боғлиқликни ҳам осон кўриш, илғаш мумкин. Ана шундай осон кўриш ва илғаш мумкин бўлган, очиқ-ойдин рўй берадиган воқеа, ҳодиса, натижага нисбатан “зоҳирийлик” тушунчаси, моҳиятини илғаш қийин бўлган ва мураккаб ички сабаблар натижасида кечадиган жараёнлар ва ўзгаришларга нисбатан “ботинийлик” тушунчаси қўлланилади. Ўрта асрларда, айниқса тасаввуф фалсафасида бу икки тушунчага алоҳида эътибор берилган.

“Ҳаракат” тушунчаси “Борлиқ фалсафаси” мавзуида ёритилганлиги сабабли, бу ерда унинг қуйидаги қисқа таърифи билан чекланамиз: ҳаракат деб оламдаги ҳар қандай ўзгаришга айтилади. Ривожланиш тушунчаси эса қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга томон илгарилаб борувчи ҳаракат-

ни ифодалайди. Лекин бу жараён гоҳ тўғри чизиқли, гоҳ аста-секин кенгайиб борадиган спиралсимон шаклдаги ҳаракатдан иборат бўлиши мумкин.

Бунда доимий бир томонга, масалан, вақтнинг ўтмишдан келажакка томон ўтиши ҳам, лекин маконда воқеа ва ҳодисаларнинг такрорланиши, замонда орқага қайтишлар ҳам содир бўлиб, туради. Баъзида тараққиётнинг маълум бир боқичида олдинги босиб ўтилган давр такрорлангандек бўлади, аммо бу илгаригидан фарқ қиладиган бошқачароқ тарздаги юқори даражадаги такрорланишидир.

Ҳеч қачон бир хил тонг отмайди, деб бежиз айтмайдилар. Холбуки, ҳар куни тонгда ўша Күёш чиқади, ўша тоғу тошларни, боғу хиёбонларни, биз яшаётган заминни ёритади. Одамлар ҳам, иш ва ташвишлар ҳам ҳамон ўша-ўшадек. Кимдир ишга шошади, кимдир ўқишга яна илгариги кундек беқорчиликдан зерикади. Аммо дунё ўзгармайдими бу бир куннинг ичида? Унда минглаб болалар туғилмайдими, сон-саноксиз жараёнлар рўй бериб, Ер сайёрасининг турли бурчакларидан бошқа жойларга қанчадан-қанча ахборотлар етиб бормадими? Она замин ўз ўқи ва қуёш атрофида айланишни давом эттирмайдими?

Буларнинг барчаси бир куну тунда рўй берган ботиний ва зоҳирий ўзгаришларнинг намоён бўлишидир.

Қонун тушунчаси. Дунёнинг мавжудлиги ана шундай ботиний ва зоҳирий ўзгаришларнинг абадий такрорланиб туришидан иборатдир. Бу такрорланишлар эса ўз моҳияти ва хусусиятларини сақлаб қолганликларидан қонун ва қонуният тусини олган.

Масалан, биз Ньютон томонидан кашф этилган бутун олам тортилиш қонунини ўрганганимизда ана шундай ҳолни идрок этганмиз. Бу қонуннинг асосий моҳияти бутун оламдаги нарсаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги тамойилининг доимий такрорланишини ҳар сония ва ҳар дақиқа бу ҳолатнинг содир бўлиб туришини исботлайди.

Хўш қонун ўзи нима? У киши ва умуман, жамият ҳаётида қандай аҳамиятга эга? Қонунни билмасдан, ўрганмасдан туриб яшаш мумкинми? Қонун тушунчаси кундалик ҳаётимизда

писбатан тез-тез ишлатиб туриладиган тушунчадир. Хусусан, физика ёки кимё қонунлари деймиз, табиат қонуни ёки бўлмаса, иқтисодий қонунлар, юридик қонунлар ва ҳ.к. Бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларининг учинчиси ҳам қонун тўғрисида бўлиб, унда барча соҳада қонуннинг устуворлиги таъминланиши таъкидланади. Юқоридагиларни бирлаштириб турадиган, барчаси учун ҳам умумий бўлган хосса, хусусиятлар борми?

Энг аввало, шуни айтиш керакки, оламдаги барча нарса табиат жамият ва инсон тараққиёти маълум қонунлар асосида амалга ошади. Фанларнинг (ижтимоий, гуманитар, табиий ва ҳ.к.) асосий вазифаси ҳар бир соҳа бўйича тадқиқот ўтказиб, қонунларни кашф қилиш ёки уларнинг амал қилиш хусусиятларини ўрганиш ва очиб беришдан иборат.

Қанча кўп қонун кашф қилинса, тараққиёт шунча тез бўлади. Тараққиёт қонунларини билмасдан туриб, ривожланишга эришиш қийин.

Яқин ўтмишда иқтисодиётнинг ўзига хос қонунларини писанд қилмай, турли хил съезд, пленум, конференция қарорлари асосида экспериментлар ўтказиб, барча учун фаровон ҳаёт — коммунизм жамиятини барпо қилмоқчи бўлишганини ва бу қандай оқибатларга олиб келгани барчага маълум.

Ҳозирги мустақил Ўзбекистон барча ривожланган мамлакатлар сингари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлидан бормоқда. Бунда умумбашарий қонунлар ва мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган.

Энди шундай савол: Нима учун инсон қонунни билиши керак?

Бунда оддий мисолларга мурожат қиламиз: ёз ойларида барча одамлар иссиқ кийимлар (этик, пальто, қўлқоп ва ҳ.к.) сотиб олишади, ўтин ёки кўмир жамлаб қўйишади ва ҳ.к. Нима учун? Чунки улар табиатнинг битта қонунини, яъни фаслларнинг ўзгариши, ёздан кейин куз, ундан кейин қиш келишини жуда яхши билишади.

Ёки яна бир, жўнроқ бўлса-да, мисол: сизга биров уйнинг 5-қаватидан ташласанг, фалон пул бераман деса, рози бўлмайсиз. Нима учун? Чунки сиз И.Ньютон кашф қилган Бутун олам тортилиш қонунини яхши биласиз. Балки билмасиз ҳам ҳавонинг ўз жисмингиздан зичлиги камлигига эътибор қилмасиз ҳам, дейлик. Аммо сиз бу ҳолда омон қолишингиз қийинлиги, майиб бўлишингизни яққол тасаввур қиласиз.

Инсон қонунларни билиши, уларга амал қилиши доирасида эркиндир. Эркинлик нима? Эркинлик англаб олинган заруриятдир. Ҳар қандай қонунга хос белгилардан бири — зарурийлик, яъни объектив тарзда амалга ошиш, ўз-ўзидан намоён бўлишдир. Эркинлик эса ана шу зарурийликни англаб олиш ва амал қилишдан иборат фаолиятни англади.

Хуқуқшуносларда шундай ибора бор: “қонунни билмаслик жавобгарликдан холис қилаолмайди”. Ана шу туфайли сиз юридик қонунларни қанча яхши билсангиз, ўзингизнинг фаолиятингизни шунга мослаб олиб борасиз. Демак, шунча эркин бўласиз. Бу ҳолда сиз нима қонуний, нима эса қонуний эмаслигини яхши биласиз, қонунга хилоф қадамлар қўймайсиз.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб, қонунга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Қонун оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим зарурий умумий ва такрорланиб турувчи боғланишлари, ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Энди қонуннинг белгиларига тўхталамиз.

— Қонун турли-туман алоқадорликлар, боғланишлардан фақат муҳимларини, яъни шундай боғланишларни ифода-лайдики, булар оламнинг мавжудлиги, ўзгаришлари ва ундаги нарса ҳамда ҳодисаларнинг моҳиятидан келиб чиққан бўлади;

— Қонун зарурий боғланишларни ифода-лайдики, яъни тасодифий боғланишлар, гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқолиб кетадиган боғланишларга асосланмайди.

— Қонун нарса ва ҳодисаларнинг умумий боғланишларини ифода-лайди.

— Қонун нисбатан барқарор, такрорланиб турувчи боғланишларни (муносабатларни) ифодалайди, яъни бир сафар юз бериб, иккинчи сафар юз бермайдиган боғланишларни қонун қамраб олмайди. Масалан, 2001 йили қишдан кейин баҳор келиб, 2002 йилда қишдан кейин бирданига ёз келишини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, бу табиат қонуни — фасллар ўзгариши қонуни доирасига кирмайди.

Табиат қонунларининг яна бир, энг муҳим хусусияти — у объектив характерга эга, яъни у инсонга ҳам, инсониятга ҳам боғлиқ эмас. Бирор киши, ҳатто миллатнинг иродаси билан ҳам, табиат қонунига туб ўзгартириш киритиш ёки уни бутунлай йўқ қилиш мумкин эмас. Чунки бу қонунларнинг асосини ташкил қилган боғланишлар, муносабатлар объектив хусусиятга эга.

Оламдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса бир-бирини тақозо қиладиган ва шу билан бирга, бир-бирини истисно қиладиган қарама-қарши томонлар бирлигидан иборат. Демак, воқелик ва ўзгариш жараёнида айният ва зиддиятнинг бўлиши ҳам одатий ҳол. Масалан, иссиқ ва совуқ, оқ ва қора, кеча ва кундуз, электрнинг мусбат ва манфий зарядлари, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва жаҳолат ва ҳ.к. Қарама-қарши тамонлар бир-бирини инкор этади ва шу билан бирга бири иккинчисини тақозо этади, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Фараз қилайлик магнитнинг манфий заряди бўлмаса, у ҳолда ушбу нарса магнит бўлаолмайди.

Борлиқ нарса, воқеа-ҳодисаларнинг турли-туманлигидан иборат. Лекин нарсалар қанчалик хилма-хил, турли-туман бўлмасин, улар ўртасида яқинлик, айнанлик мавжуддир. Масалан, стол ва стул сифат жиҳатидан турли нарсалардир, лекин, барибир улар ўртасида ўхшаш томонлар, белгилар бор. Айтайлик, уларнинг ё ранги, ёки бир хил материалдан ясалганлиги, ёки бўлмаса вазни ўхшаш бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Айният тушунчаси нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшаш томонларни ифодалайди. Шу билан бирга нарса-ҳодисалар бир-биридан фарқ қиладиган томонлар, хусусиятлар, белгиларга ҳам эгадир. Айнан бир хил бўлган нарсанинг ўзи йўқ.

Ҳатто дарахтнинг бир шохида ёнма-ён турган 2 барг ҳам бир-биридан фарқ қилувчи баъзи жиҳатларга эга. Ҳеч бўлмаганда, улар бир-биридан макондаги ўрни билан фарқ қилади.

Ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак бир-бирига ташқи томондан тамомила ўхшаш бўлган Ҳасан ва Ҳусанларда ҳам жуда кўп фарқ қилувчи хусусиятлар бор. Масалан, уларда феъл-атвор, қизиқиш тури, дунёқарашлар ҳар хил бўлиши, яъни уларнинг ички дунёлари фарқ қилиши мумкин. Тафовут нарса-ҳодисаларнинг фарқ қилувчи томонларини ифодаловчи тушунчадир.

Қарама-қаршилик деб эса, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирини тақозо этувчи томонлари, кучларининг ўзаро муносабатларига айтилади. Қарама-қаршиликлар ўртасидаги муносабатни зиддият деган тушунча ифодалайди. Кўп ҳолларда айният ва тафовутнинг зидлиги ва уларнинг бир маҳражга келиши, меъёрий ўзгаришлар туфайли ривожланиш, тараққиёт, янгиланиш жараёнлари амалга ошади. Тараққиёт шу маънода айният, тафовут ва зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳал қилишидан иборат бўлган абадий ва азалий мураккаб жараёндр.

Собиқ Иттифоқнинг мафкураси даражасига кўтарилган марксизмда, асосан, зиддиятга кўнроқ эътибор берилар эди. У мутлақлаштирилар ва жамиятга кўчирилиб, асосан, антагонистик зиддиятлар тўғрисида таширилар ва уларнинг ечилиши инсониятни бахтли ҳаётга олиб боради, дея ҳаёл қилинар эди. Ҳолбуки, инсоният пайдо бўлибдики, унинг ҳаётида айният ва тафовут ҳам, зиддият ва қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд бўлиб келмоқда. Одамзод зиддиятлар қамроқ бўлган, кишиларнинг хилма-хил интилиш ва мақсадлари, бир-биридан фарқ қиладиган гоълари уйғунлашган, барқарорлик устувор бўлган жамиятни қуриш учун бош қотириб келмоқда.

Ана шундай интилишлар фанда “Конфликтология” (конфликт — зиддият логос — таълимот) деб аталадиган фалсафий йўналиш пайдо бўлишига олиб келган. Бу соҳа билан шуғулланадиган олим ва мутахассислар конфликтологлар деб

аталади. Улар конфликтларни келтириб чиқариш эмас, балки уларнинг олдини олиш ва жамият учун фойдали тарзда ҳал қилиш йўллари ва усуллари устида бош қотиришади.

Ҳар бир зиддиятнинг аниқланиши, ҳал қилиниши ўзгаришга, янгилашга, бир сифатдан иккинчи сифатга, эскидан янгига ўтишга сабаб бўлади. Олам турли-туман бўлганлиги учун зиддиятлар ҳам хилма-хилдир. Масалан, ички ва ташқи зиддиятлар, асосий ва асосий бўлмаган зиддиятлар мавжуд бўлиши. Улар ўртасида фарқ бўлиши билан бирга, мутлақ чегара ҳам йўқ. Чунки амалда, ҳаётда улар бир-бирига ўтиши, бирлашиб кетиши ва тараққиётда турли хил ўрин тутишлари мумкин.

Оламнинг мавжудлиги миқдор ва сифат воқелиги тарзида ҳам намоён бўлади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, нарса ва ҳодисалардаги сезиларли бўлмаган миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёрни бузади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади.

Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ҳодисалар бир-биридан ўз сифати билан ажралиб туради. Сифат нарсаларнинг ички ва ташқи муайянлиги бўлиб, унинг қатор хосса, белги, хусусиятлари бирлигини ифодалайди.

Сифат нарса белгисини, уни шундайлигича кўрсатиб беради, жисмнинг барча хоссаларини боғлиқликда нимоён қилади.

Демак, сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини унинг нисбий барқарорлигини, бир-бирига ўхшашлиги ёки ўхшашмаслигини ифодалайди.

У кенг маънода нарсаларнинг турли-туман хоссалари йиғиндисидир. Лекин сифат ва хосса айнан бир хил маънодаги тушунчалар эмас.

Сифатнинг ўзгариши, муқаррар суратда, хоссанинг ўзгаришига олиб келади. Бироқ хоссанинг ўзгариши ҳар доим сифатнинг ўзгаришига таъсир этмавермайди, айрим хоссалар нарсаларнинг сифатига таъсир этмасдан йўқ бўлиб кетиши мумкин. Сифат предметнинг доимийлигини, нисбий барқарорлигини ифода этади.

Нарсалар сифат муайянлигидан ташқари, бир-биридан миқдорий томонлари билан ҳам фарқ қилади. Миқдор предметнинг ҳажми, ўлчови, оғирлиги, ҳаракат тезлиги ва шу кабилар билан тавсифланади. Табиат ҳодисалари каби ижтимоий ҳодисалар ҳам миқдорий томонга эга. Чунончи, сув ўз солиштирма оғирлигига, қайнаш ва музлаш даражасига эга. Бир ижтимоий тузум бошқасидан хусусияти билангина эмас, балки ишлаб чиқарувчи, кучлар тараққиёти, меҳнат унумдорлиги, маданияти ва ҳоказолари билан ҳам фарқ қилади. Ҳар қандай нарса миқдор ва сифат бирлигига эга. Табиатда фақат миқдорга ёки сифатга эга бўлган, яъни сифати бўлиб миқдори, миқдори бўлиб, аксинча, сифати бўлмаган нарсаларнинг ўзи йўқ.

Миқдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги меъёр тушунчасида ифодаланади. Меъёрнинг бузилиши предмет мавжудлигининг мумкин бўлмаган ҳолатга олиб келади.

Ҳар қандай нарса ва ҳодисага миқдор ва сифат ўзгаришлари хосдир. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўртасида қатъий қонуният мавжуд бўлиб, бу қонуният куйидагича ифодаланади: миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришларини тайёрлаб, ҳар бир аниқ ҳолатда муайян туб сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради ва шу ҳолатда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши содир бўлади. Оламдаги барча ўзгаришлар аста-секин содир бўладиган миқдор ўзгаришларидан бошланади. Миқдор ўзгаришлари муайян чегарада сифатнинг барқарорлигига таъсир этмайди. Миқдорий ўзгаришлар чегарадан чиқини билан сифатнинг барқарорлиги бузилади. Натижада сифат йўқолиб, янги сифат юзага келади. Тараққиёт жараёнида миқдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига ўтиши билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам миқдор ўзгаришларига ўтади. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлишига қарамай, улар айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Чунончи, биринчидан, миқдор ўзгаришлари доимо юз бериб туради. Ҳатто ҳодисалар сифатининг нисбий барқарорлиги даврида ҳам миқдорий ўзгаришлар аста-секин юз беради. Сифат ўзгаришларига ўтиш фақат маълум бир даврда бош-

ланади. Иккинчидан, миқдор ўзгаришлари маълум вақтгача нарсаларга муҳим таъсир кўрсатмайди. Сув нормал атмосфера босимида 100 гача суюқлик ҳолатини йўқотмайди, кейин эса бугга айланади, сифатини ўзгартиради. Демак, сифат ўзгаришлари ҳодисаларни тубдан ўзгартириб, унинг бошқа ҳодисага айланишини тақозо қилади. Учинчидан, миқдор ўзгаришлари аста-секин амалга ошади ва кўп ҳолларда сезилмасдан ўтади. Сифат ўзгаришлари эса анча тез, айрим ҳолатда тўсатдан содир бўлади. Тўртинчидан, сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига қараганда туб ўзгариш бўлиб ҳисобланади.

Сакраш нима? Сакраш табиат ва жамиятда содир бўладиган сифат ўзгаришларини англатадиган фалсафий тушунча бўлиб, тараққиётнинг узлуксиз кўринишига қараганда анча тез ўтадиган жараён дир.

Сакраш миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтишда узлуксизликнинг узилишини билдиради. Сакраш нарса ва ҳодисаларнинг узлуксиз ривожланиш давомида тайёрланиб, шу узлуксиз ривожланиш моменти тугаб, узилиш содир бўлиши билан зарурий равишда юз беради. Сакраш бирданига, тўсатдан бўладигин ҳолатгина эмас, балки янги сифат элементлари кўпайиши орқали юз берадиган тадрижий жараён ҳам дир.

Сакрашнинг турлари ўз характериға кўра табиат ва жамиятда хилма-хил бўлиб, улар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Жамият тараққиётидаги сакрашнинг ўзига хос томони шуки, бу сакрашлар эски ижтимоий тузумни йўқ қилиш ва янги ижтимоий тузумни ўрнатадиган ижтимоий жараёнлар, тадрижий ривожланиш орқали амалга ошади. Бундай сакрашларни икки турға бўлиш мумкин: биринчиси портлаш йўли билан бўладиган сакрашлар. Иккинчиси секин-аста, тадрижий портлашсиз бўладиган сакрашлар. Биринчи тур сакрашларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда нарса ва ҳодисаларнинг янги сифатга ўтиши ниҳоятда тезлик билан юз беради ва кутилмаган натижаларни, тасодифий жараёнларни бошлаб юборини, ҳатто салбий ҳолатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Сакрашнинг иккинчи турида эса, эски сифат элементларининг аста-секин йўқолиб бориши ва янги сифат элементларининг тўпланиши натижасида янги сифат пайдо бўлади.

Шундай қилиб, сакраш қуйидаги жиҳатларга эга:

-Биринчидан, сакраш тараққиёт натижасида амалга ошадиган объектив ва қонуний жараёндир.

-Иккинчидан, сакраш тадрижийликнинг узилиб, миқдор ўзгаришларидан туб сифат ўзгаришларига ўтишидир.

-Учинчидан, сакраш эскини тугатиш ва янги сифатга мос келадиган ҳолатларнинг вужудга келиши туфайли пайдо бўладиган зиддиятларни ҳал қилишдир.

Ҳодисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боғлиқ равишда эски сифатдан янги сифатга ўтиш турли шаклларда содир бўлади. Ҳар бир нарса, ҳодиса ўзининг аниқ инкор қилиш усулига, ўз навбатида аниқ сакраш шаклига эгадир.

Демак, ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ривожланиш миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро бир-бирига ўтиши орқали содир бўладиган жараёнлардан иборат. Борлиқнинг ҳамма соҳасида доимо эски умри тугаётган нарса ва ҳодисаларнинг барҳам топиши, янги нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиши жараёни содир бўлиб туради. Бундаги эскининг янги билан алмашилиши инкор деб аталади.

Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида ўз-ўзини инкор этиш тамойили ниҳоятда муҳим. Бунда ворислик эскининг инкори ва янгиликнинг шаклланиши сифатида намоён бўлади. Ана шу жараёнларнинг доимий такрорланиши инкорни-инкор қонунининг моҳиятини билдиради.

Мазкур қонунга мувофиқ объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши жараёнида эскининг янги томонидан инкор қилиниши рўй беради. Бироқ, аксарият ҳолларда, эскилик бутунлигича инкор қилинмайди, ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади.

Инкор тушунчаси кундалик онгда “йўқ” сўзи билан қўшилиб кетади, инкор қилмоқ — “йўқ” демакдир, бирор нарса ни рад этмоқдир. Лекин диалектикада инкор кундалик онгда ишлатиладиган тушунчадан фарқ қилади. Диалектикада ин-

кор қилиш тўғридан-тўғри “йўқ” дегани эмас, яъни нарса-ни мавжуд эмас, деб эълон қилмоқ ёки уни ҳар қандай усул билан йўқотиб ташламоқ эмас.

Инкорни диалектик тушуниш янгининг эски билан оддий алмашуви бўлмасдан, балки эскининг бағрида вужудга келиб, ундан фойдаланиб қарор топишини тан олишдир. Диалектик инкорнинг муҳим икки жиҳати мавжуд: биринчиси, эскининг ўрнига янгининг келиши табиий- тарихий жараён бўлганлиги учун тараққиётнинг муҳим шarti ҳисобланса; иккинчиси, у янгини эски билан ворисий боғлиқлигини ифодалайди. Инкорни-инкор қонунини тушуниш учун уни нега шундай деб аталишини изоҳламоқ лозим. Фалсафанинг бу таълимотини икки марта такрорланувчи инкорда ифодаланиши оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг доимий равишда ўзгариб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб бориши ва, оқибатда, ривожланиш узлуксиз эканлигидан келиб чиқади.

Бу қонунга кўра, ҳар бир мавжуд бўлган нарса ва ҳодиса ўзига-гача бўлган сифат ва миқдор инкор этилишнинг маҳсули, шу билан бирга, ана шу нарса ва ҳодисаларнинг ўзи ҳам шароитнинг ўзгариши, вақтнинг ўтиши билан инкор этилишига маҳкумдир. Демак, ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўзгариши ва ривожланиши ҳамиша икки ва ундан кўпроқ инкор этишлар билан амалга ошади. Инсоният тарихи авлодлар алмашинуви тарихидир, дейилганида ҳам ана шундай ҳол назарда тутилади.

Инкорни-инкорнинг яна бир белгиси шуки, тараққиётдаги даврийликнинг муайян ҳалқасида, яъни навбатдаги инкор босқичида унинг олдинги босқичидаги баъзи белгилар такрорланади. Масалан: дон ўсимликдан яна донга айланади, кейинроқ яна ўсимликка ва ҳоказо.

Инкорни-инкорнинг амал қилиши туфайли тараққиёт тўғри чизиқ шаклида эмас, доира шаклида бўлади, унинг охири нуқтаси бошланғич нуқтага яқинлашади. Лекин бу яқинлашув унинг охириги нуқта билан туганиши бўлмасдан, балки юқори босқичда содир бўлиши сабабли тараққиёт спирал шаклига эга бўлади. Бу спиралнинг ҳар бир янги ўрами олдинги ўрамига нисбатан юқорироқ босқичда юзага келади.

Диалектик инкор янги билан эски ўртасидаги боғланишни буткул рад қилади, деб тушунамаслик керак. Янги қанчалик илғор бўлмасин, у йўқ жойдан пайдо бўлмайди, балки эскининг қобигида аста-секин шаклланади. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда эскидан янгига ўтиладиганда эски бутунлай ташлаб юборилмайди, балки унинг ижобий томонлари сақланиб қолади ва ривожланиш давом эттирилади. Демак, янги билан эски ўртасида ворислик мавжуддир. Инкорни-инкор қонуни тараққиётда ворислик ва қайтарилувчанликнинг, такрорланувчанлик бирлигини тавсифлайди. Диалектик инкорнинг муҳим хусусияти ана шундан иборат.

Инкорни инкор қонуни мустақиллик ва бозор иқтисодиёти жараёнида рўй бераётган ҳодисалар моҳиятини илмий англашда катта аҳамият касб этади. Янги жамиятни барпо этишга қаратилган ўзгаришлар ҳамма нарсани бутунлай йўқ қилишни билдирмайди. Аксинча, бу ҳалқимиз тараққиёти жараёнида эришилган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ютуқларни сақлаб қолиб, уларни янгида бойитиб, ривожлантиришдан иборатдир. Мазкур жараённинг асосий тамойили Ислом Каримовнинг янгисини қурмасдан, эскисини бузмаслик лозимлиги тўғрисидаги хулосасида яққол ўз асосини топган.

Таянч иборалар:

Боғланиш, алоқадорлик, такрорланиш, қонун, қонуният, айният, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият, миқдор, сифат, хосса, инкор, инкорни-инкор, ворислик.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Қонун нима?
2. Табиат ва жамият қонунларининг қандай хусусиятлари бор?
3. Оламдаги зиддият ва айният ҳолатларига мисоллар келтиринг.
4. Миқдор ва сифат нима? Хосса-чи? Меъёр-чи?
5. Инкор нима? Инкорни инкори-чи?

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсиз-чиқка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
4. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман // “Фидокор” газетаси 2000 йил 8 июн.
5. Основы философии. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
6. Фалсафа. Акад. Э.Юсупов таҳрири остида. Т.: Шарқ, 1999.
7. Фалсафа. (Маърузалар матнлари). Т., 2000.
8. Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. (Тажрибавий қўлланма). Т., 2001 й.
9. Чориев А. Инсон фалсафаси. Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти нашриёти. Т., 2007.

10-мавзу: Фалсафий категориялар

Режа:

1. Категория тушунчаси. Алоҳидалик (айримлик), хусусийлик, умумийлик, система, структура, элемент.
2. Моҳият ва ҳодиса. Мазмун ва шакл. Сабаб ва оқибат.
3. Заруруят ва тасодиф. Имконият ва воқелик.

Ҳар қандай фаннинг ўзига хос қонунлари ва асосий тушунчалари бўлади. Масалан, физикада физик қонунлар, оғирлик, тезлик, куч(инерция) каби тушунчаларга жуда кўп дуч келиш мумкин. Уларнинг аксарияти бу фан тарихида чуқур из қолдирган машҳур олимларнинг номи билан боғланган. Масалан, физикада Ньютон, Фарадей, Авагадро ва бошқалар. Математикани эса Пифагор, ал-Хоразмий, Карл Гауснинг қонунларисиз тасаввур қилиш қийин. Худди шундай фалсафанинг фанлик мақомини белгилайдиган асосий тамойиллар, қонунлар ва категориялар тизими ҳам бор. Уларни ўрганишдан аввал, қонун ва категория тушунчаларини англаб олиш зарур. Анъанавий тавсифларга кўра, “Қонун” фалсафий категория сифатида нарс ва ҳодисалар ривожланиши жараёнидаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, доимий такрорланиб турувчи, ички ўзаро боғланишлар, алоқалар, муносабатларнинг маънавий ифодаси эканлигини кўриб ўтдик. Энди категориянинг моҳияти ва мазмуни билан қисқача танишайлик.

Категория ўзи нима? Бу сўз қадимги юнон тилидан олинган бўлиб, “изоҳлаш”, “тушунтириш”, “кўрсатиш”, “таъриф” деган маъноларни англатади. Унинг мазмунидаги бундай хилма-хиллик қадимги даврларданоқ илмий тадқиқот йўналишига айланган.

Фалсафа тарихида уларни биринчи бўлиб Арасту таърифлаб берган. У ўзининг “Категориялар” деган асарида категорияларни объектив воқеликнинг умумлашган инъикоси сифатида қараб, туркумлаштиришга ҳаракат қилган. Хусусан, унингча куйидаги категориялар мавжуд: “моҳият”, (субстанция) “миқдор”. “сифат”, “муносабат”, “ўрин”, “вақт”.

“ҳолат”, “мавқе”, “ҳаракат”, “азоб-уқубат”. Бу туркумлаштириш ўз вақтида илмий билишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик Арасту “Метафизика” асаридида “моҳият”, “ҳолат”, “муносабат” категорияларини ҳам изоҳлаган.

Умуман категорияларни фалсафа тарихида илмий мавзу сифатида ўрганишни айнан Арасту бошлаб берганлиги эътироф қилинади. Маълумки, унганча Юнонистонда кўпроқ политика (сиёсат) ва риторика (нотиқлик санъати) фанлари системалашган, яъни фан сифатида тизимга тушурилган эди. Чунки ўша даврда кўшинни, мамлакатни ва одамларни бошқариш учун сиёсат ва нутқ маданияти сирларини билиш катта аҳамиятга эга бўлган. Аммо ўша даврларда фалсафанинг қонунлари, категориялари ва асосий таянч тушунчалари муайян тизимга тушурилмаган, изчил баён қилинган билимлар системаси сифатида шакллантирилмаган эди. Ҳатто Юнонистоннинг машҳур олими Сукротни ҳам ана шундай, ҳали шаклланмаган фан билан шуғуллангани ва ёнларни шу илм йўлига бошлаб, уларнинг нотўғри тарбиясига сабаб бўлганликда айблаган эдилар. Бу ҳол Сукротнинг шогирди Арастунинг мазкур фаннинг аниқ система тарзида ифодалашга киришиши учун туртки бўлган. Олим фалсафанинг қонун ва категорияларини биринчи марта системалаштирган, таърифлаган ва фалсафани фан даражасига кўтарган. Ўша даврдан бошлаб фалсафа ўз қонунлари, тамойиллари, категория тушунчаларига эга бўлган фанга айланган. Шарқда бу масалага Форобий, Беруний ва Ибн Синолар ҳам катта аҳамият берганлар.

XVII-XIX асрларга келиб, фалсафий категориялар таҳлилида янги давр вужудга келди. Хусусан, И.Кант қарашларида категориялар “сифат” (реаллик, инкор, чегаралаш), “миқдор” (бирлик, кўплик, яхлитлик), “муносабат” (субстанция ва хусусият, сабаб ва ҳаракат, ўзаро таъсир), “модаллик” (имконият ва имкониятсизлик, воқелик, зарурият ва тасодиф) тарзида изоҳланган. Кантдан фарқли ўлароқ, Ҳегель эса мантиқий категорияларни: “борлиқ” (сифат, миқдор, меъёр), “моҳият” (асос, ҳодиса, мавжудлик), “тушунча” (объектив, субъектив, абсолют ғоя) тарзида изоҳлаган.

Фалсафа фаннинг категориялари ҳақидаги турли қарашларни умумлаштириб айтганда, уларнинг маънавий тушунчалар сифатидаги қуйидаги тавсифлар бор: 1) объектив воқеликнинг инъикоси; 2) нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланиш ва алоқадорлигини маънавий умумлаштирувчи билиш усули; 3) нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши билан ўзгариб турувчи маънавий тушунча; 4) борлиқнинг мавжудлигидан келиб чиқадиган тарихий-маънавий билиш даражаларидан бири. Кўпчилик мутахассислар категориялар оламидаги нарса ва воқеалар, уларнинг асосий ва такрорланиб турувчи алоқадорлигини ифодаладиган кенг мазмундаги тушунчалардир, деган фикрга қўшиладилар. Шу маънода борлиқ, воқелик, ҳаракат, макон, замон, миқдор, сифат ва бошқалар фалсафанинг ана шундай категорияларидир.

Фалсафада ўз хусусиятларига кўра, жуфт категориялар деб аталадиган: умумий боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодаловчи тушунчалар ҳам бор. Улар нарса ва ҳодисаларнинг муайян йўналишдаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, даврий такрорланиб турувчи боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодалайди. Фалсафа категориялари мазмунидаги ички бирлик, боғланиш, алоқадорлик ва муносабатларнинг яхлитлиги билиш жараёнининг узлуксизлигини таъминладиган умумий қонуният тарзида вужудга келган.

Алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик. Улар нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон-замон муносабатларини конкрет тарзда намоён қилади. Умумийлик-оламдаги алоҳида индивидуал тарзда намоён бўлаётган нарса ва ҳодисаларнинг турфа, хилма-хил умумлаштирувчи хосса ҳамда хусусиятларнинг муштараклашган ҳолда намоён бўлишидир. Алоҳидалик ва умумийлик ўртасидаги боғланиш, алоқадорлик ва муносабат “хусусийлик” категорияси орқали ифодаланadi. Биринчидан, бу категорияларнинг мазмуни оламнинг бирлиги, уларнинг маънавий ифодаси конкретлик бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, “алоҳидалик”, “хусусийлик”, “умумийлик” нарса ва ҳодисаларнинг макон-замон конкретлигини ифодаладиган, нисбатан мустақил маъ-

тиқлиги тунунчалар тарзидагина намоеън бўлиши мумкин. Биро, уларнинг нисбатан мустақиллиги, ички бирлигининг намоеъни бўлиши шаклидир. Фалсафий адабиётларда, билишнинг умумий тенденциясини алоҳидаликдан хусусийликка ва шу босқич орқали умумийликка ўтиш тарзида ёки, аксинча, изоҳлаш кенг тарқалган. Ваҳоланки, фалсафий билишнинг асосий хусусияти ва мақсади ҳар қандай алоҳидаликнинг индивидуал хусусиятларини умумийликдан фарқлашдан иборатдир. Масалан: бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жамият тараққиётининг умумий қонунияти бўлса ҳам, бу жараён турли ижтимоий-тарихий макон ва замонда ҳар бир давлат учун ўзига хос бўлган моделни тақозо қилади.

Алоҳидаликнинг умумийликдан фарқини аниқлаш асосида, махсус усул ва воситаларни қўллаш бозор стратегияси ва тактикасининг миллий хусусиятларини белгиланга ёрдам беради. Алоҳидалик ёки баъзи фалсафий адабиётларда кўрсатилганидек, яққалиқни муайян ҳосса ҳамда хусусиятга эга бўлган нарса ва ҳодисаларнинг макон ва замондаги чегараланган конкрет ҳолати, бонқача қилиб айтганда, ҳар қандай ҳодиса ва нарсаларнинг ички сифат муайянлиги, индивидуаллиги дейиш мумкин.

Антик фалсафада алоҳидалик категориясининг мазмуни муайян турғунликка эга бўлган бирлик сифатида қаралган (Афлотун, Арасту).

Ҳегель алоҳидалиқни воқеаларнинг зарурий шакли, макон ва замондаги тафовутларнинг намоеън бўлиши моменти сифатида қарайди.

Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик масаласида алоҳидалиқнинг умумийликдан фарқини мутлақлаштириш натижасида муайян қарашлар вужудга келиши мумкин (Бу ҳақда “Осиёцентризм” ва “Европацентризм” тўғрисида эслаш кифоя).

Ваҳоланки, умуминсоният цивилизациясининг тадрижий ривожланишида ҳар бир халқ, миллат ўз ўрни ва аҳамиятини намоеън қилади. Шунинг учун умуминсоният цивилизацияси таркибидаги миллий маданиятни мутлақлаштириш, муайян сиёсий манфаатларга асосланган бўлиб, буюк дав-

латчилик, шовинистик қарашлардан бошқа нарса эмас. Бу XX асрнинг 30-йилларида фашизм мафкурасини шакллантирган асосий сабаблардан бири эди.

Алоҳидаликни, умумий қонуниятлар таркибидаги, элементларнинг индивидуал ривожланиш жараёни сифатида олиб қараш керак. Чунки ҳар қандай умумийлик, дастлаб воқеликнинг алоҳидалиги тарзида вужудга келади. Шунга кўра, ҳар қандай система ўз таркибидаги нисбатан янги алоҳида ҳодисаларнинг индивидуал ривожланишисиз содир бўлаолмайди. Шундай қилиб, алоҳидалик воқелик ривожланишининг хилма-хил шакллари вужудга келтиради.

Нарса ва ҳодисаларда алоҳидаликларнинг конкрет хусусиятлари ўртасидаги боғланишлар бир томондан, умумийликни намоён қилиш билан бир қаторда, уларнинг муайянлиги ва мазмунини ҳам белгилайди. Иккинчи томондан эса, умумийликнинг конкретлиги алоҳидаликлар системаси тарзида намоён бўлади. Бу системага структурали ёндашиш билишнинг тўлақонли бўлишини таъминлайди. Масалан: муайян жамиятдаги кишиларнинг ижтимоий муносабатлари ўзига хос бўлган йўналишларни вужудга келтирган. Яъни, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, диний, экологик ва бошқа шу каби ижтимоий муносабатлар умумий маданият таркибида “иқтисодий маданият”, “ҳуқуқий маданият”, “сиёсий маданият”, “экологик маданият” ва бошқа нисбатан мустақил йўналишларга асос бўлган. Бу маданият йўналишлари нисбатан мустақил бўлса ҳам, бир-бирини тақозо қилади. Уларнинг ички бирлиги ва ривожланиш тенденцияси умуминсоният цивилизациясидан келиб чиққан бўлиб, умумий тарққиёт даражасига мос келади. Фалсафанинг бу категорияси билан “бутун”, “қисм”, “структура”, “система”, “элемент”, функция категориялари ўртасида узвий боғлиқлик ва муайян фарқлар мавжуд. Яъни “алоҳидалик”, “хусусийлик”, “умумийлик” нарса ва ҳодисалар ривожланиши жараёнидаги боғланиш, алоқадорлик муносабатларнинг яхлитлигини нисбатан мустақил ифодалаш бўлса, “бутун”, “қисм”, “структура”, “система”, “элемент”, категориялари эса, уларнинг макон ва замондаги боғланиш муносабат-

ларини жараён тарзида ифодалашдир. Шу нуқтаи назардан, бутунни — умумийлик қисмни ёки элементни — алоҳидалик тарзида олиб қараш ҳолатлари учрайди. Шунингдек, муайян ўхшашлик бўлишига қарамасдан системани умумийлик тарзида қабул қилиш мумкин эмас. Бунда система турли даражадаги умумийликларнинг мажмуи бўлиши ҳам мумкин. Умуман, нарса ва ҳодисаларни таркибий жиҳатдан “бутун”, “қисм”, “элементларга” ажратиш билишга хос ҳодиса бўлиб, унинг самарадорлигини таъминлайдиган зарурий шартдир. Шунга кўра, юқорида айtilган ҳар иккала категориялар тизими билишнинг босқичи сифатида эмас, балки усули сифатида олиб қаралиши керак. Система — грекча сўз бўлиб, бутунлик, яхлитлик, элементлардан ташкил топган бирикма, деган маъноларни англатади.

Система нарса ва ҳодисаларнинг боғланишлари алоқадорлиги ва муносабатларнинг тартибли тадрижий ривожланишини ифодалайди.

Структура эса нарса — ҳодисалар боғланишини, алоқадорлиги ва муносабатлари тизимининг макон ва замондаги бирлигини таъминлайдиган системанинг мавжудлик ҳолатидир. Умуман, структура (лотин тилида тузилиш, тартиб деган маънони англатиб), системани ташкил қилган элементларнинг нисбатан тургун боғланиш алоқадорлиги ва муносабатидир.

Элемент системани ташкил қилган структуранинг ўзаро боғланиш, алоқадорлик муносабат жиҳатларини таъминлайдиган мустақил таркибий қисмидир. Жамиятда элемент ижтимоий муносабатларнинг конкрет кўринишлари тарзида намоён бўлади. Масалан, жамиятни яхлит система деб олалиган бўлсак, ундаги элемент алоҳида индивидлар, ижтимоий қатламлар табақаларнинг онгли муносабатлари тарзида кўзга ташланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инсонларнинг нарса ҳамда ҳодисаларга муайян манфаатлари ва эҳтиёжларига кўра ёндашишига қараб, ҳар бир элементни нисбатан мустақил система сифатида олиб қараш мумкин. Масалан, маънавият жамият структурасида, уни ташкил қилувчи муҳим элементларнинг бири ҳисобланади, лекин маънавиятни, махсус

ижтимоий ҳодиса сифатида алоҳида олиб таҳлил қиладиган бўлсак, унинг ички элементлардан иборат мустақил система эканлигини кўрамиз. Шунга кўра, система структура ва элемент нисбий тушунчалар бўлиб, категориялар сифатида, унга бўлган муносабат доирасида конкретлашади. Шунинг учун “система”, “структура”, “элемент” каби фалсафий категориялар нарса — ҳодисаларни билишга системали ёндашиш структуравий таҳлил усулларининг умумметодологик асоси бўлиб ҳисобланади.

Умуман, фалсафанинг система, структура, элемент категориялари нарса ва ҳодисаларнинг мазмунини, шаклини очиб беришда методологик асос бўлади.

“Моҳият ва ҳодиса” категорияларини олиб кўрайлик. Моҳият ўзида алоҳидалик маҳсуслик, умумийликнинг мазмунини, сабабини заруриятини, имкониятини, бутун, қисм, система, структура, элемент тарзида намоён қилади. Ҳодиса эса, уларнинг боғланиши, алоқдорлик ва муносабатларнинг намоён бўлишидир. Шунга кўра, ҳар қандай моҳиятни одамларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига, цивилизация келажигига боғлаб таҳлил қилгандагина, у аҳамиятга эга бўлади.

Нарса ва ҳодисаларни билиш ҳамма ўзгартиришга инсон муайян эҳтиёжлар асосида ёндашади. Бу ёндашиш субъектив характерга эга бўлиб, унинг конкрет эҳтиёжлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан баҳоланади. Масалан, чанқаган киши учун сув унинг чанқоғини қондириш, физик учун агрегат ҳолати, электр тоқини ўтказиши ёки оптик хусусиятлари, химик учун унинг H_2O кимёвий бирикма сифати, тегирмончи учун паррагини айлантириш хусусиятлари асосий моҳият ҳисобланади.

Нарса ва ҳодисалар доимий ривожланиб туриши жараёнида, уларнинг моҳияти ҳам, шунга мос тарзда ҳодиса ҳам ўзгариб туради. Моҳиятдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш ҳам, унинг муқаррар ўзгарган ҳодисасида ифодаланган. Масалан, сувнинг электр тоқини ўтказиш хусусияти, унинг температурасига боғлиқлиги аниқланган. Агар биз сувнинг температурасини маълум даражада кўтарсак, унинг электр тоқини ўтказиш хусусиятини ўлчайдиган асбоблар бу ўзгаришларни

қайд қилмаслиги мумкин. Лекин, бундан сувнинг моҳиятини ифодалайдиган электр токини ўтказувчанлик хусусияти йўқолган, деган хулоса келиб чиқмайди.

Мазмун ва шакл. Фалсафада мазмун ва шакл категорияси нарса, ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ривожланиш жараёнини билиш усули сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазмун – нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги системани ташкил қилган элементларнинг структуравий боғланиши бўлиб, уни бошқа системалардан фарқини белгилайдиган алоқадорликлар ва муносабатларини ифодалайди. Шакл эса системани ташкил қилган элементларнинг структуравий боғланишлари, алоқадорликлари, муносабатларининг ифодаланишидир. Ҳозиргача фалсафий адабиётларда мазмун ва шакл ўртасидаги боғланишларни бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш анъанавий характерга эга.

Яъни мазмуннинг ўзгариши шаклнинг ўзгаришига олиб келади деган хулоса устувор бўлган. Ваҳоланки системанинг элементлари структуравий боғланишларсиз, алоқадорликларсиз мавжуд бўлиши мумкин бўлмаганидек, мазмун ва шакл ҳам бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Биз фақат нисбатан мустақил бўлган мазмун ва шаклни билиш хусусиятига қараб, шундай мантиқий хулосага келишимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, мазмун ва шаклдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш ҳам бир-биридаги ўзгаришларни тақозо қилади, фақатгина биз уларни билиб олган ёки билмаган бўлишимиз мумкин. Масалан, сувнинг агрегат ҳолати, шакли ўзгариши билан унинг мазмуни ҳам ўзгаради. Яъни сув буғ ҳолатида чанқоқни қондирмайди, ўсимликларни суғориши учун ярамайди.

Фалсафада мазмун ва шакл категориясини бошқа категориялар тизимидан ажратиб олиб нисбатан мустақил таҳлил қилганда унга инсонларнинг муайян манфаатлар ва эҳтиёжлар асосида ёндошишларини алоҳида эътиборга олиш керак. Бу умуман мазмун ва шаклнинг объектив характерига путур етказа олмаса ҳам, уларни баҳолашдаги субъектив муқобил қарашларда ўз ифодасини топади.

Сабаб ва оқибат. Нарса ва ҳодисаларнинг ички бирлиги, яхлитлиги ва тарихий-тадрижий ривожланиш тамойилига

кўра, уларнинг мазмуни ва шакли ўзгариб туради. Демак, нарса ва ҳодисаларнинг тадрижий ривожланиши сабаб-оқибат муносабатлари тарзида намоён бўлади. Шунга кўра, сабаб бирор нарса ва ҳодиса ривожланиш жараёнининг оқибатидир.

Нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши жараёнидаги сабаб ва оқибат муносабатларини билишда, уларнинг макон ва замондаги тарихий ва мантиқий изчиллиги муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, бир томондан, ҳар қандай сабаб аввалги ҳодисалар ёки уларнинг ривожланиш оқибати тарзида намоён бўлади. Иккинчи томондан эса, бу оқибат кейинги ривожланишнинг сабаби бўлиб ҳисобланади.

Сабабнинг моҳияти аввалги ҳодисаларнинг оқибати сифатида вужудга келаётган ҳодисалар учун сабаблигидадир. Шунга кўра, сабабни бир вақтнинг ўзида оқибат тарзида қараш мумкин. Аниқроқ қилиб айтилган бўлсак, ҳар қандай оқибат сабаб тарзида намоён бўлади. Шу билан бирга, сабабни нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон ва замондаги Ҳегель тили билан айтганда, сабаб ва моҳиятнинг ҳаракатдаги мавжудлик ҳолатидир. Сабаб фалсафий категория сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Унинг объектив характери нарса ва ҳодисаларнинг ички таркибий элементлари муносабатларига ҳос бўлиб, моҳиятнинг реал мавжудлик ҳолатини ифодалайди.

2. Сабабнинг конкретлиги нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларидан келиб чиқади, ҳамда унинг индивидуаллигини таъминлайди.

3. Сабаб умумий характерга эга бўлиб, ҳеч қандай нарса ва ҳодисанинг ривожланиши сабабсиз содир бўлмайди.

4. Сабаб зарурий бўлиб, муқаррар равишда, муайян оқибатларни келтириб чиқаради.

5. Сабабнинг узлуксизлиги, бир томондан, турли сабабларнинг изчил боғланишларини, муносабатларини, иккинчи томондан, ҳар бир сабабнинг оқибат тарзида олдинги сабаб билан боғлиқлигини характерлайди.

Зарурият ва тасодиф. Объектив оламни билишда зарурият ва тасодиф категорияси муҳим фалсафий-методологик аҳами-

инга эга. Зарурият нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар, муносабатлар мажмуасидир. Тасодиф эса заруриятнинг намоён бўлиш шаклидир.

Зарурият ва тасодиф категорияси оламни фалсафий библишнинг муштараклигини ва самарадорлигини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан заруриятни туркумлаштирганда унинг макон ва замондаги структуравий тузилишини ташкил қилган элементларини системали структурали таҳлил қилиш лозим.

Фалсафанинг муҳим категорияларидан яна бири — имконият ва воқелик бўлиб, нарса ва ҳодисаларнинг макон ва замондаги ривожланиш тенденциясини таъминлаб, муайян қонунларга асосланади.

Имконият нарса ва ҳодисалар ривожланиш жараёнининг ички бирлигини ифодалайди ва уларнинг ривожланиш шарт-шароитларини, сабабларини, зарурий қонуниятларини, моҳиятини ўзида мужассамлаштирган.

Имконият ҳали амалга ошмаган, лекин юзага чиқиши мумкин бўлиб, воқеликка айлана оладиган ҳодисадир. Бундан кўринадики, имкониятнинг воқеликка айланишини ривожланиш жараёни ифодалайди. Воқелик — бу мавжуд дунё, мавжуд нарсалардир. Воқелик ҳар доим имкониятдан келиб чиқади ва ўз навбатида ривожланиш давомида воқеликка айланиб борадиган янгидан-янги имкониятларни туғдиради, бу жараён чексиздир.

Имкониятни воқеликка айланиши қонуний ҳодисадир. Унинг реал, формал, мавҳум, прогрессив ва реакцион деб аталадиган шакллари бор. Имконият категориясини унинг шарт-шароитлари билан аралаштирмаслик керак.

Таянч иборалар:

Категориялар, алоҳидалик, умумийлик, сабаб, оқибат, мазмун, шакл, система, элемент, бутун, бўлак, моҳият ва ҳодиса, зарурият, тасодиф, имконият ва воқеийлик.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Категориялар тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
2. Жуфт категориялар мазмунидаги ички бирликнинг асоси нимада?
3. Ҳозирги даврда тараққиёт ва ўзаро боғлиқ тамойиллар қандай намоён бўлмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
2. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман // “Фидокор”. 2000, 8 июн.
3. Основы философии. Т.: Узбекистан, 1998.
4. Философский энциклопедический словарь. М., 1999.
5. Мустақиллик (Илмий изоҳли оммабоп луғат) Т., 1999.
6. Фалсафа (Акад. Ё.Юсунов таҳрири остида). Т., 1999.
7. Миллий истиқлол таянчлари. (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик). Т., 2005.

11-мавзу: Онг, унинг келиб чиқиши ва моҳияти

Режа:

1. Онг ижтимоий тарихий ҳодиса.
2. Онгни турлича тушуниш.
3. Инъикос шакллари.

Онг нима? Инсон азал-азалдан ўзигагина хос бўлган онгнинг нима эканлиги тўғрисида ўйлаб, баҳслашиб келади. Бу баҳсларнинг бир жиҳати, онг табиат маҳсулими ёки инсон онги илоҳий яратилганми? деган масаладан иборат. Иккинчи жиҳати эса, инсон дунёни доимо бир хил англаганми? Яъни асрлар давомида инсон онги такомиллашиб келганми ёки ҳамон ўша-ўшами? деган муаммо билан боғлиқ.

«Ўзингни билсанг, оламни биласан», - деган эди Суқрот. Афоризмга айланиб кетган бу фикр ортида олам моҳиятини англашга йўл очинг мумкин, деган ғоя ётибди. Шу маънода, инсон ўзини ташқи оламдан ажратиб, алоҳида бир мўъжиза ва тадқиқот мавзуи сифатида ўрганишга ҳаракат қила бошлаган пайтдан буён уни ўйлангириб келаётган муаммолардан бири онгнинг моҳияти, унинг келиб чиқиши масаласидир.

Онгни диний тушуниш уни илоҳий ҳодиса, худо яратган мўъжиза тарзида талқин қилишга асосланади. Кўпгина динларда инсон онги буюк илоҳий ақлнинг миттигина акс этиши, унинг намоён бўлиш шакли тарзида тавсифланади. Инсон таназидаги руҳ бизнинг истак ва фикрларимизни ташувчисидир.

Онг моддийликнинг мияда акс этиши деб тушунишда, унинг моҳияти инсон танази фаолияти билан боғлаб талқин этилади. Бундай қарашлар ҳам қадимий илдизларга эга. XVIII асрга келиб онгни бевосита инсон мияси фаолияти билан боғлашга ҳаракат қилган қарашлар ҳам шаклланди. Фалсафа тарихида «Вулгар материализм» деб ном олган оқим намояндаларининг қарашлари бунга мисол бўла олади. Уларнинг фикрича, худди жигар сафро ишлаб чиқаргани каби, мия ҳам онгни ишлаб чиқаради. Бундай ёндашув натижасида онг идеал эмас, балки моддий ҳодиса, деган хулоса келиб чиқади. Ваҳоланки, сафрони кўриш мумкин, аммо онгни кўриб ҳам, ушлаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди.

Онг тарихи инсоннинг инсон бўлиб шакллана бошлаши тарихи билан боғлиқдир. Узоқ вақт давомида инсон, унинг оғги планетар, яъни Ер шари доирасидаги ҳодиса сифатида қараб келинди. Ҳозирги замон фани масалага кенгроқ доирада ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки фан далиллари инсон пайдо бўлишини фақат Ерда кечган жараёнлар билан чеклаб қўйиш тўғри эмаслигини, у коинот эволюциясининг табиий ҳосиласи эканлигини тобора чуқурроқ исботламоқда.

Инсон биологик ва ижтимоий ҳаракатнинг ташувчиси экан, ҳаракат шакллари ўртасидаги узвий алоқадорликни, унинг юқори шакллари қуйи шаклларига боғлиқлигини, таъинини улардан ўсиб чиқишини унутмаслик лозим.

Бошқача айтганда, улар ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Онг тарихи Қуёш системаси ва ундан миллионлаб йиллар давомида содир бўлган ўзгаришлардан ҳам айрича олиб қаралиши мумкин эмас. Айни мана шу жиҳатдан олганда, онгнинг шаклланишини космик ҳодиса сифатида қараш мумкин.

Инъикос шакллари эволюцияси ва онг. Онг инъикоснинг олий шаклидир. Энг умумий маънода, ҳар қандай предметларнинг у билан таъсирлашувда бўлган бошқа предметларнинг таъсирини муайян тарзда акс эттириш билан боғлиқ ҳоссага инъикос дейилади.

Шу маънода инъикос ҳамма жойда мавжуд. Айни пайтда, ҳар бир ҳолатда у ўзига хос хусусиятга эгадир. Чунончи, нотирик табиатда инъикос бир-биридан тубдан фарқ қилади. Нотирик табиатда у мураккаб характер касб этади. Айни пайтда, ахборотли инъикоснинг ўзи тирик табиатнинг ҳар бир даражасида янада мураккабланиб, ўзига хослик касб этади. Мана шундай мураккабланиш жараёни психик инъикос даражасида воқеаликка актив муносабат ҳам шаклланади, инъикоснинг илгарилаб боришидан эса, ўз навбатида, унинг ўзига хос, юқори шакли бўлган онгнинг пайдо бўлишига имконият яратилди.

Онг ва мия. Инсон мияси позик, мураккаб тузилишга эга бўлган тизимдир. Айнан унинг мураккаблиги онг пайдо бўлиши мумкинлигининг асосий шартидир. Бундай ҳолат ҳам узоқ давом этган эволюциянинг табиий ҳосиласидир.

Аммо юксак даражада ташкил топган миянинг ўзи ҳам ҳали онг пайдо бўлиши учун етарли эмаслигини унутмаслик лозим. Шу ўринда вулгар материалистлар қарашларига яна бир марта мурожаат қилиш лозим. Агар улар ҳақ бўлганида эди, ҳайвонот оламига тушиб қолган инсон болаларида ҳам онг шаклланган бўлиши керак эди. Улар ҳайвонлар орасида бўлганида ҳам жигар сафро ишлаб чиқараверади. Аммо мия онгни ишлаб чиқармайди. Бундан онгнинг ижтимоий-руҳий ҳодиса эканлиги ва у фақат жамиятдагина шаклланиши мумкинлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади.

Онг ва руҳият. Онг психик инъикоснинг ўзига хос юксак шаклидир.

3. Фрейд фикрича, психика онгсизлик, онгости ҳодисаларини ва онгнинг ўзидан иборат уч қатламдан ташкил топган. Инсон ҳаёти ва фаолиятида онг билан бир қаторда онгсизлик ва онгости ҳодисалари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Психологлар фикрича, инсон фарзандининг камол топа бориши билан бир қаторда кўплаб функциялар онг назорати остидан чиқиб автоматик характер касб этиши билан характерланади. Айтайлик, биринчи марта машинага ўтирганимизда, биринчи марта сураг олаётганимизда деярли барча ҳаракатларимиз онгнинг қаттиқ назорати остида бўлади. Вақт ўтиши билан эса кўпгина ҳаракатларни онгсиз тарзда, англамаган ҳолда бажара бошлаймиз.

Онгсизлик доирасига онг назоратидан ташқарида қолган сезги, тасаввур, инстинкт ва интуиция каби ҳодисалар ҳам киради. Онгости ҳодисалари ҳам психик жараёнларнинг муҳим бўғинидир. 3. Фрейд фикрича, улар онгсизлик билан онг ўртасидаги чегаравий соҳадир.

Онгнинг тузилиши. Онг ўзаро алоқала бўлган турли унсурлардан ташкил топган мураккаб маънавий тузилишга эга.

Онг инъикоснинг ўзига хос шакли экан, аввало, ундан акс эттириладиган объект ҳақидаги муайян билимлар ҳиссий ва рационал шаклда ўз ифодасини топади. Демак, билим онг тузилишининг асосий унсуридир. Шунинг учун ҳам билимларнинг бойиб чуқурлашиб бориши онг ривожланишини характерлайдиган муҳим белгиси сифатида юзага чиқади.

Онг тузилишининг яна бир унсури хилма-хил кўринишларда намоён бўладиган кечинмалардир.

Онг ва тил. Тил онгнинг инсонгагина хослигини исботловчи омиллардан биридир. Хўш, тил деганда ўзи нима тушунилади? Тил – бу энг аввало, муайян белгилар тизими демакдир. Аммо тилнинг хусусиятларини шу билангина чеклаш тўғри эмас. Негаки, муайян белгилар тизими ҳайвонларга ҳам хос, улар ёрдамида жонзотлар ўртасида муайян ахборот алмашинуви содир бўлади.

Айтайлик, кабутарларнинг «муҳаббат» рақси, жонзотларнинг хавф-хатар пайдо бўлганда турли товуш-белгилар ёрдамида бир-бирини огоҳлантирини, айрим ҳайвонларнинг ўзи яшайдиган ҳудудни турли йўллар билан «чегаралаб» чиқиши ана шундай белгилар тизимининг ўзига хос кўринишларидир.

Тил қайд қилинганидек, белгилар тизимидир. Юксак тарққий қилган ҳайвонларда ахборот узатишга хизмат қиладиган мураккаб белгилар тизими мавжуд эканлиги ва у ҳайвонот олами эволюцияси билан бир пайтда такомиллашиб борганлигини фан исботламоқда.

Демак, тил белгилар тизими келиб чиқишидан қатъи назар, фақат инсонгагина хос ва у онг билан узвий боғлиқдир. Негаки, тилда онг гавдаланади. Тил ёрдамидагина онг кишининг ўзи ва бошқалар учун воқеликка айланади. Айни пайтда, инсоният биз кундалик ҳаётда қўллайдиган табиий тил билан бир қаторда мулоқотнинг ранг-баранглигини таъминлайдиган, фикрни ифодалашга хизмат қиладиган ўзига хос имо-ишоралар рақс, мусиқа «тилига» ҳам эга. Шундай бўлса-да, улар сўзга кўчгандагина англашилади, ундаги мазмун тушунарли бўлади.

Шу билан бирга миллий тиллар билан бир қаторда илм-фан ютуқларининг тез тарқалишида муҳим роль ўйнайдиган интернационал тил – фан тили, унинг тушунчалари ва формулалари ҳам борлигини унутмаслик керак.

Ўз-ўзини англаш, унинг шакллари. Инсон объектив воқеликни акс эттириш билан бир қаторда ўзи ҳақида фикр юриштиш, руҳида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш, хатти-ҳаракатларини назарий таҳлил қилишдек қобилиятга ҳам эга.

Ўзини ўзгалардан ажрата билиш, ўзига муносабат, имко-

ниятларини баҳолаш ўз-ўзини англаш сифатида намоён бўлади. Ўз-ўзини англашда ўзини билиш, баҳолаш ва тартибга солишдек унсурларни ажратиш мумкин. Бу унсурлар ўз-ўзини англашнинг соҳибига субъектига кўра фарқланувчи муайян шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятга хосдир.

Шахснинг ўз-ўзини англаши ҳақида гап кетар экан, у ўзини алоҳида организм, оила, ижтимоий гуруҳ, миллат, маданиятга мансублигини ва юқоридаги хусусиятларидан қатъи назар, алоҳида ва бетакрор «Мен» сифатида англашдек босқичларни босиб ўтишини таъкидлаш зарур.

Инсоннинг камол топиш жараёни, ўз-ўзини англашнинг ривожланиши ўзига хос характер касб этади. Масалан, дастлабки даврда болада аввало, бошқалар томонидан берилган тасаввур ва баҳолар устунлик қилади. Боланинг тафаккури ўсиши билан, у оламни мустақил англай бошлайди ва ўзининг имкониятларини ўзи баҳолашга ўрганиб боради. Айнан мана шу даврда тўғри йўлга қўйилган тарбия муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки айнан мана шу тарбия таъсирида болада ўз имкониятларини тўғри баҳолаш ҳам ёки унга ортиқча баҳо бериб юбориш ҳолати ҳам шаклланиб қолиши мумкин.

Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнига турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий омиллар ҳам кучли даражада таъсир кўрсатади.

Онг ва ахборот. Кейинги йилларда «Информацион портлаш» тушунчаси ҳам тез-тез ишлатилмоқда. XX асрнинг энг муҳим ютуқларидан бири — бу компьютерларнинг яратилганлигидир. Дастлаб секундига минглаб операциялар бажара оладиган компьютерлар бўлган бўлса, уларнинг бугунги авлоди 10 миллионлаб мураккаб операцияларни қўйилмақом қилиб уддалайди. Компьютерлар қанчалик мураккаб операцияларни бажармасинлар инсон, томонидан программалаштирилган жараёнларнигина амалга оширадилар, ундан ташқари чиқа олмайдилар. Инсоннинг фикрлаш жараёни онгсизлик, онглилик, кечинмалар, ижод каби ҳодисаларни қамраб олади. Компьютер эса бундай хусусиятларга эга эмас. Шундай экан, компьютерлар инсоннинг муайян йўналишлардаги ақлий фаолиятини енгиллаштиришга хизмат қилади, аммо ўзининг яратувчиси устидан ҳукмрон бўла олмайди.

Умумлаштириб айтганимизда, онгнинг моҳиятини, унинг коинот эволюциясининг табиий натижаси эканлигини тушуниш, у билан боғлиқ бўлган жараёнларни илмий талқин этиш олам ва одам бирлигини англаш имконини беради.

Ҳар бир кишига хос индивидуал онг бўлиши исбот талаб қилмайдиган ҳол. Жамият ягона жисм эмас-ку, унда яхлит англаш усули ва умумий онг бўлиши тўғрисида гапириш қандай бўларкин? деган саволлар ҳам учрайди.

Жамият мураккаб ва серқирра ҳодиса. Унинг хилма-хил соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришлар кишилар онгида ўз аксини топмаслиги мумкин эмас. Ана шу жараённи ифодалаш учун, одатда, ижтимоий ва индивидуал онг тушунчаларини ишлатамиз.

Ижтимоий онг табиий ва ижтимоий воқеликнинг инъикоси, жамиятнинг муайян даврига ёки қисмига тегишли бўлган умумий ҳис-туйғулар, кайфиятлар, қарашлар, ғоялар, назариялар мажмуидир.

Ижтимоий онг туфайли жамиятнинг ўз-ўзини англаши содир бўлади, кечаётган жараёнларга муносабати шаклланади. Ижтимоий ўзгаришлар билан бир каторда ижтимоий онг ҳам ўзгариб ривожланиб бораверади.

Аввало, ижтимоий онгга ворислик хос эканлигини таъкидлаш лозим. Бу ижтимоий онг шаклланининг ўз ривожланиш мантиқига, қонуниятларига эга эканлигида яққол намоён бўлади. Ижтимоий онг, ундаги ўзгаришлар воқеликка ҳамма вақт акс таъсир этиб келган.

Индивидуал онг муайян гуруҳ, элат, миллатга мансуб бўлган айрим кишининг онги бўлиб, жамиятдаги воқелик ва реал борлиқнинг алоҳида олинган шахсининг онгида акс этишидир.

Ижтимоий ва индивидуал онг ўртасидаги ўхшашлик, бир томондан, ҳар иккаласининг ҳам ижтимоий воқеликни акс эттиришида кўринади. Бошқа томондан, ижтимоий онг воқеликни индивид онги орқали акс эттиради. Чунки ижтимоий воқеликда юз берадиган ўзгаришлар аввало, алоҳида кишилар онгида ўз аксини топади ва ундан сўнггина ижтимоий онгда гавдаланади.

Ижтимоий онг билан индивидуал онг ўртасида фаркли томонлар ҳам мавжудки, улар қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, индивидуал онгнинг соҳиби, субъекти алоҳида олинган индивид бўлса, ижтимоий онгнинг субъекти жамиятдир.

Иккинчидан, уларнинг фарқи шаклланиш шарт-шароитларида кўринади. Бошқача айтганда, ижтимоий онгга кўламлилик, кенг қамровлилик, индивидуал онгга эса ўзига хослик, бетакрорлик хосдир.

Учинчидан, ижтимоий онг ижтимоий воқеликни акс эттирганлиги учун муайян қонуниятларга бўйсунди, улар асосида ривожланади. Индивидуал онг эса, айрим индивиднинг туғилиши билан шаклланиб тараққий қилиб бориб, унинг вафоти билан барҳам топади. Аммо бу индивид онгининг бутунлай барщам топишини ҳамма вақт ҳам англатавермайди. Масалан, Гиппократ ва Ибн Сино таълимотлари, Афлотун ва Берунийнинг ғоялари, Навоий ва Ғандининг гуманизми кишилар учун ҳамон катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Тўртинчидан, индивидуал онг айрим ҳолларда ижтимоий онгдан ўзиб кетиши ёки орқала қозини мумкин. Фан тарихида кескин бурилишлар ясаган олимларнинг, жамият тараққиётининг истиқболларини олдиндан айтиш берган мутафаккирларнинг қарашлари индивидуал онг билан ижтимоий онгдан нечоғлик илгарилаб кетиши мумкинлигини эркин мисол бўла олади.

Ижтимоий онгнинг структураси ижтимоий муносабатлар ва кишилар фаолиятининг турлари билан белгиланади. Одамлар фаолияти қанчалик хизма хил, уларнинг ижтимоий муносабатлари қанчалик бой бўлса, ижтимоий онг ҳам шунчалик бой ва мураккаб бўлади. Воқеликни акс эттириш даражасига кўра, ижтимоий онг оддий ва назарий онгга бўлинади.

Одатий онг ҳаётий тажриба асосида вужудга келган оддий хулосалар, қарашлар мажмуидан иборат бўлиб, кишиларнинг кундалик ҳаётининг воқеаларни акс эттиради ва ривожланади. Унинг соҳиблари-субъектлари алоҳида олинган шахсларнинг ҳаётий тажрибаси, қизиқишлари, қобилиятлари, билимлари, ҳаётга бағаллаган мавқелари ҳеч қачон бир хил бўлмайди.

Одатий онгда назарий билимларга далил ва асос бўлиб хизмат қиладиган элементлар бўлади. Олимлар, санъаткор-

лар, турли назариялар бадий образлар яратишда ҳаётий-кундалик онгга асосланадилар, ундан маънавий озиқ оладилар.

Одатий онгда халқ донишмандлиги, анъана ва урф-одатлар, кундалик турмуш қоида ва талаблари, табиат ҳақидаги билимлар, шунингдек турли уйдирмалар, нотўғри қарашлар ҳам ўз ифодасини топади. Кўп асрлик ҳаётий тажрибани ихчам шаклда ўзида мужассамлаштирган халқ мақоллари бунга мисол бўла олади. Одатий онг соф ҳолда учрамайди. Чунки инсон фарзанди мурғаклик давриданок ўз атрофидагилар, сўнгра китоблар, таълим тизими ёрдамида инсон заковати эришган илмий билимларни ҳам ўзлаштиришга киришади. Бошқача айтганда, содир бўлаётган воқеаларга нафақат ўз тажрибаси, балки илмий билимлар нуқтаи назаридан ҳам баҳо бера бошлайди, назарий онг таъсирида бўлади.

Назарий онг деганда назарийчилар, олимлар ишлаб чиққан назарий қарашлар ва илмий билимлар тизими тушунилади. Одатий онгдан фарқли ўлароқ назарий онг ўзгарувчан характерга эга. Шунингдек, одатий онгга воқеаларнинг ташқи томонини ифодалаш хос бўлса, назарий онг воқеаларнинг моҳиятини, ривожланиш қонуниятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам у одатий онгга фаол таъсир қила олади ва кундалик тажриба асосида ҳосил қилинган билимларни саралашга ёрдам беради.

Ижтимоий психология социал (ижтимоий) муҳит, кундалик турмуш шароитлар таъсири остида вужудга келади ва ривожланади. Уни субъектга кўра муайян ижтимоий гуруҳ, элат, миллат психологияси каби турларга бўлиш мумкин.

Алоҳида олинган бир миллатга хос бўлган психологик жиҳатларни ушбу миллат босиб ўтган тарихий йўлдан, халқаро иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлардан қидириш зарур. Ижтимоий воқеликнинг ўзгариши билан миллий психологияга хос бўлган хусусиятлар ҳам ўзгариб боради. Аммо бу ўзгаришлар нисбатан секин кечганлиги туфайли, у ҳамма вақт ҳам тезда кўзга ташланавермайди.

Ижтимоий мафкура (идеология) ижтимоий психологиядан тубдан фарқ қилади. Ижтимоий психология социал гу-

руҳлар ҳаётини муайян хис-туйғулар, кайфиятларда бевосита акс этгирса, ижтимоий идеология социал гуруҳлар эҳтиёжлари манфаатларининг ички моҳиятини, сабабини ҳар хил ғоялар, назариялар, таълимотлар шаклида акс эттиради. Шунинг учун ҳам у ижтимоий ҳаётга акс таъсир ўткази олиш хусусиятига эга бўлади.

Ижтимоий онг шакллари фарқлаш мезонлари, ижтимоий онг ва унинг даражалари ҳақидаги мулоҳазалар якунида ижтимоий онгнинг ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, фан, фалсафа каби шакллари ажратилишини таъкидлаш лозим.

Аввало, ижтимоий онг шакллариининг хилма-хиллиги объектив оламнинг турли-туманлигида, воқеликнинг муайян томонларинигина акс эттиришдан келиб чиқишини кўрсатиш зарур. Содда қилиб айтганда, ижтимоий онг шакллари, биринчи навбатда, ўзларининг акс эттириш объектига кўра фарқланади. Айни пайтда, ижтимоий онг шакллари бир-биридан воқеликни акс эттириш усулига кўра ҳам ажралиб туради. Масалан, ҳуқуқий онг бадий образлар ёрдамида воқеликни акс эттиришини бир қарашдаёқ сезиш мумкин.

Ижтимоий онг шакллари ўртасидаги фарқни улар ривожланишининг ўзига ҳослигидан ҳам кузатиш мумкин. Фан тараққиёти объектив олам ҳақидаги янгидан-янги билимларнинг юзага келиши, чуқурлашиб кенгайиб бориши билан диннинг ривожланиши эса, унинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига, кишилар фаолияти ва турмуш тарзига таъсирининг ўсиб бориши билан характерланиши фикримизга далил бўла олади.

Ва ниҳоят, ижтимоий онг шакллари бажарадиган функцияларнинг ўзига ҳослиги билан ҳам ажралиб туришини таъкидлаш зарур. Фанда билиш алоҳида-тартибга солиш, динда дунёқараш, санъатда-тарбиявий функциялар ана шундай система яратувчи функциялар сифатида чиқишини кўриш мумкин.

Ижтимоий онгнинг барча шаклларига билиш, тарбиялаш, қадрлаш каби функцияларнинг ҳослиги, айни пайтда, бундай ўхшашликнинг дин ва фалсафа, ахлоқий ва ҳуқуқий онг

Ўртасида яна ҳам kuchлилиги оунга мисол бўла олади. Кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида ижтимоий онгнинг ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, фан, фалсафа каби шакллариининг ҳаммаси ҳам бўлмаган. Жамиятда муайян эҳтиёжлар ва маънавий ишлаб чиқаришнинг янги соҳалари пайдо бўлиши билан ижтимоий онгнинг янги шакллари ажралиб чиқа бошлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юқорида айтилган ижтимоий онг шакллариини тугал деб ҳисоблаш хато бўлур эди. Жумладан, сўнгги пайтда кўнгини илмий адабиётларда экологик онгни ижтимоий онгнинг мустақил шакли сифатида ажратишга уриниш расм бўлаётганлигини таъкидлаш зарур.

Ахборот дунёсининг глобаллашуви ХХ аср ахборот узатишга хизмат қиладиган техник воситаларнинг кескин ва шиддатли тараққий этишига йўл очди. Айни пайтда, улар маданият ривожига таъсир қилиш имкониятларини шам ўстириб юборди. Шундан келиб чиққан ҳолда, маданият ютуқларини тезлик билан оммалаштириш, тарқата олиш имконияти яратилмоқда. Планетамизнинг турли бурчакларида дунёга келаётган маданият намуналарини миллионларнинг маънавий озиғига айлантираётган оммавий ахборот воситаларининг-газета, журналлар, радио, телевидения, видео-техника, кино каби ҳолисаларининг роли бу жараёнда катта бўлмоқда, ахборот соҳасида глобаллашув содир бўлганлигини кўрсатмоқда. Аммо бу жараённинг интенсивлашуви ва глобаллашуви юқоридаги каби ижобий жиҳатлар билан бир қаторда айрим салбий натижаларни ҳам намоён этмоқда. Бу тор гуруҳий, қарағли иқтисодий, сиёсий, геостратегик манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, кишилар дунёқарашини, ижтимоий онгга таъсир қилишининг янгидан-янги йўллари ва воситаларидан фойдаланишга уринишда кўринмоқда.

Айтиши мумкинки, бугунги кунда кишилар онгида ҳукмронликка эришиш, уларнинг тафаккур тарзи ва қадриятларини ўзига бўйсундириш турли кўринишлардаги мақсадларга эришишнинг асосий йўли бўлиб келмоқда.

Таянч тушунчалар:

Ижтимоий онг, индивидуал онг, одатий ва назарий онг, ижтимоий психология ва ижтимоий мафкура, миллий мафкура, ахборот дунёсининг глобаллашуви.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ижтимоий онг нима?
2. Индивидуал онг деганда нимани тушунаси?
3. Одатий ва назарий онг қандай хусусиятлари билан ажралиб туради?
4. Ижтимоий психология нима?
5. Ахборот дунёсининг глобаллашуви деганда нима тушунилади?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонуни), Тошкент: «Ўзбекистон», 2006.
2. Каримов.И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Тошкент: «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов.И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишига хизмат этсин. Тошкент: «Ўзбекистон», 1998.
4. Каримов.И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз, Тошкент: «Ўзбекистон», 2000.
5. Каримов.И.А. Миллий истиқлол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир, Тошкент: «Ўзбекистон», 2000.
6. Абдураҳмонов А., Нуриллинов А. Машраб ва Оффокҳўжа // “Мулоқот”. Т., 2006.
7. Фалсафадан сўнги 1995-2005 йилларда чоп этилган барча адабиётлар.

12-мавзу: Билиш фалсафаси

Режа:

1. Билиш ва билим фалсафий таҳлил мавзуи.
2. Билишнинг объекти ва субъекти. Инсон билишининг асосий босқичлари.
3. Илмий билишнинг моҳияти ва усуллари. Метод, назария ва методология.
4. Ҳақиқат тушунчаси, унинг шакллари
5. Ўзбекистон истиқлоли ва билимли ёшларни тарбиялаш масалалари.

Билиш ва билим. Билишнинг моҳияти, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, хусусиятларини ўрганиш фалсафа тарихида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Инсон ўз билими туфайли борлиқ, табиат ва жамиятни ниҳоят ўз-ўзини ўзгартиради. Билишга қаратилган инсон фаолиятини ва уни амалга оширишнинг энг самарали усулини тадқиқ этиш фалсафа тарихида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам фалсафанинг билиш масалалари ва муаммолари билан шуғулланувчи махсус соҳаси — гносеология вужудга келди.

Инсон билиши ниҳоятда кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Гносеология, асосан, билишнинг фалсафий муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланади. Ҳар бир тарихий давр жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб гносеология олдига вазифалар қўяди. Хусусан, XVII аср ўрталарида европалик файласуфлар илмий билишнинг аҳамияти, ҳақиқий илмий билишлар ҳосил қилишнинг усулларини ўрганиш, илмий ҳақиқат мезонини аниқлаш билан шуғулланадилар. Тажирибага асосланган билимгина ҳақиқий билимдир, деган ғояни олға сурадилар.

XVII аср мутафаккирлари илмий билишда инсон ақли имкониятларига рационал билишнинг ҳиссий билишга нисбатан устунлигига алоҳида урғу бердилар. Буюк немис файласуфи И.Кант билиш натижаларининг ҳақиқийлиги хусусида эмас, балки инсоннинг билиш қобилиятлари ҳақида баҳс юритди. Гносеология олдига инсон олами била олади-

ми? — дегал масала кескин кўйилди. Инсоннинг билиш имкониятларига шубҳа билан қарайдиган файласуфлар агностиклар деб аталдилар.

Билиш нима? Билиш инсонни табиат, жамият ва ўзи тўғрисида билимлар ҳосил қилишга қаратилган ақлий-маънавий фаолият туридир. Инсон ўзини қуршаб турган атроф-муҳит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон бир тури билан муваффақиятли шуғуллана олмайди. Билишнинг маҳсули — натижаси илм бўлиб, ҳар қандай касб-корни эгаллаш фақат илм орқали рўй беради. Шунингдек, билиш инсонгагина хос бўлган маънавий эҳтиёж, ҳаётий заруриятдир. Инсоният кўп асрлар давомида орттирган билимларини умумлаштириб ва кейинги авлодларга бериб келганлиги туфайли ҳам ўзи учун қатор қулайликларни яратган. Инсон фаолиятининг ҳар қандай тури муайян илмга таянади ва фаолият жараёнида янги билимлар ҳосил қилинади.

Кундалик фаолият жараёнида тажрибалар орқали билимлар ҳосил қилиш бутун инсониятга хос бўлган билиш усулидир. Билимлар бевосита ҳаётий эҳтиёждан, фаравон ҳаёт кечирish заруратидан вужудга келган ва ривожланган. Инсониятнинг анча кейинги тараққиёти давомида илмий фаолият билан бевосита шуғулланадиган ва илмий назариялар яратувчи алоҳида социал гуруҳ вужудга келди. Булар илм-фан кишилари бўлиб, илмий назариялар яратиш билан шуғулланадилар.

Билишнинг икки шакли: кундалик (эмпирик) билиш ва назарий (илмий) билиш бир-биридан фарқланади.

Кундалик билиш усуллари ниҳоятда хилма-хил ва ўзига хос бўлиб, бундай билимларни системалаштирилган ва умумлашган ҳолда кейинги авлодларга бериш анча мушкулдир. Ҳозирги замон Ғарб социологиясида халқларнинг кундалик билим ҳосил қилиш усуллариини ўрганувчи махсус соҳа этно-методология фани вужудга келди. Гносеология; асосан, назарий билиш ва унинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланади. Назарий билишнинг объекти, субъекти ва предметини бир - биридан фарқлаш муҳим.

Билиш объекти. Тадқиқотчи-олим, файласуф, санъаткор ва бошқаларнинг, умуман инсоннинг билимлар ҳосил қилиш учун илмий фаолияти қаратилган нарса, ҳодиса, жараёни муносабатлар билиш объектлари ҳисобланади. Билиш объектлари, моддий-маънавий, конкрет, мавҳум, табиий ва ижтимоий бўлиши мумкин. Билиш объектлари энг кичик зарралардан тортиб улкан галактикагача бўлган борлиқни қамраб олади: Билиш объектларига асосланиб билим соҳалари табиий, ижтимоий гуманитар ва техник фанларга ажратилади.

Билиш субъекти. Билиш билан шуғулланувчи кишилар ва бутун инсоният билиш субъекти ҳисобланади. Айрим олинган тадқиқотчи -олимлар, илмий жамоалар, илмий тадқиқот институтлари ҳам алоҳида билиш субъектларидир. Илмий фаолият табиат ва жамият моҳиятини билишгагина эмас, балки инсоннинг ўзи айна бир вақтда ҳам билиш объекти, ҳам билиш субъекти сифатида намоён бўлади.

Билишнинг мақсади илмий билимлар ҳосил қилишдангина иборат эмас, балки билиш жараёнида ҳосил қилинган билимлар воситасида инсоннинг баркамоллигига интилиш, табиат ва жамиятни инсонийлаштириш табиий ва ижтимоий гармонияга эришишдир. Фан — фан учун эмас, балки инсон манфаатлари учун хизмат қилиши лозим. Инсон илмий билимлар воситасида маънавий баркамолликка эриша боргани сари илм-фан қадрият сифатида эъзозлана бошлайди. Фаннинг ҳар томонлама ривожланиши билан турли илм соҳаларининг ҳамкорлиги кучаяди, бутун илмий жамоалар билиш субъекти, янги илмий кашфиётлар ижодкорига айланадилар.

Билиш предмети. Субъектнинг билиш фаолияти қамраб олган билиш объектининг айрим соҳалари ва томонлари билиш предметидир. Фаннинг ўрганиш соҳаси тобора конкретлашиб боради. Табиатшунослик фанларини билиш предметига қараб ботаника, зоология, география, ихтиология ва бошқа соҳалари вужудга келгандир. Тадқиқот предмети фанларни бири-биридан фарқлашга имкон берадиган муҳим белгидир.

Билиш даражаларини шартли равишда: қуйи, юқори ва

олий даражага ажратиш мумкин. Билишнинг қуйи даражаси барча тирик мавжудотларга хос бўлиб, ҳиссий билиш дейилади. Ҳиссий билиш сезгилар воситасида билишдир.

Инсоннинг сезги аъзолари (кўриниш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, тери сезгиси) бошқа мавжудотларда бўлгани сингари унинг нарсага хос хусусият, белгиларини фарқлаш табиий муҳитга мосланиш ва ҳимояланиш учун ёрдам беради. Билишнинг юқори босқичи фақат инсонларгагина хос бўлиб, ақлий билиш (рационал билиш) дейилади. Агар инсон ўз сезгилари ёрдамида нарса ва ҳодисаларнинг фақат ташқи хосса ва хусусиятларини билса, тафаккур воситасида нарса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини билиб олади. Моҳият ҳамيشа яшириндир. У доимо ҳодиса сифатида намоён бўлади. Ҳар бир ҳодисада моҳиятнинг фақат бир томонигина намоён бўлади. Шу сабабдан ҳодиса алдамчи ва чалғитувчидир. Бинобарин инсон сезгиларининг бироқ-бир нарса ёки ҳодиса ҳақида берган маълумотлари ҳеч қачон унинг бутун моҳиятини очиб бера олмайди.

Тушунча. Ақлий билиш ёки тафаккур воситасида билиш ҳиссий билишни инкор этмайди, балки сезгилар воситасида олинган билимларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, синтезлаш, мавҳумлаштириш орқали янги ҳосил қилинган билимлардан тушунчалар яратилади.

Тушунчада инсоннинг ҳиссий билиш жараёнида орттирган барча билимлари мужассамлашади. Тушунча ақлий фаолият маҳсули сифатида вужудга келади. Нарса ва ҳодисалар моҳиятига чуқурроқ кириб боришда тушунча муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ақлий билиш ҳиссий билишга нисбатан анча мураккаб ва зиддиятга жараёнлидир. Ақлий билишда нарса ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини билиш учун улардан фикран узоқлашиш талаб этилади. Масалан, инсоннинг моҳияти унинг сезги аъзоларимиз қайд этилган келинган қалди қомат, чиройли қону кўзи, ижодкор кўзи, оёқлари билан белгиланмайди. Инсоннинг моҳияти, аввало, унинг ақл ва тафаккурга, яратиш қудратига, меҳр-шафқат ҳиссига, меҳнат қилиш, сўзлаш қобилиятига ога эканлигида намоён бўлади.

Инсон тушунчаси ўзида инсониятнинг қўп асрлар давомида орттирган билимларининг маҳсули сифатида шаклланди. Ҳар бир фан ўзига хос тушунчаларни яратади ва улар воситасида моҳиятни билишга интилади. И.Кантнинг фикрича, нарсаларнинг моҳияти сўз ва тушунчаларда мужассамлашади. Яъни биз сўз ва тушунчаларни ўзлаштириш жараёнида бирон-бир билимга эга бўламиз. Ҳар бир инсон дунёга келар экан тайёр нарсалар, муносабатлар билан бир қаторда тайёр билимлар оламига ҳам кириб боради.

Ҳукм. Ақлий билиш нарса ва ҳодисаларга хос бўлган белги ва хусусиятларни тасдиқлаш ёки инкор этишни тақозо қилади. Тафаккурга хос бўлган мана шу тасдиқлаш ёки инкор этиш қобилиятига ҳукм дейилади. Ҳукмлар тушунчалар воситасида шаклланади. Ҳукмлар янги билим ҳосил қилишга имкон яратади, улар воситасида нарса ва ҳодисалар моҳиятига чуқурроқ кириб борилади. Шундай қилиб, ҳукм нарса ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини ифодаловчи энг муҳим белги ва хусусиятлар мавжудлигини ё тасдиқлайди, ёки инкор этади. Масалан, “инсон ақлли мавжудотдир”, деган ҳукмда инсонга хос энг асосий белги ақлнинг мавжудлигини тасдиқлаяпти. Бироқ инсон шундай мавжудотдирки, унинг моҳияти фақат ақлли мавжудот эканлиги билан чекланмайди. Чунки қирғинбарот урушлар, экологик инқирозлар ақлли мавжудот бўлган инсонлар томонидан амалга оширилди. “Инсон ахлоқли мавжудотдир”. Инсон тўғрисидаги ҳозирги замон фанининг муҳим хулосаси ана шу.

Хулоса. Ақлий билишнинг муҳим воситаларидан бири, янги билимлар ҳосил қилиш усулидир. Хулоса чиқариш индуктив ва дедуктив бўлиши, яъни айрим олинган нарсаларни билишдан умумий хулосалар чиқаришга ёки умумийликдан алоҳидаликка бориш орқали бўлиши ҳам мумкин.

Бинобарин тушунча, ҳукм ва хулосалар чиқариш илмий билишнинг муҳим воситаларидир. Бундай билиш инсондан алоҳида қобилият, кучли иродани тарбиялашни, нарса ва ҳодисалардан фикран узоқлашишни, диққатни бир жойга тўплашни, ижодий хаёлни талаб этади.

Билишнинг олий даражаси интиутив билиш, қалбан би-

лиш, гойибона билишдир. Ўзининг бутун борлигини фан, дин, сиёсат, санъат соҳасига бағишлаган буюк кишилар ана шундай билиш қобилиятига эга бўладилар. Интуитив билиш ҳиссий ва ақлий билишга таянади. Буюк шахсларнинг гойибона билиши уларнинг доимий равишда фикрини банд этган ечимини кутаётган, умумбашарий муаммолар билан боғлиқдир. Илмий билишнинг энг самарали усулларини аниқлаш гносеологияда муҳим ўрин эгаллаб келди. Ҳар бир фан ўзига хос билиш усулларидан фойдаланади.

Илмий билиш факт ва далилларга, уларни қайта ишлаш, умумлаштиришга асосланади. Илмий факт ва далиллар тўплашнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, уларни илмий билиш методлари дейилади.

Илмий билиш методларини ўрганадиган махсус соҳа методология деб аталади. Илмий билиш методлари ўз характерига кўра: 1) энг умумий илмий методлар; 2) умумий илмий методлар; 3) хусусий илмий методларга бўлинади.

Энг умумий билиш методлари барча фанлар учун ҳос бўлган методлардир. Бунга анализ ва синтез, умумлаштириш ва мавҳумлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш ва моделлаштириш кабиларни кўрсатиш мумкин. Масалан, табиатшунослик фанларида кузатиш, эксперимент, таққослаш умумий методлар бўлса, ижтимоий фанларда тарихийлик ва мантиқийлик умумий методлар ҳисобланади.

Хусусий илмий методлар ҳар бир фаннинг ўзига ҳос хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан, суҳбатлашиш, анкета сўрови, ҳужжатларни ўрганиш социология фанига хос бўлган хусусий илмий методлардир. Бир фанда яхши самара берадиган илмий билиш методи бошқа фанда шундай самара бермаслиғи мумкин. Илмий билишда тўғри метод танлаш билишда муваффақият гарови ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, илмий тадқиқотда нимани ўрганиш керак деган масала илмий билиш методини тўғри белгилашга ёрдам беради.

Илмий билиш методлари ва илмий назария бир-бири билан узвий боғлиқдир. Илғор илмий назария фаннинг буткул тараққиёти давомида эришилган муҳим ютуқ бўлиб, у илга-

риги илмий қарашларни ижодий ривожлантириш, ўша ютуқларга танқидий нуқтаи назардан қараш орқали вужудга келади. Фан моҳиятан ўзи эришган ютуқларга шубҳа билан қарашни тақозо қилади.

Фан фалсафа соҳасида эришилган ютуқларни мутлақлаштириш, уларга кўр-кўрона сигиниш муқаррар равишда догматизмни келтириб чиқаради. Фан эришган ютуқлар ҳамшиш нисбийдир. Лекин, бундай нисбийликни мутлақлаштириш релятивизмни, фан ютуқларига ишончсизлик билан қараш эса скептицизмни вужудга келтиради. Фан тараққиёти учун догматизм, релятивизм ва скептицизм жиддий халақит беради.

Илғор илмий назариялар маълум бир даврда илмий ва фалсафий қарашлар йўналишини ўзгартириши, илмийликнинг ўзига хос мезони бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Чарлз Дарвиннинг эволюцион назарияси, А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси фалсафий ва илмий дунёқарашларда муҳим ўзгаришларни вужудга келтирди.

Гносеология. Инсон, унинг онги ва билими тўғрисидаги фанлар орасида гносеология ва эпистемология алоҳида ажралиб туради. Уларнинг биринчисини умумий билиш назарияси ёки билиш фалсафаси дейиш мумкин. У тирик жонзотлардан фақатгина одамзодга хос хусусият — билишнинг табиати ва имкониятлари, инсон билимининг воқеликка муносабатини ўрганувчи, билимнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилигини аниқлаш йўллари, усуллари тўғрисидаги фалсафий фандир, “Гносеология” грекча сўз бўлиб “gnosis” -билиш, “logus” — назария, яъни билиш назарияси, билиш тўғрисидаги таълимот маъноларини англатади.

“Эпистемология” ва гносеология умуман билиш ҳақидаги илм бўлса, эпистемология, асосан, илмий билиш тўғрисидаги фандир.

Эпистемологияга оид умумий тушунчалар қаторига эмпирик ва назарий билиш даражалари, илмий тафаккур тарзи, илмий билиш усули ва шу кабилар ҳам киради. Уларнинг барчаси ўз навбатида, гносеологияга оид тушунчалар ҳамдир. Шунингдек, субъект-объект муносабатларининг хилма-

хил жиҳатлари қатори илмий билишдан ташқари, кундалик, оддий билиш хусусиятлари, инсон билиш фаолиятининг бошқа турлари ва масалалари ҳам гносеологиянинг объектлари қаторига киради.

Гносеология ва онтология бир-бири билан узвий боғлиқ. Онтология борлиқ тўғрисидаги умумий таълимот, борлиқнинг фундаментал асосларини, умумий моҳиятини ва мавжудлик категорияларини ўрганувчи фалсафанинг бўлими сифатида гносеология масалалари учун асос, манба бўлиб ҳисобланади. Гносеологиянинг барча тушунчалари ва тамойиллари ўзининг онтологик талқинига, айнан шу маънода эса онтологик жиҳатига, асосига эга. Унинг мазмун-моҳияти онтология сингари тараққиёт тамойилига асосланади.

Дунёни билиш масаласи доимо фалсафа фанининг диққат марказида бўлиб келган. Қадимги файласуфлар ҳам дунёни билиш мумкинлигини эътироф қилганлар. Масалан, атомистик назариянинг асосчиларидан бири бўлган Демокрит оламни билиш ва ҳақиқатга эришиш мумкинлигини таъкидлайди. У билиш жараёнида ҳиссий билимларимиз ва тафаккур ролини оддий ва содда ҳолда кўрсатади.

Марказий осиёлик буюк мутафаккирлар Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқалар ҳам ўз асарларида дунёни билишнинг, билиш жараёнида ҳиссий органлар билан ақлнинг роли ҳақида фикрни олға сурадилар.

Билиш назариясининг ривожланиш тарихида XVII-XVIII аср файласуфлари муҳим ўрин тутди. Улар агностицизм, скептицизмни қаттиқ танқид қилиб, оламни билиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Масалан, инглиз файласуфи Бэкон таълимотича, билиш жараёни фан ва амалиёт билан боғлиқ бўлиши ва шуларга бевосита хизмат қилиши керак. Бэкон билиш назариясида эмпирик эди.

Француз файласуфи Декарт эса билишнинг бирдан-бир манбаи тафаккур деб, сезги органларимиз ва уларнинг ёрдамида олинадиган маълумотларга шубҳа билан қарайди. Унинг таълимотича, кишилар билимининг ҳақиқатлиги тажриба билан эмас, балки ақл кўзи билан текширилади. Декартнинг билиш назариясида сезгилар роли камситиб кўрсатилади.

Дунёни билиш мумкинлигини, билимларимизнинг тўғри ва аниқ эканлигини инкор этувчи таълимот фалсафада агностицизм (юнонча билиб бўлмайдиган) деб юритилади.

Агностицизмнинг йирик вакиллари инглиз файласуфи Давид Юм билан немис файласуфи Иммануил Кантдир. Юмнинг фикрича, инсон ўз сезгилари чегарасидан ташқарига чиқа олмайди, у фақат ўз сезгиларинигина била олади. Реал воқеликни инсон асло била олмайди. Кант эса Юмга қарама-қарши ўлароқ, инсон онги ва сезгиларидан ташқарида объектив олам бор деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу объектив оламда асло билиб бўлмайдиган «нарса ўзида» бор. Инсон ақли ўз моҳияти жиҳатидан чекланган бўлиб, “нарса ўзида”ни била олмайди. Кант инсон билиши мумкин бўлган ҳодисалар оламини «биз учун бўлган нарсалар» деб, уни инсон ақли билан, фан воситаси билан билиши мумкин, дейди. «Биз учун бўлган нарса» билан «нарса ўзида» бутунлай бир-бирига боғлиқ эмас, «нарса ўзида» сезги аъзоларимизга тартибсиз, аралаш ҳолда таъсир этиши билан билиш мумкин бўлган ҳодисалар юзага келади, инсон эса уни ўзининг априори (азалдан онгга хос бўлган) тушунчалари билан тартибга солади, деб тушунтиради Кант. Умуман Кантнинг билиш назарияси ўз моҳият эътибори билан инсон ақлининг билиш имкониятларини, фаннинг ривожланиш истиқболларини инкор этишга қаратилган. Бу хилда инсон ақлининг билиш имкониятларини чеклаш идеализмнинг ҳамма кўринишларига хосдир.

2. Билишнинг асосий босқичлари

Билиш икки босқичдан: жонли мушоҳада (сезиш) ва мавҳум тафаккур (фикрлар)дан иборатдир.

Билишнинг бошланғич босқичи жонли мушоҳада, яъни объектив дунёнинг буюмларини бевосита сезги аъзолари ёрдамида акс эттиришдир. Ибн Синонинг фикрича, «сезиш - бу шундай таъсирки, у ташқи нарсаларнинг ўзи бўлмай, балки бизнинг ҳисларимизда вужудга келади. Ҳис моддий образнинг ойнаси бўлиб, моддий шаклларнинг бўйи, эни билан

бирга ифодаланганлиги сабабли, уларни инсон моддий асос-сиз инъикос эта олмайди ва жисмларни билолмайди».

Жонли мушоҳаданинг билишдаги роли муҳимдир, унинг ёрдамида дунё ҳақида аниқ билимлар келиб чиқади. Лекин билишнинг бу босқичи маълум даражада чекланган. Бу босқичда нарса ва ҳодисаларнинг баъзи бир томонлари ва хусусиятларинигина билиб олиш мумкин.

Нарсанинг муҳим белгилари, уларнинг ички боғланишлари, моҳиятлари эса билишнинг иккинчи босқичида тушунча, ҳукм ва хулоса, яъни мавҳум тафаккур ёрдамида акс эттирилиши мумкин. Билишнинг бир босқичдан иккинчи босқичга кўтарадиган нарса - амалиётдир. Меҳнат жараёни, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари нарса ва ҳодисалар асосида ётган қонуниятларни очишни талаб қилади.

Ҳиссий билишга, жонли мушоҳадага билишнинг сезги, идрок ва тасаввур шакллари киради. Ташқи дунёнинг бу инъикос шакллари бир-бири билан органик алоқада бўлиб, алоҳида-алоҳида учрамайди. Биз юқорида сезги ҳақида гапириб ўтган эдик. Жонли мушоҳада жараёнидаги сезги ташқи дунё нарса ва ҳодисаларини билишнинг биринчи қадамидир. Инсон миясида ҳосил бўладиган тасаввур ва фикр ташқи дунё предметларининг сезги орқали таъсири натижасида юзага келиши мумкин.

Баъзи файласуфлар сезгини ташқи дунёдан ажратиб, уни нарса ва ҳодисага нисбатан бирламчи деб уқтирмоқчи бўладилар, сезгини ягона реаллик деб ҳисоблайдилар. Ўтмишда бу фикрни Беркли, Юм, Авенариус ва бошқалар илгари сурган эдилар.

Биз сезгиларимиз ёрдамида нарса ва ҳодисаларни билиб оламиз ва идрок қиламиз, уларнинг хоссаларини, ўхшашликларини, фарқларини англаймиз.

Мавҳум тафаккур ҳиссий билишдан сифат жиҳатдан фарқ қилади. У бевосита аниқ битта предметдан узоқлашиб, бир нечтасига хос бўлган умумийликнинг моҳиятини аниқлаб беради, уларнинг ривожланиш қонуниятларини очиб беради. Масалан, грамматика айрим сўзлар орқали умумийликни белгилаб берувчи инсон тафаккурининг мавҳумловчи ишидир.

Шундай қилиб, ҳиссий билиш билан мавҳум тафаккур бир бутун билиш жараёнининг сифат жиҳатдан турлича бўлган ва айна вақтда бир-бири билан боғлиқ бўлган босқичларидир. Мавҳум тафаккур ҳиссий билишдан келиб чиқади, жонли билиш эса қонуният билан ўсиб, мавҳум тафаккурга асос солади. Мантиқий билиш - билишнинг ривожланишидаги сифат жиҳатдан янги, юқори поғонасидир. Мантиқий билишда инсон мантиқий тафаккур ёрдамида воқеликнинг ривожланиш қонуниятларини билиб олади.

Мантиқий, ақлий хулосада муҳокамалар мажмуаси бири-бирига боғланиб, янги бир хулоса келиб чиқади. Бундай хулосага асос бўлган икки муҳокама далил деб аталади. Демак, ақлий хулоса фикрни таққослайди, боғлайди, мавҳум тафаккур содир бўлиш жараёнини ифодалайди. Шундай қилиб, инсониятнинг барча билимлари сезги материалларини умумлаштириш орқали ҳосил бўлади.

3. Илмий билиш ва унинг усуллари

Инсон тафаккури билишнинг кўплаб усуллари, услуб ва шакллари қамраб олган мураккаб билиш жараёнидир. Улар орасидаги фарқ шартли бўлиб, бу атамалар кўпинча синоним сифатида қўлланилади. Шундай бўлса-да, улар орасида тафовутлар ҳам бор. Тафаккур ва илмий билиш усуллари деганда, инсон фикр юритиши жараёнида илмий билишнинг барча соҳалари ва истаган босқичида фойдаланиладиган умумий ва гносеологик операциялар тушунилади. Улар кундалик, одатдаги ҳамда илмий тасаввурни бир хил тарзда характерлайди. Гарчи, илмий тафаккурда аниқ ва тартибга солинган тузилма кўринишида бўлса ҳам, тафаккур усуллари билиш фаолияти у ёки бу босқичида фикрни умумий, гносеологик йўналишини кўрсатади. Масалан, бутундан бўлакка, бўлакдан умумийликка, конкретликдан абстрактликка ва бошқа томонга ҳаракатларни ифодалайди.

Кузатиш эмпирик билишнинг бошланғич услубидир. Кузатиш, асосан, инсоннинг сезги, идрок, тасаввурдан иборат ҳиссий қобилятлари асосида нарсаларни мақсадли ўрга-

нишдан иборат. Кузатиш давомида биз ўрганилаётган объектининг ташқи жиҳатлари, хосса ва белгилари тўғрисида билим ҳосил қиламиз.

Баён қилиш кузатишнинг билиш натижаси бўлиб ҳисобланади, бунга ўрганилаётган объект тўғрисида бошланғич маълумотларни тил воситалари ёрдамида қайд этиб бориш жараёни киради. Кузатиш натижалари чизмалар, диаграммалар, ҳисоб маълумотлари ва оддий суратларда акс эттирилиши мумкин. Кузатишнинг таркибий элементларига кузатувчининг ўзи, тадқиқот объекти, кузатиш шарҳлари ва қурилмалар, асбоблар ҳамда ўлчов асбобларидан иборат кузатиш воситалари киради.

Юзаки қараганда, кузатиш пассив, билишнинг соф мушоҳадавий воситаларига мансубдек туюлади ва экспериментга нисбатан аслида шундай ҳамдир. Лекин ташқи пассивликда кузатилсада, унда ҳам инсон билишининг фаол хусусияти тўлиқ ҳолда намоён бўлади. Фанда “Олим кўзи билан кузатади, бироқ боши билан кўради”, деган ибора кенг тарқалган. Математик ва геолог нарсанинг бир бўлагига қараб, уни бир хил кўришадю, аммо турли нарсаларни кузатишадди. Шунга ўхшаш тарзда овчи ва зоолог ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини кузатаётди, бу кузатишнинг турли натижаларини қайд этишадди.

Абстрактлаштириш. Идеаллаштириш. Улар тадқиқотнинг умумижтимоий усулларига киради. Абстрактлаштириш бизни қизиқтирган аниқ нарса ёки ҳодисаларга хос белгилар, хосса-хусусиятлар ва муносабатларни фикран ажратиш, табақалаштириш жараёнидир. Шу билан бирга, у ушбу жиҳатдан унча муҳим бўлмаган белги, хосса ва муносабатлардан муҳимини ажратиб олиш ҳамдир. Ўрганилаётган нарсаларни вақтинча бир қатор белги, хосса ва хусусиятлардан ажратиб олиш ҳодисани чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

Идеаллаштириш, гарчи абстрактлаштиришнинг бир тури бўлсада, билишнинг нисбатан мустақил усулидир. Математикада “нуқта”, “чизиқ” ёки физикада “идеал газ” каби тунчалар идеаллаштириш натижалари бўлиб ҳисобланади.

Индукция, дедукция, аналогия. Индукция тажрибавий

фанлар учун тадқиқот усули ҳисобланади. Ушбу усулдан фойдаланганда фикр жузъий, алоҳида билимдан, факт-маълумотларни билишдан умумийликни, қонунларни билиш томон ҳаракатланади. Индукция асосида индуктив хулосалар ётади. Улар муаммоли бўлиб, тўлиқ ва ишончли билимни бермайди Бундай хулосалар гўеки фикрнинг умумий қонуниятларини очишга томон йўл бошлайди.

Дедукция гносеологик мазмунига кўра, индукция усулнинг аксидир. Дедуктив хулосада фикр ривожини умумий билимдан хусусий билим томон йўналган бўлади. “Дедукция” махсус термин сифатида мантиқ қоидаларига биноан мантикий хулосалар ҳосил қилиш жараёнини англатади. Индукциядан фарқли дедуктив хулосалар агар асосли бўлса, ишончли билим беради.

Аналогияда объектларнинг баъзи белгилари, хоссалари ва муносабатларидаги ўхшашликдан, уларни бошқа нарса ёки муносабатларга ўхшашлиги тўғрисида фикр илгари сурилади. Аналогия бўйича ҳосил бўлган хулоса ҳам индукциядагидай муаммоли бўлиб, кейинчалик асослаб бериш ва текширишни талаб қилади.

Анализ тафаккурнинг шундай усулики, у анализ ва синтез ўрганилаётган объектни мустақил ўрганишда қисмларга, томонларга бўлиш асосида алоҳида таҳлил қилиш билан боғлиқдир. Синтез, аксинча, илгари ажратилган бўлақларни бирлаштириш усули бўлиб, унинг ёрдамида муҳим алоқа ва муносабатлар аниқлангач, қисмларни анализ учун ажратилган бўлақлар бир бутун ҳолатга бирлаштирилади. Анализ ва синтезнинг ўзаро боғлиқ тадқиқот усуллари ҳар бир фан соҳасила конкретлаштирилади. Умумий усулдан улар махсус усулга айланиши ҳам мумкин: математик, кимёвий ва социал амалиётнинг конкрет услублари худди шу ҳолда мавжуд бўлади. Аналитик усул баъзи фалсафий мактаблар ва оқимларда алоҳида қараб чиқилган ва ривожлантирилган, синтез тўғрисида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Аналогия бўйича хулоса ҳозирги пайтда фан — моделлаштиришда кенг тарқалган тадқиқот усули — моделлаштириш асосида ётади. Моделлаштириш ўзининг мураккаб ком-

плекс характерига кўра, тадқиқот усулларидан кўра услубларига кўпроқ мансубдир. У шундай тадқиқот услубики, унда тадқиқотчини қизиқтирган объект шунга ўхшаш бошқа объект билан алмаштирилади. Бунда биринчи объект оригинал, иккинчиси эса модел ҳисобланади. Кейинчалик моделни ўрганиш туфайли олинган билимлар аналогия асосида оригиналга (асл объектга) кўчирилади. Моделлаштириш асл объектни ўрганишнинг иложи бўлмаган ёки бунда ўта катта харажатлар талаб этилган ёхуд вазият қалтислиги боис бевосита ўрганиш қийин бўлган ҳолатларда қўлланилади.

Модел — билиш объекти ўрнини босадиган, амалда объектив-лаштирилган ёки фикран тасаввур қилинадиган нарса. Моделнинг асосий воситаларини танлашга нисбатан моделлаштиришнинг турли хиллари ҳам фарқланади. ЭҲМ янги авлоди пайдо бўлиши билан фанда компьютерли моделлаштириш математик ва мантикий моделлаштиришдан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади.

Эксперимент ҳодисаларни ўрганишда фаннинг муайян мақсадга йўналтирилган услуби бўлиб, бу услуб ёрдамида ҳодисалар содир бўлиши аниқ қайд этилган шароитларда, тадқиқотчи томонидан қайта ҳосил қилиниши, назорат қилиниши мумкин. Экспериментнинг кузатишга нисбатан бир қатор афзалликлари бор. Масалан, эксперимент давомида ўрганилаётган ҳодиса кузатилибгина қолмасдан, тадқиқотчи ихтиёрига боғлиқ равишда қайта тикланиши ҳам мумкин ёки у орқали табиий шароитда кузатиш мумкин бўлмаган ҳодисаларга хос хоссаларни аниқлаш ҳам мумкин. Бу усул ўрганилаётган ҳодисани мураккаблаштирувчи ҳолатлардан фарқли тарзда, уни мақбул кўринишда ўрганиш имконини беради.

Экспериментал услуб физика негизида пайдо бўлиб, кейин эса кимё, биология, физиология ва бошқа табиий фанларда кенг тарқалган. Ҳозирда эксперимент социологияда ҳам билиш услуби, ҳам социал тизимларни оптималлаштириш воситаси сифатида янада кенг тарқалмоқда. Амалда, Галилей замонларидан бери экспериментал услуб ўз тузилиши ва билишдаги роли нуқтаи назаридан унчалик ўзгарган эмас. Му-

ҳим ўзгаришлар экспериментни техник жиҳозлашда содир бўлди, яъни уни ЭҲМдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган янги турлари юзага келди, бу услубдан фойдаланиш соҳаси кенгайди. Экспериментни англашдаги муҳим жиҳат Галилей замонларида долзарб бўлмаган ўрганилаётган объект билан ўлчов асбобларининг алоқадорлигини ҳисобга олиш зарурлигига тегишлидир.

Экспериментнинг куйидаги турлари бор: 1) тадқиқот ёки излаб топиш эксперименти; 2) текширувчи ёки назорат эксперименти; 3) қайта ҳосил қилувчи; 4) ажратувчи; 5) миқдорий ёки сифатий; 6) физик, кимёвий, биологик, социал эксперимент.

Экспериментнинг ўзига хос тури фикрий экспериментдир. Реал экспериментда олим маълум ҳодисани қайта ҳосил қилиш, ажратиш ёки хоссаларини ўрганиш учун уни турлича реал физик шароитларга қўйиб кўради. Фикрий экспериментда эса бу шароитлар тасаввур қилинадиган ҳолатлар бўлиб ҳисобланади, лекин тасаввур бунда яхши маълум бўлган фан қонунлари ва мантиқ қоидалари билан бошқарилади, бундай ҳолда олим ҳиссий образлар ёки назарий моделлар ёрдамида ишлайди.

Методологияда “гипотеза” атамаси икки маънода ишлатилади: билимнинг мавжудлик шакли сифатида муаммолик ишончсизликни ифодалайди ёки ғояларни тушунтириб берувчи шакллантирувчи ва асословчи метод сифатида қонун принцип ва назарияларини ўргатишга элтувчи йўлдир. Гипотеза структураси билан танишиш бу метод тўғрисида яхши тасаввур беради. Гипотеза методининг биринчи босқичи назарий тушунтириш лозим бўлган эмпирик далиллар билан танишиш ҳисобланади. Дастлаб бу далилларни фанга маълум бўлган қонун ва назариялар ёрдамида изоҳлашга ҳаракат қилинади. Агар бунинг иложи бўлмаса, олим иккинчи босқичга, яъни ҳодисалар сабаблари ва қонуниятлари тўғрисидаги таҳмин ва фаразларни илгари суришга ўтади.

Учинчи босқич таҳминнинг жиддий баҳоланиши ва қўплаб фаразлар орасидан нисбатан эҳтимолга яқинини танлаш босқичидир. Гипотеза, энг аввало мантиқий зиддиятсизликни

текширади, Хусусан у мураккаб шаклга эга бўлган тахминлар тизими томон юз тутганда шундай қилинади. Сўнгра гипотезани маълум фанни фундаментал умумназарий тамойиллари билан сизиштирилади.

Гипотеза методи янги қонунлар принципларини очиш ва назарияларини яратиш жараёнида илмий тадқиқотнинг ижодий характерини намоён қилади. Бу метод қонунларни тадқиқот натижаларини бир хил тушунтирмайди ва олинган билим ҳақиқатлигини қафолатламайди. Айнан ижодий интуициягина муаммони ечишнинг кўплаб йўллари орасидан ижодий танлаш орқали олимни янги назария томон етаклайди. Назария мантиқий ҳисоблаб чиқарилмайди, у олимнинг ижодий даҳоси билан яратилади ва унда доимо ижодкор шахс истеъдоди намоён бўлади.

а) Ҳақиқат тушунчаси

Ҳақиқат билиш фалсафасининг энг муҳим муаммоси, асосий масаласидир. Билиш назариясининг барча фалсафий муаммолари ҳақиқатга эришишнинг воситалари ва йўллари билан (ҳиссийлик ва ақлийлик, интуитивлик ва дискурсивлик кабилар) ёки ҳақиқатнинг мавжудлик шакллари (далил, гипотеза, назария ва шу каби тушунчалар), билиш методларининг тузилиши кабилар билан узвий алоқадордир. Буларнинг барчаси ушбу муаммони, унинг ечимини гоҳ конкретлаштирилади, гоҳида эса мураккаблаштирилади ёки мавҳумлаштирилади.

Фалсафа тарихида, умуман фалсафада ҳақиқатни тушунишда турли хил ёндашувлар мавжуд. Яъни, “Ҳақиқат - билимларнинг воқеликка мослиги”. “Ҳақиқат - билимларнинг тажрибада исботланганлиги”. “Ҳақиқат - билимнинг фойдалилиги, унинг самарадорлиги” ва ҳоказо.

Ҳақиқат билимнинг воқеликка мувофиқлигидир деган дастлабки хулоса ҳақиқатнинг классик концепциясига хос асосий фикрдир. Ҳақиқатни бундай тарзда дастлабки ўрганиш Афлотун ва Аристотель томонидан амалга оширилган эди. Хоразмий ва Форобий, Беруний ва Ибн Сино, Ф.Аквинский ва П.Гольбах, Г.Гегель ва Л.Фейербахлар, шунингдек, XX асрнинг кўплаб файласуфлари ҳам ҳақиқатнинг ушбу классик концепциясига қўшилишган. Уни агностиклар ҳам ин-

кор этмаганлар. Бу фикр тарафдорлари орасида метафизиклар ҳам, диалектиклар ҳам бор.

Ҳақиқатга хос бўлган муҳим жиҳат унда объектив ва субъектив томонларнинг мавжудлигидир. Бу борада таъкидлаш лозимки, ҳақиқат айни пайтда ҳам субъектда, ҳам субъектдан ташқаридадир. Аввало, ҳақиқат ҳар қандай ҳолат ҳам субъективдир. Негаки, у ҳеч қачон инсон ва инсониятдан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Ҳақиқатнинг объективлиги эса инсон тасаввурларининг ҳақиқий объектив ташқи мазмуни инсондан ташқарида эканлигини, унинг инсонга боғлиқ эмаслигини англатади.

Ҳақиқат объектив бўлиши билан бирга конкрет ҳамдир. Унинг конкретлиги — билим конкретлиги билимларнинг нарса ва ҳодисаларга тегишли бўлган алоқа ва муносабатларга боғликлиги, улар мавжуд бўладиган, ривожланадиган шароит, жой ва вақт билан узвий алоқадорлигидир.

Конкретлик тамойилини юқоридаги атомистик гипотеза мисолида ҳам кўриш мумкин. Ёки кўп марта мисол қилиб келтириладиган “Сув 100 ° да қайнайди” деган фикр нормал атмосфера босимида (симоб устуни 760 ° бўлганда) тўғри ва акс ҳолда, нотўғридир. Социал билиш соҳасида бунга мисоллар ниҳоятда кўп. Инсоният тарихининг бирон бир даври, жамият ёки давлатда тўғри бўлган ислоҳот ёки ижтимоий ўзгартириш бошқа давр ёки давлатда иш бермаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам “Тараққиётнинг ўзбек модели” бизнинг мамлакатимиз реаллигига мос келадиган усул сифатида қаралади. Ҳолбуки, ўзга мамлакатлар ҳам ўтиш даврини бошидан кечирган, аммо уларнинг тажрибасини бизга тўла кўчириб бўлмас эди. Ана шу сабабдан ушбу ўзимизга хос ва мос модел ишлаб чиқилган. У ҳозирги даврни ифодаладиган модел бўлиб, догма эмас, балки тараққиёт давомида ривожланиб боради.

Мавҳум, абстракт ҳақиқат йўқ, ҳақиқат ҳамиша конкретдир.

Ҳақиқатлар ўз турига кўра абсолют, объектив конкрет ва нисбийга бўлиниши маълум.

Абсолют ҳақиқат кейинги кашфиётлар натижасида ҳам ўзгармай қолаверади.

Объектив ҳақиқат фикр ва билимларни воқеликка нисбатан тўла мос келиши бўлса, нисбий ҳақиқат (субъектив) олдин ҳақиқат бўлган нарсани ҳақиқат бўлмай қолишидир. Ҳақиқат инсон тасаввурларининг шундай мазмунидирки, унинг қадр-қиммати ўз субъектига боғлиқ эмас. Ушбу фикрда, етарлича изчиллик бўлинганида, ҳақиқатнинг синфларга боғлиқ эмаслиги тўғрисидаги хулоса келиб чиқади.

Объектив ҳақиқатнинг синфдан ва партиявийликдан ташқари эканлиги ҳақидаги хулоса синфлар ёки партиялар манфаатларини акс эттирувчи билимлар борлигига путур етказмайди. Ҳақиқат, маълум маънода, билимларнинг фойдалилиги билан ҳам боғлиқ. У вақт ўтиши билан моддий нарсалар, ижтимоий ва маънавий жараёнлар моҳияти ва уларнинг намоён бўлишини тўлиқроқ акс эттириши билан ўзгариб, бойиб боради.

Масалан, Демокритнинг атомистик концепцияси ҳам ўз асосига кўра, синфий бўлмасда, ҳақиқатдир. Яъни, моддий жисмлар ҳақиқатан ҳам атомлардан иборат. Гарчанд атомлар антик даврдаги тасаввурлардан ўзгачароқ бўлиб чиққан бўлса ҳам, кейинчалик уларнинг бўлинувчанлиги тасдиқланган бўлсада, моддий жисмларнинг атомлардан тузилганини бугун ҳеч ким рад этмайди.

“Барча жисмлар атомлардан ташкил топган, атомлар бўлинмасдир”, деган Демокритча фикрда “маълум шароитларда” деган шарт акс этган эмас, балки қатий равишда “атомлар барча ҳолатларда бўлинмасдир” дея қайд этилган. Фан тараққиётининг кейинги даврларида моддий жисмларнинг атомлардан ташкил топгани эмас, балки атомни “бўлинмас” деган хулоса нотўғри эканлиги исботланди.

Кўриниб турибдики, илмий концепцияларга “ҳақиқат” ёки “хато” маъносида ёндашганда уларнинг мазмуни, акс этаётган моҳияти, ҳаётга мос келиши тамойилларининг ўзаро мувофиқлигини эътиборга олиш лозим.

Билиш жараёни амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиб бир-бирисиз мавжуд бўлолмайди. Амалиёт билишга ва ҳақиқатнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. Аввало амалиётнинг моҳияти ва тузилишини аниқлайлик. Гносеологик фе-

номен сифатида амалиётнинг муҳим хусусиятлари қуйидагилар: 1) мақсадга йўналтирилганлик; 2) объектив-ҳиссий характери; 3) олам нарсаларининг қайта ўзлаштирилиши ва ўзгартирилиши.

б) Амалиёт тушунчаси

Амалиёт инсоннинг олам билан онгли, ижодий алоқасидан иборат фаолиятдир. Фаолият роботларга ҳам хос, бироқ уларда мақсадни кўзлаш йўқ, балки мақсадни бажариш бор, холос; роботлар мақсад, режа ва лойиҳаларни ўйлаб чиқмайди, шунинг учун уларнинг фаолиятини амалиёт деб бўлмайди. Айни пайтда техник қурилмаларнинг бу турини яратувчи ва уларни такомиллаштирувчи муҳандислар учун ғоялар бериш ва уларни молиялаштиришдан иборат фаолияти – амалиётдир. Ҳайвонот оламида ҳам амалиёт йўқ, гарчи ҳайвонлар олам, табиат билан уларни яратган, йўқ қилган ёки ўзгартирган жараёнлар орқали ўзаро алоқада бўлса ҳам. Амалиёт инсондан, унинг мақсадга мувофиқ фаолиятдан, ижод маҳсули ва идеал моделларни шакллантириш, уларни амалга оширишга интилиш жараёнидан ажралмасдир.

Амалиётнинг иккинчи хусусияти объектив – ҳиссий характеридир. Бу белгига кўра, у фақат моддий алоқадорликдан эмас, балки билиш ва баҳоли-ориентацияли фаолият билан чегараланган ҳолда инсон фаолиятининг бошқа шаклларида ажралиб туради. Бевосита объектнинг моддий жиҳатига дуч келмайдиган фикрий, маънавий фаолиятдан фарқли инсоннинг объект билан амалий алоқадорлиги айнан моддий нарсанинг моҳиятини билиш, унинг қаршилигини енгиб ўтишдан иборатдир. Бунда инсон табиати билан боғлиқ бўлган куч, энергияни сарфлаган ҳолда физиологик ҳаракат қилади.

Амалиётнинг учинчи белгиси янги натижанинг вужудга келиши, моддий тизимларни ўзгартиришидир. Элементларни ҳар қандай ўзгартириш ҳам инсоннинг ҳаракати сингари амалиёт бўлавермайди. Амалиёт нарса сифатини ўзгартиради, уни йўқ қилиш, бузишга ёки уни ривожлантириш, такомиллаштириш, янги моддий тизимни яратишга олиб келади. Бу ерда нарсанинг имкониятлари, инсоннинг уларни

билиши, қадрлаши ва фойдаланиши катта аҳамиятга эга. Ана шу жараёнда янги имкониятларни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Амалиёт жараёнида инсон табиатнинг қонун ва ҳодисаларини ўрганиш асосида янги имкониятларни очади ва янги мақсадларни ўз олдига қўяди, унга мувофиқ тарзда табиатда мавжуд бўлмаган янги нарсалар яратилади.

Инсон моддий (табиий ва социал) тизимлар структураси ва элементлар таркибини ўзгартиришга қодир, бунда у объектив қонунларга (ҳамма вақт ҳам адекват бўлмаса-да) мувофиқ ҳаракат қилади. Моддий соҳадаги амалиётнинг пировард натижаси моддийлашган мақсад ҳисобланади. Мақсадга йўналтирилганлик, объектив ҳиссий характери ва моддий тизимларни ўзгартириши каби белгиларнинг умумий бирлигини ҳисобга олиш амалиётни гносеологик феноменга айлантиради.

Ушбу тушунча оламнинг намоён бўлиши, борлиқ тўғрисидаги масалага бағишланган назариялар, гипотеза ва далилларда акс этган билимлар мажмуасини эгаллайди. Олам тўғрисидаги яхлит назарий хулоса “дунёнинг илмий манзараси” тушунчасининг ядроси бўлса, бу борадаги турли моделлар, қарашлар ва фикрлар ушбу хулосани исботлашга хизмат қилади.

“Дунёнинг илмий манзараси” тушунчаси олам тўғрисидаги турлича қарашлар, хилма-хил ёндашувларнинг иникосидир. Ана шу маънода мазкур тушунча билиш жараёнида интерактив (умумлаштирувчи) функциясини бажаради. Бу вазифани бажарган тушунчалар билишнинг турли соҳалари учун умумий асос, доим назарда тутиладиган ҳамда аксиома тарзида қабул қилинадиган хулоса, абадий ҳақиқат ролини ўйнайди.

Таянч иборалар:

Билиш, гносеология, билим, кундалик билим, назарий билим, билиш, объект, субъект, ҳиссий билиш, мантиқий билиш, илмий билиш методлари, назария, ҳақиқат, нисбий ҳақиқат, мутлоқ ҳақиқат, агностицизм, эпистемология, гипотеза.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Гноселогия нимани ўрганади?
2. Билиш нима?
3. Ҳиссий ва рационал (ақлий) билишнинг ўзига хослиги нимада?
4. Билиш объекти, субъекти, предмети тушунчаларини изоҳланг?
5. Илмий билишнинг асосий усулларини кўрсатинг?
6. Билишнинг ёшларни тарбиялаш ва камол топтиришидаги аҳамияти нимада?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2006.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
3. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик муваффақиятли тараққиёт йўли (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг мустақилликнинг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси) // “Миллий тикланиш” 2007 йил 31 август.
5. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: “Ибн Сино”, 1993.
6. Фалсафа Академик Э.Юсупов таҳрири остида. Т.: “Шарқ”, 1999.
7. Фалсафа. (маърузалар матни). Т.: Ўзбекистон Миллий файласуфлар жамияти, 2000.
8. Каримов. И Фалсафадан ваъз матнлари. Т., 1995.
9. Основы философии. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
10. Раҳимов И. Фалсафа (қисқача конспекти) Т., 1998.
11. Фалсафа асослари. Т.: «Ўзбекистон», 2005.
12. Билиш фалсафаси. Т.: “Университет”, 2005.
13. Каримов И., Рустамова М. Фалсафа фани тарихи ва назарияси. Т., 2007.

III БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ФАЛСАФАСИ

13-мавзу: Мафкура, унинг жамиятдаги ўрни. Марксизм фалсафасининг тарихий тақдири

Режа:

1. Ғоя, унинг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари.
2. Мафкура, унинг мазмуни, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни.
3. Ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси.
4. Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва мафкуравий жараёнлар.
5. Марксизм фалсафасининг қадрсизланиши.

Ғоя, унинг намоён бўлиш шакллари. Ғоя илмий факт, муаммо, фараз, назария каби воқеликни акс эттириш, илмий билишнинг ўзига хос шаклларида бири эканлигини унутмаслик лозим. Ана шу ҳолатга нисбатан оладиган бўлсак, ғоянинг нафақат воқеликни ўрганиш натижасида бўлган муайян билим сифатида ўзлигини намоён қилишига, балки унда шу воқелик бундан кейин қай йўналишда ўрганилиши зарурлиги ҳақидаги кўрсатма ботиний тарзда мавжудлигига ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ғоя улкан йўналтирувчилик ролини ўйнайди. Масалан, қадимги юнонистонлик файласуфларнинг атомлар ҳақидаги ғояси асрлар давомидаги илмий изланишлар уни топишга, хусусиятларини тадқиқ этишга, дунёнинг тузилишидаги ўрнини аниқлашга йўналтириб келди. Ана шу изланишларнинг натижаси ўлароқ ўтган асрда атом кашф қилинди. Бу кашфиёт инсониятнинг олам тузилиши тўғрисидаги тасаввурларининг бутунлай ўзгаришига олиб келди. Аммо инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, илмийликка даъвогарлик қилган бўлса-да, ўз моҳиятига кўра гайрилмий бўлган ва илм-фан тараққиётида ўта салбий из қолдирган ғоялар ҳам кўп бўлганлигини кўриш

мумкин. Масалан, ўз даврида собиқ иттифоқда кибернетика ва генетиканинг «ёлғон фан»лигини асослашга қаратилган ғоялар устувор бўлганлиги бу фанлар ривожини бир неча ўн йилларга орқага суриб юборди. Буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Берунийнинг «Ғарбий ярим шарда қуруқлик бор», деган фикрларининг тақдири ана шундай бўлди. Жамиятнинг бундай ғояни қабул қилишга тайёр эмаслиги туфайли ўша пайтда бу ғоя ўзининг ҳақли баҳосини топмади. Орадан бир неча аср ўтгандан сўнг Ғарбий ярим шарда қуруқликнинг борлиги ҳақиқатан тасдиқланди. Бу қуруқлик-материк кейинчалик Америка номи билан юритила бошланди. Шоиримиз А.Ориповнинг «Колумбда бор алашим маним», деган ўтли мисралари ана шу тарихий фактга ўзига хос муносабат ифодасини топган дейиш мумкин.

Ғоянинг яна бир ўзига хос кўриниши — бу ижтимоий ғоядир. У табиий-илмий ғояга хос бўлган юқоридаги хусусиятлар билан бир қаторда улкан уюштирувчилик ролини ҳам ўйнайди. Шу билан бирга табиий-илмий ғояларнинг жамият тараққиётидаги ўрни аксарият ҳолларда бевосита бўлса, ижтимоий ғоялар жараёнларига билвосита таъсир ўтказа олади ва айтиш мумкинки, ўзига хос катализатор сифатида чиқади.

Аммо унутмаслик лозимки, ижтимоий ғоя синфий, миллий ёки бошқа шаклларда намоён бўлмасин, улар ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда жамият тараққиётига турлича, хусусан, ўта салбий таъсир қилиши ҳам мумкин. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, миллатни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган бузғунчи ғоялар кўплаб бўлганини кўришимиз мумкин. Чунончи, немис миллатининг олий ирққа мансублиги ва шу туфайли дунёда ҳукмронлик қилиши зарурлиги ҳақидаги ғоя нафақат бу халқ, балки бутун инсоният тақдирида ҳам фожиали из қолдирганлиги фикримизга далил бўла олади.

Ғоя, унинг шакллари ҳақида гап кетар экан, энг аввало, у диний ва дунёвий ғоя кўринишида намоён бўлганлигини эътироф этиш керак. Уларнинг қай бири олдин пайдо бўлган, деган саволга аниқ жавоб бериш қийин. Биламизки, инсон тафаккурида ҳамма вақт бир-бирига зид бўлган қарашлар ёндашувлар мавжуд бўлади.

Оламни англашга интилишнинг ўзига хос натижаси бўлган диний ғоялар ҳаётнинг маъноси ва мазмуни ҳақида билим бериб, одамларга маънавий — руҳий таянч бўлган. Улкан ютуқлар билан бирга, ҳадсиз йўқотишларга ҳам сабабчи бўлганлигидан далолат беради. Инсонда эзгуликни камол топтириши керак бўлган диний ғояларни ўзларининг тор руҳий манфаатларидан келиб чиқиб талқин қилган, ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринган кучлар ҳамиша мавжуд бўлган.

Шундай экан, ҳеч қачон диний ғояларни сиёсатга ва четдан туриб мамлакатимизнинг ички ишларига аралашшига, давлат суверенитетимизни шубҳа остига олиш учун байроқ бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

Мафкура, унинг жамият ҳаётидаги ўрни. Кундалик ҳаётда биз «ғоя» ва «мафкура» тушунчаларини аксарият ҳолларда синонимлар сифатида ишлатилаётганига дуч келаемиз. Агар жиддий эътибор бериладиган бўлса, бу икки тушунча ўртасида ҳақиқатдан муайян яқинлик борлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бироқ бу уларни айнанлаштириш учун асос бўлмаслигини таъкидлаш зарур. Нега? Биринчидан, «идеология» тушунчаси идея (ғоя) ҳақидаги таълимот, бошқача айтганда «ғоялар тизими» маъносини англатади. Биз «идеология»нинг синоними сифатида қўллаётган «мафкура» тушунчасида бундай ўзак бирлиги ва ушбу терминнинг ўзида ғоялар тизими эканлиги аниқ бўлмаса-да, мафкура ҳам ғоявий қарашлар тизимини ифодалаб келишини кўрсатиш лозим. Демак, мафкура у синфий, ғоялар тизими экан, у ғояга нисбатан ҳам мазмунан, ҳам ҳажман кенгроқ тушунчадир.

Иккинчидан, ҳар қандай мафкурада ижтимоий воқеликни сақлаб қолиш ёки ўзгартиришга қаратилганлик, яъни мақсадлар, ботиний эмас, балки зоҳирий тарзда мавжуд бўлишини ва мафкуранинг ўзагини ташкил этишини таъкидлаш жоиз.

Учинчидан, ҳар қандай ижтимоий ғоя фақат ва фақат маълум бир мафкуравий қарашлар доирасидагина ўзининг уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳиятини, жозибадорлик кучини намоён қила олиши мумкин.

«Ғоя» ва «мафкура» тушунчалари ўртасида бошқа тафо-

вуглар ҳам бор, албатта. Аммо, қайд этилган фарқларнинг ўзи ҳам уларни ёнма-ён, бир хил мазмунда ишлатиш ўринли эмаслигини англаш учун етарли.

Ҳар қандай мафкурада, биринчидан, кишиларнинг ўзларини ўраб турган воқелик, ижтимоий муносабатлар ҳақидаги билимлари гавдаланса, иккинчидан, шу билимлар асосида содир бўлган, бўлаётган, бўлиши мумкин бўлган жараёнларга баҳо берилади. Ва ниҳоят учинчидан, юқоридаги икки ҳолатдан келиб чиққан ҳолда мавжуд ижтимоий муносабатларни сақлаб қолиш, ривожлантириш ёки ўзгартиришга қаратилган мақсадларни ўз ичига олган дастурлар намоён бўлади.

Юқоридаги хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, мафкурани ҳар хил туркумлаш мумкин. Хусусан, унда илгари сурилаётган ғоялар, мақсадларга, яъни уларнинг тўғри ёки нотўғрилигига қараб, илмий ва ноилмий мафкурага ажратиш лозим.

Айни пайтда мафкуранинг жамият тараққиётига ижобий ёки салбий таъсир қилишидан келиб чиққан ҳолда прогрессив ва реакцион мафкура дейиш мумкин. Мафкурадан кўзланган мақсадларнинг рўёбга чиқишининг эҳтимоллик даражасига таяниб эса реал ва утопик мафкурани фарқлаш мумкин бўлади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, умумий тарзда жамият, унинг тузилиши, ривожланиш йўллари ҳақидаги ғоявий-назарий қарашлар тизимига мафкура дейилади, деб хулоса чиқариш мумкин.

Аммо мафкуравий андоза ва қоидалар мутлоқлаштирилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Мутлоқлаштириш уни тайёр ва ўзгармас тамойиллар, кўрсатмалар йиғиндиси сифатида тушуниш натижасида юзага келади. Бундай тушуниш, маълум даражада хавfli эканлигини ҳам таъкидлаш зарур. Хусусан, марксизм асосчилари асарларида баён этилган ғоя, принципларнинг мутлоқлаштирилиши, ҳаёт ўзгариб бораётган бир пайтда мафкуравий қарашларда догматизмнинг устуворлиги, ҳаётни қотиб қолган мафкуравий андозаларга қараб ўзгартиришга уриниш ер юзида бир-бирига қарама-қарши турган икки сиёсий системанинг шаклланишига олиб

келади. Инсониятни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган бу мафкура билан қуролланган ёки зўрлаб қуроллантирилган халқлар машаққатли кунларни, оғир жудоликларни бошидан кечирдилар. Инсоният бошига оғир кулфатлар келтирган бундай мафкуралар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ улар умуман мафкуранинг жамият ҳаётидаги ролини инкор этмайди.

Халқаро майдонда бундай таъсир ўтказишнинг тинч йўли кўзланган мақсадларга олиб келмаганда мамлакат ички ишларига аралаштириш, мавжуд зиддиятларни атайлаб кескинлаштириш, куч ишлатиш йўли билан бўлса ҳам ижтимоий беқарорликни юзага келтиришга бўлган уринишларни исботловчи бундай мисоллар ҳам кўп.

Афғонистондаги уруш 20 йилдан ортиқ давом этди. Бунинг сабаби нимада? Аввало, Афғонистон икки системанинг халқаро майдонда ҳукмронлик қилишига интилишнинг қурбони бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки дастлаб Афғонистондаги бир-бирига душман бўлган кучларни икки системанинг етакчи давлатлари ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар, социалистик ва буржуа мафкуралари деб аталган мафкураларнинг кураш полигонига айлантирдилар. Кейинроқ миллий яраш ҳаракати юзага келган ва уни жаҳон афкор оммаси кенг қўллаб-қувватлаган пайтда диний экстремистик ҳаракатларни қувватлаган кучлар таъсирида мамлакат кураш майдонига айланди ва фуқоролик уруши янги сифат ҳолати касб этди.

Афғонистоннинг бугунги аҳволи жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди. Шундай бўлсада, инсон онги қалби учун кураш уни эгаллаб олиш орқали ўз эҳтиёжларини ва манфаатларини қондириш, рўёбга чиқаришга интилиш тобора кучайиб, янгидан-янги шакл касб этмоқда.

Хусусан, жаҳон майдонларини диний эътиқод умумийлигини пеш қилган ёки этник бирликка урғу берган ҳолда бўлиб олишга уринишлар мавжудлигини таъкидлаш зарур.

Афсуски, мустақилликка эришган Ўзбекистонга чегара-

дош худудларда ҳам ана шундай можаролар давом этмоқда. «Кўшнинг тинч — сен тинч» дейди халқимиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, минг-минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлаётган Афғонистондаги танглик давом этаётган экан, асло хотиржамликка йўл қўйиб бўлмайди.

XX асрнинг сўнги йиллари ҳақида гап кетар экан, у нафақат юқоридаги каби можаролар, балки ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларида қўлга киритилган улкан муваффақиятлар билан ҳам характерланишини тан олиш зарур. Айти пайтда ана шундай ижобий жараён билан бир қаторда, юқорида таъкидланганидек, экстримизм ва фундаментализмдек ўта хавфли қарашлар тизими ва фаолияти ҳам тарих саҳнасига чиққанлигини таъкидлаш зарур. Бундай кучларнинг иқтисодий, сиёсий ёки ҳарбий салоҳиятининг катталиги, ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ кўрсатиш имкониятининг улканлиги, восита ва механизмларнинг хилма-хиллигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шубҳасиз, миллий истиқлол мафкураси айнан шундай мафкурагина фикр қарамлиги, тафаккур қуллигининг олдини олишга хизмат қилади, миллий жипсликни, тараққиётни, мамлакатимизнинг том маънодаги буюк келажагини таъминлайди.

Таянч тушунчалар:

Ғоя, илмий ва ижтимоий ғоя, диний ва дунёвий ғоя, мафкура шакллари, миллий мафкура.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ғоя деганда нимани тушунасиз?
2. Ғоянинг қандай шаклларини биласиз?
3. Мафкура деганда нимани тушунасиз?
4. Мафкуранинг жамият ҳаётидаги ўрни нималарда кўрилади?
5. Ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси деганда нимани тушунасиз?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
6. Раҳимов И. Фалсафа (қисқача конспект). Т., 1998.
7. Фалсафа. Акад. Э.Юсупов таҳрири остида. Т., 1999.
8. Абдурахмонов А., Абдуллаева М., Маматов О. Фалсафа: амалий машғулотлар юзасидан тавсиялар. Наманган, 1999.
9. Фалсафа Маърузалар матни. Т., 2000.
10. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000.
11. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Маъруза матнлари учун материаллар). Т.: «Янги аср авлоди», 2001.
12. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Олий таълим муассасалари учун тажрибавий қўлланма). Т.: «Янги аср авлоди», 2001.
13. Чориев А. Инсон фалсафаси. Т.: (Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти), Т., 2007.

14-мавзу: Истиқлол ва янгича фалсафий дунёқараш

Режа

1. Мустақиллик йилларида фалсафанинг янгиланиши.
2. Фалсафанинг янгиланиш асослари.
3. Истиқлол: мустақиллик дунёқараш.

Истиқлол талаблари асосида фалсафий тафаккурни янгилаш ғоят мураккаб бўлиб, куйидагиларни ҳал этиш зарур бўлади:

– мустабид тузум мафкурасининг ижтимоий-маънавий, фалсафий соҳалардаги асоратларини тугатиш;

– кишилар онги ва турмуш тарзидан собиқ тузумга хос ва гайриинсоний тамойилларни сиқиб чиқариш;

– Ўзбекистон фалсафасида жаҳон фалсафий тафаккури ютуқларидан кенг фойдаланиш;

– Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида нафақат оддий фуқаро, балки зиёли ва фалсафа мутахассисларининг онгида ҳамон сақланиб келаётган лоқайдлик ва мутелик каби кайфиятларга барҳам бериш;

– Маънавий меросимизни қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш жараёнида буюк аجدодларимиз фалсафий меросини янада чуқурроқ ўрганиш;

– Фалсафий адабиётларни миллий ва манфаатларимизга янада кўпроқ мослаштириш, қўлланма дарсликларимизда миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини акс эттириш;

– Истиқлол талабларига мос келувчи соғлом ғояга эга бўлган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш заруратига мос тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида таълим-тарбиянинг самарали усул ва имкониятларини излаб топиш;

– Жаҳон, Шарқ халқлари фалсафий меросини пухта ва чуқур ўрганиш, бу жараёнда турли ғоя ва мафкураларнинг давлатлар ҳамда халқлар таҳдидига таъсирини аниқ кўрсатиш ва шу асосда истиқлол мафкурасининг тамойилларини кишилар онгига сингдириш;

Асосий масала шундаки, мустақиллик одамлар дунёқара-

шининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишларига янгича нуқтаи назардан қарашни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида фалсафанинг янгилалиши учун зарур асослар шаклланди.

1. Моддий-иқтисодий асослар. Собиқ иттифоқ давридаги иқтисодиёт янги мазмундаги фалсафани шакллантириш учун асос бўла олмас эди. Истиқлол йилларида бу соҳада катта ўзгаришлар рўй бериб, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Иқтисодий плюрализм ва бозор муносабатлари бош йўналиш бўлсада, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устивор жиҳат сифатида белгиланди. Бу фалсафий дунёқарашнинг янгилалишида иқтисодиёт билан боғлиқ асосларни яратишга имкон берди.

2. Ижтимоий-сиёсий асослар. Фалсафанинг сиёсий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тарихий тараққиётда кўп марта исботланган. Ҳар қандай жамият ва мамлакатда давлат халқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онгини ўзгартира олмаса, ўзининг пировард мақсадларини амалга ошириши қийин. Бугунги кунда Ўзбекистонда янги мазмун ва шаклдаги сиёсий тизим ва тузилмалар вужудга келдики, булар янги мазмундаги фалсафанинг шаклланишининг ижтимоий-сиёсий асосларини яратиш имконини берди.

3. Маънавий асослар фалсафанинг янгилалишида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Фалсафий тафаккур янгилалишининг мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқлиги қуйидаги масалаларни:

— бугунги кундаги дунёқарашни янгилаш жараёнининг тарихий илдизларини ўрганиш, собиқ иттифоқдаги ижтимоий таназзул ва унинг тафаккуримиздаги салбий оқибатларини тугатиш, истиқлол фалсафий тафаккурини ўзгартириш учун янги даврни бошлаб бергани;

— мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида дунёқарашнинг ўзгаришида қандай асосий тамойиллар кўзга ташлангани;

— бугунги кунда фалсафий дунёқарашни янгилалишига таъсир кўрсатаётган замонавий омиллар ва уларнинг хусусиятлари.

Фалсафий дунёқараш ўзгаришининг муҳим жиҳатлари:

Биринчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши ижтимоий жараёндир. Янги тизимга ўтаётган мамлакатдаги ижтимоий муносабатлар ўзгаришнинг таркибий қисмидир.

Иккинчидан, мустақилликка эришган ва уни мустаҳкамлаётган мамлакат учун тарихий заруриятдир.

Учинчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки, ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир.

Тўртинчидан, фалсафий онгнинг янгиланиши муайян бир даврда амалга ошиб, ўтиш даврида мамлакатимиз одамларининг руҳиятида чуқур ўзгаришлар рўй беради.

Бешинчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши инкор ва ворислик жараёни ҳамдир. Унда, бир томондан, ўзбек фалсафасида азалдан мавжуд бўлган, ҳатто собиқ мустабид тузум ҳам йўқота олмаган кўп жиҳатларнинг сақланиб қолиши кузатилади. Иккинчи томондан, яқиндагина устивор, бўлган кўпгина синфий партиявий тамойиллар ўтмишга айланади, инкор этилади. Учинчи томондан эса, фалсафий тафаккурда янги йўналишлар ўз ўрнини топади.

Фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши учун истибдод ва эски мустабид сиёсат туфайли онгимизга сингиб кетган мутелик, лоқайдлик, боқимандалик, сусткашлик, масъулиятсизлик каби асоратлардан халос бўлиш керак.

Дунёқарашни янгилаш заруриятдир.

1) Аввало, бу келажаги буюк давлатни барпо этиш билан боғлиқ.

2) Фалсафий онгнинг янгиланиши моҳият эътиборига кўра мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳалқаро нуфузининг ўсиши, истиқлолни инсон манфаатларига хизмат қилиши, миллий уйғониш, ижтимоий тараққиёт тақозоси, комил инсонни вояга етказиш каби тушунчаларни одамлар дунёқарашда шаклланишидир. Тинчлик, осойишталик, миллий тоғувлик, баҳамжиҳатлик ғояларининг қарор топиши.

3) Фалсафадаги янгилиниш юртимизда кечаётган ислохотлар жараёни, давлатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида халқимизда тўғри тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилиш лозимлигини кўрсатади.

4) Фалсафий тафаккур янгилиниши энг муҳим вазифа — покланиш жараёни одамлар руҳиятида мужассам этилган мақсад ва ғоялар омма манфаатларини акс эттиргани учун у ҳаёт тарзига айланиши керак.

5) Мамлакатимиз мустақиллиги, тинчлиги, фуқаролар тотувлиги, ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қадрига етиш, жамият ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга нисбатан огоҳ бўлишда фалсафа, ва умуман, ижтимоий фанларнинг аҳамияти каттадир.

6) Фалсафий дунёқарашнинг янгилиниши, инсондан, унинг ижтимоий хусусиятлари такомиллашувидан четда кечадиган жараён эмас. У нафақат умумжамят миқёсидаги, балки ҳар бир инсон қамолоти учун ҳам зарур шарт-шароит яратадиган жараёндир.

Бугунги кунда ижтимоий фанлар ривожини замон талаблари даражасига кўтариш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари, олим ва зиёлилар олдида ғоятда маъсулиятли вазифалар турибди. Айниқса, миллий истиқлол ғояси бўйича назарий фаолият, тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида аҳамият бериш заруриятга айланиб бормоқда.

3. 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг қўлга киритган миллий манфаатларига зид бўлган, эскича қарашлардан воз кечган ҳолда янгича тараққиёт ва янгича фикрлаш асосида, “Мустақиллик фалсафаси”, “Мустақиллик дунёқараши”-ни шакллантиришга киришилди. Албатта, бундан мустақиллик ғоялари мустақиллик қўлга киритилгач пайдо бўлди, деган фикр асло келиб чиқмаслиги керак. Аслида мустақилликни ўтмишда халқимиз асрлар мобайнида орзу қилиб келган.

Бу мустақиллик орзулари “Авесто”, “Тўмарис”, “Широқ” ҳақидаги афсоналардан тортиб “Спитамен”, “Муқанна”, “Маҳмуд Таробий”, Темур Малик, Жалолиддин Мангубер-

ди, Намоз, Пулатхон (қўзғолонлари), XX асрнинг 20-30-йиллардаги жадидчилик ҳаракати уларнинг Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Абдулла Авлоний, Саид Аҳмад, Сиддиқий ва бошқа вакилларигача юрт озодлиги учун курашган ватандошларимиз орзуси бўлганлигини айтиб ўтиш зарур.

Якка ҳокимлик коммунистик мафкура шароитида собиқ марксча фалсафанинг фанлик функциясига нисбатан сиёсий томони биринчи ўринга кўтарилди. Яъни, фалсафа мафкуранинг назарий асоси бўлганлигини йўқотиб сиёсатлашган фалсафа бўлиб қолди.

Тарихий тараққиёт жараёнида кўп марта чет эл босқинчиликларини бошидан кечиргани боис халқимиз қалбидаги гурур –шижоат маълум даражада сўниб борди. Ҳар сафар бошида калтак сина бериши оқибатида бора-бора унинг дунёқарашада чуқур ўзгаришлар содир бўлди. Халқнинг онгидаги аввалги гурур, қаҳрамонлик, жасорат шижоат ўрнини аста-секин тобеълик, итоаткорлик, бўйсунуш ҳолатлари эгаллаб борди. Айниқса Қизил империя аталмиш шўролар давридаги 70 йилдан кўпроқ вақтда дунёқарашнинг мустақиллиги, миллий хусусият деярли йўққа чиқарилди.

Ўзбекистон бир сўз билан айтганда шўролар даврида, гарчи расман мустақил республика деб эълон қилинган бўлсада, аслида унинг сиёсий, иқтисодий, маданий соҳадаги тақдир марказда, Москвада ҳал қилинар эди. Тарихимизни бузиб кўрсатилишига - маданиятимизни, урф-одатларимизни камситилишига, тилимизни, динимизни менсимасликка сохта, ғайримиллий шовинистик байналминалликни тарғиб қилинишига, дунёқарашдаги қарамликка узоқ вақтлар, сабр-тоқат билан чидаб келинди.

Якка ҳокимлик коммунистик мафкура аҳолининг “дунёқараши”ни мавжуд тоталитар тузумни мутелик билан мақташга, ўзликни унутишга мажбур этар, “мажбур қиламиз” қабилида иш тутар, бошқача қарашга журъат этган кишини бешафқат жазолар эди.

Мустабид тузум ўз тузумидаги миллий мустақилликка, эркин фикрлашга бўлган интилишни йўққа чиқариб, уни му-

телик, итоаткорликда ушлаб туришга зўр берар, моҳиятан эса инсон табиатига зид, ғайриинсоний эди.

Миллий мустақиллик йилларида фикрий қулликдан қутила бориб, янги мустақил дунёқараш ҳам шакллана борди.

Бироқ нарса ва ҳодисаларга баҳо берганда диалектик нуқтаи назардан ёндошиш талаб этилади. Воқеа ва ҳодисаларни кўп қиррали, кўп томонлама эканлиги уларга бир хил баҳо берилишини ёқтирмайди. Шу жиҳатдан қараганда ҳар бир воқеа ва ҳодисага давлат, ҳукумат нуқтаи назаридан баҳолаш билан объективлик нуқтаи назаридан ёндошишликни фарқи борлигини унутмаслик керак.

Миллий мустақиллик дунёқараши халқимизни, миллатимизни ўзини-ўзи танитишни, ўзлигини билиб олишни, англашни, ўзининг асосий вазифаси деб билди.

Миллий дунёқарашни шакллантиришда аҳолини ҳозирги кундаги 30 ёшдан юқори ёшда бўлган қатламида ҳозирни ўтмиш билан солиштириш имкониятининг борлигини бу жараённинг шаклланиши турлича бўлишлигини англатади.

Таъкидлаш жоизки, “Мустақиллик дунёқараши” Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тамойилларига, Ўзбекистон раҳбари Президент И.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI: аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, “Ўзбекистон XXI асрга инилмоқда”, унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-чақириқ биринчи сессиясидаги “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз” деб номланган нутқиға, “Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин”, “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз”, “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, “Донишманд халқимизнинг иродасига ишонаман”, “Юксак маънавият — енгилмас куч” ва бошқа асарларига, буюк аждодларимиз маънавий мероси, халқимизнинг анъана ва қадриятларига, замонавий илм-фан ютуқлари ва, хусусан қиёсий, тарихий, социологик каби илмий услубларига асосланади.

“Мустақиллик дунёқараши” халқимизнинг асрий анъана

ва қадриятларини, миллий ўзлигимизни ўзида мужассамлаштириб, уларни умуминсоний қадриятлар, дунё цивилизацияси ютуқлари ҳамда илғор тараққийпарвар ғоялар билан бойитиб, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу мақсад ва вазифаларни аниқ-равшан ифода этади.

Ислом Каримов: “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айти вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир гоёни мен жамият мафкураси деб биламан.

Бинобарин, миллий мафкурасиз жамият бошсиз танага ўхшайди, у бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррардир. Миллий мафкура ҳар қандай халқни-халқ, миллатни — миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чарогон этадиган маёқдир”, - деб таъкидлаган эди (Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2002 йил, 89-б).

“Мустақиллик дунёқараши”нинг олий мақсади — Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, диний бағрикенглик-миллатлараро тотувлик ғоялари бўлиб, унинг бош гоёси Озод ва Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга эришишдир.

“Мустақиллик дунёқараши” — айти пайтда миллий мустақиллик фалсафаси ва миллий истиқлол мафкураси ҳамдир. Ўзининг туб моҳиятига кўра у Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлашни кўзда тутди. Бундай улғвур вазифани бажариш ҳар бир фуқародан эркин ва ижодий фикрлаш, Ватан тақдири, истиқболи учун масъулликни ҳис қилишни талаб этади. Эркинлик бўлмаган жойда масъулиятсизлик, лоқайдлик вужудга келади. Миллий мустақиллик халқимизга эркин фикрлаш имконини берди. Эркин тафаккурсиз миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишини ҳатто тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Истиқлол мафкураси эркин тафаккурга таянади, у демократик жамият ҳаётининг муҳим қонунияти, миллий мафкурани яратиш, ҳимоя қилиш ва такомиллаштиришнинг зарур шартидир.

Эркин тафаккур шахс фаоллигини оширади, уни бунёдкорлик ишларига илҳомлантирилади. Янгича фикрлайдиган, мустақиллик туйғуси кучли бўлган, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш мустақиллик дунёқарашининг муҳим ва-зифасидир.

Мустақиллик дунёқарашини ўзида халқимизнинг эзгу орзу – умидлари ва ҳаётий манфаатларини ифода этар экан, бу мақсадларга эришишнинг зарур шартини сифатида баркамол инсон шахсининг шакллантиришга алоҳида эътибор беради.

Бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсадидир. Шундай шароитда халқнинг барча қатламларига бериладиган билимлар объектив, воқеликни тўлиқ ва тўғри акс эттириши, жамият тарақиётига, Ватан ва халқ манфаатларига, қадриятларни сақлашга хизмат қилиш лозим. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов 2002 йил 29-августда Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ 9-сессиясидаги нутқида оммавий ахборот воситаларининг аҳолига ҳаққоний ахборотларни етказишнинг аҳамияти катталигини алоҳида уқтирди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Марказий Осиё минтақасида Ислом динининг мустаҳкам-лигидан фойдаланиб, “Фундаментализм”, “Диний экстремизм”, “Ҳизбут-таҳрир” каби бузғунчи террористик ҳаракатлар ўз ғояларини киритиб Ўзбекистонга, Марказий Осиёга таҳдид солишга уринмоқдалар.

Диний экстремизм ва фундаментализмнинг минтақамиз, айниқса мамлакатимиз тарақиётига хавф туғдираётганлигини Президент И.Каримов теран асослаб, бу қандай даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан ҳаммамизни огоҳ қилган эди. Бу фикр ҳақиқат бўлиб чиқди. Айниқса, 1999 йил 16 февралда Тошкентдаги кўпуровчиликни амалга оширилиши уларнинг ёвуз ниятли эканлигини яққол намоён этди. Ўзбекистон аҳолисини янгича мустақиллик дунёқарашини билан қуроллантириш мақсадида республика Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани барча турдаги ўқув муассасаларида янги ўқув фани сифатида жорий этилди.

Ҳар бир инсоннинг оламга, жамиятга нисбатан ўз муносабати, қараши, назар ташлаши мезони бўлади. Шу маънода ҳар бир шахс, жумладан ёшларимизнинг ҳам ўз мустақил дунёқарашига, ўз фикрига, ўз нуқтаи назарига эга бўлиши ниҳоятда муҳим. “Янги мафкуранинг асл маъноси, — деб ёзади Каримов, — эскича ақидалардан холи бўлган мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир” (И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 284-бет).

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, бир қолипга солинган тоталитар тузум дунёқараши тазйиқидан қутулдик. Аммо эскича дунёқарашдан батамом халос бўлиш осон иш эмас.

Миллий истиқлол ғояси ўзининг ҳаётий ғоялари билан одамларимиз онгидаги ана шу мафкуравий кишанлардан қутулишга ёрдам беради. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек “Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафкуранинг яккаҳоқимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик.

Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончини ортиб боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутилмаса инсон тўла озод бўлолмайди” (Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 34-бет.)

Дунёқарашнинг мустақиллиги, яъни “Мустақил дунёқараш” тушунчасидан ташқари, миллий истиқлол мафкурасининг моҳият мазмунига кирувчи “Мустақиллик дунёқараш” деган тушунчаси ҳам борлигини унутмаслик зарур.

Буни И.Каримов қуйидагича ифодалаган:

“Бу тушунча аввало:

— Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайгуриш;

— ўзининг ва ўз халқининг, Ватаннинг қадр қиммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қилиш;

— юксак ғоялар, янги фикрий кашфиётлар, ниятлар,

оғушида меҳнат қилиб истеъдоди бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этишдир.

Мустақиллик дунёқарашининг марказида Ўзбекистон диёри ва халқимизнинг барча соҳаларга оид манфаатлари ётади. Бундай дунёқарашга эга бўлган одам ўз нуқтаи назари ва ўз ҳаётий тамойилларига таянган ҳолда жамият тараққиётига мустақил равишда муносиб ҳиссасини қўша олади.

Буни амалга ошириш учун икки мафкуравий вазифа: мутелекдан ва журъатсизликдан холи бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган ҳур фикрли инсонни тарбиялаш зарур.

Мустақиллик дунёқараши билан қуролланган маънавий баркамол кишиларгина шахсий ва умуммиллий манфаатлар уйғунлигини теран англайди, Ватан озод бўлмаса, шахс озод бўла олмаслигини тушунади.

Миллий “мустақиллик дунёқараши”, фалсафаси бўлган миллий истиқлол мафкураси биринчи навбатда ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёш авлоднинг ҳаётга янгича маъно ва мазмун бахш этишга, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилгандир. Чунки ёшлар фақат миллий ғоя тимсолидагина мамлакат тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасини кўрадилар. Ёшлар табиатан тўғри ғояларга қизиқувчан ва уларга тез берилувчан бўладилар. “Мустақиллик дунёқараши” ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ана шу авлодни миллий манфаат ва тараққиётимизга ёт бўлган сохта ва бузғунчи ғоялар тажовузидан ҳимоя қилади, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиради.

Таянч иборалар:

Истиқлол, мафкура, янгича фикрлаш, мустақиллик, дунёқараш, моддий асослар, ижтимоий-сиёсий асослар, маънавий асослар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Истиқлол фалсафасини айтиб беринг.
2. Янгича фикрлаш қандай бўлади?
3. Мустақиллик дунёқараши нима?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2006.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. Т.: «Ўзбекистон» 1998.
4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
8. Абдурахмонов А. Мустақиллик дунёқараши. НамДУ илмий ахбороти. Наманган, 2005. 1-сон.
9. Раҳимов И. Фалсафа (қисқача конспект). Т., 1998.
10. Фалсафа. Акад. Э.Юсупов таҳрири остида. Т., 1999.
11. Фалсафа (Маърузалар матни). Т., 2000.
12. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Тажрибавий қўлланма). Т., 2001.
13. Фалсафа асослари. (Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти). Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

15-мавзу: Маданият фалсафаси. Ўзбекистоннинг цивилизациялашган тараққиёти

Режа:

1. «Маданият» ва «цивилизация» тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни.
2. Цивилизациянинг тарихий шакллари ва ҳозирги замондаги хусусиятлари.
3. Жаҳон цивилизациясида Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва истиқболлари.
4. Маданият ва цивилизациянинг асосий тамойиллари, қонуният ва хусусиятларини билиш — маънавий камолот манбаи.

Инсониятни ўраб турган муҳитнинг таркибий қисми бўлган одамзоднинг яратувчилик қобилятини кўз-кўз қиладиган энг буюк неъматлар орасида маданият асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Кейинги йилларда маданият тушунчаси билан бирга «цивилизация» атамаси ҳам тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди. Муайян халқ, ҳудуд ёки давлатнинг тараққиёт босқичлари, уларга хос маданий ривожланиш тўғрисида гап кетганда, олим ва мутахассислар ана шу атамадан фойдаланмоқдалар. Бу эса ўз-ўзидан «Хуш маданият нима? Цивилизация-чи?» каби саволларга жавоб беришни тақозо этади. Маданият кўп қиррали ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, инсоният маънавияти юксалиб борган сайин мазкур тушунчанинг мазмуни тобора бойиб боради. Маданият инсон томонидан яратилган сунъий оламдир ёки иккинчи табиатдир деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Бунда одам зотини яратувчилик қобиляти, иқтидори ва шу асосидаги фаолияти ҳамда уларнинг натижалари назарда тутилади.

Тарихдан жамият тараққиётининг муайян даврларида маданиятнинг ниҳоятда гуллаб-яшнаган даврлари бўлгани маълум. Масалан, қадимги Юнонистонда милоддан илгари VII-II асрларда фан ва маданият ниҳоятда ривожланган. Ўша даврда яшаган Суқрот, Афлотун, Арасту каби ўнлаб алломаларнинг номлари инсоният тарихига абадий муҳрланган. Ҳозиргача инсоният тарихини ўрганадиган мутахассислар бу давр-

да Юнонистон маданиятини жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири сифатида талқин этадилар. Тахминан ана шу даврда «Авесто» китобини яратган юртдошларимиз маданияти ҳам юксак бўлганини бугунги кунда кўпгина мутахассислар эътироф этмоқда. Худди шундай маданият тараққиётини юртимиз тарихининг VII-XII асрларида ёки соҳибқирон Амур Темур ҳукмронлик қилган даврда ҳам кузатиш мумкин (XIII-XIV аср).

Маданият ва цивилизация тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлсада, турлича мазмун ва хусусиятга эгадир. Баъзи олимлар маданият ўзининг келиб чиқишига кўра цивилизацияга нисбатан қадимийдир, у моҳиятан цивилизациянинг руҳи, жонидир, деб ҳисоблайдилар. Масалан, А.Тойнби «Тарихнинг идрок қилиниши» асарида шундай фикрларни баён этади. Француз олими Р.Арон ҳам шунга яқин хулосага келади. Унинг фикрича, айнан маданият ва саноат соҳасидаги таназзул аста-секин инсониятни кризислар ботқоғига ботиши, бу эса, умумбашариятнинг келажагини хавф остига қўйиши ҳам мумкин.

Кишилар ўзаро муносабатга киришаётганида ҳам миллатнинг менталитети, ахлоқий ва маънавий хусусиятларини ҳисобга олади. Бирор киши билан муносабатга киришилаётганда ана шу хусусиятлар ҳисобга олингани каби, халқаро муносабатларнинг ҳам маънавият билан боғлиқ ёзилмаган қонунлари, айтилмайдиган қоидалари бор. Гоҳида маданият дейилганда, айнан ана шундай айтилмайдиган ва ёзилмайдиган қонуниятлар назарда тутилади. Жаҳонда 3000 дан ортиқроқ эл, элат, уруғ ва миллат яшайди. Улар учун бизнинг она сайёрамиз умумий ватан бўлиб ҳисобланади. Ана шу умуминсоният жамоасининг ҳамжиҳат яшаши, биргаликда ва ёнмаёن фаолияти натижасида бутун жаҳон маданияти ва цивилизацияси шаклланган. Бу жараёнлар, ўз навбатида умуминсоний ва байналминал маданий тамойиллар асосида амалга ошади. Маданиятларни бир-бирига яқинлаштиради, улар ўртасидаги умумий жиҳатларнинг камол топишига олиб келади.

Миллий маданиятнинг жони, унинг миллат билан боғлиқ яшаш усули, миллатнинг унда намоён бўладиган руҳидир. Умуминсонийлик эса маданиятнинг бутун жаҳонга хос-

лиги ана шундан келиб чиқадиган умумбашарий хусусиятлари, жамият ривожининг барча давр ва ҳудудларига хос умумий тамойиллардир.

Миллий маданиятлар бир-бирини бойитади. Улар ўрта-сидаги ўзаро таъсир табиий равишда халқлар ва миллатларнинг бир-бири билан иқтисодий, сиёсий, ахлоқий соҳалардаги ҳамкорлиги узвий боғлиқдир. Бироқ бир миллий маданиятни бошқа халқларга зўрлаб тарғиб этиш, жорий қилиш ижобий натижаларга олиб келмайди. «Цивилизация» лотинча «цивилус» сўзидан олинган бўлиб, айнан «фуқароликка оид» деган маънони англатади.

Мавжуд илмий адабиётларда цивилизацияга турлича таърифлар берилляпти: цивилизация — маданий-техник тараққиётнинг юқори босқичи (бунда ёзувнинг кашф этилиши, техник кашфиётлар, саноат инқилоби цивилизациянинг муҳим белгиси сифатида талқин этилади); цивилизация — жамиятнинг муайян намунаси (бунда у формация тушунчаси билан айнанлаштирилади); цивилизация — инсониятнинг ёввойилик ва ваҳшийликдан кейинги тараққиёт даври.

Цивилизация — ривожланишнинг муайян бир босқичида турган халқ ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги сифатий ўзига хослигидир. Айрим тадқиқотчилар цивилизация асосини маданият, халқ, ҳудуд билан боғласалар, бошқалари динни асос қилиб оладилар. Аслида эса уларнинг ҳаммаси ҳам цивилизациянинг тараққиётида ўз ўрнига эга.

Масалан, бизнинг Ватанимиз цивилизациясида бу омилларнинг барчаси ўзига хос аҳамият касб этганини кўрамиз. Шу билан бирга, юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва цивилизациялашган тараққиётида дунёвий илмлар қаторида турли диний таълимотлар ҳам ўзига хос ўрин тутган.

Ватанимиз тарихининг кейинги уч минг йилига назар ташласак, дунёвий билимлар ва диний қарашлар ёнма-ён яшаб келганининг гувоҳи бўламиз. Халқимиз «Авесто»ни яратган даврлардан тортиб бизнинг кунларгача ана шу умумий тамойил ўз таъсирини ўтказиб келган. Уларнинг бири мутлақлаштирилган даврларда маданий тараққиёт қандай азият чеккан бўлса, иккинчиси таҳқирланган замонларда ҳам ана шун-

дай йўқотишлар содир бўлган. Миллий маданият цивилизациянинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Миллий маданиятдан узилиб қолган цивилизация охир-оқибатда инқирозга маҳкум бўлади. Цивилизациялар ўз шаклига кўра Шарқ ва Ғарб цивилизациялари, христиан ва мусулмон цивилизациялари, ҳудудий ва жаҳон цивилизацияси кабилардан иборат. Шарқ цивилизациясига хос бўлган қуйидаги муҳим хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

– Шарқдаги барча дунёвий, диний ва фалсафий таълимотлар табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, сабр-тоқатлиликни тарғиб этган;

– Одамлар орасида бағрикенглик, бирдамлик ва ҳамжихатлик, андишалилик руҳи кучли бўлган;

– Миллий қадрият ва анъаналар эъзозланган;

– Катталар ва ота-онага ҳурмат билан қарашга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Шарқ цивилизацияси бағрида ривожланади. Ватан ва онанинг муқаддаслиги, жамоавийлик, ўзаро ёрдам, табиатга оқилона муносабат, меҳнатсеварлик, сабр-тоқатлилик, катталарга ҳурмат, камбағалпарварлик кабилар Шарқ цивилизациясига хос белгилардир.

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси тараққиётига илм-фан, ахлоқ, дин, санъат, маданият соҳасидаги улкан ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшди. Фалсафа тарихида жамият ривожига турлича ёндашишлар вужудга келди. Булар — формациявий ёндашув, кўп вариантли ёндашув, цивилизациявий ёндашув кабилардир. Ижтимоий амалиёт, тарих тажрибаси инсоният жамияти тараққиётига формациявий ёндашишнинг бир ёқлама, сунъий эканини кўрсатди. Ҳозирги замон Ғарб фалсафасида У.Ростоунинг иқтисодий ривожланиш назарияси кенг ёйилди. О.Тоффлер назариясига кўра, бутун инсоният тарихи уч катта даврга: 1) аграр жамият, 2) саноат жамияти ва 3) постиндустриал (ахборот жамияти) жамиятга бўлинади:

Ижтимоий тараққиёт цивилизацияга ёндашиш ҳар бир халқ, мамлакат, минтақа тараққиётига ноёб ва такрорланмас жараён сифатида қарашга асосланади. Бундай ёндашиш моҳиятан формациявий ёндашишга зиддир. Цивилизацияли ёндашиш

ҳар бир миллий маданиятнинг ўзига хослиги, ноёб ва бетак-
рорлигини сақлаган ҳолда ижтимоий ривожланишнинг тад-
рижий йўлдан боришини эътироф этади ва жаҳон цивилиза-
цияси ютуқларига таянади. Маданиятшунослик фалсафанинг
мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг тараққий эта-
ётган фалсафий фан соҳаларидан биридир. Миллий давлат-
чилик асосларини яратмай ва унинг қудратига таянмай туриб
цивилизация йўлидан бориб бўлмайди. Ҳар бир халқ ўз тари-
хий тажрибаларидан келиб чиқиб миллий маданияти ва ин-
теллектуал салоҳиятига мос равишда ўз миллий давлатчили-
гини яратади. Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданият бундай
цивилизациявий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.

Республикаимизнинг жаҳон цивилизациясига хос йўлдан
бориши умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, миллий
қадриятларга содиқлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик-
нинг уйғунлиги, халқаро қонун-қоидалар ва андозаларни ҳур-
мат қилиш, улардан ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг
фойдаланишни тақозо этмоқда.

Миллий мустақиллик йилларида маданиятимизнинг бун-
дан кейинги ривожланиш истиқболлари учун пухта замин
яратилди. Бу аввало, қуйидагиларда намоён бўлади:

- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ишлаб чиқил-
ганлиги ва собитқадамлик билан амалга оширилаётганида;
- миллий маданиятларнинг равнақ топиши ва бир-би-
рини бойитиши учун қулай шарт-шароитлар яратилганида;
- жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ
аждодаларимиз маънавий меросини кенг тарғиб этишда;
- мамлакатимизда илм-фан ва техника салоҳиятини ри-
вожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганида;
- инсон интеллектуал салоҳиятининг ортиб бораётгани-
да, юртимиз ободончилиги йўлида кўплаб тадбирларнинг
амалга оширилаётганида.

Истиқлол ва миллий маданият ривожини. Миллий муста-
қиллик йилларида Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар ма-
даниятини ривожлантиришга, уларнинг маданий мероси ва
қадриятларини асраб-авайлашга алоҳида эътибор берила
бошлади. Бу жиҳатдан республикаимизда озчиликни ташкил

этадиган халқлар миллий маданий марказларининг ташкил этилиши катта аҳамиятга эга.

1991 йилда бундай марказларнинг сони ўнтага етмаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 130 тадан ортиб кетди. 1992 йилда мазкур марказлар ишини мувофиқлаштириб турадиган ташкилот — Республика байналминал маданият маркази тузилди.

Умуминсоний қадриятлар инсонни эъзозлаш, ҳаётни севиш, бурч, садоқат, аждодларга ҳурмат, ватанпарварлик, адолат, маърифатпарварлик, тинчлик, тотувлик, дўстлик, ҳамкорлик сингари фазилатларни ифода этади. Тажириба шуни кўрсатадики, бирон-бир миллий маданиятни улуғлаб, уни бошқа маданиятдан устун қўйиш ва бошқа халқларга мажбуран тарғиб этиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида юксак маданиятли инсонни тарбиялаш, қонунчиликка амал қиладиган, фуқаролик бурчини адо этадиган, демократик жамият талабларига риоя қиладиган баркамол шахсни шакллантириш вазифаси турибди. Шундай қилиб, маданият ва цивилизация бир-бирини тақозо этадиган, шахс ва жамиятни янада такомиллаштириш учун хизмат қиладиган ва, айтиш мумкин, ижтимоий борлиқнинг туб асосини ташкил этадиган ҳодисалардир. Миллий мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳада эришилган ютуқлар мамлакатимизнинг цивилизацияли тараққиёти учун пухта замин яратди.

Таянч иборалар:

Маданият, цивилизация, маънавий маданият, моддий маданият, цивилизациявий ёндашув, миллий маданият, Шарқ цивилизацияси, Ғарб цивилизацияси, ҳозирги замон цивилизацияси, ҳудудий цивилизация.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Маданият нима?
2. Цивилизация нима?
3. Маданият ва цивилизациянинг ўзаро боғлиқлигини изоҳланг.

4. Цивилизациянинг тарихий шакллари тўғрисида нима-ларни биласиз?

5. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни қандай?

6. Маданият ва цивилизация моҳиятини билиш баркамол инсон шахсини шакллантириш манбаи эканлигини қандай тушунасиз?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон», 1995.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.

3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.

4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

5. Фуломов Э., Қобулжонова Т., Эрназаров Т., Маврулов А. Маданиятшунослик (Маърузалар матни). Т., 2000.

6. Тойнби.А. Постигение истории. М.: «Наука», 1991.

7. Бердяев Н.А. Смысл истории. М.: «Наука», 1991.

8. Абдурахмонов А., Бойдедаев М., Бозоров Э. Дин ва сиёсат. Наманган, 2001.

10. Абдурахмонов А., Нуриддинов А. Махдуми Аъзам одоб-ахлоқ ҳақида // “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журнали. 2006. 4-сон.

11. Абдурахмонов А. ва бошқалар. Жамиятдаги етакчи куч // “Меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимоя” журнали. 2006. 6-сон.

12. Фалсафа асослари. (Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти) – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

13. Фалсафа бўйича 1995-2005 йилларда чоп этилган барча ўқув, илмий-услубий қўлланмалар.

16- мавзу: Умумбашарий глобал муаммолар фалсафаси

Режа:

1. Глобал муаммолар тушунчаси.
2. Глобал (умумбашарий) муаммоларнинг гуруҳларга бўлиниши.
3. Жаҳон XXI асрда: келажак ва инсон тақдири.

Глобал (умумбашарий) муаммолар мазмуни бой ва чуқурлиги, қамровининг кенглиги, бутун инсоният ҳаётига тааллуқлиги, миллий, регионал чегаралар билан чекланиб қолмаганлиги ва бошқа хусусиятларига кўра айрим халқ ва миллатга, алоҳида бир ижтимоий-иқтисодий тузумга тегишли бўлмай, балки бутун инсониятга алоқадорлиги билан фарқ қилади. У инсониятнинг ҳозирги даври учунгина эмас, балки келажакдаги ҳаётининг манфаатлари учун ҳам жуда муҳим ва ахамиятлидир.

Агар XX асрнинг биринчи ярми охирларида инсоният қаршида асосан битта умумбашарий муаммо — ядро ҳалокатининг олдини олиш кўндаланг бўлиб турган бўлса, иккинчи жаҳон урушидан кейин аҳвол ўзгарди. Аҳолининг табиий ўсишининг сақланиб қолиши, фан ва техника ютуқларидан тор манфаатлар йўлида фойдаланишга ружу қилиниши ва бир қатор минтақаларда мураккаб экологик вазиятнинг вужудга келиши масалани чигаллаштириб юборди.

Табиатга кишиларнинг зуғуми кучая борган сари табиий мувозанатнинг бузилиши оқибатида кишиларнинг яшаш тарзи, соғлиги, ижтимоий муҳитга бўлган акс таъсири тобора ҳалокатли тус ола бошлади.

Ҳозирги пайтда инсониятга хавф солиб турган умумбашарий муаммолар деганда бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

Улар қуйидагилардир:

- Термоядро уруши хавфини олдини олиш ва қуролланишни бартараф этиш;
- Жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиш;

– Иқтисодий қолоқликни тугатиш: ер юзида қашшоқлик ва очликка барҳам бериш;

– Табиий бойликлардан оқилона ва комплекс ёндошган ҳолда фойдаланиш;

– Инсониятнинг бахт-саодати йўлида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш учун халқаро ҳамкорликни янада фоллаштириш;

– Энг хавфли касалликларга қарши кураш, космосни ўзлаштириш;

– Дунё океан бойликларидан ва имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш; озон қатламининг йўқолиш хавфини олдини олиш;

– Инсоният ва унинг келажаги тўғрисидаги ўзаро ҳамкорликда жиддий тадқиқотлар олиб бориш;

– Киши организмнинг тобора тез суръатлар билан ўзгараётган сунъий ва табиий муҳитга мослашиш жараёнини илмий таҳлил қилиш.

Қайд қилиб ўтилган умумбашарий муаммоларни мазмуни ва хусусиятига кўра учта йирик гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга ҳозирги пайтдаги мавжуд ижтимоий кучлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар (ижтимоий-иқтисодий системалар ўртасидаги, минтақавий зиддиятлар, давлатлар, миллий ва диний низолар ва ҳ.к.) бўлиб, булар шартли равишда “интерсоциал” муаммолар ҳисобланади; улар жаҳон термоядро урушини олдини олиш, ер юзидаги халқлар ижтимоий тараққиёти учун тинчликни таъминлаш, ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд камчиликларни тугатиш ва янги халқаро иқтисодий тартибни ўрнатиш каби муаммоларни ўз ичига олади.

Бу гуруҳга яна биосферадаги “парник эффекти” деб аталувчи ёки атмосферанинг қуйи қатламидаги стратосферадаги озон пардасини парчаланишини кўрсатиш мумкин. Бир қарашда улар табиатнинг ўзида содир бўлиб, табиат қонунларига бўйсунганга ўхшасада, эътибор билан қаралса, бу жараёнлар у ёки бу даражада антропоген (инсоннинг) аралашуви билан боғлиқлиги кўринади.

Иккинчи гуруҳга “инсон – табиат” муносабатлари, хо-

машё ресурсларини тежаш, аҳолини озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш киради. Бунга яна атроф-муҳитни фалокатли ифлосланишидан сақлаб қолиш, инсониятни ёқилғи билан таъминлаш, жаҳон океан манбаларини ва коинотни ўзлаштириш кабилар киради.

Учинчи гуруҳга “инсон ва жамият” ўртасидаги муносабат, илмий-техника тараққиёти (ИТТ); маориф ва маданият; аҳоли кўпайишининг тез суръатлар билан илдам кетиши (демографик портлаш), кишилар саломатлигини сақлаш, саводсизликка қарши курашиш сингари муҳим ҳаётий муаммолар киради.

Ҳозирги замонда инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган энг муҳим ва асосий муаммо — бу ер юзидаги тинчликни сақлашдир. Ядровий уруш бошланиб кетса, ер юзидаги ҳамма жонли нарсалар йўқ қилиб ташланади. Мавжуд ядровий аслаҳахоналар шундайки, уларда ер юзида яшайдиган ҳар бир киши ҳисобига унинг атрофидаги жуда катта минтақани вайрон қилишга қодир бўлган зарядлар жамлаб қўйилган. Ҳозир битта стратегик сув ости кемасининг “йўқ қилиб ташлаш кучи” бутун Иккинчи жаҳон урушидаги куч-қудратга нисбатан бир неча баробар кўп эканлигини айтиш кифоя.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтган ярим аср мобайнида қуролланишга 16-18 трл. доллар сарфланди. Ҳозирги кунда ҳарбий соҳалар учун йилига 1 трл. доллар миқдорида маблағ ажратилмоқда.

Жаҳоннинг энг атоқли олимлари А.Эйнштейн, Жулио-Кюри, М.Борн, Л.Полинг ва бошқалар томонидан имзо қўйилган, 1955 йил 9 июл куни Б.Рассел томонидан ўтказилган конференцияда “Рассель-Эйнштейн манифести” номи билан шуҳрат қозонган машҳур чақириқда “Биз янгича фикр қилишга одатланишимиз керак. Биз ўзимиздан у ёки бу гуруҳ мамлакатларининг ҳарбий ғалабасини таъминлаш учун нималар қилиш зарур деб эмас, балки ядро ҳалокати ва унинг даҳшатли оқибатлари қандай бўлиши мумкинлиги тўғрисида инсониятни огоҳлантириш учун нималар қилдинг деб сўрашимиз керак”, - деган сўзлар бор.

2. Давримизнинг яна муҳим белгиларидан бири — жаҳон энергия ва ёқилғи ресурсларидан тежамли фойдаланиш муаммосидир.

Агар ҳозирги суръатда жаҳон иқтисодиёти давом этадиган бўлса, у ҳолда саноат ва халқ ҳўжалигининг энергияга бўлган эҳтиёжи учун яқин йиллар ичида 20 млрд. тонна ёқилғи талаб этилади. 2025 йилда бу кўрсаткич 35-40 млрд. ХХI аср охирига бориб, 80-85 млрд. тоннани ташкил этиши тахмин этилмоқда.

Яқин келажакда бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг қарийб 34 фоизи ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Бу дегани гигант ГЭСларнинг қурилиши ўз навбатида ана шу регионнинг, иқлим шароитига, ён-атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда халқ ҳўжалигининг кўпгина тармоқларига салбий таъсир ўтказиб, экин майдонларининг қисқариши, мавжуд майдонларнинг шўрланиши ва ишдан чиқишига олиб келиши мумкин. Айниқса, 1986 йил 26 апрель куни Чернобиль АЭС 4-блокининг ишдан чиқиши натижасида жуда катта миқдордаги радиациянинг ҳавога тарқалиши мазкур регионнинг яшашга мутлақо яроқсиз бўлиб қолишида сабабчи бўлди.

Хомашё ресурсларидан фойдаланиш ва экологик мувозанатни сақлаш муаммоси. Жаҳон статистик ахборот маркази маълумотига кўра, ХХ асрнинг бошидан ҳозиргача ишлаб чиқарилган кўмирнинг 45, темир рудасининг 57, нефтнинг 6%, табиий газнинг фоизи кейинги 25 йилга тўғри келар экан.

Ер юзида вужудга келган бундай ҳолат, бир томондан, инсониятни хомашё ресурслари билан таъминлаш имкониятлари, ҳосилдор ерлари ва ичимлик суви манбаларининг камайиб бориши, шунингдек бошқа хомашё захираларининг камайиб кетиши каби бошқа бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Вужудга келган экологик вазият, табиий муҳит инсон организмга ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан қолмайди. Давримизнинг салбий белгиларидан яна бири шундаки, инсон фаолияти кўламининг миқёси тобора биосферани тўла эгаллаб, эндиликда космосга ҳам таъсир эта бошлади.

Ниҳоятда ўсиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси кейинги пайтда бир қанча мамлакатларда анча кескинлашди. Мавжуд маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 2/3 қисми доим озиқ-овқат тақчиллиги ҳукм сураётган мамлакат халқлари ҳиссасига тўғри келади.

XX аср ўзининг бир қатор белгилари, хусусан “демографик портлаш” тушунчаси билан алоҳида аҳамиятга молик. Ҳозирги замон демографик жараёнлари ердаги аҳоли сонининг ўзгариши ва у билан боғлиқ ҳодисалардир.

Аҳоли сонининг ўсиши инсониятнинг ривожланишидаги умумий қонуниятлардан бири ҳисобланади. “Демографик портлаш” тушунчаси ижтимоий-тарихий тараққиётнинг қисқа бир даврида, муайян минтақа ёки мамлакатда ва шунингдек, бутун ер юзида табиий туғилиш ҳисобига аҳоли сонини ниҳоятда тез кўпайишини англатади.

Демографик жараёнлар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар орасида урбанизация (**урбанус** — латинча шаҳарга оид дегани) алоҳида ўрин тутаяди. Бу ўринда мазкур атама аҳолининг катта шаҳарларда тўпланиши жараёнини кўрсатиш учун ишлатилган. 90- йиллар бошларида жаҳонда аҳолиси 10 млн.дан ортиқ 40 та мегополис мавжуд эди.

Дунё аҳолисининг тўхтовсиз кўпайиб бораётганлиги ҳозирги даврнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу кеча-кундузда сайёрамиз аҳолиси соатига 6000, минутига 100-120, секундига 2 кишига кўпаймоқди. Дунё бўйича кундалик ўсиш ўртача 275 кишига тўғри келади. Жаҳон аҳолиси ҳар йили ўрта ҳисобда 60 миллионга кўпаймоқда. 2000 йилларда дунё аҳолиси 6 млрд.дан ортиқроқ бўлса, 2025 йилларга бориб 8 миллиардга етиши тахмин қилинмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ер юзи аҳолиси сонининг тез ўсиши тамойили яқин ўн йилликда Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари аҳолиси сонининг кўпайиши ҳисобига “Демографик портлаш” хавфи сақланиб қолади.

Дарҳақиқат, бундан 6-8 минг йиллар олдин ер юзида 5 млн. атрофида одамлар истиқомат қилишган, деб тахмин

қилинади. Бу кўрсаткич эрамизнинг бошларида 230 млн, 1-минг йилликнинг охири 2-минг йиллик бошларида, яъни Беруний замонида 305 млн; 1500-йилда 440млн; 1800-йилда 952 млн. 1900-йилда 1 млрд.656 миллионни ташкил этган. XVI аср бошидан XIX аср бошигача, яъни уч аср мобайнида бу кўрсаткич 174 фоизга ошганлигини; 1900 йилдан то 1999 йилгача эса бу нисбат салкам 4 баробар ошганлигини кўрамыз.

Ҳисоб-китобларга қараганда, келажакда сайёрамиз аҳолисининг ўсишига тескари равишда табиий бойликлар — нефть, тошқумир, торф, тоза сув, унумдор тупроқ секин-аста камая боради. Агар чучук сув манбалари билан қизиқадиган бўлсак, у унчалик кўп эмас. Сўнгги маълумотларга кўра, унинг ҳажми 35 млн куб километр дир, яъни сайёрадаги умумий сув ҳажмининг 2 фоизини ташкил этади. Бу, албатта, жуда оз. Мана шу масалаларга оқилона ёндошиш ҳозир барча халқларнинг олдида турган долзарб умумбашарий муаммолар туркумига киради.

Инсоният олдида турган яна бир глобал муаммо — бу ирқчилик, миллатчилик, фашистик тоталитар тизимлар хавфи авж олиб кетишига йўл қўймаслик дир, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, демократия, ошкораликни ривожлантириш йўли билан халқлар ўртасида янги муносабатни тиклаш дир.

Ирқчилик, миллатчилик авж олган давлатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муқаррар равишда чекланади, тоталитар система барпо этилади, натижада руҳий, виждон эркинлиги оёқости қилинади, инсон ҳаётининг ўзи хавф остида қолади. Гитлеризм, Сталинизм тизимларининг оқибатида неча миллионлаб кишилар ҳалок бўлди. Даҳшатли қатағон йилларида қанчадан-қанча одам отиб ташланганлиги, сургун қилинганлиги, очлик ва касаллик сабабли ҳалок бўлганлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. 1927 йилдан 1929 йилгача шўролар мамлакатада тахминан 1 миллион, 1930-1932 йилларда 1,2 миллион, 1933 йилда ҳам камида 1 миллион, 1937-1938 йилларда, яъни “ежовчилик” ёки “буюк террор” йилларида эса 5 миллиондан 7 миллионгача одам оммавий

қатагонлар қурбони бўлган. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда сталинизм қурбонларининг жами 40 миллион кишига етади (Қаранг. “Аргументы и факты”. 1989, №5).

Халқаро терроризм, коррупцияга қарши курашларни кучайтириш, наshawандлик алкоголизм, хатарли касалликларнинг (СПИД, раk ва ҳоказолар) олдини олиш, улар тарқалиб кетишига йул қўймаслик, шунингдек, маориф ва ижтимоий таъминот, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлардан оқилона фойдаланиш каби муаммолар ҳам жаҳон мамлакатларининг олдида турган глобал(умумбашарий) муаммолардир. Инсоният XIX-аср бўсағасига мана шундай даҳшатли зиддиятлар билан етиб келди. Ҳар бир инсоннинг бахтсаодати, унинг келажаги, ҳаёти бутун инсониятнинг тақдирини билан боғлиқдир.

Дунёвий ривожланишнинг экологик, демографик ва бошқа глобал жараёнлари оқибатларини енгиб ўтишни кўзда тутган лойиҳалар мавжуд. Уларда глобал муаммолар ечимининг турли-туман вариантлари тақдим этилган. Уларни муваффақиятли амалга ошириш халқаро ташкилотлар, айрим давлатлар ҳукуматлари ва халқларининг уйғун ҳаракатларига боғлиқ.

Масалан, Орол муаммосини ҳал қилиш учун Орол денгизи ва Оролбўйи бассейинини барқарор ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш талаб этилади, уни бажариш Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотлар кучини мувофиқлаштиришга боғлиқ.

Айтиб ўтилган умумбашарий, умумжаҳон муаммолар жуда кўп ва хилма-хил, кенг миқёсли ва ўта мураккаб эканлиги, айни пайтда улардан ҳар бирининг инсониятнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳон цивилизациясининг, қолаверса, сайёрамизнинг ҳам тақдирини учун нақадар муҳим ва зарурлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда бутун инсоният учун умумбашарий муаммоларни ҳал этишдан кўра зарур ва муҳимроқ вазифа йўқ. Умумбашарий муаммолар ечилмаса, экологик фалокатларнинг олди олинмаса, тинчлик бўлмаса, тараққиёт ҳам, тарихнинг ўзи ҳам бўлмайди.

Ўзбекистон ўз аҳолисининг ўсиши билан боғлиқ масалаларни, айтиш мумкинки, муваффақиятли ҳал қилишга киришган. Республика Президентининг бозор муносабатларига ўтишда аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсати, республикамизда бўлиши мумкин бўлган ижтимоий тенгсизликни олдини олишга хизмат қилади.

Кейинги пайтда республика ҳукумати оналарнинг соғлигини муҳофаза қилиш, туғилган ҳар бир чақалоқ олдида ота-онанинг, қолаверса, жамиятнинг жавобгарлик ҳиссини ошириш борасида, шунингдек фарзанднинг ота-она ва Ватан ҳамда халқи олдидаги бурчларини чуқур англашлари учун жуда катта рағбатлантирувчи тадбирлар ишлаб чиққанлиги ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда “Соғлом авлод” жамғармасининг тузилиши, “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этилиши фикримизнинг далили бўлади.

Таянч иборалар:

Умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий муаммолар тушунчаси: демографик; экология; регионал; экосистема; демографик портлаш; глобал; демографик сиёсат.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Умумбашарий муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари нимада?
2. Илмий-техника тараққиёти ва унинг ижтимоий оқибатлари нималарда намоён бўлади?
3. Умумбашарий муаммоларда демографик омилларнинг ўрни қандай?
4. “Демографик портлаш” тушунчаси ҳақида нима дея оласиз?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХІХ асрга интилмоқда. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
3. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман // “Фидокор”. 2000 йил 8 июн.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
5. Каримов Г. Политико-экономические реформы в Узбекистане: реалии и перспективы. Т., 1995.
6. Мамашокиров С. Экологик таълим-тарбиянинг методологик масалалари. Т., 1995.
7. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т., 1998.
8. Бердяев Н. Смысль истории. М.: «Наука», 1991.
9. Мустақиллик: илмий-оммабоп изоҳли луғат // Қ.Хоназаров., А.Жалолов таҳрири остида, Т., 1998.
10. Тойнби А. Постижение истории. М.: “Наука”, 1991.
11. Фалсафа. (маъруза матнлари). Т., 2000.
12. Фалсафа асослари. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
13. Чориев А. Инсон фалсафаси. Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2007.

Сўнги сўз

Азиз ўқувчи, ушбу илмий, ўқув-услубий қўлланмада Фалсафа фанининг тараққиёт босқичлари, унинг асосий мавзулари, назарий асослари, борлиқнинг инсон онгида акс этиши ва шу асосда инсоннинг дунёқараши, тафаккур маданиятини шакллантириши ва юксак поғонага қўтариши таъкидланади. Унда фалсафанинг азалий муаммоси бўлган инсон ва унинг камолоти, мустақиллик шароитида жамият тараққиёти қонунларини илмий билиш, жамиятни бошқариш, инсон ва инсоният жамиятининг келажаги ҳақидаги ўта мураккаб муаммолар тўғрисида сўз юритишга ҳаракат қилинди.

Мазкур қўлланмада истиқлол даврида мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, исоҳотлар ва маънавий соҳадаги янгиланиш жараёнлари ўз ифодасини топган. Қўлланмани тайёрлашда муаллиф мавзуларнинг илмий жиҳати билан бир қаторда асосий эътиборни масалаларнинг тушунарли бўлиши, содда ва раво тилда баён этилишига қаратди.

Инсоният маънавий бойликларининг дурдонаси ҳисобланган фалсафа барча фанлар учун йўл-йўриқ кўрсатувчи методологик фан эканлиги, унинг марказидаги муаммолар, ҳаётдан, амалиётдан ажралган мавҳум қоидалар эмас, балки ҳаётнинг ўзидан келиб чиққан, барчанинг диққатини ўзига тортадиган муаммолар эканлиги қўлланмада алоҳида уқтирилади.

Табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонунлари тўғрисидаги фан — фалсафа, ўзгармас, қотиб қолган догматик қоидалар йиғиндиси бўлмай, борлиқни ўзгариши билан унинг ўзи ҳам ўзгариши, борлиқ ҳақидаги фикрлар ўзгариб туришини англатувчи фан эканлиги айтилади. Шарқ фалсафаси хусусида ҳам тўхтаб ўтилди.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар фалсафада ҳам ўз аксини топаётганлиги, ҳаётнинг ўзи инсон учун катта фалсафа мактаби, ҳаётнинг ўзгариши билан фалсафадаги муаммоларда ҳам ўзгаришлар бўлишлиги таъкидланди.

Муҳтарам ўқувчи ушбу китобни мутолаа қилиш билан ўзи учун маълум наф, маънавий озуқа ололса, уни ўрганиш жараёнида келажакда фойда тегиши мумкин бўлган фикрларни эгаллаб олган бўлса, муаллиф ўз мақсадига эришган деб ҳисоблайди.

Ушбу қўлланма ҳақидаги Сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз, уни келажакда мукамаллаштиришга ёрдам беради.

Зарур қўлланма

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов бугунги янгиланиш, кенг қамровли ислохотлар даврида фалсафанинг беқиёс методологик роли ва аҳамиятини таъкидлар экан, “Фалсафа – барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам – медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъи назар – ҳаётнинг, ўз касбининг маъно-мазмунини яхши тушунмайди”, – дейди.

Ушбу фикрнинг янада тушунарли бўлиши учун “Дунёни англаш, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиш, Ер юзидаги турли халқлар ва миллатлар дунёқараши, ғояси, маслак-муддаоларини билиш учун ҳам фалсафа фанини кенг ва атрофлича ўрганиш даркор”, деб таъкидлайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, таниқли олим, заҳматкаш мураббий проф. А.Абдурахмонов томонидан тайёрланган “Фалсафа” номли ўқув-услубий қўлланма Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига тўла жавоб беради. Мазкур асар фалсафа фанини замон талаблари асосида ўқитишга қаратилганлиги билан характерлидир. Маълумки, собиқ марксча-ленинча фалсафа, унинг диалектик ва тарихий материализмидан сўнг янги авлодни қайси фалсафий қарашлар, фалсафанинг қай йўналишлари асосида тарбиялаш лозим, деган ўткир муаммо кун тартибига чиқди. Бу борада олий ва ўрта махсус таълим тизимида фалсафанинг турли вариантларига доир дастурлар таклиф этилди. Бироқ мазкур фанни ўқитиш амалиёти бу дастурларнинг ҳалигача мукамал эмаслигини, фалсафани ўқитишда турли ёндашувлар ва бу жараёнда номақбул оғишлар ҳам юзага келаётганини кўрсатди. Ҳатто айрим мутахассислар фалсафа ўрнига синергетика фанини ўқитишни ҳам таклиф этишди. Бу жараён ҳали ҳам давом этмоқда. Бизнингча фалсафа фани ўқув жараёнидаги самарадорлигини ошириш, унинг ижтимоий обрўини кўтариш учун фалсафий муаммолар тизимини ишлаб чиқиш зарур.

Проф. А.Абдурахмонов томонидан таклиф этилаётган ўқув-услубий қўлланма ушбу йўналишдаги қадамлардан биридир.

Анвар Қодиров, фалсафа фанлари доктори, Тошкент давлат юридик институти профессори

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
-----------------	---

I БЎЛИМ. ФАЛСАФА ТАРИХИ

1-мавзу: Фалсафа фани, унинг предмети ва жамиятдаги ўрни	8
2-мавзу: Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафаси	21
3-мавзу: Ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб фалсафаси	37
4-мавзу: Янги давр Европа фалсафаси	53
5-мавзу: XVI асрдан XX аср бошларигача Туркистонда ижтимоий фалсафий тафаккур	61
6-Мавзу: Ҳозирги замон фалсафаси ва унинг асосий оқимлари	70

II БЎЛИМ. ТАБИАТ ФАЛСАФАСИ

7-мавзу: Фалсафада метод муаммоси	78
8-мавзу: Олам ва одам. Фалсафий талқин	93
Табиат борлиғи	97
Инсон борлиғи (Жамият. Ижтимоий борлиқ)	99
Маънавий борлиқ	101
Фазо ва вақт	109
9-Мавзу: Ривожланиш ва ўзаро алоқадорликнинг умумий қонуниятлари. Фалсафий қонунлар	112
10-мавзу: Фалсафий категориялар	126
11-мавзу: Онг, унинг келиб чиқиши ва моҳияти	137
12-мавзу: Билиш фалсафаси	148
2. Билишнинг асосий босқичлари	156
3. Илмий билиш ва унинг усуллари	158

III БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ФАЛСАФАСИ

13-мавзу: Мафкура, унинг жамиятдаги ўрни. Марксизм фалсафасининг тарихий тақдири	169
14-мавзу: Истиқлол ва янгича фалсафий дунёқараш	176
Дунёқарашни янгилаш заруриятдир.	178
15-мавзу: Маданият фалсафаси. Ўзбекистоннинг цивилизациялашган тараққиёти	187
16- мавзу: Умумбашарий глобал муаммолар фалсафаси	194
Сўнгги сўз	203
Зарур қўлланма	205

ҚАЙДЛАР УЧУН

АБДУЛАЗИЗ АБДУРАҲМОНОВ

ФАЛСАФА

Муҳаррир:

Маъмура Содиқова

Техник муҳаррир:

Мадина Абдуллаева

Саҳифаловчи:

Файзулло Азизов

**Наманган Давлат университети ўқув-услубий кенгаши
тамонидан нашрга тавсия этилган**

Нашриёт рақами: з-033

Босишга рухсат этилди: 10.04.2009 й.

Босмахонага топширилди: 21.04.2009 й.

Бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$. Ҳисоб-нашриёт табоғи: 10.4.

Шартли босма табоғи: 13.0. Адади: 200 нусха.

32-буюртма.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти: 100170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

«Нур полиграф» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., З. Қобулов кўчаси, 19-уй.



Абдулазиз Абдурахмонов 1938 йил 1 январда Наманган шаҳрида туғилган. 1957 йилда 5-ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд Давлат университетининг тарих факультети талабаси бўлди. 1962 йили уни муваффақиятли тугатди.

1968 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Фалсафа ва ҳуқуқ» институтининг кундузги аспирантурасига ўқишга кириб, 1972 йилда академик И.Мўминов раҳбарлигида номзодлик, 1992 йилда эса академиклар М.М.Хайруллаев ва С.Ш.Шермуҳаммедовлар раҳбарлигида докторлик

диссертациясини ёқлади.

Проф. А.Абдурахмонов «Маданият ва тараққиёт» (Т., 1970), «Тараққиёт хусусида» (Т., 1972), «Маданият тараққиётидаги ворислик» (Т., 1973), «Фалсафа: амалий машғулотлар юзасидан тавсиялар» (Наманган-1999), «Дин ва сиёсат» (Наманган-2001) каби рисоалар, «Маданият тараққиётидаги ворислик диалектикаси» (Т.: «Фан», 1990) монографиясини ҳамда 100дан ортиқ илмий, илмий-публицистик мақолалар муаллифидир.

Кўп йиллик илмий-педагогик ва ёшлар тарбиясидаги фаолияти учун проф. А.Абдурахмоновга 1978 йилда ҳукумат ва 1993 йилда Президент «Фахрий Ёрлик»лари, 2000 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг «Устоз», НамДУнинг 2004 йил март ойидаги илмий кенгаши қарори билан «НамДУда хизмат кўрсатган профессор» унвонлари берилган.

Проф. А.Абдурахмонов қарийб 30 йил давомида Наманган Давлат университетининг «Фалсафа» кафедрасини бошқариб келди. Ҳозир ҳам шу даргоҳда ёшларга таълим бериб келмоқда.

ISBN 978-9943-09-806-0



9 789943 098060